

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси нашри

Ishonch

2023 йил
11 ноябрь
шанба
№ 135-142 (4894)

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

www.ishonch.uz

[@ishonch1991@yandex.uz](mailto:ishonch1991@yandex.uz)

<https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi>

<https://t.me/ishonchgz>

6 000 000

аъзога эга Ўзбекистон касаба уюшмалари

БИЗНИ

УЛУФ FOЯ –

ВАТАН

МАНФААТИ

БИРЛАШТИРАДИ

11

НОЯБРЬ –

Ўзбекистон касаба
уюшмалари куни



БИЗНИ УЛУФ ҒОЯ — ВАТАН

Аслида мавзу юзасидан сўзимни узундан-узоқ статистик маълумотлар билан бегаб, мулоҳазаларимни ҳам далиллар билан чиройли дастаклашим мумкин эди. Аммо гап ҳозир далил ва рақамларни жимжимадор қилиб, бир ипга тизиб чиқиш «санъати» ҳақида кетаётгани йўқ. Масаланинг моҳияти касба уюшмалари кейинги етти йилда қандай қилиб халқ ташкилотига айлангани ҳақидадир.

1

Рўйирост эътироф этиш керак, нодавлат ташкилоти бўлмиш касба уюшмаларининг «ўзгариши» Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган илк кунларга тўғри келади. Президентимизнинг халқ давлат учун эмас, давлат одамлар учун хизмат қилиши керак, деган инсонпарвар сиёсати мамлакатимиздаги нафақат давлат, балки жамоат ташкилотлари учун ҳам ўтли чақириқ бўлди. Айни талаб барчага ўз фаолиятини қайта кўриб чиқишни, «тепадан пастга тушишни» кун тартибидидаги асосий масала қилиб қўйди. Давлатимиз раҳбари бу борадаги қатъий қарорини миллий сиёсатимизда ҳеч қачон учрамаган сиёсий принцип орқали янада ойдинлаштирди: халқ билан ҳисоблашмайди, одамларга беписандлик билан қарайдиган тизим ва масъулларни очиқчасига «сиёсатимиз душмани» деб билишини эълон қилди.

Мен Ўзбекистон касба уюшмалари тизимидан Мустақилликнинг илк йилларида ҳам ишлаганман. У замонлар бу ташкилот ўз вазифаси нима эканини эсидан чиқариб юборган эди, десам, лофга йўлманг. Чунки тузум шундай эди. Давлатми, нодавлатми — ҳар қандай ташкилот ва муассаса борки, битта «устун» ғояга бўйсундирилганди. Бу оёғи лойга ботиб қолган аграр соҳани қўлгадан тортиш сиёсати эди. Уша кезлар қиладиган асосий ишимиз бириктирилган пахта пайкаларидаги ишларнинг бориши тўғрисида вилоят ёки республика штабига ахборот беришдан, ғалла мавсумини намунали ўтказишдан, яганга, ўтоққа, теримга аҳолини олиб чиқиш ва яна бошқа сиёсий оҳанги юқори бўлган тадбирларда номунага «жонбозлик» кўрсатишдан иборат саналарди. Тўғри, гоҳ-гоҳида ўзимизнинг асосий вазифамиз ҳам эса тушиб қолар, бундай пайтларда одатда ишчи-хизматчиларга сиҳатгоҳлар учун йўлланма тарқатибгина виждонимиз олдида ўзимизни оқлаб олгандай бўлардик. Очиғи, шу амалдан бўлак кўрсатадиган устун «кўрсаткичимиз» ҳам йўқ эди.

Ҳозирги ёшларга шу гапларни айтсанг, аксарияти ишонмайди. Айни дамда яшаётган ҳаётини ўз-ўзидан бўлиб қолгандек тушунишади улар. Аммо мажбурий меҳнат, болалар кучидан фойдаланиш, халққа қора меҳнат учун яратилган раиятга қарагандек қараш кайфияти ва сиёсатидан қутулиш, янаям аниқроғи, шу заҳматкаш миллатни қутқариб олишнинг ўзи бўлдики? Бунинг заҳматини кўрганлар билади, албатта.

Сўхбатимиз ташкилотимиз ҳақида эди. Шундай экан, келинг, мулоҳазаларимиз қамровини шу узанда олиб бора қолайлик. Ҳар нечук, ўз соҳаси ва қилаётган ишлари ҳақида гапириш кишига ўзгача шуқуқ бағишлайди. Айниқса, кўзга кўринарли ютуқлари кўп бўлса.

Бугунга келиб, сафига 6 миллионга яқин аъзони бирлаштирган мамлакатимиздаги энг йирик нодавлат ташкилот саналмиш касба уюшмалари «Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!» шиори остида Ватан равнақи ва жамиятимиз фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш борасида алоҳида намуна кўрсатаётган жамоат бирлашмасига айланди, деган фикримни бошқалар ҳам қўллаб-қувватлашига ишонаман.

Зеро, янги Бош Қомусимизда белгилаб қўйилганидек, мамлакатимизда ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат бўлмиш Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсатини амалга оширишда касба уюшмаларининг ҳам муносиб улуши борлигини ҳаммамиз кўриб ва билиб турибмиз. Биргина мисол келтираман: давлат янги тизимга, йўналишга ўтишида унинг ўзи бош ислохотчи бўлиши мумкин, аммо бу ўринда унга камарбаста бўладиган жамият — халқнинг ҳам ўрни беқиёсдир. Масалага шу жиҳатдан ёндашганда, касба уюшмалари фаолияти айни нуқтада янада ёрқинроқ кўринади. Яъни ташкилот ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни қўллаб-қувватлашни ўзининг асосий вазифаси деб билади.

Сўнгги йилларда ишчи-хизматчилар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро меҳнат

ҳуқуқи нормаларига жавоб берадиган иккита ҳужжатни бунга мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Биринчиси — янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси. Унинг 87 та моддасида меҳнат муносабатлари бевосита касба уюшмалари иштирокида тартибга солиниши, 131 та моддасида ходимлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар иш берувчи ва касба уюшмалари томонидан тасдиқланадиган жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларида қайд этилиши лозимлиги белгилаб қўйилди. Бу эса касба уюшмалари ходимлар ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда ўта муҳим роль ўйнашини англатади.

Шунингдек, ходимларга қўшимча имтиёз ва кафолатлар бериш бўйича касба уюшмалари томонидан киритилган 300 дан ортиқ тақлифлар янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида ўз ифодасини топди. Бу ҳам касба уюшмалари вакиллари мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган «Инсон қадри учун» ғоясини, қолаверса, юқорида эслатганимиздек, «ижтимоий давлат» таъминини амалга оширишда Миллатимиз Лидери олиб бораётган халқпарвар сиёсатга чинакам собиққадим эканликларидан далолатдир.

2

Ҳаммамиз жуда яхши эслаймиз, бизни кечаги кунгача дунё ҳамжамияти «ёпиқ давлат»лар сафида кўрсатар ва бу, ҳолисона айтганда, ҳақиқатдан кўп йироқ ҳам эмасди. Нафақат жамоат ташкилотлари ёки ижодий бирлашмалар, балки расмий идоралар ҳам халқаро алоқалар масаласида ўзларини аңча сипо тутишарди. Хорижга бориш-келиш, ҳатто кўшни давлатдаги турдош корхона билан алоқа ўрнатиш учун ҳам ўнлаб чиғириклардан ўтиш керак бўларди. Бугун ҳам шундайми? Асло йўқ! Ўзбекистон ташқи сиёсатда олиб бораётган кўп векторлик формати барча жаҳонларга ишонч билан татбиқ этилмоқда.

Бу борада мен ўз ташкилотимиз фаолиятдан мисол келтиришим мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистон касба уюшмалари хорижий мамлакатлардаги турдош ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини тобора ривожлантирмоқда. Шу тариқа юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий сиёсатни муносиб тарғиб қилиб, мамлакатимиз нуфузини жаҳон миқёсида тараннум этишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда жаҳон касба уюшмалари тизимига интеграция бўлишни устувор мақсад этиб белгиланган. Негаки, жаҳонга очилмас, дунёдаги илғор тажрибаларни ўзлаштирмас эканмиз, тараққиёт ҳақида уйлашимизнинг ўзи ортиқча.

Шу маънода, бу йил Федерация вакиллари Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ўтказилган 5 та тадбирда иштирок этишгани эзгу мақсад йўлидаги қадамлардан бири бўлди.

Халқаро Касба Уюшмалари Конфедерацияси (ХКУК) билан йўлга қўйилаётган ҳамкорлик замирида ҳам айнан шу ғоя мужассамлашган. Мазкур ташкилотнинг 2022 йил 17-22 ноябрь кунлари Мельбурнда ўтказилган навбатдаги V Халқаро Конгрессида вакилларимиз қатнашгани фаолиятимизга янги руҳ киритди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан 2021 йилда Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари Кенгаши тузилган бўлса, жорий йилда Туркий тилли давлатлар касба уюшмалари Кенгаши ташкил этилди.

Айни йўналишдаги саъй-ҳаракатлар шундан далолат берадики, ўтган даврда асл вазифаси четда қолиб, пахта ва ғалла далаларида назоратчилик қилган жамоат ташкилоти аста-секин халқ хизмати қайтмоқда. Бу мулоҳазани фалсафий ёки сиёсий атамаларсиз соддагина қилиб, қуйидагича изоҳлаш мумкин: касба уюшмалари ўз фаолияти билан халқ хоҳиш-иродасини ифода этмоқда. Бугун Марказий Осиё давлатларининг ўзаро яқинлашуви ёки Туркий давлатлар ташкилотининг халқаро сиёсат саҳнида пайдо бўлиши глобал сиёсатда ҳам, минтақавий мунозараларда ҳам ижобий баҳоланмоқда. Муҳими, халқларимиз мазкур лойиҳалардан улкан натижалар кутаётгани барчамизга яхши маълум. Албатта, биз бугунги мақолага мавзу қилиб геосиёсат ёки иқтисодни танламаганмиз. Юқоридаги мулоҳазаларни эса касба уюшмалари Федерацияси бир жамоат уюшмаси, нодавлат институт сифатида бугун олиб борилаётган сиёсатга қай тарзда мослашаётганини, эски қилипларни синдириб, халққа мададкор бўлишга астойдил интилаётганини асослаш учунгина билдирдик.

3

Президентимиз 2022 йил 11 ноябрь куни Ўзбекистон касба уюшмалари ходимлари ва аъзоларига йўллаган табригида «Ҳозирги кунда касба уюшмаларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Бунинг сабабини, энг аввало, ташкилотнинг халқ ичига чуқур кириб бораётгани, одамларнинг оғирини енгил қилиш, эл-юрт хизматига камарбаста бўлишни ўзининг устувор вазифаси сифатида белгилаб олганида, деб биламиз», деган эди.

Дарҳақиқат, бир асрдан ортиқ тарихга эга, қанчадан-қанча синовли, машаққатли йўللари босиб ўтган касба уюшмалари бугун том маънода халқ ташкилотига айланмоқда.

Фахр билан айтиш лозимки, ташкилотимиз, қолаверса, ишчи-хизматчилар манфаатлари кафолати сифатида кўрилатган икки муҳим ҳужжат — «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ҳамда Меҳнат кодексининг янги таҳрирда ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши 2023 йилги энг муҳим тарихий воқеалардан бўлди. Ҳаётимиз ва жамият фаровонлиги учун муҳим қонуний пойдеворлардан ҳисобланган бу ҳужжатларни тайёрлаш жараёнида касба уюшмалари мутахассислари фаол иштирок этишди. Албатта, бу барчамизга ғурур бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг аҳамияти ҳақида ҳам сал кенгроқ тўхталайлик. Қонунда касба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари янада кенгайтирилиб, янги нормалар киритилди. Унга кўра, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида 20 га яқин асос бўлувчи ҳукумат ҳужжатлари ва ходимнинг меҳнатини муҳофаза қилишга қаратилган 300 дан зиёд қоидалар ҳамда тармоқ ва ишлаб чиқариш йўналишларида банд бўлган ходимлар учун махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва яқка тартибдаги ҳимояланганининг бошқа



МАНФААТИ БИРЛАШТИРАДИ

НИГОХ



Кудратилла РАФИҚОВ,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари
Федерацияси раиси,
сенатор

воситаларини бепул беришнинг намунавий нормалари ишлаб чиқиши ва келишилишида иштирок этиши белгиланган 40 га яқин банд киритилди.

Мазкур ҳужжатлар самараси уларок, яъни меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича дастур доирасида ижтимоий шерикликда мақсадли ўрганишлар ва касаба уюшмаларининг жамоатчилик назорати ўтказилмоқда. Меҳнат муҳофазаси бўйича назорат-профилактика ишлари, хотин-қизларнинг меҳнат шароитлари, бахтсиз ҳодисалар ҳамда ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишлари, белгиланган зарар тўловлари ва зарар тўловларидан мавжуд қарздорлик, ходимлар тиббий кўриқдан ўтказилаётгани, иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жараҳатлаш хавфлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш ҳолати мониторинги тизимли йўлга қўйилган.

Иш жараёнида ходимлар хавфсизлиги энг муҳим масала саналади. Бинобарин, бу ўринда гап инсон тақдири ҳақида бормоқда. Шундай экан, бизда кўнгилсиз ҳолатлар учрамайди, десак, адолатсизлик қилган бўламиз. Фалокат оёқ остида, деганларидек, уйдан соппа-соғ чиқиб кетиб, меҳнат жараёнида бахтсиз ҳодисага рўбарў келиш ҳолатлари бор гап. Масалан, касаба уюшмаларига аъзо корхона, ташкилот ва муассасаларда жорий йил бошидан буён ишлаб чиқариш билан боғлиқ 128 та бахтсиз ҳодиса рўй бергани аниқланган.

Давомини суриштирсангиз, иш шароитларининг санитария-гигиена меъёрлари талабларига жавоб бермаслиги ҳам ходимларда касб касалликларига чалиниш ҳолатлари ортишига олиб келиши мумкинлиги тиббиёт томонидан исботланган. Аммо

уларнинг олдини олиш борасидаги ишлар барча ташкилот ёки корхонада бирдек қониқарли, деб бўлмайди.

Энг ёмони, шундай иш берувчилар ҳам учрамоқдаки, улар масалани қонуний ҳал қилиш ўрнига қинғир йўллари қидиришга, яъни ходимларда орттирилган касб касалликларини ёки рўй берган бахтсиз ҳодисаларни тан олмасликка ёки яширишга уринишади. Юқорида тилга олинган ҳуқуқий ҳужжатлар эса шунга ўхшаш адолатсизликларнинг олдини олиш учун қонуний асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, ўтган давр мобайнида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари томонидан 1235 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолияти ўрганилиб, 4339 та камчилик аниқланган. Иш берувчиларга 453 та тақдимнома киритилиб, шундан 2491 тасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилишига эришилган.

Меҳнатни муҳофазалаш соҳасида касаба уюшмалари аъзоларини ҳимоя қилиш мақсадида 28 марта судга мурожаат қилиниб, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш комиссиялари ишларида 39 марта, касб касалликларини текшириш ишларида 2 марта иштирок этилди.

Барчага бирдек аёни, ишлаётган одам рўзгорим бут бўлсин, бирим икки бўлсин, деган ниёт билан меҳнат қилади. Унинг бу ҳаракати, ўз касбига масъулият билан ёндашиши иш унумдорлигига ижобий таъсир ўтказиши. Шу маънода ишчи-ходимларга ҳақ тўлаш, уларнинг даромадларини ошириш масаласи ҳам бу борада асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Меҳнатга муносиб ҳақ тўланиши, унинг адолатли бўлишини таъминлаш масаласи ҳар доим касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам Бош жамоа келишувини, тармоқ ва ҳудудий жамоа келишувлари ҳамда жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларга муносиб ҳақ тўланишини таъминлашга қаратилган ишларни олиб бормоқда.

Жумладан, иш ҳақи ўз вақтида тўланиши, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори стандартларига риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида меҳнат органлари қошида иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш бўйича штаблар тузилган. Мазкур жамоатчилик тузилмалари ўтказган мониторинг ҳулосаларига қараганда, шу йилнинг 1 октябрь ҳолатига қўра, республика бўйича иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 396 миллиард 404 миллион сўмни ташкил этди.

Касаба уюшмалари саъй-ҳаракатлари билан суд, прокуратура, ҳокимият органлари, меҳнат инспекциясига қилинган 300 дан ортиқ мурожаатлар натижасида ишчи-хизматчиларнинг 24 миллиард сўмдан ортиқ ўз муддатида тўланмаган иш ҳақлари ундириб берилди.

Маош ҳақида гап кетганда, яна бир муҳим масала юзага қалқиб чиқади. Бу ишчиларнинг малакасига мос равишда хизмат ҳақи олиши масаласидир. Бугунга келиб, корхона, ташкилот ва муассасалар касаба уюшмалари томонидан ходимлар меҳнатига тўланаётган ҳақ уларнинг малакасига мувофиқлигини таъминлаш юзасидан назорат ўрнатилган. Чунончи, ўтган даврда 3104 та корхона, ташкилот ва

муассасада 279 минг 413 нафар ходимга тўланаётган иш ҳақи уларнинг малака даражасига қай даражада мувофиқлиги бўйича мониторинглар ўтказилди. Ўрганишлар натижасида 20 та ҳолатда 684 нафар ходимга иш ҳақи малака даражасидан паст тўлангани аниқланди ва уларнинг фойдасига 835 миллион 200 минг сўм тўлаб беришга эришилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 10 ойи давомида 5386 та корхона, ташкилот ва муассасада иш берувчилар томонидан кафолатланган энг кам иш ҳақи миқдорига риоя этилиши ҳолати юзасидан жамоатчилик назорати амалга оширилди. Мониторинг натижаларига кўра, 2 та корхона ва ташкилотда иш берувчилар томонидан кафолатланган энг кам иш ҳақи миқдорига риоя этилмаслиги ҳолатлари аниқланиб, иш берувчига тақдимнома киритилди.

4

Мен ҳеч иккиланмасдан «Аёллар дафтари»ни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бренд лойиҳаси, деган бўлардим. Чунки унга бугун дунёдаги кўплаб мамлакатлар иқтисодчилари, сиёсатчилар ва жамиятшунослар катта қизиқиш билан қарашмоқда ва унинг аллақачон юз кўрсатган натижаларини юксак баҳолашмоқда. Қолаверса, ушбу ижтимоий-иқтисодий «кашфиёт» миллий менталитет – халқимиз зеҳниятига тўла мос келгани, жамият фаровонлигини оилалар тимсолида кўргани билан нишонга аниқ урган эди.

Ҳақиқатан ҳам, бизда оиланинг тинчлиги ва фаровонлиги кўп жиҳатдан аёлларга бўлган эътиборга боғлиқ. Марҳум шоиримиз Абдулла Орипов бир шеърида «Уйда тинчи бўлсин йигитнинг» деганида иморатни эмас, айнан аёлларимиз тимсолини назарда тутган, деб ўйлайман. Нега десангиз, рўзгорнинг бутлиги, уйдаги файзу барака, фарзандлар тарбияси – барча-барчаси аёлларимизга кўрсатилаётган эътиборга боғлиқ.

Шу маънода, қатъий ишонч билан айтаманки, Президентимиз иш бошлаган илк кунлардан оқ, мамлакатимизда аёлларга эътибор тубдан узгарди. Уларни қўллаб-қувватлаш, зарур шароитлар яратиш бериш, таъбир жоиз бўлса, хотин-қизларимизни «тарихнинг қора кўланкаси»дан чароғон ҳаёт сари етаклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. «Аёллар дафтари» ва гендер аудит каби хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг жорий этилиши ҳам бу борада фундаментал қадам бўлди. Қувонарлиси, ушбу жараёнларда касаба уюшмалари турли ташаббуслар билан чиқиб, уларнинг ижросини таъминлашда ҳам бевосита иштирок этмоқда.

Масала ўта муҳимлигини эътиборга олиб, кўп минг сонли аҳил жамоамиз айна соҳада амалга ошираётган хайрли ишлар ҳақида батафсилроқ тўхталишни лозим топдим. Чунки ушбу лойиҳа доирасида бу йил ҳам диққатга молик ишлар қилинди.

Жумладан, таҳлиллар ва ўрганишлар натижасига кўра, «Аёллар дафтари»нинг тўртинчи босқичида рўйхатга олинган 1 миллион 775 нафар (95,4 фоиз) хотин-қизга амалий ёрдам берилди. Шундан 418 минг 209 нафарининг бандлиги, 46 минг 119 нафарининг кредит олиши таъминланиб, уларга ўз тадбиркорлигини бошлашида кўмаклашилди.

>>> 4



БИЗНИ УЛУҒ ҒОЯ — ВАТАН

<<< 3

Боқувчисини йўқотган 210 минг 359 нафар, ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, тезкор тиббий муолажага муҳтож 188 минг 278 нафар хотин-қизнинг ҳар бирига тегишли тартибда моддий ёрдам кўрсатилди.

3 минг 386 нафар аёлнинг уй-жой шароитларини яхшилаш чоралари кўрилди. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг 1 минг 227 нафари доимий бошпана билан таъминланди. Уларнинг 6 минг 966 нафарига тураржой ижара тўловининг бир қисмини қоплаш учун компенсация тўлаб берилди, 2 минг 384 нафари арзон уй-жойлар билан таъминланди, 468 нафар хотин-қиз ижтимоий уйларга жойлаштирилди. Қарамоғида ногирон фарзанди бўлган 4 минг 160 нафар аёлнинг томорқадан самарали фойдаланишига кўмаклашилди.

Албатта, гапни гапга боғлаб, бундай матнларни ёзиш унчалик мушкул иш эмас. Аммо ҳаётда қийналган, эртанги кундан умидини узган минглаб опа-сингилларимиз ва қизларимизнинг розилигини олишга замин яратган, кўпчиликни ҳайратга солган хайрли ишларни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Президентимиз айтиб ўтганида олиб бораётган миллатпарвар сиёсатга жамоамиз камарбаста бўлаётгани барчамизнинг кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшади.

5

Менимча, энди фаолиятимизнинг бошқа йўналишлари бўйича ҳам қисқача ахборот бериб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар ҳолда, байрамимиз оstonасида турибмиз.

Биласиз, касаба уюшмалари нафақат ишчи-хизматчилар, балки уларнинг фарзандлари камолини ўйлашни ҳам ўз зиммасига олган. Эртамиз эгалари, келажакимиз ворислари бўлган болалар учун доимий ғамхўрлик қилиб бориш биз учун аънамага айланган. Айниқса, жажжи фарзандларимиз учун ёзги таътил – муҳим палла. Уларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш доим устувор вазифамиз бўлган. Жорий йилги мавсумда ҳам асосий эътибор болалар ва ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя этиш ва албатта, уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариб, жисмонан ва руҳан чиниқишларига, саломатликларини мустаҳкамлашларига қаратилди.

Мавсум даврида 1 минг 118 та оромгоҳ фаолият кўрсатди ва уларда 331 минг 711 нафар бола соғломлаштирилди. Шундан 196 та стационар турдаги оромгоҳларда 157 минг 793 нафар ва 922 та соғломлаштириш майдончаларида 173 минг 918 нафар бола дам олдирилди.

Стационар турдаги оромгоҳларда 7 минг 686 нафардан зиёд Меҳрибонлик уйлари ва оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган ва меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг фарзандлари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, касаба уюшмалари, иш берувчилар, ҳомийлик маблағлари ҳисобидан оромгоҳларда бепул соғломлаштирилди.

Шунингдек, Халқаро ҳамкорлик дастурлари

доирасида тожикистонлик 50 нафар ўғил-қиз «Тоғул» оромгоҳида (Фарғона вилояти), қирғизистонлик 50 нафар бола «Тонг» оромгоҳида (Фарғона вилояти) ҳамда украиналик 45 нафар бола «Анор» оромгоҳида (Тошкент вилояти) бўлди.

Қорақалпоғистон Республикасидан 3 минг нафар ҳамда Хоразм вилоятидан 1 минг 500 нафар бола ўз ҳудудларининг энг намунали стационар турдаги оромгоҳларида бепул дам олди.

Болалар сифатли овқатланишлари, марокли дам олишлари ва вақтларини мазмунли ўтказишлари учун махсус таомнома ва дастурлар ишлаб чиқилди. Зарур витамин ва калорияли таомнома таркибини яратиш ва унинг сифатини халқаро стандартлар даражасига етказиш учун аутсорсинг тизими жорий қилинди. Бу қоида юртимиздаги барча оромгоҳларга тегишли бўлиб, у Федерация томонидан мувофиқлаштирилади.

Оромгоҳларда санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари қатъий назоратга олинди. Малакали тиббий хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини, санитария-гигиена талабларига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида 1 минг 279 нафар тиббиёт ходими, ҳудудий санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати мутахассислари оромгоҳларга бириктирилди.

Ҳар бир оромгоҳга «Тез тиббий ёрдам» машиниси ажратилиб, малакали тиббиёт ходимларининг туну кун навбатчилиги ташкил этилди. Таълим-тарбиявий ишларни олиб бориш мақсадида 3 минг 500 нафардан ортиқ малакали (етакчи, мусиқа раҳбари, спорт мураббийи, тўгарак раҳбари, кутубхоначи) педагоглар сўхатгоҳларга жалб қилинди.

Президентимизнинг 2022 йил 18 ноябрдаги «Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ниятида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари йўлланмалари нархининг бир қисмини қоплаш учун ижтимоий солиқ тушумидан 93 789 нафар болажоннинг дам олишлари учун 15 млрд. 475 млн. сўм маблаг ажратилди.

Булардан ташқари, фарзандларимиз орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, улар қалбида спортга муҳаббат уйғотиш борасида ҳам талай ишлар олиб борилмоқда. Айтайлик, бугунги кунда касаба уюшмалари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 660 нафардан зиёд болалар спортнинг турли йўналишлари билан шуғулланишмоқда. Федерация таъсисчилигида очилган Муз устида хоккей бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабига эса 32 нафар бола қатнамоқда. Федерация тасарруфидаги Ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабида оғир ҳамда енгил атлетика, юнон-рум кураши, қиличбозлик, бокс, параканоз ва академик эшак эшиш, байдарка ва каноэда, слаломда эшак эшиш бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. 24 нафар малакали ва тажрибали устоз 435 нафар ёш спортчини тарбиялаб, улар юксак марраларни забт этишига эришиб келмоқда. Кейинги йилларда шу масканда тарбияланган Акбар Жўраев, Турсуноӣ Жабборова, Рустам Жангабаев, Ригина Адашбаева, Анвар Клевлеев, Жамила Памфилова, Муҳаммадқодир Тоштемиров, Сухроб Хўжаев, Шехроз Ҳакимов, Даврон-

жон Давронов, Дилжон Худойбердиев, Алишер Турдиев, Шаҳризода Мавлонова, Нурисломо Тўхтасин ўғли, Луиза Исмоловаларнинг номи эндиликда спорт оламида машҳур.

Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида эшак эшиш йўналишида 14 та медаль қўлга киритилган бўлса, уларнинг учдан бир қисми Касаба уюшмалари спортчилари ҳиссасига тўғри келди. Салгина кейин ўтказилган IV параолимп ўйинларида эса пара-каноз бўйича мусобақаларда Азизбек Абдулҳабиров, Ирода Рустамова, Шаҳзода Мамадалиева, Ҳайитмурот Шерқўзиёв, Шаҳноза Мирзаева, Ҳасан Қўлдошев каби спортчиларимиз ғалаба қозониб, олтин медаллар шодасини қўлга киритишди.

Бу кўрсаткичлар қалбларимизга фахр-ифтихор бағишлаши билан бир қаторда, касаба уюшма спортчилари навбатдаги мусобақаларда ҳам юртимиз байроғини ҳали кўп бор юксакларга кўтаришига қатъий ишонч уйғотади.

6

Ҳозир Федерация тасарруфида 31 та сўхатгоҳ бўлиб, дам олувчиларни қамраш қуввати йилга 200 минг кишини ташкил этади. Жорий йилда уларда 180 минг нафардан зиёд дам олувчилар соғломлаштирилди. Шундан 58 минг нафари имтиёзли ва 3 минг нафари бепул йўлланмалар асосида саломатликларини тиклашди.

Тизимдаги санаторийлар эшиклари нафақат касаба уюшмалари аъзолари, балки дам олишни истаган барча фуқароларимиз учун очик. Шу билан бирга, дам олувчиларнинг алоҳида тартибга солинган контингенти ҳам бор. Масалан, бу йил тизимдаги санаторийларда амалдаги Низомга мувофиқ тасдиқланадиган режага асосан 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига юқори даражада шарт-шароитлар яратилиб, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 237 нафар фахрий ва уларнинг кузатувчилари соғломлаштирилди.

Шунингдек, Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари билан кўплаб хайрли ишлар адо этилди. Масалан, тизимдаги санаторийларда «Саховат» интернат уйлари ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида истиқомат қилувчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг 77 нафарига йўлланмалар берилган бўлса, ишловчи пенсионерларнинг 185 нафарига бепул ҳамда касаба уюшмалари аъзоларидан 6 минг 78 нафарининг ота-оналарига имтиёзли йўлланмалар ажратилди.

Шубҳасиз, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган соҳа ходимлари ҳам доимий эътиборимизда. Утган давр мобайнида Ички ишлар вазирлиги профилактика инспекторлари ва уларнинг оила аъзоларидан 200 нафари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, «Меҳрибонлик» уйлари, Болалар шахарчалари, оилавий болалар уйлари тарбиячиларидан 8 нафари, таълим ривожига муносиб ҳисса қўшган, давлат мукофотларига сазовор бўлган педагоглардан 2 500 нафари бепул йўлланмалар асосида тизимдаги санаторийларда дам олдирилди. Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида тизимдаги санаторийларда кам таъминланган, кўп болали оналар, тиббиёт соҳаси хо-



МАНФААТИ БИРЛАШТИРАДИ

НИГОХ

димлари ҳамда бeфaрзанд оилаларнинг ишлайдиган оила аъзолари учун акциялар ташкил этилиб, улардан 653 нафари соғлиғини бепул тиклади.

Санаторийларимиз нуфузига дахлдор яна бир гап. Сихатгоҳларимизда 2017 йилда 2360 нафар хорижий давлат фуқаролари соғломлаштирилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 9600 нафарга етиши кутилмоқда.

Тиббиёт турғун соҳа эмас. У кун сайин, соат сайин ўзгаради. Шу боис соҳага оид ва илгор тажрибага эга халқаро мутахассислар (улар 13-20 та ривожланган давлатдан ташриф буюришган) иштирокида илмий-амалий конференциялар ўтказиш аънамага айланмоқда. Бу борадаги яна бир янгилик шуки, жорий йилда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Жаҳон иқлим ва сув билан даволаш Федерациясига аъзо бўлди.

Турган гапки, бундай кенг қамровли ишларни амалга ошириш учун катта меҳнат ва бунёдкорлик талаб этилади. Чунки мамлакатимиз аҳоли ўсиши кўрсаткичлари бўйича дунёда етакчи ўринда туришини кўпчилигимиз яхши биламиз. Халқимизнинг бу борадаги эҳтиёжларини 30-40 йил муқаддам қурилган ва аксарияти ҳозирги замон талабларига жавоб бермайдиган муассасалар билан қондириш жуда қийин эди. Бу ўз-ўзидан янги сихатгоҳлар қуриши, эскиларини капитал таъмирлаш вазифасини олдимизга кўндаланг қилиб қўйди.

Гап айнан санатор-курортлар фаолиятини яхшилаш ҳақида кетар экан, мен шу тизимни узоқ йиллардан буён биладиган одам сифатида, кўрсатилаётган эътибор ва ёрдам учун биринчи галда муҳтарам Президентимизга алоҳида раҳмат айтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан. Сабаби, айнан у кишининг бевосита ёрдамлари ва кўрсатмалари билан беш-олти йил ичида юртимизда ўнлаб янги санаторийлар қад ростлади, кўплаб шу турдаги муассасалар таъмирланиб, замонавий тиббий ускуналар жихозланди. Қатор муассасаларда замонавий ва юқори технологик ташхис ва соғломлаштириш хизматлари – УТТ текшируви, кольпоскопия, 3 каналли ЭКГ аппаратлари жорий этилди. Натижада касалликларни эрта аниқлаш имкони пайдо бўлди. Озонотерапия, зарб-тўлқинли терапия, лимфодренаж, физиотерапевтик муолажалар ҳамда радонли, олтингургуртли, юқори минераллашган ҳамда концентрацияли йод-бромли минерал сувларни комплекс қўллаш соғломлаштириш хизматлари сифатини янада ошириш имконини яратди.

Президентимизнинг соҳага юксак эътибори, бу борада олиб борилаётган бунёдкорликлар ҳақида сўз кетаркан, жорий йилда фойдаланишга топширилган иккита сихатгоҳ ҳақида кенгроқ тўхталмоқчиман. Улардан бири Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида қад ростлаган «Севарсой»дир. Бу сихатгоҳ денгиз сатҳидан 1600 метр баландликда (Ғарбий Тяньшань тоғи ва Қоржонтовнинг пастки қисмида) ҳам қишки, ҳам ёзги тоғ-иқлимий курорт стандартига мос даражада барпо этилди. Умумий ҳудуди 6 гектар, 6 қаватли санаторийда барча қўлайликларга эга 68 та стандарт, 2 та люкс ва 8 та яримлюкс, тузли ғор ҳамда массаж хоналари, замонавий бассейн ва СПА комплекси, турли семинар ва тадбирлар ўтказиш учун замонавий конференц зали ҳам мавжуд.

Фахр билан тилга оладиган иккинчи объектимиз – «Сангардак» санаторийсидир. Бу иншоотни бунёд этиш учун уч йилдан ортиқ вақт сарфланди. Ҳозирча у танланган жойи ва архитектураси жиҳатидан энг мукамал санаторий бўлиб турибди.

Албатта, олис тоғ қишлоғида, одам қадами етиши қийин бўлган қоялар ёнбағрида жаҳон андазаларига мос замонавий санаторий қуриш айтишгагина осон. Лекин биз бу ишни уйдаладик ва ишонччи оқладик. Ҳисор тоғ тизмаларида унинг асрларга тенгдош чўққиларидан қолишмайдиган ўзига хос мўъжиза яратдик.

Денгиз сатҳидан қарийб бир ярим минг метр баландликда барпо этилган ушбу муҳташам иншоот 6,2 гектар ҳудудни эгаллаган ва 200 ўринга мўлжалланган. У ташхислаш ва даволаш, саломатликни тиклаш ва турли касалликлар олдини олишга хизмат қилувчи энг сўнгги русумдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар, юқори сифатли мебеллар билан жиҳозланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги 6 йилда Сурхондарё вилоятида олтингургуртли ва йод-бромли минерал сувга эга «Термиз марвариди» (220 ўринли), «Хўжайпоқ» (172 ўринли) ва «Сангардак» санаторий (200 ўринли)лари ишга туширилди. Шунинг баробарида 308 нафар янги иш ўрни яратилди.

Кези келганда, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида таълим олаётган талабаларимиз учун қуриб битказилган ётоқхона мажмуасини ҳам алоҳида тилга олиб ўтишимиз, чунки ёшларга эътибор Президентимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини эсда тутшимиз лозим.

Федерациямиз тизимларида қурилиш-таъмир-



лаш ишлари бугун ҳам тўхтагани йўқ. Йил давомида тасарруфимиздаги оромгоҳ ва сихатгоҳларда қайта таъмирлаш ишлари бажарилган бўлса, айни дамларда Яккасарой туманидаги спорт комплекси ҳудудига ёпиқ турдаги сузиш мажмуаси, Қуйи Чирчиқ туманидаги «Кўҳинур» санаторийси негизда анжуманлар зали, Сирдарё вилоятидаги «Янгиер» санаторийсида ёпиқ сузиш ҳавзаси қурилиши давом эттирилмоқда. Қорақалпоғистоннинг Бўзатов, Хоразм вилоятининг Хонқа, Наманган вилоятининг Чортоқ туманларида янги санаторийлар бунёд этилишига киришилган, бошқа ҳудудларда яна 14 та болалар оромгоҳи қурилиши мўлжалланаётгани амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари кўлами янада кенглигидан далолат беради.

7

Юқорида мен касба уюшмалари чин маънода халқнинг, ишчи-хизматчиларнинг таянчига айланган бораётгани ҳақидаги гапни бежиз айтмадим. Ходимларимиз, ростданам, мамлакат қонунчилигида қабул қилинаётган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланишида бевосита иштирок этишмоқда. Бундан мақсад меҳнаткашлар учун зарур ҳуқуқий муҳит ва муносиб турмуш шароити яратилишига эришишдир. Мана, эътибор қилинган, такрор бўлса ҳам айтаман, бу йил ҳам мутахассисларимиз 150 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларини кўриб чиқиб, таклифлар беришди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига соғлиқни сақлаш органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликнинг хабардорлигини оширишга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги, «Адвокатура тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги ва бошқа қонун лойиҳалари, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вазирлик ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари шулар жумласидандир.

Хўш, ходимларимизнинг бу сазой-ҳаракатлари аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ёки ҳуқуқларини ҳимоялашда қандай натижалар беради? Шу ўринда бир мисол келтираман. Мутахассисларимиз берган таклиф ва киритилган ўзгартиришларга қўра, эндиликда Соғлиқни сақлаш тизимлари фаолияти ҳақида жамоатчилик хабардорлигини ошириш мақсадида Халқ депутатлари кенгашларига ва фуқаролар йиғинига аҳоли бириктирилган туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари, оилавий поликлиникалар ва оилавий шифокорлик пунктлари раҳбарларининг профилактика кўрикларини ҳамда скрининг дастурларини амалга ошириш, фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини ва тўғри овқатланишни шакллантириш ҳолати, ижтимоий аҳамиятга эга касалликларнинг ҳамда атрофдагилар учун хавfli бўлган касалликларнинг тарқалиши, фуқаролар соғлиғига таъсир этувчи омиллар, шу жумладан, тегишли ҳудуднинг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги ахборотини эшитиш ваколати берилди.

Яхши ният, эзгу тилак, ширин орзу-умидлар кишига доимо қанот бағишлайди. Ўз сафига олти миллионга яқин аъзоларни бирлаштирган йирик жамоамиз билан яна бир йилни яқунлаш арафасида турибмиз.

Ўтаётган йил жонажон Ўзбекистонимизга синовлар билан бирга, катта ютуқларни ҳам туҳфа қилди. Халқимиз Миллатимиз Лидери Шавкат Мирзиёев бошчилигида ҳамда ўз бардош-матонати ва яратувчилик қудрати билан мамлакатимиз ва ҳамюртларимиз ҳаётига янги аруҳ бағишлайдиган, бир неча ўн йилларда ҳам амалга ошириб бўлмайдиган марраларни эгаллади. Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ошди, Янги Ўзбекистон номи дунё узра баралла жаранглай бошлади.

Бевосита давлатимиз раҳбари муаллифи бўлган бу улуг ғоялар ва тарихий ғалабалар қўлга киритилишида Сиз – азиз касба уюшмалари аъзоларининг ҳам муносиб улуши борлиги барчангиз сингари менинг ҳам қалбимни ғурурга тўлдирди. Лекин муваффақиятлар манзилга етганликни билдирмайди. Ҳаёт давом этар экан, биздан мудом ҳаракатда бўлишни тақозо этади. Демак, ҳали олдимизда турган ва қилиниши зарур бўлган ишларимиз жуда кўп. Улардан энг муҳимлари сифатида қуйидаги вазифаларни келтиришим мумкин:

– ташилотимизда аъзолар сафини кенгайтириш, ҳар бир корхона, муассасада, албатта, касба уюшмаси фаолият юритишига, шу тариқа жамиятимизда меҳнат қонунчилиги бузилиши ҳолатларининг олдини олишга, ҳаётимизда ижтимоий адолатни янада мустаҳкамлашга эришиш;

– «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида акс эттирилган «Аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт, ижтимоий ҳимоя тизимини ташиқил этиш» деган ғояни амалга оширишда касба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш;

– меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ қонунчилик ислохотларида ташаббускорликни ошириш, замонавий тенденциялар ва бу борадаги жаҳон қонунчилиги тажрибаларини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш;

– халқаро алоқаларни янада ривожлантириш, бугунгача қабул қилинган халқаро ҳужжат ва меморандумлар ижросини мониторинг қилиш ва таъминлаш;

– аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини муштаҳкамлаш йўлида соғломлаштириш масканлари ҳамда болалар оромгоҳлари фаолияти сифатини мунтазам ошириб бориш, янги ва замонавий муассасалар қуриш қўламини кенгайтириш;

– мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат, жумладан, «Аёллар дафтари» лойиҳаси ижросини самарали амалга ошириш.

Барчамиз англаб турибмизки, биз улуг давлат – Янги Ўзбекистонни барпо этишни ният қилганмиз. Бу ҳаммамиздан тинимсиз ҳаракатни, фидойиликни талаб этади. Биз эса, ўтаётган ҳар бир кунимиз ғурур ва ифтихорга тўла бўлишни истаймиз. Зеро, буюк тарих шундай яратилади.

Турли касб, эътиқод ёки маданиятга мансублигимиздан қатъи назар, бизни бугун битта улуг ғоя – ВАТАН МАНФААТИ бирлаштиради. Шундай экан, барчамиз учун азия бўлган ВАТАН ОМОН БУЛСИН!



Қорақалпоғистон
Республикаси

Бугун Ўзбекистон миллий ривожланишнинг янги даврига дадил қадам қўймоқда. Халқимизни рози қилиш йўлида Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган кенг қўламли ҳаракатлар ва ташаббуслар мамлакатимиз довуғини Янги Ўзбекистон номи билан бутун дунёга таратмоқда.

БУНДА ИНСОН ҚАДРИ МУЖАССАМ

Салмоқли ютуқларга эришишимиз эса, ислохотлаштириш жараёнлари назарий-концептуаллик ёндашув ва сиёсатнинг мазмун-моҳияти, жамиятимизни равожланишнинг янги даражасига етказадиган механизмлар, ижтимоий технологик асослар билан узвий боғлиқ, десак, муболаға бўлмайди. Бунга мисол тариқасида бугун Қорақалпоғистонда халқни рози қилиш мақсадида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини тилга олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳудудни ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишларга қўл урилаётганини ҳар бир қорақалпоғистонлик кўриб-билиб турибди.

Ёдингизда бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2020 йил 2 октябрдаги навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз «Бугун Қорақалпоғистонни обод ҳудудга айлантиришда ва халқ фаровонлигини таъминлашда қисқа вақтда кўп натижаларга эришидик, лекин давлат раҳбари сифатида менинг кўнглим тўлмаяпти. Биз «Янги Қорақалпоғистон» барпо этишимиз керак! Қорақалпоғистонни ривожлантириш бўйича бошланган ишлар 2-3 карра кўпайтириб давом эттирилиши керак», деган эди.

Бу даъват бизнинг қалбимизда келажакка қатъий ишонч, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотди. Халқимиз танлаган йўлимизда бирдам бўлишимиз, ўз вазифамизга виждонан ва сидқидилдан ёндашишимиз, изланиш ва ташаббускорликни, Ватан ва халқ манфаатларини юқори ўринга қўйишимиз билангина эзгу орзу-ниятларимизга эришишимиз мумкинлигини теран англаб етди.

Бизнингча, «Янгиланаётган Қорақалпоғистон» модели – бу бир яхлит жамият даражасида қўлланилаётган ва жорий этилаётган, эзгу мақсадларга эришиш билан боғлиқ фаолият ҳамда дастур сифатида юксак даражадаги ижтимоий-сиёсий технология десак, янглишмаймиз. Шу ўринда «Янги Қорақалпоғистон» стратегияси ижросига оид айрим маълумотларни келтириб ўтайлик.

Давлатимиз раҳбари ва ҳукуратимиз Қорақалпоғистонга тааллуқли 30 дан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилди. Сўнгги 6 йилда унга 1,2 млрд. долларга тенг хорижий инвестициялар киритилди. 5300 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Тадбиркорлар сони икки қисса кўпайиб, талай доимий иш ўринлари яратилди. 61 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қорақалпоғистонда бюджет маблағлари 2023 йилда 2017 йилгига нисбатан 4,5 баробарга ошди. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари 2,9

баробарга, шундан Соғлиқни сақлаш соҳасига берилганлари 4,1 баробарга, маданият соҳасига йўналтирилганлари 4 баробарга, спортга ажратилганлари 9,1 баробарга кўпайди.

Экспорт географиясини кенгайтириш, янги ташқи бозорларни бизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш юзасидан бажарилган ишлар эвазига бугунги кунда 240 тадан зиёд экспортёр корхоналар (2017 йилда улар 103 та эди) қарийб 40 та давлатга ўз маҳсулотларини етказиб бермоқда.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига мувофиқ, Қорақалпоғистонда 2018 йилдан ҳозиргача 149 та қишлоқ ва маҳаллада қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бунинг учун 1,9 трлн. сўм миқдорда маблағ сарфланди. 2017-2022 йилларда жами 118025 ўқувчи ўқийдиган билим даргоҳлари янгидан қурилди. 644 та умумтаълим мактаби 9,5 минг дона компьютер техникалари, 1606 комплект синф жиҳозлари билан таъминланди. Мактабгача таълим ташкилотлари сони 2017 йилда 317 та бўлган бўлса, 2023 йилга келиб 1606 тага етди. Бундан ташқари, Нукус шаҳрида 2018 йили Ибройим Юсупов номидаги ижод мактаби, 2019 йили Президент мактаби, опера мактаби, бурноғи йил «Ишга марҳамат» мономаркази, бултур «Ёшлар технопарки» фойдаланишга топширилди. Шу давр оралиғида 21,2 минг нафар кўмакка муҳтож қария ҳамда ногиронларга протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилиш техник воситалари олиб берилди.

Соғлиқни сақлаш муассасалари 2017 йилда жами қиймати 200 минг АҚШ долларига тенг 187 та тиббий жиҳоз билан таъминланган бўлса, 2018-2021 йилларда улар умумий нархи 11,4 млн. долларлик 2726 та, ўтган йили 400 минг АҚШ долларлик 256 та замонавий асбоб-ускуна билан жиҳозланди.

Кувонарлиси, Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қорақалпоқ диёрида «Оқ кема» болалар оромгоҳи барпо этилди. Айни кезлар Нукусда ҳам 250 ўринли шунақа оромгоҳ, Бўзатовда эса 200 ўринли замонавий санаторий қурилмоқда. Орол фожияси оқибатларини юмшатишга доир сазй-ҳаракатлар натижасида «Аёллар дафтари», «Темир дафтар» ва «Ёшлар дафтари»га киритил-



Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Қорақалпоғистон
кенгаши раиси,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

ган оилаларнинг 2430 нафар фарзандлари юртимизнинг бошқа ҳудудларидаги сўлим масканларда соғломлаштирилди.

Халқни рози қилиш учун бундай хайрли ишлар амалга оширилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарлигида фаолият юритаётган қўйи ташкилотларнинг ҳам ўз ўрни ва катта ҳиссаси бор. Жумладан, аҳолининг алоҳида эътибор, ғамхўрлик ва кўмакка муҳтож қатламни, моддий аҳволи оғир ва яшаш шароити ҳаминқадар оилаларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар муаммоларини ўрганиб, бартараф этиш, камбағалликни қисқартириш ишларида ваколатлари доирасида фаол қатнашиш уларнинг зиммасидаги долзарб вазифалардан саналади.

Масалага шу жиҳатдан ёндашсак, Қорақалпоғистонда «Аёллар дафтари» доирасида ҳам диққатга молик ишлар адо этилаётганининг гувоҳи бўламиз. Зеро, охириги тўрт йилда бу тизим орқали ҳудудда яшовчи хотин-қизларнинг 130 минг нафаридан ортиғига амалий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг муаммоларини ўрганиш, ҳал этиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга 219 млрд. 83 млн. сўм сарфланди. Чунончи, 53745 нафари ишга жойлаштирилгач, рўзғорига барака кирди. 2135 нафари томорқасидан унумли фойдаланиш имкониятига эга бўлди. 14930 нафарига тадбиркорлик билан шуғулланиши учун 131 млрд. 73 млн. 100 минг сўм кредит ажратилди. Қарамоғида ногирон фарзанди бўлган 7979 нафар эҳтиёжманд аёлга 9 млрд. 187 млн. 200 минг сўмлик ёрдамлар кўрсатилди. 471 нафарининг уй-жойи таъмирланди, 415 нафари янги уй-жойли бўлди. Бир қанчасига фарзандлари даволанишига, Ўзбекистон бўйлаб саёҳатда бўлишига кўмаклашилди, боқувчисини йўқотганлари моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланди ва ҳоказо.

Булар қуруқ рақамлар эмас. Уларнинг замирида инсон қадрли, қувончи ва ҳаётдан розилиги мужассамлашган. Бу айна ҳақиқат бўлиб, ижтимоий давлатимизнинг ёрқин тимсолини, Янги Ўзбекистоннинг бугуни ва келажagini ифодалайди. Модомики, шундай экан, касаба уюшмалари жонажон юртимиз ҳар бир жабҳада янги марраларни забт этишига муносиб улуш қўшиш учун ўз олдига қўйган мақсад-вазифалар ижросини таъминлашни оғишмай давом эттириши лозим. Бунинг учун барчамиз ўзаро кўмакдош ва елкадош бўлмоғимиз, гарданимиздаги масъулиятни чин дилдан ҳис этган ҳолда иш юритмоғимиз шарт!



Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

Ўзбекистон
Республикаси
Конституцияси,
73-модда.



МАҚСАДГА ҚАТЪИЯТ БИЛАН ЭРИШИЛАДИ



Қобилжон ҚИРГИЗАЛИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси ўринбосари –
Меҳнат инспекцияси бошлиғи

Ўтган давр мобайнида Меҳнат инспекцияси 700 та ташкилотда жамоатчилик назоратини ўтказиб, 3 минг 643 та мурожаатни ўрганиб чиқди. Натижада 8 минг 418 нафар шахснинг меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқи тикланди ҳамда иш берувчилардан ходимлар фойдасига 26 миллиард 114 миллион 264 минг сўм зарар пуллари ундирилди.

Юқорида келтирилган рақамлар шунчаки сонлар йиғиндиси эмас. Гап қанчадан-қанча инсонлар тақдирини, ноҳақ ишдан бўшатилгани ёки иш вақтида муаммога учрагани ҳақида кетмоқда. Ачинарлиси, шу т а қ д и р л а р орасида иш вақтида бахтсиз ҳодисага учраб, вафот этганлар ҳам бор.

Хоразмлик Жуманазар Рўзметов билан ҳам шундай ҳол рўй берди.

У «Боғот-Дон» акциядорлик жамиятида 14 йил фаолият юритган. Бу кичкина муддат эмас, албатта.

Аммо кунларнинг бирида катта кучланишдаги трансформаторни тозалаётган чоғи ток уриб, оламдан ўтди. II гуруҳ ногирони ҳисобланган турмуш ўртоғи беш нафар фарзанди билан бўзлаб қолаверди.

Текширув комиссиясининг хулосасига кўра, фожиа ишлаб чиқариш билан боғлиқ деб топилди. Бироқ «Боғот-Дон» АЖ ходимнинг оила аъзоларига ҳеч қандай компенсация тўлаб бермади.

Жуманазар Рўзметовнинг турмуш ўртоғи адолат излаб, дастлаб Боғот туман прокуратураси ва Адлия бўлимига бош уриб борди. Бироқ ҳадеганда амалий натижа бўлавермади. Югур-югур, сарсон-саргардонлиқдан сўнг, яъни орадан бир йил ўтиб, мазкур иш Меҳнат инспекциясига келиб тушди.

Зарур ҳужжатлар тўпланиб, «Боғот-Дон» АЖга мурожаат йўлланди. Аммо ташкилот раҳбарияти хо-

Фаолиятимиз бевосита меҳнат муносабатларида ходимларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат. Аммо ҳар доим ҳам бунинг уддасидан чиқа оляпмиз, деб айтолмаймиз. Бунинг ҳам субъектив, ҳам объектив сабаблари бор. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, аксарият ҳолларда иш берувчи отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди – чиқарган қарори асоссиз эканини минг йўл билан исботласангиз ҳам, ўзиникини маъқуллаб тураверади ва охир-оқибат, иш кўпинча судгача бориб етади.

димнинг оила аъзоларига компенсация тўлашдан бош тортди. «Отанг яхши, онанг яхши» қабилидаги ҳаракатлар наф бермагач, иш судга оширилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро суди марҳумнинг оила аъзоларига иш берувчидан бирйўла нафақа учун 137 миллион 360 минг сўм ҳамда 2020 йил 1 январдан 2023 йил 1 январгача 9 миллион 464 минг сўм ойма-ой тўланиши лозим бўлган зарар тўлови, жами 146 миллион 824 минг сўм ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

Буни қарангки, иш берувчи отдан тушса ҳам, эгардан тушмайдиганлар тоифасидан чиқиб қолди.

Савдо-саноат палатаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси туман судининг қароридан норози бўлиб, яъни «Боғот-Дон» акциядорлик жамияти манфаатларини кўзлаб, аввал вилоят судига апелляция, кейин

Олий судга инстанция шикоят кирирди. Ҳар икки ҳолатда ҳам дастлабки қарор ўз кучида қолдирилди. Шундан сўнггина «Боғот-Дон» АЖ марҳумнинг оила аъзоларига зарар пуллари тўлашга мажбур бўлди.

Яна бир мисол. Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли 3-сонли умумтаълим мактаби ўқитувчиси Зиёда Жўраева Гулистон шахрига малака ошириш учун кетаётган вақт бахтсиз ҳодисага учраб,

ҳаётдан кўз юмди.

Онаси Малика Раҳимова қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа ва зарар пуллари олиш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилоят кенгашига мурожаат йўллагач, меҳнат ҳуқуқ инспекторининг саъй-ҳаракати билан суғурта компаниясидан 277 миллион 624 минг сўм миқдорда бирйўла бериладиган нафақа ва зарар пуллари ундириб берилди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Албатта, Меҳнат инспекциясининг ходимлар манфаатларини тиклаш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш баробарида бошқа қатор муҳим вазифа ва бурчлари ҳам йўқ эмас. Хусусан, Меҳнат инспекцияси ҳар чорақда тасарруфдаги корхона

ва ташкилотларда назорат тадбирлари, тушунтириш ишлари олиб бормоқда. Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Темирйўлчилар ва транспорт курувчилари касаба уюшмасига аъзо 107 та ташкилотда ўтказилди. Ўрганишлар чоғида аниқланган камчиликлар юзасидан 81 та ташкилот раҳбарига тегишли кўрсатмалар киритилди. Аниқланган камчиликларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Иш берувчилар, масъул шахсларга ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишлар ва касб касалликларига чалинишни олдини олиш, ходимларнинг меҳнат муҳофазасига оид билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб бориш борасида тавсиялар берилиб, амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Кези келганда, хорижий ҳамкорликка катта аҳмият қаратиб, Халқаро меҳнат ташкилоти билан тажриба алмашайганимиз, тез-тез ўқув-семинарлар ташкил этаётганимизни таъкидлашни истардим.

Умуман олганда, фаолият тўғрисида соатлаб гапириш мумкин. Зотан, меҳнат муносабатларида тўла-тўқис адолатга эришишнинг имкони йўқ. Қаердадир муносиб шароит йўқ, яна қаердадир жамоа шартномаси бузилган ёки ходим вазифасига масъулият билан ёндашмаган. Хуллас, иш борки, камчилик топилади. Фаолиятимиз мобайнида бундай бахтсиз ҳодисаларга ҳам, айбини тан олмайдиган, ходимларнинг ҳаётига ачинмайдиган, уларнинг ҳаққини туя қилишдан уялмайдиган иш берувчиларга ҳам йўлиқпмиз. Шундай бўлса-да, ҳар қандай вазиятда меҳнаткашларни ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракатларимизни қатъий давом эттирамиз. Агар ўрганишларимиз давомида ходим ҳақ бўлиб чиқса, токи адолат тантана қилмагунча курашни давом эттирамиз. Бундан кўзланган мақсад битта – токи ҳар бир ходим ҳар қандай ҳолатда уни қўллайдиган ва ҳимоя қиладиган ташкилот борлигини ҳис қилиб турсин!

**ФУҚАРОЛИК
ИШЛАРИ БЎЙИЧА
БОҒОТ ТУМАНЛАРАРО СУДИ
МАРҲУМНИНГ ОИЛА АЪЗОЛА-
РИГА ИШ БЕРУВЧИДАН БИРЙЎЛА
НАФАҚА УЧУН 137 МИЛЛИОН 360
МИНГ СЎМ ҲАМДА 2020 ЙИЛ 1 ЯНВАР-
ДАН 2023 ЙИЛ 1 ЯНВАРГАЧА
9 МИЛЛИОН 464 МИНГ СЎМ ОЙМА-ОЙ
ТЎЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЗАРАР
ТЎЛОВИ, ЖАМИ 146 МИЛЛИОН
824 МИНГ СЎМ УНДИРИШ
ТЎҒРИСИДА ҚАРОР
ЧИҚАРДИ.**

Ўтган давр мобайнида Меҳнат инспекцияси 700 та ташкилотда жамоатчилик назоратини ўтказиб, 3 минг 643 та мурожаатни ўрганиб чиқди. Натижада 8 минг 418 нафар шахснинг меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқи тикланди ҳамда иш берувчилардан ходимлар фойдасига 26 миллиард 114 миллион 264 минг сўм зарар пуллари ундирилди.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг ва бўлинмаларининг тузилмасида касаба уюшмаларининг тегишли инспекторлари фаолият кўрсатадиган инспекциялар (бундан буён матнда касаба уюшмаларининг инспекциялари деб юритилади) тузилиши мумкин.

Касаба уюшмаларининг инспекцияси тўғрисидаги низом тегишли касаба уюшмаси ёки касаба уюшмалари бирлашмаси томонидан тасдиқланади.

«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонун, 44-модда.



ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА – УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

Албатта, инсон қадрини биз учун қандайдир мавҳум, баланд-парвоз тушунча эмас. Инсон қадрини деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечирishi, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Инсон қадрини улуғлаш, ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш, орзу-ниятларини рўйбга чиқариш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланди. Айтиш мумкинки, касба уюшмалари ҳам мана шу мақсад йўлида саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда.

Бу борада, айниқса, ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишларнинг салмоғи жуда катта. Бу ишларда бизга Президентимизнинг «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган адолатли ва халқчил тамойили дастуриламал бўлмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, меҳнаткашларнинг даромадини кўпайтириш, турмуш шароитини яхшилаш ва фаровонлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, тизимдаги санаторийларда тиббий хизматлар сифатини янада яхшилаш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, туризмни ривожлантириш йўлида тизимли ишлар бажарилди. Шулардан айримларини рақамлар мисолида таҳлил этсак.

Мисол учун, жорий йилнинг ўтган даврида 1 минг 982 нафар фуқаро меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарни эгаллаш учун ўқишга юборилди. 784 нафар ишсиз ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Нега айнан иш масаласидаги статистикага тўхталяпман? Чунки оиланинг тинч ва хотиржамлиги, фаровонлиги моддий таъминот билан боғлиқ. Демак, бирор бир касбни пухта эгаллаб, доимий иш билан банд бўлган шахс оиласини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қўрби етади.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш – давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Албатта, бунда болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг ўрни бекиёс.

Шу мақсадда Президентимизнинг тегишли қарори билан Федерация тизимида «Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармаси» ҳамда «Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштири-

менти» ташкил этилди.

Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида ёзги дам олиш мавсуми талафотларсиз, юқори савияда ўтди. Мавсум мобайнида 30 мингдан зиёд бола соғломлаштирилган бўлса, шундан 29 минг нафари тасарруфдаги оромгоҳлар ҳиссасига тўғри келди.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўланган 20 та ишга тиклаш, 2 та интизомий жазони бекор қилиш, 15 дан ортиқ иш ҳақини ундириш, 20 дан зиёд меҳнат қонунчилиги бўйича мурожаат кўриб чиқилди. Хусусан, ишга тиклаш борасидаги мурожаатларнинг 15 таси қаноатлантирилиб, қолган 5 тасига



меҳнат қонунчилиги доирасида жавоб берилди. Интизомий жазони бекор қилиш ҳақидаги 3 та мурожаат қаноатлантирилди. Иш ҳақини ундириш юзасидан 15 та ҳолат ижобий ҳал этилди. 3 тасига меҳнат қонунчилиги бўйича чора кўрилди. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларда 35 нафардан зиёд меҳнаткашнинг меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқи ҳимоя қилинди. Касба уюшма маблағлари ҳисобидан жорий йилнинг ўтган даврида 6 минг

хоним соғломлашган ташкилотлардан қўшимча равишда тушган талабномаларга асосан 1 минг 573 нафар хизматчи сиҳатгоҳларга юборилди. Бундан ташқари, Мактаб ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг қўшма қарорига биноан 50 нафар халқ таълими ходими бепул соғломлаштирилди.



Сайфулла АХМЕДОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси – Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари

сининг қўшма қарорига биноан 50 нафар халқ таълими ходими бепул соғломлаштирилди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган хизматчиларга касба уюшмаларининг афзалликларини тушунтириш ва тарғиб қилиш борасида олиб борилган ҳаракатлар ҳам ўзини оқлади. 2 минг 967 та корхона ва ташкилотнинг 818 минг 232 нафар ходими касба уюшмасига жалб этилган сўзимиз исботи.

Йилнинг ўтган даври мобайнида касба уюшмалари фаоллари иштирокида 927 та ўқув, тарғибот тадбирлари, семинар ва учрашувлар ташкил этилди. Ушбу йиғинлар чоғида бошланғич ташкилотларга амалий ва услубий ёрдамлар кўрсатилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган муҳим сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислохотлар, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган ғоя ва ташаббуслар, ўртага ташланаётган долзарб вазифа ва масалалардан келиб чиққан ҳолда, аввало, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга муносиб меҳнат шароити яратиш ва шу билан бир қаторда, меҳнат ва ўқув жамоаларида миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар, маданий-оммавий тадбирлар ҳамда спорт мусобақалари ташкил этиш, туризмни ривожлантириш каби долзарб вазифалар бундан кейинги фаолиятимизда ҳам асосий мақсад бўлиб қолади.

Фурсати туғилганда, яна бир бор таъкидлаб ўтишим лозимки, бугунги ислохотлар замирида бир нарса муҳим роль ўйнайди. У ҳам бўлса, юртимиз тинчлиги, мамлакат ижтимоий-иқтисодий равнақи, фуқароларимизнинг эртанги куни, моддий ва маънавий таъминоти, фарзандларимизнинг келажаги, уларнинг бахту

Ҳимояланган меҳнат – фаровонлик гарови

ВАЗИФА



Анваржон АБДУМУХТОРОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси ўринбосари,
Давлат муассасалари ва жамоат
хизмати ходимлари
касаба уюшмаси
Республика кенгаши раиси

Ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари бузилгани бўйича иш берувчиларга киритилган 51 та тақдимномадан 47 таси, судларга киритилган 14 та даъво аризадан 12 таси қаноатлантирилди. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судларга ходимлар ва бошқа ташкилотлар томонидан киритилган 40 тадан ортиқ даъво аризаларини кўриб чиқишда, яъни суд ишида Республика кенгаши ходимлари иштирок этиб, ходимларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига эришилди.

Марказий аппаратнинг Меҳнат инспекцияси томонидан ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати амалга оширилди. Жумладан, ўтказилган назорат давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида инспекторлар томонидан 140 дан ошиқ меҳнат қонунчилиги, меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва талабларига риоя этиш бўйича иш берувчиларга 39 та кўрсатма киритилди.

Ҳар йили тармоқ касаба уюшмаларига янги аъзолар жалб қилинмоқда. Шу йилнинг ўтган 9 ойи давомида 667 та янги корхона ва ташкилотда касаба уюшмаси тузилиб, уларда фаолият юритиб келаётган 24 минг 745 нафар ходим касаба уюшмаси ҳимоясига олинди.

Меҳнат муҳофазасини кучайтириш, бошланғич касаба уюшмалари раисларини янги меҳнат қонунчилигидан хабардор этиш доим эътиборда. Шу мақсадда малака ошириш институтида янги сайланган 30 нафар бошланғич касаба уюшмаларининг раислари учун ўқув курслари ташкил этилди.

Тармоқ тизимидаги барча вазирлик, давлат қўмиталари, мар-

Жойларда муносиб меҳнат ва шароитни таъминлашда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг ҳам ҳиссаси бор. Жорий йил бошидан ҳозирга қадар тизимда бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Ўтган давр мобайнида Республика кенгашига фуқаролардан келиб тушган 621 та мурожаат кўриб чиқилди. Ўрганиш натижасига кўра, 116 нафар шахснинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди.

казлар, компаниялар ва банклар раҳбарлари билан музокаралар олиб борилиб, уларнинг 2023 йилга мўлжалланган ўқув дастурларига «Халқаро меҳнат стандартларини татбиқ этиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш» масалаларига оид мавзулар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг янги Меҳнат кодекси қабул қилинганлиги муносабати билан қатор (35 та) давлат ва жамоат ташкилотлари билан Тармоқ жамоа келишувлари янгидан тузилди. Шунингдек, Давлат активларини ривожлантириш агентлиги билан жорий йилда илк марта Тармоқ жамоа келишуви имзоланди.

Шу йилнинг февраль-март-апрель ойларида вазирлик, қўмита,

тижорат банклари ҳамда жамоат ташкилотларидан иборат 3235 та юридик шахс билан жамоа шартномалари бажарилиши яқунларига бағишланган умумий анжуманлар ўтказилди. Уларда кекса авлод вакиллари, хотин-қизларни ҳамда ёшларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлашга, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Меҳнатга ҳақ тўлашда қонунчиликка риоя қилиш ва ишчи-ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумбаевчилар томеҳнатга н и н г м и қ - р и о я моа к е - ва ш а р т -

ларида белгиланган имтиёз ва кафолатларга риоя этилиши бўйича мониторинг тадбирлари ўтказилди.

Ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омилларидан холи бўлган, бехатар меҳнат шароитлари яратиб берилиши устидан касаба уюшмаларининг доимий жамоатчилик назорати ўрнатилиб, бу борада ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

ҲАР ЙИЛИ ТАРМОҚ КАСАБА УЮШМАЛАРИГА ЯНГИ АЪЗОЛАР ЖАЛБ ҚИЛИНМОҚДА. ШУ ЙИЛНИНГ ЎТГАН 9 ОЙИ ДАВОМИДА 667 ТА ЯНГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТДА КАСАБА УЮШМАСИ ТУЗИЛИБ, УЛАРДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ КЕЛАЁТГАН 24 МИНГ 745 НАФАР ХОДИМ КАСАБА УЮШМАСИ ҲИМОЯСИГА ОЛИНДИ.

Меҳнатни муҳофаза қилиш йўналиши бўйича 3235 та жамоа шартномасида кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишга 13 млрд. 228 млн. сўмга яқин маблағ сарфланди. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ҳамда билимларни синиш бўйича Низомлар ишлаб чиқилди ва ижрога қаратилди.

«Ўзбекистон бўйича саёҳат қил» шиори остида 900 нафардан зиёд ходим ва уларнинг оила аъзолари учун юртимизнинг тарихий шаҳарлари ва диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилди.

Турли байрам ва тантаналарда корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган, ўз касбининг фидойилари доим рағбатлантирилиб борилади. Ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож оилалар, жумладан, ногиронлиги бўлган хотин-қизлар ҳолидан хабар олинади.

Тармоқ келишувлари ва барча жамоа шартномаларига «Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бўлимининг киритилиши ёшларга кенг енгиллик ва имтиёزلарни яратмоқда. Тармоқдаги корхона, ташкилот ва муассасалар ёшлари орасида «Ёш чегарачилар», «Саломатлик сири» «Заковат» каби ёшларни ҳам жисмонан, ҳам ақлан чархлайдиган мусобақалар ўтказилди.

Хулоса қилиб айтганда, тармоқ касаба уюшмаси 410 минг нафардан зиёд ходимнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ва имтиёзларини белгилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муносабатларини оқилона ташкил этишда барча имкониятларни ишга солмоқда.

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ Йўналиши бўйича 3235 ТА ЖАМОА ШАРТНОМАСИДА Кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишга 13 млрд. 228 млн. сўмга яқин маблағ сарфланди. ШУНИНГДЕК, МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ бўйича ўқитиш ҳамда билимларни синиш бўйича низомлар ишлаб чиқилди ва ижрога қаратилди.

ладан, иш м о н и д а н ҳ а қ т ў л а ш - э н г к а м д о р и г а э т и л и ш и, ж а л и ш у в л а р и н о м а -



Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 42-моддасидан.

Ишонч уфқлари сари



Кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолисининг турмуш тарзи яхши томонга ўзгарди, ишлари юришиб, рўзгорига кут-баракка кирди. Бунда касабани уюшмаларининг ҳам ўрни ва ҳиссаси катта албатта. Президентимиз шуни назарда тутиб, «Эл азиз, инсон азиз» деган олижаноб ғояни юртимиздаги ҳар бир корхона ва ташкилотда қарор топтириш, меҳнатни фаровонлик ва бахт манбаига айлантириш кўп жиҳатдан касабани уюшмалари ва уларнинг самарали фаолиятига ҳам боғлиқдир», деган эди.

Меҳнат муносабатларини тўғри йўлга қўйишда, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилишда, улар учун зарур қулайликлар яратиб, имконияту имтиёзлар белгилашда Ўзбекистон авиация ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгаши ҳам фаол иштирок этмоқда. Натижада «Uzbekistan Airways», «Uzbekistan Airports» акциядорлик жамиятлари ва Гидрометеорология хизмати маркази («Ўзгидромет») тизимида талай ишлар амалга оширилди. Айниқса, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, жамоа шартномаларини такомиллаштириш орқали самарали натижаларга эришилди.

Бу йил ушбу уюшманинг Республика кенгаши ҳамда юқорида номлари тилга олинган ташкилотлар ўртасида тармоқ келишувлари имзоланди. Тармоқ касабани уюшмасига аъзо корхона-ташкилотлар ишчи-ходимлари жамоа-шартномавий муносабатлар билан тўлиқ қамраб олинди. Шунингдек, такомиллаштирилган янги меҳнат қонунчилигига кўра, янги жамоа шартномалари тузилди.

Истиқлол йиллари юртимизда бозор иқтисодиёти талабларига хос янги иқтисодий муносабатлар вужудга келди. Ўз-ўзидан, меҳнат муҳофазасининг уларга мос ҳуқуқий асослари яратилди. Қонунчилигимиздаги бундай ўзгаришларни пухта ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш учун эса турли тadbирлар ўтказиш

ҳам фойдадан холи бўлмайди. «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил», «Касаба уюшма қўмитасининг меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши комиссияси», «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этган энг яхши корхона», «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши ёш мутахассис» деб аталган танловлар айнан шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Тармоқ корхона ва ташкилотларида иш берувчилар билан баҳам-жиҳатликда ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича кўп ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, ҳозир тизимда юридик хизматларни такомиллаштириш ишлари давом эттириляпти. Барча жамоаларда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши назорат қилиб борилмоқда. Текширувлар жараёнида аниқланган хато-камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмоқда. Шунингдек, ҳар бир касабани уюшма қўмитаси қошида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазаси бўйича комиссиялар фаолият юритмоқда. Сўнгги тўққиз ойда 123 нафар ишчи-ходимнинг шикоят ва аризалари мутахассислар томонидан ўрганилиб, қонун асосида зарур чоралар кўрилди. Қолаверса, кўпмаънавий-маърифий тadbирлар уюштирилди. Тармоқдаги барча бошланғич ташкилотлар ўртасида «Энг яхши бошланғич ташкилот» ва «Энг яхши жамоа шартномаси» кўрик-танловлари юқори савияда ўтказилди. Спорт мусобақалари эса ходимларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришга туртки бўлди. Тармоқ бўлинмаларининг ёшлар етакчилари ўқув-машғулотларда қатнашдилар. Уюшма ҳисобидан маданий-оммавий тadbирларга 2,6 миллиард сўм, спорт мусобақаларига 931,4 миллион сўм йўналтирилди.

Тармоқнинг асосий вазифаларидан янги хорижий мамлакатлар билан ўзаро алоқаларни ривожлантириб боришдир. Чунки халқаро тажрибаларни ўрганиш, уларни тизимга босқичма-босқич жорий этиш ҳар томонлама фойда келтиради. Шунга кўра, Ўзбекистон авиация ходимлари касабани уюшмаси Республика кенгаши Транспортчилар халқаро федерацияси (ITF) ва Авиация ходимлари касабани уюшмалари халқаро бирлашмаси (МОП Авиа) аъзолигига қабул қилинган, Россия, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон авиация ходимлари касабани уюшмалари билан ҳамкорлик шартномалари тузилган.

Хуллас, бошқа жабҳаларда бўлганидек, бизнинг соҳада ҳам илоҳотлар изчил давом этмоқда. Тармоқ касабани уюшмаси ташкилотлари ишчи-ходимлар манфаатларини ишончли ҳимоя қилмоқда.


Улуғбек НАЗИРОВ,

Ўзбекистон авиация ходимлари касабани уюшмаси
Республика кенгаши раиси

ТАРМОҚ ИШЧИ-ХОДИМЛАРИ СОҒЛИҚЛАРИНИ ТИКЛАШИ ВА МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШИ УЧУН МУНТАЗАМ РАВИШДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИБ КЕЛИНАДИ. ШУНИНГ САМАРАСИ ЎЛАРОҚ, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИ ДАВОМИДА 750 НАФАР ХОДИМГА САНАТОРИЙ ВА ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИГА ЙЎЛЛАНМАЛАР БЕРИЛДИ. 905 НАФАР ХОДИМНИНГ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИ ДАМ ОЛИШ УЧУН БОЛАЛАР ОРОМҒОҲЛАРИГА ЮБОРИЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНING ТЕГИШЛИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «AIR MARACANDA», «UZBEKISTAN AIRWAYS» АЖ ҲАМДА БОШҚА ХУСУСИЙ АВИАКОРХОНАЛАРНИНГ 2 МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД ХОДИМИ ҲАМ КАСАБА УЮШМАЛАРИГА ҚАМРАБ ОЛИНДИ.

Иқтисодиётни аграр соҳасиз тасаввур этиб бўлмайди

ТАРАҚҚИЁТ



Сўз ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ва касаба уюшмаларининг обрўси ҳақида борар экан, сўнгги йилларда мазкур йўналишда кўплаб ишлар қилинаётганини алоҳида эътироф этишга тўғри келади.

Биринчидан, кўп йиллар давомида мамлакатимизга таъна тошлари отилишига сабаб бўлган омил – болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга буткул барҳам берилди.

Ҳали ёдимиздан кўтарилгани йўқ – куз фасли келиши билан ўқитувчилар, ўқувчилар, хуллас, кўзга кўринган борки, пахтага жўнатиларди. Шукур, бугун у кунлар ўтмишда қолди. Ҳозир пахта билан кластерлар шуғулланмоқда.

Ўрни келганда, кластерлар ҳақида икки оғиз сўз. Айни пайтда мамлакатимизда 134 та пахтачилик кластери фаолият юритяпти. Шундан 70 фоизи Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси аъзолигига қамраб олинган. Бугун нафақат пахтачилик, балки ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, балиқчилик каби йўналишларда ҳам кластерлар эътироф этишга лойиқ ишларни бажаришга улгурди.

Мухтасар айтганда, қишлоқ хўжалигида ер ва сув муносабатларини тартибга солиш, экин майдонларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион технологияларни жалб этиш бўйича ҳам кластерлар жонбозлик кўрсатаётир. Уларнинг саъй-ҳаракати билан аграр соҳа анча жонланди. Кўплаб одамлар доимий иш билан банд бўлди.

Энг муҳими, бу Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерацияси ўртасида Бош жамоа келишуви имзоланганидир. Ушбу ҳужжат тармоқ ва минтақавий келишувлар ҳамда корхоналарда жамоа шартномасини қабул қилиш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда асос вазифасини ўтаётир.

Жамоа шартномаси барча корхоналарда касб-кор принципи бўйича, мулк шакли ва бўйсунувидан қатъи назар, муқаррар тартибда тузилиши керак.

Сир эмас, бугун мамлакатимиз аҳолисининг қарийб олти миш фоизи аграр соҳага алоқадор. Инчунин, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг локомотиви ҳисобланади. Шу сабабли бошқа соҳалар сингари аграр соҳада ҳам ислохотлар жадаллашгандан жадаллашиб бораётир.

Табиики, қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқи, моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш – Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг бош вазифаси саналади.

Ҳозирда кенгаш 18 та вазирлик, кўмита, кластер ва уюшмалар билан ўзаро ҳамкорлик қилмоқда. Соҳага алоқадор беш мингдан ортиқ корхона ва ташкилотда жамоа шартномалари тузилишига эришилиб, аъзолар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш йўлида саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.

Хусусан, шу давр мобайнида ижтимоий шериклик механизми ҳисобланмиш тармоқ жамоа келишувлари шартларига биноан ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳақ-ҳуқуқлари, миллий ва халқаро меҳнат стандартлари ҳамда бошқа турли мавзуларда ўқув-семинарлар ўтказилди.

Биргина мисол. Жорий йилнинг май ойида «Соҳадаги расмий ва норасмий банд бўлган ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва уларни касаба уюшмасига жалб қилиш» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг малакали мутахассислари меҳнат қонунчилиги бўйича тушунтиришлар берди. Кўзланган мақсад эса аниқ: аввало ҳар бир ходимга ўз ҳақ-ҳуқуқи ва мажбуриятини тўлиқ англашти. Шундагина иш берувчи қўл остидаги хизматчилар билан ҳисоблашишга мажбур бўлади.

Соҳада олиб борилган мана шундай тадбирларга қарамай, таассуфки, айрим корхона ва ташкилотлар ўз ходимларининг иш ҳақини «туя» қилишдан тийилмаяпти. Бундай ҳолатга дуч келган ишчи, табиики, касаба уюшмалари остонасига бош уриб келади. Аслида, меҳнаткаш пешона тери билан топган маблағни бермасликка ҳеч кимнинг, ҳеч қайси ташкилотнинг ҳаққи йўқ. Бундай ҳолатлар бўйича Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашига мурожаат йўллаган биронта меҳнаткашнинг ҳақ-ҳуқуқи тикланмай қолмайди.



Рустам ХОЛМАТОВ,

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Жумладан, тармоқ касаба уюшмаси аъзоси Б.Қориевнинг меҳнатга лаёқатсиз даври учун тўланадиган нафақа пулларини ундириб беришни сўраб қилган мурожаати юзасидан 3 миллион сўм, Л.Атабаеванинг касб касаллигига чалиниб, меҳнат лаёқатининг 70 фоизини йўқотганлиги учун бир марта тўланиши лозим бўлган 18 миллион 681 минг сўм товон пули, иш вақтида бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган О.Саламовнинг яқинларига 10 миллион 770 минг сўм, меҳнат жараёнида тан жароҳати олган А.Эшпулатовга 20 миллион сўм миқдоридан товон пуллари тўлаб берилгани ҳам саъй-ҳаракатларимиз натижасидир.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мум-

*Кимки деҳқонлик айлади пеша,
Дағи нон бермак ўлди анга шиор.
Бўйла кимса улувви рифъатдин,
Одам ўлмаса, одамий худ бор.*

Алишер НАВОЙЙ

кин. Фаолиятимиз давомида ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўлида олиб борган ишларимиз анча салмоқли.

Меҳнат муносабатларида ҳақ-ҳуқуқ масаласи ҳақида сўз юритилар экан, йўлланаётган мурожаатларга тўхталмасликнинг иложи йўқ.

Шу вақт оралиғида жисмоний ва юридик шахслардан жами 6 минг 798 та мурожаат – шундан 3 минг 981 таси ёзма, 2 минг 649 таси оғзаки, 12 таси электрон почта ва 156 таси «Ишонч телефони» орқали келиб тушган. Ҳар бир мурожаатни бевосита масъул мутахассислар ўрганиб чиққан. Натижада, 4 минг 819 таси қаноатлантирилган, қолганлари тегишлилиги бўйича ижобий ҳал этилган.

Таассуфки, соҳада амалга оширилаётган ислохотларни ҳамма ҳам бирдек тушунавермайди. Масалан, баъзи бир корхоналарда ҳалигача ходимлар учун муносиб меҳнат шароити яратилмаётгани бизни қаттиқ хавотирга солади. Шунингдек, айрим туман, шаҳар кенгашлари меҳнат муҳофазаси, ишга тиклаш, иш ҳақини ундириш каби масалаларга жиддий ёндашмаяпти. Айрим ташкилотларда қонуний меҳнат шартномаси тузилмаяпти, аксинча, якка фуқаровий шартномалар билан кифояланиб қолиняпти.

Бироқ, бу вақтинчалик ҳолат. Зотан, ушбу камчиликларни тез фурсатларда бартараф этишга кучимиз, салоҳиятимиз, билимимиз етади.



БОР БЎЛИНГ, АЛОҚАЧИЛАР!

Мамлакатимизда янгиликлар ва ижтимоий тараққиёт давом этмоқда. Халқимизнинг турмуш шaroити, дунёқараши, ҳуқуқий маданияти ва савияси ўзгариб, фуқаролик фаолиги тобора ортмоқда. Демак, жараёнлар олдинга томон силжир экан, касба уюшмаларининг ходимларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишида ҳам юксалиш бўлиши керак.

Хўш, бу юксалишлар нимада кўринади? Жорий йил ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши фаолиятида қандай ўзгаришлар, силжишлар бўлди? Улар ишчи-ходимлар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатяптими?

Аввало таъкидлаб ўтишимиз лозимки, жорий йилнинг 30 апрель кунидан амалга киритилган янги тахрирдаги Меҳнат кодексининг тасдиқланиши билан бизнинг тармоқ ташкилотларида ҳам ходимлар фойдасига жиддий ўзгаришларга қўл урилди. Масалан, Меҳнат кодексининг 220-моддасига асосан, ишчиларга кўп йиллик меҳнат стажлари учун қўшимча таътил кунлари белгиланди. Шунингдек, иш берувчиларга малакали мутахассислар билан меҳнат шартномаси тузилганда уларнинг умумий меҳнат стажларини инобатга олган ҳолда иш ҳақи белгилаш ваколати берилди. Электр токи билан кўчада ишлайдиган – кабель хўжалиги ҳамда антенна мачта қурилмаларига хизмат кўрсатувчи ходимларнинг қишки ва ёзги мавсумдаги ойлик маошларига 20 фоиз миқдорда устама тўлаб берилиши шу пайтгача тармоқ ва ташкилотларнинг жамоа келишувларида акс этган эди. Эндиликда бу Меҳнат кодексига ҳам ўз ифодасини топди. Демак, эндиликда мазкур янгилик иқтисодидан қатъи назар, барча шу йўналишдаги ташкилотларнинг ходимлари ойлик маошига ижобий таъсир қилади.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, ташкилотларнинг даромадларини инобатга олиб, тариф сеткасининг разрядлари бўйича коэффициентларини юқориқ белгилаш масаласи ҳам ҳал этилди. Натижада, қатор йўналишларда 1-разряд коэффициентини олдин 1 бўлгани ҳолда, ҳозирда «Ўзбектелеком» АҚ тизимидаги филиалларда 1,66, «Ўзбекистон почтаси» АЖ тизимидаги филиалларда 1,086, АТ «Алоқабанк» бошқарув аппаратида 2-разряд бўйича 1,839 коэффициент қўлланиб келинмоқда. Натижада кафолатланган ойлик маошларининг ошишига эришилмоқда. Тизим ташкилотларимизда жамоа шартномаларининг бандлари ва ундаги имтиёзларнинг амалда қўлланилиши натижасида бир нафар ходимга касба уюшмалари томонидан кўрсатилаётган йиллик харажат олдинги йилларда 16-18 миллион сўмни ташкил этганино инобатга олсак, жорий йилнинг шу давригача ўртача 20 миллион сўмга етмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида катта ўзгаришлар бўлаётганини англатади.

Касба уюшмалари аъзолари со-

нини ошириб бориш ва норасмийдан расмий меҳнат муносабатларига ўтиш масалалари доимий фаолиятимиз мезонига айланган. Бу борада Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳам ҳамкорликдаги ишларимиз яхши самара бермоқда. Аввалига мазкур ташкилот томонидан уч кунлик ўқув-семинари ташкил этилиб, касба уюшмаси фаолиятига қизиқувчиларни, талабалар ва ташкилотларда ишлаётган 40 нафар тарғиботчиларни ўқитдик.

Ўтган давр мобайнида тарғиботчиларимиз ва жамоамиз, жойлардаги ходимларимиз билан ҳамкорликда ишлаганимиз натижасида сафимизга яна 30 га яқин ташкилот ва корхона қўшилиб, аъзолар сони 1500 нафарга кўпайди. Улар орасида Тошкент шаҳридаги «Express mail universal» МЧЖ, Жиззахдаги «Global optikal communication Uzbekistan» МЧЖ корхоналари бор. Мазкур хусусий корхоналарда нафақат ахборот технологиялари бўйича мутахассислар, балки етказиб бериш хизмати билан шуғулланувчилар ҳам жам бўлиб, тизимли, қулай, сифатли ва кенг қамровли хизмат кўрсатишни йўлга қўйишяпти. Яна йил охиригача уларнинг сони янада ошиши кутилмоқда.

Ўқувчида «Шу пайтгача мустақил ишлаган дастурчи ёки етказиб берувчиларнинг касба уюшмасига аъзо бўлиши унинг ўзига, иш берувчига нима бермоқда?» деган савол туғилиши мумкин. Албатта, аъзоликнинг ҳар томонлама фойдаси кўп. Аввало, ахборот технологиялари юртимизда шиддат билан ривожланаётганини инобатга олсак, бу соҳа билан шуғулланаётган ёшлар ҳам кўп. Айниқса, ахборот технологиялари йўналишида олий таълимни битириб чиқаятган ёшлар билан мулоқот қилганимизда шуни тушундикки, улар орасида «мен расмий ишлашим шарт эмас, ўзаро келишув асосида ишлаганимизда кўпроқ фойда оламан» деган тушунча бор. Тўғри, бу соҳа вақт, макон ва масофа танламайди. Аммо шу иш билан шуғулланувчи ҳам инсон, иссиқ жон. Эртага касал бўлиб қолиши, айрим сабабларга кўра маълум муддат иш фаолияти билан шуғуллана олмаслиги мумкин. Шундай пайтларда унинг иш берувчи билан расмий меҳнат шартномаси тузгани, касба уюшмасига аъзолиги ёрдам беради. Соғлиғини тиклаши учун маълум кун ишга чиқмаган бўлса-да, маблағсиз қолиб кетмайди. Ишидан ажралиб қолмайди.

Охириги пайтларда етказиб бериш хизмати бозори кенгайиб, сифатли хизмат билан бирга сифатсиз, ишончсиз хизмат кўрсатиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Масалан, бўлган воқеалардан бирини айтсам. Юртдошларимиздан бири интернет орқали топган

етказиб берувчини чақиради ва байрам арафасида оиласига байрам дастурхони учун ширинликлар буюртма қилади. Аммо бир соат ўтиб ҳам, икки соат ўтиб ҳам, 10 соатдан кейин ҳам буюртма манзилга етиб келмайди. Етказиб берувчининг телефони эса ўчирилган. Уни топиша олмайди.

Албатта, кўп бўлмаса-да, бундай ҳолатлар кузатилган. Шу боис почта етказмаларидан тортиб, ахборот технологияларига бўлган хизматлар ҳам халқимиз учун ишончли ва кафолатли бўлгани яхши.

Юқорида айтганимиз, Тошкентдаги «Express mail universal» МЧЖ каби бугунги бозор шароитидан келиб чиқиб, янги ташкил этилаётган ва тез кенгайиб бораётган хизмат кўрсатиш тизимини бирлаштирувчи фирмалар ана шу ишончлиликни таъминлайди. Қолаверса, хизмат кўрсатувчилар уларга бирлашиш орқали ўзлари учун доимий мижозга эга бўлади. Ходимларнинг бошини бириктирувчи фирма эса ҳар бир мижозга кўрсатилган хизмат ҳақидан кичик улуш олиб қолади, фойда кўради ва фаолиятини янада кенгайтиради. Энди мутахассисларнинг ўз ихтиёри билан бундай компанияларга келиб қўшилаётганига келсак, улар узлуксиз мижоз ва даромад топади. Шунингдек, ўзлари кўрсатган хизматга жавобгарлик ва масъулият ҳам борлигини чуқур англашади. Чунки компания базасида ходимнинг яшаш манзили, шахсини тасдиқловчи ҳужжатидан нусхалар ва бошқа барча керакли маълумотлар бўлади. У кимгадир нотўғри муомалада бўлса ёки сифатсиз хизмат кўрсатса, мижоз унинг устидан компанияга шикоят қилиши мумкин. Шу билан бирга, сўнгги пайтларда олиб бораётган тушунтиришларимиз, хусусан, ходимлар касба уюшмасига аъзо бўлишса, иш берувчи улар билан расмий меҳнат шартномаси тузишини, жамоа шартномаси деган ҳужжат бўлишини, унда ходим учун имтиёзлар, имкониятлар, ҳуқуқ ва бурчлар баён этилишини тушунтиряпмиз. Натижада кўпчилик ходимларда касба уюшмасига аъзолик истаги туғилмоқда. «Express mail universal» ташкил этилганида ҳам 11 нафар ходим касба уюшмасига аъзо бўлган бўлса, эндиликда расмий ишлашни тарғиб қилишимиз ортдан компанияга келиб бирлашаётган ахборот технологиялари мутахассислари сони ҳам, етказиб берувчилар ҳам кўпаймоқда. Ташкилотга бирлашган ишчилар эса касба уюшмасига ҳам аъзо бўлишмоқда. Ҳозирда мазкур МЧЖдаги аъзоларимиз сони 300 нафарга етди.

Тизимдаги ҳар бир ташкилотда жамоа шартномалари мав-



Асрор ЭШОНХҲАЕВ,
Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси

жуд бўлиб, улар қонун ҳужжатларига мувофиқлиги бўйича экспертизадан ўтказилган. Ҳозирги кунда комиссия томонидан 220га яқин жамоа шартномаларига тегишли хулоса берилиб, улар белгиланган тартибда рўйхатга олинди. Жамоа шартномаларини кузатар эканмиз, уларда қатор ижобий жиҳатлар акс этаётганига амин бўламиз. Масалан, 2015 йилда тизим ташкилотларимизда саёҳатчилар сони 5000 нафарни ташкил этган бўлса, 2023 йилда жамоа шартномалари асосида саёҳатга жалб қилинганлар сони 20 минг нафарга етди. Аксарият тизим ташкилотларимизда бошланғич касба уюшмалари қўмиталари ойлик маошига қўшимча устамалар олса, айримларида улар учун алоқачилар штатлар ташкил этилган. Масалан, «Ўзбектелеком» АҚнинг 34 та филиали бўлиб, биргина Тошкент шаҳар телефон тармоғида қўмита штати касба уюшмаси томонидан молиялаштирилади. Қолган филиалларда касба уюшма қўмитаси раисига 50 фоиз ташкилот томонидан, 50 фоизи эса касба уюшмаси бюджетидан молиялаштирилмоқда. Бу ходимларнинг ўз йўналишида малакали иш олиб боришларига, соҳага кенгроқ ва чуқурроқ ихтисослашишларига замин бўлмоқда.

Ҳар йили 7 май – Алоқачилар куни сифатида нишонлаб келинади. Аммо бу йил ушбу байрам бошқача расмий тус олди. Чунки шу куни давлат раҳбаримиз юртимиз алоқа тизимида ишлаётган барча ишчи-ходимларга ўзининг табригини йўллади. Бундан соҳада меҳнат қилаётганларнинг руҳияти кўтарилиб, олдиларига янги-янги мақсадларни қўйишига туртки бўлди. Сўзимиз ниҳоясида айтмоқчи бўлганимиз шуки, юртимизда рақамли технологияларни ривожлантиришдек катта ва кенг кўламли ишлар турибди. Бугун тиғиз бир даврда яшайпмизки, бунда узоғимизни яқин, минглаб километрлик масофаларни ҳам аҳамиятсиз қилаётган алоқачилар, ахборот технологиялари мутахассисига эҳтиёж катта.

Шундай экан, бор бўлинг, алоқачилар! Келажагимиз учун сизнинг ақлу салоҳиятингиз, билим ва маҳоратингиз ўта муҳим аҳамиятга эга.

ҲАММАСИ ҲАРАКАТГА БОҒЛИҚ

Кимё ва фармацевтика соҳаларида меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ходимлар ва оила аъзоларининг ишдан бўш вақтларида мароқли дам олишлари йўлида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда эса ижтимоий шериклар – «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти ҳамда «Ўзфармсаноат» ассоциацияси билан тузилган тармоқ жамоа келишувлари дастуриламал бўляпти.

Ушбу ҳужжатда асосий эътиборни ходимлар, ёлғиз кексалар, кўп болали, кам даромадли, ёш, шунингдек, ёрдамга муҳтож оилалар, ишловчи ногиронларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, уларнинг соғлиғини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратиб, тегишли тадбирларни белгилаб олганмиз.

Корхоналар томонидан фахрийлар ва ёши улуғ инсонларга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси оширилиб, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан таъминландилар.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида иш берувчилар ва касба уюшма баҳамжihatлиги кучайтирилган. Ёш мутахассисларнинг меҳнат жараёнида кўникма ҳосил қилишлари ва малакаларини ошириб боришларини таъминлашда эса корхона, ташкилот ва муассасаларда «Устоз-шогирд» тизими жорий этилиб, доимий равишда жамоатчилик назорати олиб борилляпти. Самарали ишлаётган устозлар рағбатлантирилмоқда.

Маданият, спорт ва туризмни ривожлантириш йўналишида жорий йил давомида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Касба уюшмалари ва иш берувчилар томонидан байрамлар арафасидаги дам олиш кунларида ишчи-ҳодимларга республиканинг тарихий шаҳарлари ва ўз ҳудудларидаги зиёратгоҳларга саёҳатлар уюштирилляпти.

Корхоналар томонидан меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касба уюшма аъзоларининг маънавиятини юксалтириш, уларни оммавий тарзда жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, туризмни ривожлантиришда фаол иштирок этиш, соғломлаштириш йўналишларида самарали ишлар олиб борилляпти. Мустақиллигимизнинг 32 йиллигига бағишлаб тармоқ тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар жамоалари ўртасида спортнинг мини-футбол тури бўйича уч босқичда «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида ўтказилган мусобақадда «Қи-

зилқум фосфорит комплекси» МЧЖ жамоаси зафар кучди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, иссиқлик ва электр энергиясидан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланадиган барча корхоналар иштирок этган «Электр энергияси ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича энг яхши бошланғич касба уюшма ташкилоти» кўрик-танловида «Максам-Чирчиқ» АЖ касба уюшма кўмитаси биринчи, «Навойазот» касба уюшма кўмитаси иккинчи ҳамда «Аммофос-Максам» ва «Деҳқонобод калий заводи» АЖ касба уюшма кўмиталари учинчи ўринга лойиқ деб топилди, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда ходимларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, кучли билимга эга ходимларни қўл-



Нигора АЛИМЖОНОВА,
Кимё ва фармацевтика саноати
ҳодимлари касба уюшмаси
Республика кенгаши раиси

лиши натижасида 111 та янги ташкилот 2296 нафар аъзоси билан ҳимояга олинди.

Жисмоний ва юридик шахслардан 9 та ёзма, 42 та оғзаки мурожаат тушди. Уларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, Республика кенгашининг аралашуви билан ғайриқонуний ишдан бўшатилиши кутилаётган ходимларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Фуқароларга меҳнат муносабатларига оид масалаларда бепул ҳуқуқий хизмат кўрсатилмоқда. Республика кенгашининг «Ишонч телефони» орқали келиб тушган мурожаатларнинг барчаси бўйича амалдаги қонунчилик асосида тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Тармоқ касба уюшмасида ходимларнинг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги билим ва кўникмаларини янада оширишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилляпти. Тармоқ тизимига янги қабул қилинган корхоналарнинг меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллари ҳамда бухгалтерлар учун ўқув-семинарлар ташкил этилляпти.


Шароит талаб даражасида бўлиб, иш жойи меҳнат муҳофазаси бўйича меъёрларга мос келсагина ходим хотиржам фаолият юритади. Корхона ва ташкилотларда ишчи-ҳодимларга зарарли ишлаб чиқариш омилларидан холи, бехатар меҳнат шароитлари яратиб берилиши устидан касба уюшмасининг доимий жамоатчилик назорати ўрнатилган бўлиб, бу йўналишда 900 нафарга яқин сайланган меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакиллар фаолият олиб боришляпти.

Чет давлатлар турдош касба уюшмалари ташкилотлари билан алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда тажриба алмашиш кўламини кенгайтириш мақсадидаги фаол ҳаракатлар ҳам ўз самарасини бераёттир. Жумладан, жорий йилнинг майида Республика кенгаши делегацияси Туркияда бўлиб, Туркия нефть, кимё ва резина саноати ходимлари касба уюшмаси «PETROL-İŞ» билан икки томонлама алоқаларни йўлга қўйиш ва ўзаро тажриба алмашиш мақсадида «Дўстлик ва ҳамкорлик келишуви»ни имзолади.

Олдимизга қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда бор куч, иқтидор ва билимимизни ишга солиб, кўзланган марраларни забт этишимиз мумкин. Меҳнатимиз самарасини эса ходимлар розилиги белгилайди.

Тармоқ касба уюшмасида ходимларнинг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги билим ва кўникмаларини янада оширишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилляпти. Тармоқ тизимига янги қабул қилинган корхоналарнинг меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллари ҳамда бухгалтерлар учун ўқув-семинарлар ташкил этилляпти.

Тараққиёт замонини қору бори кимёдандир,
Табиат сирларининг ошқори кимёдандир.
Агар этса турур физика илмидан замон аҳли,
Замона аҳлининг бир ифтихори кимёдандир.
Ғафур Ғулломнинг «Кимё мушоираси» шеъридан



Мамлакатимизда металлургия ва автомобилсозлик соҳаси тез суръатларда ривожланмоқда. Худудларда янги заводлар қад ростламоқда. Айниқса, автомобилсозликда амалга ошириляётган ишлар таҳсинга лойиқ. Бу билан нафақат аҳолининг автомобилларга бўлган талаби қондириляпти, балки янги иш ўринлари ҳам яратиляпти. Меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш эса биз, касаба уюшмалари учун бирламчи вазифа бўлиб қолмоқда.

АЪЗОЛАР МАНФААТИ – БОШ МЕЗОН

Авваламбор, янги ташкил этиляётган корхона ва ташкилотларни касаба уюшмаси хизматига қабул қилиш, кенг жамоатчилик ва аҳоли орасида касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Саъй-ҳаракатларимиз натижасида жорий йил бошида бошланғич ташкилотларимиз 243 тага етиб, аъзолар сони 80867 нафарни ташкил этмоқда.

Иил бошидан шу даврга қадар тизимдаги корхона ва ташкилотларда 120 дан зиёд учрашув ҳамда семинарлар ўтказилди. Уларда 3 мингга яқин касаба уюшма аъзолари, фаоллари ва иш берувчилар қатнашди.

Тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги кадрлар ва фаолларни ўқитишни тизимли йўлга қўйганимиз ҳам ўз натижасини бермоқда. Ўқув курсларини битирганлар билан доимий алоқада бўлиб, фаолияти жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда уларга қўмаклашиб бораёмиз.

«Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида бошланғич ташкилотларимиз фаол иштирок этиб келмоқда. Кўрик-танловнинг барча босқичлари юқори савияда ва уюшқоқлик билан ўтказиляпти. Иштирокчилар фаолияти ҳаққоний ва холис баҳоланиб, улар муносиб тақдирланмоқда.

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш берувчилар билан ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, касаба уюшмаси сафларини кенгайтириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида маданий-маърифий ҳамда спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкил қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан касаба уюшмаларининг таъсирчан жамоатчилик назоратини ташкил қилиш, унинг шакл ва услубларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чоралари кўриляпти.

Вилоятлардаги корхона, ташкилот, муассасаларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, шунингдек, жамоа шартномалари ва келишувларига риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назорати ўтказиб келинмоқда.

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича фаолият юритувчи тармоқ комиссияларини шакллантириш, касаба уюшмалари органлари мавжуд бўлган барча бўғинларда ҳудудий-тармоқ келишувларини тузиш амалиётини тиклаш юзасидан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши доимий назоратимизда.

Республика кенгаши ҳамда «Ўзавтосаноат» АЖ ва «Ўз-элтехсаноат» уюшмаси ўртасида 2 та тармоқ келишуви имзоланган. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига мослаштирилган тармоқ жамоа келишувига ходимлар манфаати йўлида қатор имтиёзлар киритилишига эришилди ва ижроси таъминланиши устидан мониторинг ўрнатилди.

Бундан ташқари, тармоқ жамоа келишувларини меъёрий жиҳатдан мустаҳкамлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриб борилмоқда. Хусусан, шу йилнинг март-май ойларида барча ижтимоий шерикларнинг ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялари иштирокида семинар ўтказилди.

Тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларда тузилган жамоа шартномаларида ходимлар учун қўшимча имтиёз ва



Аҳмаджон ҲАҚҚУЛОВ,
Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

кафолатлар қўламини ошириш чоралари кўрилиб, бугунги кунда 243 та корхона ва ташкилотдаги жамоа шартномалари орқали 70106 нафардан зиёд ходимга қонунчиликда белгиланганига нисбатан юқорида имтиёз ва кафолатлар татбиқ этиб келинмоқда.

Ҳар йили тармоқда жамоа шартномалари бажарилиши яқунларига бағишланган меҳнат жамоаларининг умумий йиғилишлари ўтказилиб, уларда юқори касаба уюшма вакиллари иштирок этиши йўлга қўйилган. Иш берувчилар томонидан ходимларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори стандартларига риоя этилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатишда ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига 31 минг 548 нафар ходим меҳнат қилаётган 119 та ташкилотда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига риоя этилиши ўрганилди. Бу жараёнда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланмагани ишлар тизимли йўлга қўйилганидан далолатдир.

Шу ўринда корхоналарда ходимлар, уларнинг оила аъзолари, пенсионерларга ижтимоий ҳимоянинг махсус чоралари қўланиб келинаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бир сўз билан айтганда, аъзолар ишончини оқлаш фаолиятимизнинг бош мезонига айланган.



ДОИМО ОМОН БЎЛИНГ, ШИФОКОРЛАР!



Фарход ХАНАПИЯЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси Республика
кенгаши раиси

Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўз аъзоларининг манфаатларини ифода этган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти каби ташкилотлар билан жамоа келишувлари тузишга эришган. Шунингдек, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси билан ҳам ҳудудий тармоқ жамоа келишувлари, барча бошланғич ташкилотларимиз томонидан ижтимоий шериклар тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар иш берувчилари билан жамоа шартномалари тузилган.

Тан олиш керакки, яқин-яқинларгача келишув ва шартномаларда ходимларнинг иш ҳақини, моддий манфаатдорлигини ошириш билан

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси 857 мингдан зиёд аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда.

иш ҳақи тўлаш юзасидан қатор фойдали келишувларга эришилди. Ҳозирги кунда тунги навбатчилик жорий этилган муассасаларда ходимларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди.

Бу йил тармоқ жамоа келишувига ходимлар манфаатини кўзловчи жуда кўп фойдали бандлар киритилди. Масалан, амалдаги Меҳнат кодексига байрам кунлари ва иш вақтидан ташқари ишланганлик учун 2 ҳисса ҳақ тўланиши кафолатланган бўлса, келишув орқали бундай ҳолатларда ходимларга 2,5 ҳисса ҳақ тўланиши белгилаб қўйилди. Тунги вақтларда ишланганлик учун қонунда 1,5 ҳисса ҳақ тўланиши белгиланган бўлса, келишув орқали 2 ҳисса ҳақ тўлашга келишиб олинди.

Тузилган янги келишувларга кўра, иш вақтида соғлиқни зарар этган ҳолатларда ходим-

ларга тўланадиган бир марталик тўлов миқдори ҳамда иш жараёнида вафот этган ходимларга тўланадиган компенсациялар миқдори оширилди.

Ижтимоий шериклар билан имзоланган тармоқ жамоа келишувига ҳамда жамоа шартномаларига ходимлар манфаатларини оширувчи бандлар киритилиши туфайли ходимларга сарфланган маблағлар ҳажми йил сайин ошмоқда. Масалан, 2019 йилда Республикада тармоқ касаба уюшмаси бўйича жамоа шартномаларининг янги бандларини қўллаш орқали ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 4 миллион 660 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2022 йилда бу маблағ ўртача 7 миллион 900 минг сўмга етди.

Ўтган йили тармоқ касаба уюшмаси меҳнат инспекцияси томонидан қатор корхона ва ташкилотларда меҳнат қонун-

чилигига риоя этилиши устидан 731 та жамоатчилик назорати ўтказилди. Бу ўрганишлар натижасида жами 109 минг 921 нафар ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари аниқланди. Ходимлардан келиб тушган мурожаатлар ўрганилиб, 11 566 нафар ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланди. Натижада, иш берувчиларга тақдимнома ва кўрсатма хатлари киритилди.

Тармоқ касаба уюшмаси меҳнат инспекцияси томонидан ўтган йилда 121487 нафар ишчи-ходимнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниб, улар фойдасига 23 млрд. 537 млн. сўмдан зиёд маблағ ундириб берилди.

Меҳнат инспекцияси томонидан жамоатчилик назорати тартибида корхона ва ташкилотларда ўрганишлар ўтказилиб, ходимларнинг манфаатлари тикланишига ва улар фойдасига тегишли маблағлар ундириб берилишига эришилмоқда.

Ўтган давр давомида халқаро алоқалар ҳам ривожлантирилди. Жорий йилнинг март ойида Тошкент шаҳрида хизмат кўрсатиш соҳалари касаба уюшмаларининг глобал уюшмаси – Жамоат хизмати Интернационали (Public Service International – PSI)нинг Европа Федерацияси (European Public Service Union – EPSU)га аъзо касаба уюшмаларининг минтақавий учрашуви, Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Кенгашининг таъсис



боғлиқ масалаларни киритиш мушкул эди. Сўнги йилларда вазирлик билан олиб борилган музокаралар натижасида тунги навбатчилик, байрам ва ишланмайдиган кунларга оширилган

йиғилиши, Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси Шарқий Европа ва Марказий сектори (ХМТ, АКТРАВ) ҳамкорлигида Хива шаҳрида Тожикистон ва Қозоғистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари иштирокида меҳнат муҳофазасига бағишланган семинар ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси бундан буён ҳам кенг кўламли ислохотларни қўллаб-қувватлаб, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида бор куч ва имкониятларини ишга солади!

ТИББИЁТ

Инсон дардига дармон бўлмоқ –
олижанобликнинг энг юксак намунасидир.
Абу Али ибн Сино

ТАДБИРКОР КЎПАЙСА, ХАЛҚ БОЙИЙДИ

Бугунги кунда одамларни бой қилиш орқали юртимизни фаровон ва ривожланган давлатга айлантириш учун тадбиркорларга жуда катта имконият ва имтиёзлар берилмоқда. Бундан унумли фойдаланганлар ўз бизнесини бошлаб, ҳақиқий ишбилармонга айланмоқдалар. Уларнинг фаоллиги бандликни таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Ўтган давр мобайнида 292 та корхонада 510 нафар кишига пенсияга чиқишидан олдин бирйўла моддий ёрдам бериш ва барчасини қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш мақсадида жами 256 миллион 825 минг сўм, 313 та корхонада 497 нафар ходимга юбилей санаси муносабати билан 204 миллион сўм сарфланди. 740 та корхонада 2334 нафар кам таъминланган ёш оилага 870 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Жойлардаги 250 дан зиёд бошланғич касаба уюшма ташкилотига амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, мамлакатимизда янги очилаётган нодавлат корхоналарда бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларини тузиш бўйича олиб борилган ишлар натижасида жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 793 та нодавлат сектордаги корхона касаба уюшмасига жалб этилди. 491 та бошланғич ҳамда 302 та цех ташкилоти тузилиб, уларда меҳнат қилаётган 29 минг 919 нафар ишчи-ходим маси аъзолигига қабул қилинди.



Улуғбек МУҲАМЕДОВ,

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

либ, 300 мингдан зиёд касаба уюшма аъзосининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатлари ушбу локал ҳужжат орқали ҳимоя қилинмоқда. Уларнинг ҳар бири турли саналар муносабати билан рағбатлантирилмоқда. Масалан, ўтган давр мобайнида 292 та корхонада 510 нафар кишига пенсияга чиқишидан олдин бирйўла моддий ёрдам бериш ва барчасини қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш мақсадида жами 256 миллион 825 минг сўм, 313 та корхонада 497 нафар ходимга юбилей санаси муносабати билан 204 миллион сўм сарфланди. 740 та корхонада 2334 нафар кам таъминланган ёш оилага 870 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Биз меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишида ҳам салмоқли натижаларга эришяпмиз. Масалан, йил давомида пойтахтимиз ва Сирдарё вилоятидаги Сергели, Учтепа, Юнусобод, Гулистон, Сирдарё, Ширин, Янгиер туманлари, Гулистон ва Янгиер шаҳарларининг ободонлаштириш бошқармалари, «Ҳамроҳ савдо», «Саида барака», «Tus buygo», «Сирдарёсувтаъминот», «Фортуна Текстиль», «Сирдарё Принт», «Беҳрўз нур барака» масъуляти чекланган жамиятлари, «Каримов Обиджон», «Буғдой-нон» хусусий корхоналарида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар, қонуности ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талаблари ва бахтсиз ҳодисалар, касб касалликларининг олдини олиш бўйича белгиланган мажбурият ва вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ўрганишлар олиб борилди ҳамда аниқланган камчиликлар бартараф этилди.

Зеро, битта кичик бизнес эгаси камида беш кишини ишли қилиши мумкин. Ўша ходимларнинг самарали фаолият юритишлари эса кўп жиҳатдан меҳнатга доир ҳақ-ҳуқуқлари нечоғли ҳимоя қилинаётгани ва яратилган иш шароитлари қай даражада эканига боғлиқ. Бунда Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ҳам муносиб улуши бор.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг устав талаблари асосида тармоқ касаба уюшмасида уч марта Ижроия қўмита йиғилиши ўтказилди. Уларда Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси ҳамда тизимдаги бошланғич ташкилотлар томонидан меҳнат қонунчилиги талаблари бажарилиши, жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан барча ҳудудларда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилган ишлар муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди. Хусусан, Қашқадарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларида иш берувчи ва уюшма ўртасида имзоланган жамоа шартномаларига қанчалик риоя қилинаётгани ўрганилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди. Қонуности ҳужжатларини юритиш юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Тизимнинг туман (шаҳар), вилоят ва республика кенгаши аппаратидаги вакант иш ўринлари, шунингдек, раҳбарлик лавозимларига кадрлар захираси таҳлил қилиниб, меҳнат жамоаси таркибига салоҳиятли етук ёшлар, аёллар вакилларини жалб қилиш юзасидан тегишли чоралар белгилаб олинди ва ижроси таъминланди. Натижада меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий ҳимоя бўлимларига иқтидорли ва малакали кадрлар ишга қабул қилинди.

Касаба уюшмаси кадрлари ҳамда фаолларининг билим ва тажрибаларини оширишга жиддий эътибор қаратилди. Тасдиқланган жадвалга асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги жами 50 нафар янги сайланган бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси ҳамда ҳисобчилари учун ўқув-семинарлар ташкил этилди.

А й н и йўналишдаги ишлар таҳлил қилинса, йил бошида жами бошланғич ташкилотлар 2706 та, цех ташкилотлари 1723 та, аъзолар 294460 нафар бўлгани, 2023 йилнинг 1 октябрь ҳолатига эса тизимда 2844 та бошланғич ва 1870 та цех ташкилоти тузилгани, аъзолар сони 342885 нафарга етгани аёнлашади.

Табиийки, аъзоларнинг ижтимоий ҳимояси фаолиятимизнинг бош омили бўлмоғи даркор. Шу жиҳатдан қараганда, бу борадаги ишларимиз ҳам чакки эмас. Келинг, сўзимизнинг исботи сифатида айрим рақамларга эътибор қаратайлик. Ҳозир 3534 та юридик шахс мақомидаги корхона, ташкилот ва муассасада жамоа шартномаси қабул қилинган бў-

Жойлардаги 250 дан зиёд бошланғич касаба уюшма ташкилотига амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, мамлакатимизда янги очилаётган нодавлат корхоналарда бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларини тузиш бўйича олиб борилган ишлар натижасида жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 793 та нодавлат сектордаги корхона касаба уюшмасига жалб этилди. 491 та бошланғич ҳамда 302 та цех ташкилоти тузилиб, уларда меҳнат қилаётган 29 минг 919 нафар ишчи-ходим касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.



Азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир.

Амир ТЕМУР

**Равшан БЕДИЛОВ,**

Таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси Республика
кенгаши раиси

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши соҳа ходимларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, халқаро алоқаларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу жараёнларда халқаро таълим касаба уюшмалари билан ўзаро тажриба алмашиляпти.

Халқаро таълим касаба уюшмалари Европа қўмитаси (ETUCE) директори Сьюзен Флокен бу йил 11-16 сентябрь кунлари Халқаро меҳнат ташкилотининг 2024 йилги конференциясига тайёргарликнинг бориши ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида мамлакатимизда бўлди. Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, 1977 йилда тузилган ETUCE ўз сафига 51 та давлатдаги 132 та таълим касаба уюшмасини бирлаштирувчи халқаро ташкилот ҳисобланади. Бугунги кунда унинг 11 миллион нафардан зиёд аъзоси бор. Таркиби таълимнинг барча даражаларидаги – мактабгача, бошланғич, умумий ва ўрта таълим, касб-ҳунар таълими, олий таълим ва илмий-тадқиқот соҳаларидаги ўқитувчилар ва бошқа таълим ходимларининг миллий уюшмаларидан иборатдир.

2010 йил ноябридаги навбатдан ташқари конференцияда янги Европа тузилмаси тасдиқланди. Натижада ETUCE Education International (EI) таркибига ҳудудий бўлинма сифатида кирди. Ҳозирги вақтда у ETUCE Education International (EI)нинг Европа ҳамда Марказий Осиёдаги минтақавий тузилмаси мақомига эга.

2014 йил 22 октябрда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон Осиё – Тинч океани минтақасидан Европа минтақасига ўтказилди. 2017 йили Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ETUCEнинг тўлақонли аъзолигига қабул қилинди.

ETUCE тармоқ касаба уюшмаси билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор

Жорий йилнинг 11 сентябрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси биносида ташкил этилган онлайн видеоалоқа тизими орқали барча ҳудудлардаги таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси фаоллари билан мулоқот ўтказилди. Унда Сьюзен Флокен ETUCEнинг мақсад-вазифалари, бугунги фаолияти, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси билан ҳамкорлик муҳимлиги тўғрисида сўз юритди. Шунингдек, иштирокчиларнинг саволларига батафсил жавоб берди. Тадбирдан кейин Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институти нодавлат таълим ташкилоти ва Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейи билан танишди. Иккала илмий-маданий муассасада мавжуд шароит ва имкониятларни кўриб, уларнинг фаолиятини юқори баҳолади.

Сьюзен Флокен хоним эртаси куни Федерация раҳбарияти билан меҳнаткашларнинг, хусусан, педагогларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш учун касаба уюшмаси томонидан амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар хусусида суҳбатлашди. Ўзи ушбу соҳа ходимлари манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тилга олган масалаларга мезбонларнинг муносабатлари ва жавобларини тинглади. Ўзбекистонда Президентимиз бошчилигида халқаро даражага ва замон талабларига мос инсон капиталини шакллантирадиган таълим йўлга қўйилганини, бунда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини, педагоглар ҳурмат-эътиборда эканлигини мамнуният ила қайд этди.

Тушдан сўнг меҳмон Учтепа туманидаги 340-мактабгача таълим ташкилоти ходимлари ва Юнусобод туманидаги 96-мактаб педагоглари билан учрашди. Ушбу муассасалар иш берувчилари ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари ходимлар учун яратилган имкониятлар, жамоа шартномаси ижроси педагогларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда асосий восита бўлаётгани тўғрисида сўзлаб беришди.

Сьюзен хоним педагоглар ўз касбидан фахрланишларини, давлат таълимга қаратаётган эътибордан мамнун эканликларини кўриб, аҳил ва юқори салоҳиятли меҳнат жамоалари ёш авлодга таълим-тарбия беришда юқори натижаларни забт этишига тилакдошлик билдирди. У Мактабгача ва мактаб таълими ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари раҳбариятлари билан ҳам учрашди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг ижтимоий шериги саналган вазирликлар вакиллари тармоқ келишувларига асосан касаба уюшмаси аъзо-

ларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда меҳнат муҳофазаси борасида ҳамкорликда олиб борилаётган фаолиятга муносабат билдириб, тармоқ касаба уюшмасининг роли ва ўрни ҳақида ижобий фикрларини баён этишди. Сьюзен хоним эса Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш, ўқитувчи ва мураббийлар нуфузини ошириш давлат сиёсатининг муҳим бўғинларидан бирига айланганини алоҳида ўқитиб ўтди.

Ташрифнинг кейинги кунлари қўҳна Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида Ўзбекистоннинг илмий-маданий тарихи билан танишиш, замонавий таълим муассасалари, таълим жараёнларини кузатиш билан давом этди. Меҳмон Бухоро давлат университети, шу шаҳардаги 23-ихтисослаштирилган мактаб раҳбарлари ҳамда касаба уюшма қўмитаси раислари, шунингдек, жамоа аъзолари билан суҳбатлашди. Мавжуд шарт-шароит ва имкониятларни ўрганиб, ўз фикр-мулоҳазаларини бошқалар билан бирга баҳам кўрди. Барча учрашувларда таълим ходимлари хорижий тилларда бемалол гаплашаётганидан, таржимонга ҳожат қолмаганидан хурсанд бўлди. Ташрифи якунида Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислохотлар изчил давом эттирилаётгани ҳар томонлама яхши самара бераётганини яна бир карра эътироф этиб, ETUCE келгусида тармоқ касаба уюшмаси билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлигини айтди.

Албатта, беш кун давомида муайян тизимдаги ислохотларни тўла-тўқис ўрганиш, тармоқ касаба уюшмаси билан тажриба алмашиш, Учинчи Ренессанс остонасидаги Янги Ўзбекистоннинг илмий-маданий тарихи билан бафуржа танишиш амримаҳол. Шу боис Сьюзен хоним келгуси йилда юртимизга таркиби кенгроқ делегация билан келишга сўз берди.



Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари бошқа мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, халқаро ва бошқа касаба уюшмалари бирлашмаларига, ташкилотларига аъзо бўлиш ҳуқуқига эга.

«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 36-моддасидан.



Қутлимурот СОБИРОВ,
Темирйўлчилар ва транспорт
қурувчилари касаба уюшмаси
Республика кенгаши раиси

Айни пайтда тизимда 82260 нафар аъзони бирлаштирган 139 та бошланғич, 4 та бирлашган ва 6 та ҳудудий касаба уюшма кўмиталари фаолият кўрсатмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ва тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан тиббий хизмат сифатини яхшилаш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш, шу билан бирга, унинг халқаро андозаларга жавоб бера олишини таъминлашга қаратилган қатор ишлар олиб борилляпти.

Соғломлаштириш муассасаларида ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари соғлиғини мустаҳкамлаш тизими намунали йўлга қўйилган бўлиб, зарарли меҳнат шартлари, поездлар ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган ташкилотларда ишчилар ўртасида касбий касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари амалга ошириляпти.

Жамият тизимида «Чимён» санаторийси, «Сиҳатгоҳ» санаторий-профилакторийси ҳамда «Хўжакент» соғломлаштириш пансионати мавжуд.

«Чимён» санаторийсида ҳаракат ва таянч аъзолари, юрак-қон томир, асаб толалари, тери касалликлари, аёллар жинсий аъзолари, ошқозон-ичак тизими ҳамда урологик касалликлар даволанса, 240 ўринли «Хўжакент» соғломлаштириш пансионатида ишчи-ходимлар оила аъзолари билан дам олишлари учун барча қулайликлар яратилган бўлиб, дам олиш масканининг жойлашган ўрни тоғ ҳавоси орқали нафас олиш йўллари тозалайди, юрак-қон томирларида қон айланишини яхшилайди. Бу ерда замон талабига жавоб берадиган физиотерапик муолажалар йўлга қўйилган.

«Сиҳатгоҳ» санаторий-профилакторийси эса игна билан даволаш, физиотерапия, сув муо-

ТЕМИР КАРВОН ФИДОЙИЛАРИ

Темирйўллар – мамлакат тараққиётининг қон томирларидир. Тизимда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларга муносиб меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилса, меҳнат муҳофазаси таъминланса, соғлиғи назоратда бўлса, шак-шубҳасиз, соҳа ривож топаверади. Бу эса изчил иқтисодий ўсиш демакдир.

лажалари, даволаш ванналари, тузхона ҳамда жисмоний тарбия даволаш йўли билан фаолият юритиб келмоқда.

Ушбу масканлар нафақат темирйўлчилар оила аъзолари, балки турли ёшдаги ватандошларимизга, бошқа соҳа вакилларига, шунингдек, юртимиз меҳмонларига ҳам беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ҳар йили ёзги дам олиш мавсумида темирйўлчиларнинг фарзандлари вилоятларда ташкиллаштирилладиган оромгоҳларда мириқиб дам олиш билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимидаги шифокорлар назоратида бўлишади.

Жорий мавсумда «Қибрай», «Бурчи-мулло»,

лар, юбилей саналари муносабати билан эса қимматбаҳо совғалар топшириляпти. Байрамлар арафасида корхоналарнинг собиқ ходимлари бўлган ишламайдиган пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва ўзгалар парваришига муҳтожлар ҳолидан хабар олиниб, икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган ёш оналар, кам таъминланган ёш оилалар вакилларига моддий ёрдамлар кўрсатиляпти.

Юртимизда нишонланадиган муҳим саналар муносабати билан «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ишчи-ходимлари ва уларнинг оила аъзолари бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун

турли маданий-маърифий ва оммавий спорт тадбирлари ўтказиш анъана тусини олган. Тарихий шаҳарлар ва диққатга сазовор жойларга саёҳатлар уюштириляпти.

Янги ташкил этилган иш ўринлари ҳаққонийлигини, коллеж битирувчиларининг иш ўринларида қўнимлигини ўрганиш бўйича ҳудудий, бирлашган ва бошланғич касаба уюшмалари томонидан аниқ чора-тадбирлар режалари асосида жамоатчилик мониторинглари олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши 1992 йил 14 февралдан буён МДҲга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарларининг келишувига биноан ташкил этилган Халқаро темирйўлчилар касаба уюшмалари конфедерацияси билан ҳамкорликда халқаро миқёсда ўз фаолиятини такомиллаштириб келмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар марказида аввало инсон қадрини улуғлашга қаратилган эзгу ғоя муҳассамдир. Эл розилиги таъминланган жойда эса қут-барака, ривожланиш, юксалиш бўй кўрсатади. Биз ҳам бу ислохотларга ҳамоҳанг тарзда бор эътиборимизни ходимлар манфатлари ҳимоясига қаратганмиз. Зеро, уларнинг иш жойи хавфсиз, оиласи тинч бўлса, эртанги кунга ишонч ортгандан-ортиб бораверади.



Ҳар бир
кун учун
ҳақ ва
ҳақиқат
ҳозир
нарса.

**Абу
Райҳон
БЕРУНИЙ**



Тасарруфдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» дастурининг бажарилиши юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, пенсия ёшидаги ходимларга нафақага чиқишидан олдин бирийўла моддий ёрдам ва совға-саломлар, юбилей саналари муносабати билан эса қимматбаҳо совғалар топшириляпти. Байрамлар арафасида корхоналарнинг собиқ ходимлари бўлган ишламайдиган пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва ўзгалар парваришига муҳтожлар ҳолидан хабар олиниб, икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган ёш оналар, кам таъминланган ёш оилалар вакилларига моддий ёрдамлар кўрсатиляпти.



Эзгу мақсадлар йўлида



Абдулла НУГМАНОВ,
Транспорт, йўл ва
капитал қурилиш,
қурилиш индустрияси
ходимлари касаба
уюшмаси Республика
кенгаши раиси

Меҳнат муносабатларида иш берувчи ва ходимдан талаб этиладиган энг муҳим вазифа – меҳнат муҳофазаси ҳамда хавфсизлик масаласига қатъий амал қилиш. Инчунин, гап инсон ҳаёти ҳақида борар экан, шу икки омилни раҳбар ҳам, хизмат аҳли ҳам дастуриламалга айлантириши жоиз.

Табиийки, ҳеч ким бахтсиз ҳодиса ёки фалокатдан кафолатланмаган. Яхши ният билан ишга отланган инсонни турли синовлар кутиб туриши, мумкин. Ҳатто у билан ҳалокат содир бўлиши ҳам ҳеч гап эмас.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши иш жараёнида бирон-бир ишчи-ходим кўнгилсиз ҳолатга йўлқаслиги учун доим изланишда. Хусусан, кенгаш яқинда ўтган тўққиз ойлик фаолиятни танқидий-таҳлилий ўрганиб чиқди.

Ўтган давр мобайнида тармоқ тасарруфидаги ташкилот ва корхоналарда 17 та бахтсиз ҳодиса юз бериб, бунинг оқибатида 6 нафар ходим оғир жароҳатланган, минг афсуски, 11

нафари вафот этган.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, айрим корхона ёки ташкилотларда меҳнат хавфсизлиги масаласи умуман талабга жавоб бермайди. Меҳнат муҳофазаси борасида кўплаб ишчи-ходимлар етарли билим ва кўникмага эга эмас.

Юқорида қайд этилган ҳалокатларнинг 8 нафари, яъни 47 фоизига айнан хавфсизлик ва меҳнат муҳофазаси қоидаларининг қўпол равишда бузилиши, ҳимоя воситаларидан тўғри фойдаланмаслик оқибатида содир бўлган. 6 нафари, яъни 35 фоизи йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига амал қилмагани боис йўл-транспорт ҳодисасига учраган. 3 нафари, яъни 18 фоизи эса ходимнинг эҳтиётсизлиги туфайли келиб чиққан.

Масалан, Андижон вилояти «Қўрғонтепа тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси бўлими бошлиғи Илҳомжон Дадажонов ўзига бириктирилган объектдаги иш жараёнини кўздан кечириш мақсадида кетаётган вақтида йўл-транспорт ҳодисасига учради. Афсуски, олган оғир тан-жароҳатлари туфайли оламдан ўтди.

Яна бир мисол. «Оҳангаронцемент» АЖ маҳсулотни юклаш бўлими ишчиси Алишер Сулаймонов ўз вазифасини бажараётган вақтда меҳнат муҳофазасига жиддий амал қилмаган, оқибатда, баландликдан йиқилиб, оғир тан-жароҳати олган.

Санаб ўтилган ҳолатлар бўйича Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши барча зарур чораларни кўрди. Иш вақтида ҳалок бўлган ёки оғир жароҳат олган ҳар бир ходимнинг кейинги тақдири касаба уюшмаси томонидан назоратга олинди.

Фалокатлар бўйича Н-1 махсус текшириш далолатномалари тузилди. Ишчи-ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларига иш бе-

рувчи маблағлари ҳисобидан 93 миллион сўм, касаба уюшмаси маблағларидан 12 миллион 500 минг сўм миқдоридан моддий ёрдам ажратилди. Бирйўла тўланадиган нафақалар учун суғурта компанияларидан 907 миллион сўм, иш берувчилар маблағлари ҳисобидан 511 миллион сўм тўланди. Иш фаолиятини қисман йўқотган жабрланувчиларга тўққиз ой давомида 116 миллион сўм зарар қоплаб берилди.

Умуман, меҳнат муҳофазаси масаласи Республика кенгашининг раёсат йиғилишларида мунтазам равишда кўриб чиқилди. Тегишли қарорлар қабул қилиниб, уларнинг бажарилиши қатъий назоратга олинди. Аниқланган камчиликлар касаба уюшма ташкилотлари аралашуви билан бартараф этилаётир. Тармоқ корхона ва ташкилотларида сайланган 1 минг 578 нафар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил қайта ўқитилди.

Бугун мамлакатимиз том маънода қурилиш майдонига айланди. Қаерга қараманг, янги бинолар, иншоотлар, объектлар бунёд этилмоқда. Аммо қурилишда банд бўлган ишчи-ходимларнинг меҳнат ҳуқуқи ҳамон долзарб ва оғриқли масала бўлиб қолмоқда. Уларни аъзоликка жалб этиш ва шу йўл билан ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тарғибот-ташвиқот тадбирлари кучайтирилди.

Мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларимизни рақамлар мисолида таҳлил этадиган бўлсак, 210 та («Модал Жерсей», «Модерн Қурилиш», «Геометқурилиш», «Юксак парвоз қурилиш» МЧЖлар шулар жумласидан) қурилиш объектида олиб борилган тушунтириш ишлари доирасида 2 минг 520 нафар ишчи-ходим касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Тўғри, иш бор жойда камчилик бўлади. Зотан, ҳар қандай вазифани мукамал адо этиш душвор. Инсон борки, хатога йўл қўяди. Бунинг ҳеч ким инкор этолмайди. Муҳими, уша хато қимматга тушмасдан олдин тузатилгани маъқул. Акс ҳолда...

Жумладан, биз ҳам бундан мустасно эмасмиз. Афсуски, ҳали-ҳамон айрим бошланғич ташкилотлардаги камчиликларни таг-томири билан кўпориб ташлай олмаяпмиз. Баъзи ҳолатларда касаба уюшма кўмитаси фақат моддий ёрдам кўрсатиш, йўлланма ажратиш билан чекланиб қолмоқда. Меҳнат хавфсизлиги, тартиб-интизомга риоя қилиш каби долзарб масалаларга етарлича аҳамият қаратилмаётгани меҳнат муҳофазаси йўналишида олиб бораётган саъй-ҳаракатларимизга соя солиб қўймоқда. Шу маънода айтадиган бўлсак, олдимизда ҳали қилинажак ишлар, режалар жуда кўп.

Мухтасар айтганда, барча мақсадларимизнинг таг замирида ишчи-хизматчиларнинг ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш, ишончли меҳнат муҳофазасини яратишдек эзгу мақсад мужассам. Токи, уйдан тўрт мучаси бут ҳолда ишга отланган ходим оиласига соғ-саломат қайтсин.

Вақти-соати
ўтгандан
сўнг ижро
бўладиган
ваъдадан
ҳеч бир ях-
шилиқ бўл-
мас.

**Маҳмуд
ЗАМАХШАРИЙ**



МАҚСАДИМИЗ – ХОДИМНИ МЕХНАТИГА ЯРАША ҲАҚ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ



Қайси корхона ёки ташкилотда меҳнат эмас, энг аввало, инсон қадрланса, унга ишчи кучи эмас, ишлаб чиқариш устунларидан бири деб қаралса, ўша жой равнақ топиб бораверади. Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касабаси Республика кенгаши мана шу қарашни ўзига шиор қилиб олган.

Айни пайтда тизимда 330 та корхона ва ташкилот касабаси уюшма ташкилотлари қамраб олинган бўлиб, аъзолар сони 200 минг нафардан зиёд ташкилот қилади. Жорий йилда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида муайян ишлар бажарилди.

Хусусан, касабаси уюшма ташкилотлари фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича долзарб мавзуларда ўқув-семинарлар ташкилот этилди, қатор услубий қўлланмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, барча бошланғич ташкилотларга етказилди.

аъзолар сафини янада кенгайтиришга қаратди ва бу борада салмоқли натижаларни қўлга киритди. Жумладан, 28 та корхонада касабаси уюшмаси ташкилоти тузилди. «Enter Machineries Service» МЧЖ шулардан бири бўлиб, айни пайтда хорижий корхонанинг 5000 нафар ходими касабаси уюшма аъзолигига қабул қилинди.

Ижтимоий шерикликни таъминлаш ва ривожлантириш мақсадида вазирлик, қўмита ва акциядорлик жамиятлари билан 9 та тармоқ жамоа келишуви имзоланди. «Ўзбекнефтегаз», «Ўзтрансгаз», «Худудгазтаъминот», «Ўзбекгидроэнерго» АЖлар шулар жумласидан. Бугунги кунда келишув ва жамоа шартномаларининг сифати ҳамда таъсирчанлиги кучайтирилишига алоҳида эътибор қаратилиб, корхоналарнинг мақоми, мулкчилик шакли, ишлаб чиқариш ва технологик хусусиятлари инобатга олинган ҳолда жамоа шартномаларининг тармоқ макетлари ишлаб чиқилиб, барча корхоналарга етказилди.

Меҳнатга муносиб ҳақ тўлашнинг адолатли тизимини яратиш касабаси уюшмаларининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Касабаси уюшмаларининг ташкилот сифатидаги энг муҳим иқтисодий мақсади – ҳар бир ишчи ўз малакаси,



Шуҳрат ҚУРБОНОВ,
Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси

рилиб, 46 нафар ходимнинг ҳақ-ҳуқуқи тикланди. Иш ҳақи, ижтимоий ва моддий тўловлар билан боғлиқ муурожаатлар юзасидан ходимлар фойдасига 162 миллион сўм ундирилди.

Маълумки, мамлакатимизда кўплаб хорижий ташкилотлар ва корхоналар фаолият юритади. Улар билан яқиндан алоқалар ўрнатиш, касабаси уюшмасига жалб этиш орқали ишчи-ходимлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш, шу билан бирга, халқаро алоқаларни янада кучайтириш борасида ҳам тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, 2023 йил 20 январь куни Остона ва Тошкент шаҳарларида «Қозоғистон саноати энергетика ходимлари касабаси уюшмаси» жамоат бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг «Юлдуз» халқаро кўрик-танловининг қўшма қарорини видеоконференция орқали имзолаш маросими бўлиб ўтди. Мазкур кўрик-танловнинг асосий ғояси икки қардош мамлакат касабаси уюшмалари фаоллари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг янги усуллари, мулоқот шакллари топишдан иборат.

2023 йил 5 сентябрь куни Баҳрайн эркин касабаси уюшмалари Федерацияси билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида Битим имзоланди.

Мухтасар айтганда, Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши доим изланишда. Меҳнаткашларни ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маданий-маърифий, ҳам ҳуқуқий томондан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Келгусидаги режа ва мақсадлар ҳам аниқ. Яъни, бу – ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилишдан иборат.

Кенгаш ўз фаолиятида асосий эътиборни аъзолар сафини янада кенгайтиришга қаратди ва бу борада салмоқли натижаларни қўлга киритди. Жумладан, 28 та корхонада касабаси уюшмаси ташкилоти тузилди. «Enter Machineries Service» МЧЖ шулардан бири бўлиб, айни пайтда хорижий корхонанинг 5000 нафар ходими касабаси уюшма аъзолигига қабул қилинди.



меҳнатининг мураккаблиги ва натижага кўра муносиб ҳақ олишини таъминлашдан иборат.

Шундан келиб чиқиб, иш ҳақининг энг кам миқдори, тариф ставкалари ва коэффициентлари, устама ва қўшимча тўловлар, разрядлар, турли рағбатлантириш тўловлари ҳамда уларнинг аниқ миқдорлари бевосита иш берувчилар билан музокаралар жараёнида шакллантирилди ва шартномаларда мустаҳкамлаб қўйилишига эришилди.

Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида юзга яқин корхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганилди. Натижада жойлардаги 1 минг 300 та камчилик бартараф этилди.

Тармоқ касабаси уюшмасига аъзо ташкилотларда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар туфайли ходимлар ва уларнинг яқинларига 5 миллиард сўмдан зиёд зарар пуллари ундириб берилди.

Бундан ташқари, келиб тушган муурожаатлар юзасидан эътироф этишга арзирли ишлар қилинди. Жумладан, 30 дан ортиқ ариза қаноатланти-

Республика кенгаши фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан кенг оммани касабаси уюшмалари фаолиятдан хабардор қилишга боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқлар орқали касабаси уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишлари тўғрисида ахборот ва мақолалар чоп этиб келинаётир.

Кенгаш ўз фаолиятида асосий эътиборни



Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетмайди

Бу сафар байрам арафасида ўтган бир йилга назар ташлаш Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши учун ҳам ёқимли, ҳам қайғули кечмоқда. Ёқимли жиҳати шуки, 120 минг нафардан ошиқ аъзога эга тармоқда эътироф этишга арзигулик ишлар қилинди. Қайғулиси эса... яқинда жамоат фаоли, маданият тарғиботчиси, юксак билим ва иқтидор соҳиби, кенгаш раиси Шухрат Деҳқоновнинг бу оламни тарк этганидир...

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташкил этилганига уч йил бўлган эса-да, бу инсон ўз жамоаси билан ўтган давр мобайнида тармоқда намунали ва шарафли йўлни босиб ўтди. Шухрат ака соҳанинг нозик жиҳатларини чуқур англади, айниқса, санъат ва маданият ходимлари, спорт ва туризм йўналишининг бир-биридан фарқли, ўзига хос жиҳатларини яхши ҳис қилди. Шу билан бирга, ҳамкасбларига, дўстларига, каттаю кичикка самимий суҳбатдош, доно маслаҳатчи эди. Уларнинг ҳамкасблари орасида тез-тез ишлатадиган бир гапи бор эди: «Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетмаслиги керак!».

Ҳа, фақат ишда эмас, ҳаётда ҳам ҳеч бир инсонни норизо қилмасликка интилиб яшаган Шухрат Деҳқоновнинг бошлаган ва йўлга қўйган эзгу ишларини бугун у кишининг шогирдлари қўлдан келгунча давом эттиришга ҳаракат қилмоқда.

Айни вақтда тармоқда 1348 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, уларда ишловчилар сони 120140 нафарни ташкил этади. Шундан 41000 нафари аёллар бўлса, 36000 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлардан иборат.

Жамоа шартномаси бажарилиши бўйича 2023 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига Республика кенгаши тасарруфидаги ташкилотларда ҳар бир ходимга ўртача ҳисобда 4 миллион 700 минг сўм маблағ сарфланиб, жамоа шартномасидаги жами бандларнинг 92 фоизга бажарилишига эришилди.

Тизим фаолиятидаги асосий йўналишлардан бири бу – аъзолар сонини кўпайтириш. Жорий йил давомида тармоққа 5578 нафар аъзо қўшилди. Жойлардаги тажрибали ходимлар ташкилотларда ишчи-ходимлар билан тўғри тушунтиришлар олиб бориши натижасида шундай яхши натижаларга эришилмоқда. Масалан, Тошкент шаҳрида машхур боксчи Баҳодир Жалолов ўзининг спорт мактабини очди. У ердаги ишчи-ходимлар билан учрашув ташкил этиб, касаба уюшмасининг ўрни, вазифалари тушунтирилганида жамоадагилар касаба уюшмасига аъзо бўлиш истагини билдиришди. Фарғоналик вакил



Манзура Акрамованинг саъй-ҳаракатлари туфайли вилоят футбол ассоциацияси, «Fergana Avia Travel» ва «Travel Brend House» меҳмонхоналари, «INTER OMAD SARI» ва «Данғара Элегант» МЧЖ каби қатор хусусий корхона ва ташкилотлар ҳам касаба уюшмасига аъзо бўлишди.

Аъзолар сонининг ошишида юристлар ва жойлардаги вакиллар томонидан иш берувчи ва ходимларга жамоа шартномаси қандай ҳужжатлигини, унинг ишчилар учун афзалликларини тушунтириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳали кўпчилик ходимлар ва иш берувчилар янги Меҳнат кодексига ўзгаришларни яхши тушуниб етишгани йўқ. Масалан, хусусий ташкилотларда меҳнат қилаётган ходим календарь куни бўйича белгиланган 22 кунлик таътил билан бирга, яна 10 кун қўшимча таътил олиши ҳам мумкин. Шу боис жойлардаги учрашувларда ишчи-ходимларга ўзлари ишлаётган ташкилотнинг хусусиятидан келиб чиқиб, қандай ҳуқуқ ва манфаатлари, шу билан бирга, меҳнат вазифалари, бурчлари борлиги ҳам эслатиляпти. Жамоа шартномаси ва бошқа ички локал ҳужжатлар ҳақида тушунчалар берилмоқда. Натижада уларнинг касаба уюшмасига бўлган қизиқишлари ошмоқда.

Жамоа 2023 йил – Инсонга эътибор ва сифатли таълим йилида амалга оширилиши кўзда тутилган Давлат дастурига асосан

белгиланган ишларни бажариб келмоқда. Жумладан, иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга эришилди. Барча ҳудудларда «Меҳнат муҳофазаси ҳафталиги» ташкил этилди. Бундан ташқари, «Энг яхши касаба уюшма кўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил», «Меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис», «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ишларни энг яхши ташкил этган тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши», «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ишларни энг яхши ташкил этган ҳудудий кенгаш» номинациялари бўйича кўрик-танловлар барча ҳудудларда юқори савияда ўтказилди.

Аъзолар сонининг ортиб бориши – фақатгина рақамларда акс этадиган жараён эмас. Иш кўлами ҳам шунга яраша ортмоқда. Касаба уюшмасига келаётган мурожаатлар сони ҳам аввалги йилларга нисбатан кўпроқ. Жорий йилнинг шу даврига қадар 245 та мурожаат келиб тушди. Уларни ўрганиш натижасида ходимлар фойдасига жами 505,5 миллион сўм маблағ ундирилди.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» лойиҳаси тизимдаги бутун ишчиларга маъқул бўлмоқда. Тармоғимиздаги ходимлар ва уларнинг оила

аъзоларига мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари ва диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштириб келяпмиз. Шу кунга қадар 25000 нафардан зиёд ходим учун Хоразм, Самарқанд, Тошкент ҳамда Бухорога саёҳатлар ташкил этилди.

– Яхши ходим ўз ишини яхши кўради, у меҳнатдан қочмайди. Аммо санъатга, маданиятга ошно бўлиш, баъзи-баъзида маданий ҳордиқ чиқариб туриш ҳам зарур, – дейди Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Одинахон Аҳмедова.

– Баъзан одам кундалик ташвишларга кўмилиб кетганидан, театр ва киноларга тушишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Аммо бизнинг руҳиятимизда маънавий ва маданий ҳордиқ чиқаришга ташналик бор. Яқинда Федерациянинг касаба уюшма кадрлари ва фаолларини ўқитиш режасига асосан, тизимдаги қатор ташкилотларнинг масъул ходимлари ва йўриқчилари малака оширишди. Дарслар тугагач, улар Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперетта) театрига ташриф буюришди.

Театр жамоаси томонидан намойиш этилган Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳаёти ва ижодига бағишланган «Афсона билан суҳбат» спектакли томошабинларда илиқ таассурот қолдирди.

Эътиборли жиҳати, «ишим бор эди...» деб кирган айрим тингловчилар ҳам театрни шунчалик берилиб томоша қилишдики, томоша тугагач, «яхшиям келибмиз, зўр бўлди-я» деб, миннатдорчилик билдиришди. Шундан ҳам билиш мумкинки, ҳар бир инсонга театр ва кино томошаси зарур. Бироқ, кўпинча, уй-рўзгор ташвишлари бу ташналикни «чеклаб» қўяди. Шу боис жойларда ишчи-ходимларни вилоят, шаҳар театрларига кўпроқ олиб борсак, бу касаба уюшмаси фаолияти учун ҳам, ишчи-ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун ҳам яхши бўларди.

Жамоа фаолиятининг яна бир йўналиши кексалар ва фахрийлар ҳолидан хабар олишдир. Кенгаш қошида махсус база ташкил этилган бўлиб, унга соҳада кўп йил ишлаган нуронийларнинг исм-шарифлари киритилган. Байрамларда мазкур нуроний-фахрийлар йўқлаб турилади. Улар орасида Карим Мирходиев, Ёқуб Аҳмедов, Олимжон Салимов, Исмаил Эргашев, Малика Иброҳимова, Маъмура Эргашева, Зуҳра Ашурова, Ҳожиакбар Комилов, Нозима Раимбекова, Нозим Тўлахўжаев, Гулчеҳра Жамилова, Светлана Муродхўжаева, Ражаб Адашев, Теша Мўминов, Усмон Азим, Иброҳим Ғафуров, Қодир Мўминов каби инсонларнинг номини айтиб ўтиш мумкин. Яқинда анчадан бери касал ётган таниқли актёр, олтин овоз соҳиби – Афзал Рафиқовнинг ҳолидан хабар олинди.

Тўғри, бу инсонлар халқимиз меҳрини қозongan, ҳар бирлари ўз даврининг юлдузи ҳам бўлишган. Улар доим юртдошларимизнинг ширин сўзларини эшитишга, меҳр-муҳаббатини ҳис этишга одатланишган ва кўпчилигининг ҳаётида бу ҳамон давом этмоқда. Бироқ иш жойидан, касаба уюшмаси томонидан эътибор қаратиб берилгани уларнинг қалбига бошқача хурсандчилик ҳиссини беради. Қолаверса, айрим ҳолатларда ҳар бир ижодкорнинг ўзига яраша шахсий ҳаёти борлигини англасак, ўтган йиллар давомидаги фаолиятимизда бундай йўқловлар ҳар жиҳатдан зарур ва фойдали бўлмоқда. Шу боис жамоадагилар баъзида айрим маданият ходимларини «бир келиб-кетинг даргоҳимизга», деб чорласа, айрим бетоб, аҳволи оғирроқ бўлган нуронийларни хонадонига йўқлаб боришади.

Юқорида айтганимиздек, тармоқ ходимларининг устози Шухрат Деҳқоновнинг «Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетмайди» деган гаплари бугун унинг шогирдларининг ҳам фаолияти мазмунига айланган ва жамоа унга ҳамиша амал қилмоқда.

Зебо НАМОЗОВА

«ISHONCH»

ЖАРАЁН

Дўстларнинг дўстлиги машаққат ва меҳнат чоғида билинур.

Хожа Аҳрор ВАЛИЙ



Андижон
вилояти

БУНЁДКОРЛИКЛАР

ОРТИДАГИ ШАҲДУ ШИЖОАТ



Қодиржон ПАРПИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Андижон вилояти
кенгаши раиси

Андижон вилояти ер майдонига нисбатан аҳоли зичлиги бўйича наинки мамлакатда, балки дунё миқёсида ҳам юқори ўринларда туриши сир эмас. Демографик кўрсаткичларнинг йил сайин ўсиб бориши эса бир қарич майдони ҳам ҳисобли бўлган ҳудудда одамларни уй-жой билан таъминлаш, инфратузилмани яхшилаш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, қўйингки, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг барча жабҳасида ҳар қайси ишга қўл уришдан аввал, етти ўлчаб, бир кесмоқ ақидасига қатъий амал қилишни тақозо этади.

фақат Янги Андижон шаҳарчасидагина эмас, вилоятнинг ҳар бир нуқтасида – вилоят марказидан тортиб чекка туманлардаги гушаларда ҳам кузатишингиз мумкин. Биргина мисол, Андижон шаҳрида барпо этилаётган – Марказий темир йўл вокзалининг устидан ўтувчи ҳамда Бобур шоҳқўчасининг икки қисмини боғловчи 700 метр узунликдаги кўприк ҳақида тўлқинланмай сўзлаш, ҳайратланмай қаламга олиш мумкин эмас. Сирдан қараганда, ҳар қадамда учраётган одатий куриллишлардан бири каби куринади. Аслида эса, мазкур лойиҳани ҳаётга татбиқ этишга кўп йиллардан буён журъат қилинмай келинаётганди.

Сир эмаски, темир йўл вокзали шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган. Бу эса, юқорида қайд этилгани каби Бобур шоҳқўчасининг нақд «белидан» тўсиб, йиллар давомида вақт ва масофа борасида қатор ноқулайликлар туғдириб келган. Лойиҳа қиймати 250 миллиард сўмлик мазкур кўприк қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилса, «айланиб» ўтишлар йўқолиши ҳисобига вақт сарфи 25 фоизга, масофа эса 5 километрга қисқаради. Яна бир жиҳати, Амир Темур шоҳқўчаси, Пахтакор ҳамда Фитрат кўчаларидаги тирбандликларга чек қўйилади. Катта авлод вакилларининг таъкидлашича, сўз бораётган кўприкни қуриш учун ўтган асрнинг 70-йилларида тегишли лойиҳа ишлаб чиқилган, бироқ 50 йил давомида бу масала эътибордан четда қолаверган. Шу маънода мазкур лойиҳани ҳеч иккиланмай андижонликларнинг 50 йиллик орзуларидан бири рўёбга чиқмоқда, деб баралла айтиш мумкин.

Илғаган бўлсангиз, айни жумлалар орқали аҳолининг ҳаёт сифатини, турмуш тарзини яхшилашга қаратилган йирик кўламадаги юмушлар ижроси хусусида бежиз сўз юритмаяпмиз. Зотан, бу вазифаларни юқори малака, юксак маҳорат, ва ниҳоят қалб амри билан уддалаётган мутахассислар ўзимизнинг қорақўзлар – касаба уюшмалари вакиллари дидир. Фахрланмай бўладими, айтинг!

Албатта, бугун ўз ишига меҳр қўйган, тажрибали ва фидойи мутахассисларга ҳар жойда эҳтиёж бор. Жумладан, қурилиш соҳасида ҳам. Айниқса, хусусий секторда қурилиш-таъмирлаш ишлари ўсиб бораётган бир кезде иш берувчилар бунёдкор-мутахассисларнинг кўнглига қараб муомала қилишлари турган гап. Негаки, бир ташкилотда меҳнати қадр топмаган яхши кадр ишлашдан бош тортгудек бўлса, ҳеч қачон кучада қолмайди-да. Шу мантиқдан келиб чиқилса ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, хусусан, ойлик маошларининг бугунги бозор

иқтисодиёти шароитига мувофиқлиги, вақтида тўланиши, қўшимча рағбатлантириш билан боғлиқ масалаларда муаммо бўлиши мумкин эмас. Шунга қарамай, соҳа вакилларининг иш пайтидаги аҳвол-руҳиятидан бохабар бўлиб туриш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси, меҳнат муҳофазаси таъминлигини таҳлил қилиб бориш, зарур пайтда амалий ёрдам кўрсатиш йўналишларида Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмалари Андижон вилоят кенгаши, қолаверса, Федерациянинг вилоят кенгаши масъуллари бошланғич ташкилотлар билан доимий равишда узвий алоқада.

Айтайлик, 2022 йилда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши аъзолари сони 13 минг нафарни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 9 ойи якуни бўйича бу кўрсаткич 17 минг нафарга етди. Демакки, мулкчилик шаклидан қатъи назар, жамоа шартномалари билан қамраб олинган қуйи тузилмалар сафи кенгайиб бораётир.

Ушбу битиклар орқали икки соҳа вакиллари, уларнинг фаолият йўналиши ва эришилаётган натижалар хусусида айрим чизгиларни бердик, холос. Бироқ бугун вилоятда барча йўналишларда ҳаёт қайнапти. Таълим, тиббиёт, sanoat, кишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик соҳалари, давлат муассасалари фаолиятида қўлга киритилаётган катта марраларнинг ҳар бири ўзига хос тарих, китобларга битгулик воқелик. Шунга монанд равишда айни соҳаларнинг ўрта бўғин касаба уюшма тузилмалари ва вилоят кенгашиларида ҳам ҳар кун эрта тонгдан кечга қадар қизғин фаолиятга гувоҳ бўлишингиз мумкин. Вилоят бўйича тизимга жиқлашган қарийб 407 минг кишилик аъзоларнинг касаба уюшма афзалликларидан қай даражада фойдаланаётгани, жойларда меҳнаткашларга яратилган шароитлар, жамоа шартномаларининг ижро этилиши, муурожаатлар билан ишлаш, ҳуқуқий ҳужжат воситасида кафолатланган имтиёзлардан ходимлар бохабарлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш, спорт, соғломлаштириш тадбирлари бажарилиши каби фаолият йўналишларининг барча-барчасини таҳлил қилиб, ўрганиб, юзага келаятган камчиликларни ўз ўрнида бартараф этиб бориш – бу энди кенгаш вакилларининг, биз – касаба уюшма фаолларининг зиммасидаги масъулият.

Бу масъулиятнинг залворини бир дақиқа бўлсин унутишга ҳаққимиз йўқ.

Шу маънода икки йил аввал Андижон тумани адирликларида яхши ниятлар ила дастлабки ғишти қўйилган Янги Андижон шаҳарчасини айни тамойилга таяниб, жиддий ўйлаб, минг бор қайта-қайта ҳисоб-китоблардан сўнг қўл урилган гигант лойиҳалардан бири, десак муболаға эмас. Зотан, серҳосил ерларда тураржойлар барпо этилса, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ катта режалар ижросига жиддий дахл қилиши мумкин бўлган ҳудудда энг оқилона ечим ҳам шу: неча йилларки қақраб ётган адирликларда уйлар барпо бўлса, эрта бир кун бу ерда ҳаёт қайнапти, боғу гулистонга айланади. Ахир инсон қадами етгач, яшнаб кетган чўлу биёбонлар камми?

Чиндан-да, Янги Андижон лойиҳаси ҳазилакам гап эмас. Бу борада жуда катта, залворли қадмалар ташланган. Бунёдкорлик ишлари якунида массивда қарийб 411 минг аҳоли истиқомат қиладиган шаҳарча қад кўтариши керак. Шунга монанд равишда массивда таълим муассасалари, шифохоналар, бошқа ижтимоий соҳа объектлари, савдо ва маиший хизмат масканлари, яшил ҳудудлар барпо этилади. Ҳозирда айни ҳудудда қурилиш жараёни жадаллик билан бормоқда, қўзланган режаларнинг дастлабки босқичи ниҳоясига етиб, ўнлаб кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилиш арафасида. Яқинда массивда одамларга қулайлик яратиш мақсадида тижорат банкларининг кредит бўлимлари жалб этилган ҳолда «Ипотека маркази» иш бошлади. Янги уй харид қилиш истагидаги кишилар шу ернинг узида барча банкларнинг хизматлари билан танишиб, ўзига маъқул келган муассаса билан шартнома имзолаган ҳолда кўнглига ёққан квартирани сотиб олиши мумкин.

Бунёдкорлик билан боғлиқ жараёнларни



Одамни
ҳеч нарса
меҳнат-
чалик юк-
сакликка
кўтармайди.

Лев
ТОЛСТОЙ





Бухоро
вилояти



Мухаммадқосим ОЛИМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Бухоро вилояти
кенгаши раиси

Давлатимиз раҳбари шу йил 10-11 август кунлари Бухорога ташрифи чоғида вилоятни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш тўғрисида таклиф билдирди. Бу ғоя аҳолининг тинч-осойишта ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилгани билан ғоят аҳамиятлидир.

ТИНЧЛИК – ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ!



Жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ва омиллари турлича. Ички ишлар идоралари маълумотларига кўра, Бухоро вилоятида жиноятчилик ошишига асосан ишсизлик, енгил даромад манбаини излаш, бўш вақтдан самарасиз фойдаланиш, оилавий келишмовчиликлар, ўзаро қўйди-чиқдилар сабаб бўлмоқда. Тўғри, бу иллатларни бутунлай йўқотиш имконсиз, лекин жиловлаш, олдини олиш ва камайтириш мумкин.

Вилоятда шу йўналишдаги ишлар кўлами ортиб бормоқда. Биз эса асосий эътиборни ҳудудни аёллар жиноятчилигидан холи ҳудудга айлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратаймиз. Зеро, касаба уюшмалари бу ишга асосий масъуллардан бири этиб тайинланган. Тузилмамиз кенг кўламли ишлар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиб, масъул идора-ташкilotлар билан ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқда.

Рўй-рост тан олиш керак, вилоятда хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик сезиларли даражада кўпайди. Масалан, жорий йилнинг саккиз ойида 352 нафар хотин-қиз томонидан 453 та жиноят содир этилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 67,5 фоизга ортқидир. Таҳлиллар рўй берган жиноятларнинг аксарияти фирибгарликка, қўшмачиликка, коррупцияга, ўғриликка, гиёҳванд моддалар олди-сотдисида, қолганлари товламачиликка, баданга қасддан шикаст етказишга, талончилик ва транспорт воситасини олиб қочишга тааллуқли эканини кўрсатди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нозик хилқат вакиллари қайси омиллар жиноят кўчасига етакляпти? Жавоб тайин: улар асосан бандлик таъминланмагани, осон даромад топишга уриниш, бўш вақтни ўтказишда аниқ бир мақсаднинг йўқлиги, ўзаро низолар, қолаверса, мамлакатимизда хотин-қизлар учун яратилган имконият ва имтиёزلардан фойдаланилмаётгани билан боғлиқ.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов 24-25 август кунлари вилоятда ўтказган ўрганишлари давомида Президент топшириғи ижросини таъминлаш бўйича ўз таклифларини ўртага ташлади. Жумладан, ишчи гуруҳлар томонидан воҳамизнинг барча шаҳар-туманларида, маҳаллаларда, олис қишлоқларда, жиноятчилик салмоғи ортган «қизил» тоифадаги ҳудудларда ўрганишлар олиб борилиши, ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчилик содир этилишининг туб сабаблари, уларга туртки бўлган омилларни, мавжуд камчиликларни бирма-бир таҳлил қилиш, илмий ёндашув асосида тегишли хулосалар чиқариш зарурлигини уқтирди. Шунингдек, маҳалла ва қишлоқларда отинийлар, имом-хатиблар иштирокида маънавий-маърифий тарғибот тадбирларини ўтказиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш сингари ўнлаб долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Ушбу топшириқлар ижроси юзасидан, даставвал,



хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликни, ишсизликни бартараф этиш ҳамда «Аёллар дафтари» бўйича учта ишчи гуруҳ тузилди. Улар таркибига касаба уюшмалари ҳамда прокуратура, ички ишлар, адлия органлари, оила ва хотин-қизлар, камбағалликни қисқартириш ва бандлик сингари қатор масъул ташкilotлар ходимлари ҳам жалб этилди. Бу ишчи гуруҳларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳудудда жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка мойиллиги бўлган, оилавий зўравонликка учраган 5399 нафар хотин-қиз ўртасида хатлов ўтказилиб, бандлигини таъминлаш чоралари кўрилди. Шунингдек, уларнинг ҳар бири билан суҳбат жараёнида оилавий муҳити, фарзандлар тарбияси, саломатлиги ва бошқа ижтимоий-иқтисодий, маиший муаммолари аниқланди. Уй-жойни таъмирлаш, моддий ёрдам олиш, контракт тўловларини тўлаш, алиментни ундириш ва бошқа турдаги 5782 та муаммо шулар жумласидандир.

Албатта, муаммоларга ечим топиш ва уларни зудлик билан ҳал этиш маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли ташкilotлар билан ҳамкорликда иш юритишни тақозо этади. Шу боис секторлар ва маҳаллалар кесимида хотин-қизларга кўрсатиладиган хизматлар, ҳуқуқий ва психологик, ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш,

бандлигини таъминлаш, қисқа ўқув курслари орқали касбга ўқитиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, соғломлаштириш каби йўналишларни қамраб олган манзилли ва муддатли вазифалардан иборат шаҳар, туман ва вилоят миқёсидаги чора-тадбирлар дастурлари тасдиқланиб, ижроси устидан назорат ўрнатилди. Ўз навбатида, аниқ режа асосида ва ҳар бир маҳалла кесимида ҳудуддаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари учун мутасадди ходимлар, диний идора вакиллари, таниқли оlima ва шоирлар иштирокида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга бағишланган учрашувлар, суҳбатлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш режаси ишлаб чиқилди.

Жиноятчиликка қарши курашнинг энг мақбул усулларида бири унинг олдини олишдир. Аммо уйдаги гапни кўчага олиб чиқма, деган тарбия таъсирида улғайган ўзбек аёли хонадонидagi зўравонликлар ҳақида тегишли идораларга хабар бермайди. Шу боис хотин-қизлар тазйиқ ва зўравонликлардан жабр кўришининг барвақт олдини олиш мақсадида «Googledocs» тизимида «Электрон аноним сўровнома дастури» яратилди. Телеграм ижтимоий тармоғи орқали унинг вилоятдаги ҳар бир маҳаллага етиб бориши таъминланди. Ҳозир ушбу сўровнома ҳудудларда давом эттирилмоқда.

Бухорони аёллар жиноятчилигидан холи ҳудудга айлантириш фақат шу ишлар билан чекланмайди. Олдинда бизни янада муҳим ва ўта масъулиятли вазифалар кутмоқда.

Шунга кўра, аввало, жиноятларни эрта аниқлаш ва олдини олиш мақсадида маҳаллаларга кузатув камералари ўрнатиш, хонадонларда кодли эшик тизимидан фойдаланиш ишлари бошлаб юборилган.

Иккинчидан, «Аёл, тинчлик ва хавфсизлик» ижтимоий платформаси орқали низоли оилалар, ижтимоий аҳволи оғир бўлган, ғайриижтимоий хулқ-атворли хотин-қизлар, ноқонуний никоҳдаги аёллар билан манзилли ишлаш тизими йўлга қўйилади.

Учинчидан, гиёҳвандликка ўрганганларни, сурункали равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилувчиларни ҳамда руҳий касалларни тиббий кўриқдан ўтказиш, даволаш-соғломлаштириш ишлари амалга оширилади. Мактабларнинг психолог инспекторлари томонидан руҳиятида ўзгариш бор ўқувчи қизлар орасида аноним сўровномалар, психологик тестлар ўтказиб турилади.

Тўртинчидан, зўравонликка учраган хотин-қизларни аниқлаш мақсадида прокуратура, суд, адлия, маҳалла, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, бандликни таъминлаш, олий таълим, ёшлар ишлари агентлиги ва бошқа масъул идоралар билан интеграция орқали ички ишлар органларида жорий этилган «Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳисобга олиш ягона ахборот тизими» асосида ҳамкорлик қилинади.

Бешинчидан, тазйиқ ва зўравонликка учраган, профилактика ва пробация ҳисобида турган, нотинч оилаларда яшайдиган ҳамда бошқа хотин-қизларга маънавий-тарбиявий, психологик ёрдам кўрсатиш учун барча туман-шаҳарларда доимий фаолият юритувчи руҳий соғломлаштириш марказлари очилади.

Олтинчидан, ота-оналари узоқ муддатга хорижга кетган оилалар фарзандлари билан алоҳида иш олиб борилади, уларнинг васийликка олиниши бўйича доимий мониторинг юритилади.

Еттинчидан, «Маҳалла еттилиги»нинг ўз ҳудудида жиноятчиликка барҳам бериш борасида амалга оширган ишлари юзасидан аҳоли олдида ахборот бериб бориш тизими йўлга қўйилади.

Ота-боболаримиз тинчлик-осойишталик барқарор жойда барака бўлишини доимо таъкидлаб келишган. Зеро, хотиржамликнинг ўзи энг катта давлат, тинчлик эса улуг неъматдир!..

ТАШАББУС



Иллат излаганга иллатдир дунё,
Ғурбат излаганга ғурбатдир дунё.
Ким нени изласа, топгай беғумон
Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё!
Садриддин Салим БУХОРИЙ



Жиззах
вилояти

ҲАЁТДА МУҲИМ ИШЛАР КЎП

Ушбу таҳлилимизда фаолиятимизнинг асосий йўналиши бўлган меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан касаба уюшмаларининг таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бу ишларнинг шакл ва услубларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришда амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтмоқчимиз.



Қайд этиш жоизки, бу жараёнда ҳудудий бошқарув органлари ва тегишли ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилгани яхши самара бераётир. Хусусан, вилоят ҳокимлиги, савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши ўртасида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муҳофазасини ташкил этиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида 2023-2025 йилларга мўлжалланган минтақавий келишув имзоланган бўлиб, унинг бажарилиши юзасидан уч томонлама доимий мониторинг олиб борилмоқда.

2023 йилнинг ўтган даври давомида фуқаролардан келган 239 та мурожаат белгиланган тартибда кўриб чиқилиши натижасида 244 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланди ҳамда ходимлар фойдасига 482 миллион 315 минг сўм маблағ ундирилишига эришилди.

Маълумки, касаба уюшма ташкилотининг асоси унинг бошланғич ташкилотлари ҳисобланади. Шунинг учун уюшма вилоят кенгаши бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга доимий эътибор қаратиб келаётир. 2023 йилнинг ўтган даврида касаба уюшмаси тузилмаган корхона ва т а ш -

Касаба уюшмалари ташкилотларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича 2023 йилга мўлжалланган дастурларини амалга оширишда ҳам сезиларли ютуқларга эришдик, деб айта оламиз. Шу мақсадда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан «Ходимлар ўртасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича 2023 йилга мўлжалланган «Йўл харитаси» ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётир.

килотда касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари юзасидан тушунтириш-тарғибот ишлари амалга оширилди. Айти пайтда вилоятда 1700 дан зиёд бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолият кўрсатаётир. Уларга 248 мингдан зиёд меҳнаткашлар бирлашган.

Бошланғич ташкилотларнинг ташкилий асосларини мустаҳкамлашга



берилаётган эътибор туфайли меҳнаткашларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишдаги фаолият фаоллашиб бораётир. Натижада, меҳнат жамоаларида ҳар бир ходимнинг ижтимоий ҳимояси таъминланмоқда. Бошланғич ташкилотлар жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

2023 йилнинг ўтган 9 ойи давомида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасида иш берувчиларга 27 та тақдимнома киритилди.

Тизимдаги ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш соҳасида ҳам



гиyasi»нинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб этиш бўйича 1 минг 50 га яқин меҳнат жамоасида маърифий тадбирлар ўтказилди.

Мамлакатимиз барча соҳаларда ривожланишнинг оидин йўлига чиқиб олди. Иқтисодиётда эришилаётган ривожланиш ижтимоий соҳаларни тараққий эттириш имкониятини яратиб бераётир.

Бу тараққий биз, касаба уюшма фаоллари зиммасига ҳам катта масъулият юкляпти. Биз ана шу масъулиятни ҳис этиб, ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда фаолликни янада оширишда давом этамиз.



Нусратулла ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши раиси, сенатор

муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2023 йилнинг ўтган даврида ижтимоий суғурта ва касаба уюшма бюджети ҳисобидан 780 нафар ходимга Федерация тизимидаги санаторийларда дам олишлари учун имтиёзли йўлланмалар берилди. Уларнинг 118 таси кам таъминланган, кўп болали, ёрдамга муҳтож оила аъзолари ҳамда меҳнат фахрийларига бепул ажратилди.

Ҳаётда муҳим ишлар кўп. Маънавият ҳам ана шу энг муҳим ва ҳамма шуғулланиши керак бўлган ишлардан биридир.

Касаба уюшмалари ташкилотларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича 2023 йилга мўлжалланган дастурларини амалга оширишда ҳам сезиларли ютуқларга эришдик, деб айта оламиз. Шу мақсадда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан «Ходимлар ўртасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича 2023 йилга мўлжалланган «Йўл харитаси» ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётир.

Унга мувофиқ «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққийёт страте-

Навоий
вилояти

Назира ТОҒАЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Навоий вилояти
кенгаши раиси

Яратганга шукурки, энди у кунлар орда қолиб, ёшларимиз учун улкан имкониятлар эшиклари очилди. Шунинг шарофати ила биргина битирувчи нафақат ўзимиздаги, балки хориждаги бир нечта нуфузли университетда ҳам таҳсил олиш имконига эга бўлмоқда. Навоийлик ёшлар эришаётган ютуқларга кўпчиликнинг ҳаваси келиши табиий. Бу муваффақиятлар замирида эса улуғ ниятлар, катта меҳнатлар ва жиддий ўзгаришлар мужассам.

Кейинги уч йил ичида вилоятдаги умумтаълим мактаблари сони 370 тага, ўқувчилар сони қарийб 184 минг нафарга етди. Бу йил 11 минг йигит-қиз ўрта таълим мактабини битирди. Уларнинг 567 нафари олтин, 39 нафари кумуш медалга лойиқ кўрилди. Республика фан олимпиадаларида қатнашган ёшлардан 7 нафари совриндорлар сафидан жой олган бўлса, уч нафари фахрли биринчи ўринни эгаллади. Навоий шаҳридаги 11-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Саидахон Абдуллаева Абу Райҳон Беруний номидаги халқаро кимё олимпиадасида кумуш, 1-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 11-синф ўқувчиси Суҳроб Халилов Хитойда бўлиб ўтган халқаро математиклар олимпиадасида бронза медални қўлга киритди.

Ёшларимиз каштадўзлик, тадбиркорлик, адабиёт ва санъат, ҳарбий ватанпарварлик ва бошқа соҳаларда ҳам юксак натижаларга эришмоқдалар. Уларнинг билими, салоҳияти, ғайрат-шижоати ҳамда интилишлари туфайли вилоятимизга ҳар йили қанчадан-қанча олтин ва кумуш медаллар, халқаро аҳамиятга эга диплом ва сертификатлар кириб келмоқда. Бундан фахрланмай, ғурурланмай бўладими?!

Биз кенгашимиз иш режасига кўра, жойларда раҳбарлар ва ёшлар учрашувларини уюштирамиз. Уша тадбирларда баъзи талабалар ёки ўқувчиларнинг ватанпарварлик, фидойилик, юрт равнақи, инсонийлик ва келажак билан боғлиқ саволларини ёки фикр-мулоҳазаларини эшитиб, уларда шунга яраша билим, интилиш ва изланиш бор деган хулосага келамиз. Ўзимизнинг ёшлик давримизга қиёсласак, навқирон авлод анча билимлироқ эканига амин бўламиз.

Эсимда, 2021 йили ўрта мактабларнинг 10-11-синф ўқувчилари ўртасида «Менинг Президентим» номли иншолар танловини ўтказдик.

ЮРАГИДА ЧЎҒ БОР АВЛОД

Бу йил Навбахор туманидаги 10-умумтаълим мактабининг барча битирувчилари олий ўқув юртларига ўқишга кирганини эшитиб, қаттиқ ҳаяжонландим. Ўзим ҳам ўқитувчи бўлиб ишлаганим боис қувончдан кўзларим ёшланди. Ахир, холисона айтинг, дилбандларимиз учун илгари бундай имкониятлар бормиди? Ҳатто, бир пайтлар биз ўқишга кириш кўрсаткичлари бўйича Афғонистондан ҳам пастга тушиб кетмаганмидик? Ёки бундан ўн йилча олдин қайсидир мактабдан лоақал бир нафар битирувчи институт талабасига айланса, устозлари, ота-онаси дўпписини осмонга отмасмиди?..



Вилоят босқичида биринчи ўринга даъвогарлар ниҳоятда кўпайди. Биз уларнинг билими ва салоҳиятидан ташқари, Президентимизнинг иш фаолиятини ва олиб бораётган ислохотларини жуда яхши билишларига қойил қолдик. Аммо уларнинг ҳаммасига биринчи ўринни беришнинг сира иложи йўқ эди. Шунда мен ёшлар иштирокидаги бундай танловларни йил сайин кўпайтириб бориш, талабаларни янада кучайтириш ва чуқурлаштириш лозим деган хулосага келдим.

Ҳозир вилоятимиздаги умумтаълим мактабларида дарслар беш хил тилда ўтилади. Педагогларимизнинг 92 фоизидан зиёди олий маълумотли. Улар пухта билим беришгани сабабли Навбахор туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактаби ўқувчиси Хушнуджон Нуриллаев «Ёшлар келажакимиз» танловининг республика босқичида тарих фани бўйича биринчи ўринни эгаллади. Зарафшон шаҳридаги худди шундай мактабда ўқийдиган Шириш Намозова «Баркамол авлод – келажак пойдевори» расмлар танловининг республика босқичи ғолибасига айланди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ёшларимизга ҳар томонлама қулай имкониятлар яратишда, уларни билими ва ютуқларига яраша рағбатлантириб, руҳлантириб боришда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва унинг вилоят кенгашлари, тармоқ касаба уюшмалари фаолларининг ҳам салмоқли хизматлари бор. Масалан, Навоий давлат педагогика институтининг 3-босқич талабаси Шаҳлохон Рўзиева пухта билими, тенгсиз қобилияти учун касаба уюшмалари стипендиясига лойиқ деб топилди ва жорий йилнинг январидан уни ола бошлади.

Турли корхона ва ташкилотларда ишлаётган ёки олий ўқув юртларида таҳсил олаётган

ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни таъминлашда касаба уюшмалари ташаббуси билан барча туман ва шаҳарларда спартакиада ва спорт беллашувлари ташкил қилинаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу йил бундай тадбирларда чаққон, соғлом ва куч-қудрати жўш уриб турган 3000 нафардан ортиқ йигит-қиз иштирок этди ва ғолиблар касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан рағбатлантирилди.

Нуроталик кураги ерга тегмайдиган забардаст полвон Давлат Бобонов эса пойтахтимизда дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиб чиққани учун шахсан Президентимизнинг қўлидан олтин медал олдиди. Аминманки, бу ютуқ ва рағбат унинг барча тенгқурлари ва жамоадошларини руҳлантириб юборди. Яқинда Хитойда бўлиб ўтган навбатдаги Осий ўйинлари мусобақаларида яна тўрт нафар навоийлик ёш спортчи совринли ўринларни забт этгани, менимча, сўзимнинг исботи бўла олади.

Жорий йилда вилоятда 5300 нафардан ортиқ янги никоҳ қайд этилди. Натижада, ёш оилалар сони 125 мингтадан ошди. Бироқ улар билан боғлиқ муаммолар ҳам бор. Айниқса, низоли ва ажрим ёқасида турган оилалар 631 та экани ачинарли ҳолдир. Маҳаллий ҳокимиятлар мутасаддилари ва маҳаллалар фаоллари аралашуви билан турли сабаблар туфайли ажрашган ёш эр-хотинларнинг 613 жуфти яраштириб қўйилди. Бироқ айрим туманларда бева ёш аёллар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Боз устига, бугунги кунда эр-хотин никоҳсиз яшаётган оилалар сони 146 тага етгани вилоятда оила ва никоҳ масаласида зудлик билан ечими топилиши лозим бўлган муаммолар кўплигидан далolat беради.

Мен ҳинд адаби Рабиндранат Тҳакурнинг «Жамиятни эркаклар бошқаради, аммо аёллар супириб-сидирадилар» деган гапини бот-бот ёдга олиб тураман. Чунки бизда йиллар оша аёл зотига паст назар билан қараб келинди. Аёл – она, оиланинг бекаси, фарзандлар тарбиячиси экани унутиб қўйилди. Аёлини менсимайдиган, кунда-кунора ҳақорат қиладиган, хўрлайдиган, уни бошқаролмайдиган эркакларимиз, таассуфки, ҳозир ҳам бор. Гапнинг дангалини айтадиган бўлсам, хотинни бошқариш учун ҳам унга гоҳ-гоҳида бўйсуниб туриш лозим. Шундагина ҳар бир оиланинг пойдевори мустаҳкамланиб боради, фарзандлар билимли ва салоҳиятли бўлиб вояга етишига ҳеч нарса тўсқинлик қила олмайди.

Юқорида навоийлик ёшларнинг ютуқларидан фахрланишимизни, уларни ҳар қачон ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигимизни айтиб ўтдим. Бизнинг ёшларимиз шунга лойиқ йигит-қизлардир. Чунки уларнинг ботида шижоат, юрагида чўғ бор.

КЕЛАЖАГИМИЗ – ЁШЛАР ҚЎЛИДА!



ЗИММАМИЗДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА УДДАЛАЙ ОЛДИК?!



Наманган вилояти

Касаба уюшмаларининг энг муҳим вазифаси – ишчи-ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб меҳнат шароитларида ишлашга кўмаклашиш ҳамда ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашдан иборат.

Бинобарин, биз касаба уюшмалари вакиллари ҳар йил якунида ўз-ўзимизга савол бериб кўришимиз керак: зиммамиздаги вазифаларни қай даражада уддалай олдик?! Ишчи-ходимлар биздан рози бўлишяптими?

Тўғри, барчанинг кўнглини топиш анчайин қийин масала. Аммо ҳар бир вакилимиз ўзига топширилган функционал вазифасини сидқидилдан бажарса, ўша норозилар сафи ҳам секин-аста камайиб боришига ишонаман.

Аксарият ташкилотларда бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси ҳали-ҳамон иш берувчи томоннинг, таъбир жоиз бўлса, «адвокати»га айланиб олган. Аслида, жойлардаги касаба уюшма кўмитаси раислари ишчиларнинг арз-додини тинглай оладиган, уларга ечим топадиган, ходимларни бевосита ҳимоя қиладиган вакилларимиз ҳисобланади. Бу жараёнда бошланғич касаба уюшма кўмитаси раисларига энг муҳим локал ҳужжат – жамоа шартномаси асосий ёрдамчидир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши тизимида айни пайтда 2494 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бўлиб, уларда 380 минг 788 нафар ходим, талаба ва ёшлар ижтимоий ҳимояга олинган. Шундан 189743 нафари аёллар ва 107119 нафари ёшлардир.

Ҳисоботлардан кўринадики, йил бошидан буён вилоят кенгашига 159 та ҳужжат келиб тушган ва белгиланган муддатларда ижроси таъминланган.

Касаба уюшмаларини ташкилий жиҳатдан муштақамлаш, тадбиркорлик субъектларида меҳнат қилаётган ходимларни касаба уюшмаларига жалб этишнинг янги механизмларини жорий қилиш ҳамда ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида ўтган давр мобайнида ҳудудлар, тармоқлар бўйича мониторинг ишлари олиб борилди.

Мониторингга кўра, вилоятдаги барча бўғин касаба уюшма ташкилотлари томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар вилоят бўйича 509 та нодавлат сектори корхонасида касаба уюшмалари ташкилоти тузилди ҳамда уларда ишловчи 6184 нафар ходим касаба уюшма аъзоллигига қабул қилинди. Ушбу рақамлардан ҳам кўринадики, олти мингдан зиёд ходимнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояга олинди.



Шунингдек, «Бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари куни»ни ташкил этиш тўғрисидаги раёсат қарорига мувофиқ, ҳар ойнинг иккинчи сешанбаси бошланғич касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам куни этиб белгиланди. Шу даврга қадар вилоят кенгаши аппаратининг масъул ходимлари янги ташкил этилган 80 та бошланғич ташкилотга амалий ёрдамга чиқишиб, у ердаги касаба уюшма кўмитаси раисларига кўмак беришди.

Ташаббусимиз билан «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг туман, шаҳар, вилоят босқичлари ўтказилди. Унда мингга яқин бошланғич ташкилотларнинг иштироки таъминланди. Бу каби кўрик-танловлар жойларда иш олиб бораётган вакилларимизнинг янада фаолроқ ишлашига куч бағишлайди.

Касаба уюшмалари томонидан «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» дастури ҳамда жамоа шартномалари ва келишувлари воситасида, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шерикчилик орқали ёшлар ва кексаларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Яхши дам – меҳнатга ҳамдам, дейди доно халқимиз. Шу мақолга амал қилган ҳолда, касаба уюшмалари «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида 7594 нафар ишчи-ходимнинг тарихий шаҳарларга саёҳатларини ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг Наманган вилояти бошқармаси жорий йил ёз мавсумида энг намунали иш олиб бориб, республика миқёсида биринчилкни қўлга киритди.

Департаментга қарашли 7 та оромгоҳга дам олиш ёшидаги жами 359 минг 388 нафар, яъни 7 ёшдан 14 ёшгача

бўлган болаларнинг 5 минг 400 нафари қамраб олинди. Оромгоҳлар ва уларнинг атрофида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида Ички ишлар органлари ходимлари, шунингдек, болаларнинг саломатлигини таъминлаш ва назорат қилиш мақсадида тиббиёт ходимларининг доимий навбатчилиги йўлга қўйилди.

Йиллик иш режага асосан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар томонидан 38 та бошланғич касаба уюшма кўмитасининг фаолияти ўрганилиб, уларга керакли тавсия ва амалий ёрдамлар берилди. Иш жойларининг 205 тасида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоида ва меъ-



Ҳасанбой ХОЖАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши раиси

ёрларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланиб, 182 таси касаба уюшмалари аралашуви билан барта-раф этилди, камчиликлар юзасидан иш берувчиларга ёзма тақдимномалар киритилди.

Шу кунга қадар Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлимига ўттиздан зиёд мурожаат келган бўлиб, уларни ҳал этишда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суд мажлисларида 35 та ҳолатда қатнашилди. Натижада эллик нафар ходимнинг манфаатлари ҳимоя қилинди ва юз миллион сўм миқдорида иш ҳақидан ҳақдорлик, компенсация пуллари ундириб берилди.

Йил бошидаги иш режасига асосан Темир-йўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмасига аъзо ташкилотларда ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш ҳамда меҳнат муносабатларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш соҳасидаги ишларнинг аҳволи бўйича жамоатчилик назорати амалга оширилди.

Ўрганиш давомида корхоналарнинг 102 нафар ишчи-ходими билан мулоқот қилиниб, уларга жамият раҳбарлари томонидан ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларига таллуқли бўлган масалалар бўйича, улар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш ишлари ҳамда корхона касаба уюшмаси фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Ўтказилган жамоатчилик назорати тадбирлари якунлари бўйича иш берувчиларга 68 банддан иборат 17 та ба-жарилли шарт бўлган кўрсатмалар берилди.

Тўғри, барчанинг кўнглини топиш анчайин қийин масала. Аммо ҳар бир вакилимиз ўзига топширилган функционал вазифасини сидқидилдан бажарса, ўша норозилар сафи ҳам секин-аста камайиб боришига ишонаман.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ТИЗИМИДА АЙНИ ПАЙТДА 2494 ТА БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИ БЎЛИБ, УЛАРДА 380 МИНГ 788 НАФАР ХОДИМ, ТАЛАБА ВА ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ОЛИНГАН. ШУНДАН 189743 НАФАРИ АЁЛЛАР ВА 107119 НАФАРИ ЁШЛАРДИР.



Сухроб РАФИҚОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Самарқанд вилояти
кенгаши раиси

МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТИНИ КИМ ЯРАТАДИ?

Ижтимоий шериклик. Юртимиздаги барча давлат ва нодавлат ташкилотлари касаба уюшмалари билан ана шу ришта орқали боғланади. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, жамоат ташкилотларига бирлашиш, яъни касаба уюшма аъзолигини танлаш – муносиб меҳнат шароитлари яратилиши ҳамда ижтимоий иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояланишнинг ишончли кафолатидир.

Аммо манфаатлар турлича. Мулкдор, инсонлар меҳнатидан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, фойда олиб, тармоқни ривожлантиришни кўзлайди. У қанча кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарса, сотса, фойда олса, шунча яхши. Бу жараён иккинчи томон, яъни оддий ходим манфаатларига зиён келтирадиган даражага ўтиб кетмаслиги керак. Аммо вилоятда кўплаб янгидан очилган корхоналар фаолияти билан танишганимизда, иккинчи томоннинг манфаатлари бирмунча унутилаётганига гувоҳ бўламиз. Ана шундай чоғда касаба уюшмалари

жим туролмайди. Қолаверса, қўлимизда вилоят ҳокимлиги, савдо-саноат палатаси ва касаба уюшмалари ўртасида тузилган уч томонлама келишув бор. Унда ҳудудда, фаолият туридан қатъи назар, инсон меҳнати билан боғлиқ барча ишлаб чиқариш жабҳалари жамоат ташкилотига бирлашиши, меҳнат устидан жамоат назорати ўрнатилиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Яширишдан не наф? Ҳали ҳудуддаги мингга яқин к а т - та-кичик корхонада ишчи-ходим-

лар манфаати жамоат назоратидан четда. Касаба уюшмаларига бўлаётган мурожаатларнинг 70 фоиздан ортиғи, ташкилотга аъзо бўлмаган субъект ходимлари эканининг ўзиёқ бунга далилдир.

Назаримда, одамларимиз му-

ларга кўрсатилаётган имтиёз ва кафолатлар билан қизиқиб тураман. Хусусан, касаба уюшма ташкилоти аъзолигини қабул қилмаган Ургут туманидаги «ЎзБАТ» корхонасида ҳам бир неча бор бўлдим.

Вилоятдаги «Самарқанд А ф р о - сиёб цемент» МЧЖ (цемент заводи), «Agromir buildings» МЧЖ, «Prime ceramics» МЧЖ Қ.Қ, «Жомбой яшил чироклари» МЧЖ (цемент заводи), «Стройтермоизоляция ҚБ» МЧЖ, «Ятра инвест» ҚҚ, «Афротранс» МЧЖ, «Мухторнуртранс» МЧЖ, «Гаппартранс» ва бошқа хусусий ташувчи автотранспорт корхоналари, булардан ташқари, яна 100 га яқин ташкилот билан хат орқали ва тўғридан-тўғри музокаралар олиб боришиб, натижага эришиш ҳаракатида бўляпмиз. Вилоятда саноат юксалиб, ишлаб чиқариш жабҳалари кенгаймоқда. Бундан очилган ҳар бир ниға муносиб касба уюшма аъзолигига қабул қилинди.

рожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланишни билган ҳолда, жамоат ташкилотига бирлашишга қунт қилишмаяпти. Қолаверса, меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқи ҳимоясини жамоатчилик назоратига олишга биргина касаба уюшмалари эмас, балки ишлаб чиқаришга дахлдор барча ташкилотлар масъулдир, деб ўйлайман.

Жамоат ташкилоти раҳбари сифатида ходимлар меҳнат шароити, жамоа шартномаси ижроси, ходим-

сига эгамиз. Ана шулар меҳнатини муҳофазалаш, муносиб ва хавфсиз иш шароити яратиш, дам олишини ташкил этиш, жисмонан чиниқтириш, фарзандларини дам олдиришга ўзимизни бурчдор деб биламиз.

Ўтган даврда вилоятдаги тўрт мингга яқин янги ташкил этилган корхона билан алоқа ўрнатдик. Улардаги шароитларни ўргандик. Камчиликларини кўрсатиб, амалий ёрдамларимизни аямдик. Натижада шу йилнинг ўтган даврида 1597 та корхонада бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузилишига эришилди. Бу жамоаларда меҳнат қилаётган 13048 нафар ходим касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди. Айни чоғда 2350 та ҳуқуқий мақомдаги шахс билан музокаралар бошлаб қўйдик. Бу жамоаларда вилоят ва тармоқ касаба уюшмалари вакиллари меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун, ишловчи ва иш берувчи ваколатлари, мажбурийлик касб этадиган меҳнат турлари, болалар меҳнати сингари мавзуларда тушунтириш ишлари олиб боришяпти. Мақсадимиз – ҳали ҳеч бир жамоат ташкилотчилик кузатувига эга бўлмаган, меҳнат тартиб-тамоийларига устуворлик берилмаган шароитда ишлаётган 141 минг нафар ходим манфаатларини ўз ҳимоямизга олишдан иборат.

Касаба уюшмалари – меҳнаткашлар ташкилоти. Барча жабҳаларда улар ишончини қозониб, муносиб меҳнат ва турмуш шароитларига эга бўлишлари учун ҳаракат қиламиз.

Ўтган даврда вилоятдаги тўрт мингга яқин янги ташкил этилган корхона билан алоқа ўрнатдик. Улардаги шароитларни ўргандик. Камчиликларини кўрсатиб, амалий ёрдамларимизни аямдик. Натижада шу йилнинг ўтган даврида 1597 та корхонада бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузилишига эришилди. Бу жамоаларда меҳнат қилаётган 13048 нафар ходим касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

Илм икки йўл: тафаккур қилиш ва муаллимга қулоқ солиш билан ўрганилади.

Имом Абу Мансур МОТУРИДИЙ



ИШОНЧ масъулияти

Сурхондарё
вилояти

Сўзимизни бир қувончли хабар билан бошлашни жоиз деб билдик: яқинда Термиз шаҳридаги «Дарё порти» МЧЖ бошланғич касба уюшма ташкилотининг Марказий Осиё мамлакатлари Касаба уюшмалари ташкилотлари ўртасида ўтказилган «Энг яхши жамоа шартномаси» кўрик-танлови ғолиби бўлгани барчамизнинг қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди.



Айни пайтда вилоятдаги корхона ва ташкилотларда 8133 та жамоа шартномаси амал қилмоқда. Мазкур келишув тадбирлари бажарилиши учун ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга 4,3 миллион сарфланаётгани тизимдаги ишлар қўлами кенгайганини кўрсатади.

ларида иш берувчиларнинг энг кам меҳнат ҳақи меъёрларига риоя этиши юзасидан жамоатчилик мониторинглари амалга оширилди. Натижада бу борада қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган 2 та иш берувчига оғоҳлантириш хати юборилиб, мавжуд камчиликлар барта раф этилди. Шунингдек, иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик ҳолати бўйича ишчи-ҳодимларнинг 2 млрд. 742 млн. сўмлик иш ҳақлари ундириб берилди.

Касаба уюшмаларининг кам таъминланган, муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиб, уларга кўрсатаётган беғараз ёрдами кўнгилларга малҳам бўлмоқда. Шу йилнинг январь-сентябрь ойларида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 4855 нафар фуқарога 2 млрд. 788 млн. сўмлик ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди.

Касаба уюшма аъзолари ва уларнинг оила вакиллари дам олдириш ва соғломлаштириш учун аъзолик бадали ҳамда ижтимоий суғурта маблағларидан 3085 нафар фуқарога йўлланмалар берилди. Жумладан, халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган 160 нафар ходим имтиёзли йўлланмалар асосида республикамиздаги санаторийларда соғломлаштирилди. Шунингдек, кам даромадли, кўп болали, оғир шароитда яшовчи 8 нафар аёл, 31 нафар кекса касаба уюшмалари тизимидаги дам олиш масканларига бепул юборилди.

Ёз мавсумида болажонларнинг мириқиб дам олишини ташкил этиш касаба уюшма ташкилотлари олдидаги муҳим вазифалардан бири. Бу борада жорий мавсумда воҳадаги мактаблар қошидаги соғломлаштириш майдончаларида 12,3 минг нафардан ортиқ болажонлар дам олдирилди. Шунингдек, тоғ бағридаги «Бешбулоқ», «Хонжиза», «Жануб гавҳари», Термиз шаҳридаги «Амударё» каби 9 та болалар оромгоҳларида 7 минг 329 нафар болажоннинг кўнгилдагидек дам олиши учун

етарли шароитлар яратилди.

Ўтган ойлarda маданий ҳордиқ чиқаришлари учун 2 минг нафарга яқин ишчи-ҳодим ва уларнинг оила аъзолари учун Тошкент, Самарқанд, Хива, Бухоро шаҳарларига саёҳатлар уюштирилди. Шунингдек, 8,4 минг нафар киши воҳанинг диққатга сазовор жойларига саёҳатга олиб борилди.

Инсон қадри юксалган, тинч, осуда бунёдкорлик оғушидаги юртга байрамлар ярашади. Шу маънода меҳнат жамоаларида барча байрамлар кўтаринки руҳда нишонланди. Бир пиёла чой устида ўтказилган ушбу саналарда касаба уюшма бюджетидан 500 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, фаол ходимларга, меҳнат фахрийларига турли эсдалик совғалари улашилди.

Бизга йўлланган ҳар бир мурожаат ўз вақтида ўрганиб чиқилади. Зеро, оғзаки ёки ёзма равишда бўладими, ҳар бир арзу шикоят ва мурожаат ортида инсон тақдири турибди. Жорий йилнинг ўтган даврида Кенгашимизга 422 та мурожаат келиб тушган. Аризаларнинг 133 таси ижобий ҳал қилинган, 131 тасига тушунтириш берилган, 50 таси тегишлилигига кўра бошқа органларга юборилган. Асосизлиги туфайли 89 таси рад этилган, қолганлари эса айни пайтда иш юритишда.

Қисқаси, «Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!» деган ҳаётбахш ғоя асосида ҳар бир соҳа бўйича касаба

уюшмалари тобора халққа яқинлашган ҳолда фаолият юритмоқда. Чунончи, аҳоли саломатлигини тиклаш ва мустақамлаш борасида касаба уюшмалари тасарруфидидаги «Термиз марвариди», «Хўжаипок», «Омонхона» дам олиш ва даволаниш масканларида ҳар йили минг-



Абдукарим АХМЕДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси

лаб ватандошларимиз ўз соғлиқларини мустақамламоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 105 млрд. сўмдан ортиқ маблағи ҳисобидан сентябрь ойида Саросиё туманида 7 қаватли муҳташам «Сангардак» санаторийси фойдаланишга топширилиши ҳам воҳа меҳнаткашлари учун айни муддао бўлди.

Сурхондарёда одамларнинг касаба уюшмаларига ишончи ортиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 677 та корхона ва муассасада бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилиб, 9183 нафар ходим аъзоликка қабул қилингани ҳам фикримизнинг исботидир.

АСОСИЙСИ, ҲАР БИР ИШЧИ, ҲАР БИР ИНСОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТИМ-СОЛИДА ЎЗИНИНГ СУЯНГАН ТОҒИНИ, ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМ ҲИМОЯЧИСИНИ КЎРСА, БИЗ АНА ШУНДАГИНА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТА ОЛЯПМИЗ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ.



Шу йилнинг ўтган даврида воҳа бўйича ижтимоий кўмакка муҳтож ҳамда иш топишда қийналаётган 1957 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланишига эришилди. Улардан 1160 нафари «Аёллар дафтари» вакиласи, 48 нафари «Темир дафтар» ва «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турган фуқаролардир.

Меҳнат қилаётган ҳар бир инсон асосий эҳтиёжларини қондириш учун етарли маблағга эга бўлиши керак. Айнан бу борада Конституциямизда ҳам алоҳида модда сифатида белгилаб қўйилган ҳаётий тамойил ижросини таъминлаш учун касаба уюшмалари томонидан доимий мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, сарҳисоб даврида ҳудуддаги 457 та корхона, ташкилот ва кичик бизнес субъект-

Тошкент
вилояти

УЛАР ҲАЁТДАН РОЗИ

Тошкент вилоятида жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, жами 88 минг 788 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари» рўйхатига олинган. Шулардан ишсиз ва ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган 30788 нафарининг 99 фоизи иш билан таъминланди, 3997 нафар тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлганларнинг барчасига бу борада амалий ёрдамлар кўрсатилди.



Шунингдек, 21477 нафар тезкор тиббий ёрдамга муҳтож бўлганларнинг 20897 нафарига зарур тиббий кўмак берилди. 132 нафар аёлнинг уй-жойи таъмирланган бўлса, 663 нафар аёлга ижара тўловлари тўлаб беришга эришилди. Ушбу эзгу ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Бугун юртимизда «Аёллар дафтари» рўйхати шакллантирилиб, унга киритилган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳолати асосида тоифаларга ажратилгани ва зарур ёрдамлар кўрсатиб борилаётганига, бу тизимнинг ўз самарали натижасини кўрсатаётганига барчамиз гувоҳимиз.

Қуйи Чирчиқ туманининг «Беруний» маҳалласида яшовчи Феруза Раҳимова шундай дейди:

«Мен тумандаги мактабларнинг бирида ўқитувчи бўлиб ишлайман, бошланғич синфларга дарс бераман.

Саккиз йил аввал турмуш ўртоғим бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этди. Бундан жуда чуқур қайғуга ботдик. Уч нафар фарзандим билан ижара уйда қолиб кетдим. Уларнинг икки нафари ҳали мактаб ўқувчилари, кичиги ногирон эди. У мунтазам даволаш, қаровга муҳтож бўлгани учун тайинли ишлай олмадим ҳам. Ижара тўлаш муддати ҳам тез келиб қоларди.

Кунларнинг бирида туманимизда «Аёллар дафтари»даги аёлларнинг 10 нафарига текин уй-жой берилаётганини, рўйхатда менинг ҳам исмим борлигини эшитиб, очиғи, ишонмадим. Ниҳоят, таъмирланган, барча шароитга эга бўлган шинам уйлардан бирининг калити менга тантанали топширилганида қувончдан йиғлаб юбордим. Энди ўз бошпанамиз борлиги катта қувонч эди бизлар учун. Аёллар шу даражада эъозланадиган, оғирини енгил қилиш давлат сиёсати даражасида кўриб чиқиладиган юртда яшаётганимдан фахрланаман. Яхши инсонлар янада кўпайсин...».

Яна бир бугундан мамнун аёл Оҳангарон туманида яшовчи Дилфуза Парпиевага яқинда ўзининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун 33 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағи ажратилди. У бугунгача бўлган даврини шундай ҳикоя қилади:

«Мен уй бекасиман. Хонадонимизда буюртма асосида ширинликлар пиширардим. Турмуш ўртоғим ҳам ишларди-ю, ammo мавсумий бўлганлиги учун ҳар доим ҳам ишлари юришавермасди. Ўғлимизнинг ўқиши учун шартнома пулини тўлашга ҳам жуда қийналардик.

Бир кун маҳалладан кредит олишни таклиф қилишди. Аввалига бироз чўчиб, 5 миллион сўмлик кредит эвазига товуқлар олдик. Уларни боқиб, кўпайтириб, атиги 5 ой ичида анча фойдага ҳам кирдик. Шундан сўнггина одам қўрқмаслиги кераклигини, таваккал қилиб, ўзига ишонган ҳолда астойдил иш бошласа, албатта натижага эришишини тушуниб етдим.



Мўрод НОСИРОВ,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси
Тошкент вилояти кенгаши раиси

Сўнг маҳалла идорасига 33 миллион сўмлик кредитни сўраб бордим. Тезда ажратилди. Ушбу маблағ эвазига ширинликлар пишириш учун катта печь, музлаткич ва барча зарур бўлган анжомларни олдик. Қизим билан биргалликда буюртмалар олиб, ширинликлар пишира бошладик. Секин-аста дўконларга ҳам топширишни йўлга қўйдик. Мана шундай қилиб, рўзгоримизга анча барака кирди. Ўғлимнинг шартнома пулини ҳам бемалол тўладик. Маҳаллада ушбу хунарни ўрганиш истагида бўлган опа-сингилларимиз ҳам кўпайди. Уларга қўлимиздан келганича ўргатиб келямиз.

Келгусида бу жойни янада кенгайтириб, халқимиз дастурхонини ширинликлар билан безашга кўпроқ ҳисса қўшишни истаймиз...».

Шу ўринда айтиш жоиз, бугунги кунда касаба уюшмалари тизимидаги ходимлар ҳам уйма-уй юриб, вилоятда истиқомат қилувчи ишсиз, моддий ва маънавий ёрдамга, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларимиз ҳолидан хабар олишда, уларга амалий кўмак беришда жонбозлик кўрсатмоқдалар. «Аёллар дафтари»га киритилган ҳар бир аёлнинг муаммоси ўрганиляпти, ижобий ҳал этиляпти.

Аслида «Аёллар дафтари»ни шакллантиришдан кўзланган асосий мақсад – хотин-қизларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш орқали уларда ўзига бўлган ишончни орттириш, эртанги кунга умид боғлашига имкон яратиш ва муваффақиятга эришишлари учун барча зарур кўмакни бериш эди. Зеро, давлатимиз раҳбари тантанали тадбирларнинг бирида: «Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи мамлакатда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аёлни эъозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб қадрият ҳисобланади. Биз, барчамиз қандай касб, қандай лавозимда ишламайлик, қалбимиз, юрагимиздаги жамики эзгу фазилатлар учун сиз, меҳрибон аёллардан умрбод қарздоримиз» деган гапларни алоҳида таъкидлагани ҳам бежиз эмасди.



«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»НИ ВАРАҚЛАГАНДА...



Фарғона вилояти

ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ХУДУДГА АЙЛАНАДИ



Эркинжон НУРАЛИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Фарғона вилояти
кенгаши раиси

Шу йилнинг 28 июль куни давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятида «Худудларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчи-

ликка қарши курашиш борасидаги устувор вазифалар» юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги ишлар ҳақида тўхталиб, Фарғона вилоятини «Хотин-қизлар ўртасида ишсизликдан холи худудга айлантириш» ташаббусини илгари сурган эди.

Ушбу топшириқдан келиб чиқиб, бугунги кунда касаба уюшмалари ҳам худудда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак бериш, оғирини енгил қилиш, энг асосийси, «Аёллар дафтари»га киритилган ишсиз, доимий даромадга эга бўлмаган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириб келаётир.

Хусусан, шу мақсадда мутасадди бошқарма ва ташкилотлар раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилди. Вилоятдаги 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган барча хотин-қизлар хатловдан ўтказилди. Бунда 781 минг 772 та хонадондаги 1 миллион 85 мингдан зиёд оила қамраб олинди. Хатлов орқали 18-55 ёшдаги 892 минг

нафар хотин-қиз билан анкета-сўровномалар тўлдирилди. Улар таҳлил қилинганда, 18-55 ёшдаги хотин-қизлардан 812 минг 311 нафари бандлиги таъминлангани, уларнинг 308 минг 973 нафари доимий, 289 минг 878 нафари мавсумий, 132 минг 163 нафари вақтинчалик иш билан машғуллиги, 81 минг 297 нафари эса ўзини ўзи банд қилгани маълум бўлди. Шунингдек, хатлов давомида 26 минг 703 нафар ишлаш истаги бор хотин-қизлар аниқланди.

Айни пайтда хотин-қизларнинг ўзини ўзи банд қилиш йўллари ривожлантириш бўйича зарур чо-

тагини билдирган эди. Уларнинг 5 минг 862 нафарига имтиёзли кредит ажратилиб, фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашилди.

Вилоятда ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг ўз маҳалласидан чиқмаган ҳолда даромад топишлариغا кўмаклашиш мақсадида туман ва шаҳарларда

кооперациялар ташкил этилиши натижасида минг нафардан ортиқ хотин-қизнинг бандлиги таъминланмоқда.

Хусусан, касаба уюшмалари томонидан ажратилган маблағ эвазига ишлаб чиқариш ҳа-

Шу кунгача «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг 105 минг 98 нафарига ёки 94 фоизига кўмак кўрсатилди. Ўрганишлар давомида 78 минг 996 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланиши зарур бўлса, бугунги кунгача уларнинг 77 минг 266 нафарига амалий ёрдам берилди. 6 минг 877 нафар хотин-қиз тадбиркорлик қилиш истагини билдирган эди. Уларнинг 5 минг 862 нафарига имтиёзли кредит ажратилиб, фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашилди.

ралар кўрилмоқда. Касбга ўрганишга иштиёқи бор хотин-қизлар мономарказларда касбга ўқитилмоқда. Ишлаш ниятини билдирган аёллар эса кооперацияларга бириктирилиб, бандлиги таъминламоқда.

Айтиш керак, Фарғона вилоятида хотин-қизлар ўртасида ишсизликнинг олдини олиш, меҳнат билан банд бўлмаган хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Агар буни «Аёллар дафтари» мисолида айтиш мумкин бўлса, мазкур ҳаётбахш ҳаракатнинг 4-босқичида 30 ёшдан 233 нафар аёл хатловдан ўтказилиб, 112 минг 22 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га қайд этилди.

Шу кунгача «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг 105 минг 98 нафарига ёки 94 фоизига кўмак кўрсатилди. Ўрганишлар давомида 78 минг 996 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланиши зарур бўлса, бугунги кунгача уларнинг 77 минг 266 нафарига амалий ёрдам берилди. 6 минг 877 нафар хотин-қиз тадбиркорлик қилиш ис-

жмини янада кенгайтирган Риштон туманидаги «ММ Porcelain» МЧЖ корхонасида айни пайтда 700 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Берилаётган имконият ва имтиёزلардан фойдаланиб, тадбиркорлигини йўлга қўйган бағдодлик Гулнора Усмонова бугун энг кўп иш берувчи аёлга айланди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг молиявий кўмаги билан «Гулнора Матқулобод бодомлари» кооперациясига асос солинди. Бугун бу ерда 500 нафардан ортиқ хотин-қиз доимий иш билан банд.

Шунингдек, Бешариқ туманида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ажратган 1 миллиард сўм маблағ эвазига «KORK» тикувчилик фабрикаси ишга тушган эди. Ҳозир ушбу тикувчилик корхонасида 200 нафар бешариқлик хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ажратилган маблағ эвазига Бешариқ туманининг «Ворух-Дашт» МФЙ ҳудудида «Адиروبод ғунчалари» ишлаб чиқариш кооперацияси ташкил этилди. Кооперация учун ажратилган 20 гектар ер майдони «Аёллар дафтари»га киритилган 100 нафар хотин-қизга 20 сотихдан ажратиб берилди. Экин майдонида бодом ва ўрик кўчатлари экилган бўлиб, яқин йилларда дарахтлар ҳосилга киради.

Умуман олганда, Фарғона вилоятида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, вилоятни ишсизликдан холи худудга айлантириш бўйича кенг кўламли ишлар қизғин давом этмоқда. Ушбу хайрли ишлар, албатта, яқин вақт ичида ўз самарасини бериши шубҳасиз.

ВИЛОЯТДАГИ 18 ЁШДАН 55 ЁШГАЧА БЎЛГАН БАРЧА ХОТИН-ҚИЗЛАР ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИЛДИ. БУНДА 781 МИНГ 772 ТА ХОНАДОНДАГИ 1 МИЛЛИОН 85 МИНГДАН ЗИЁД ОИЛА ҚАМРАБ ОЛИНДИ. ХАТЛОВ ОРҚАЛИ 18-55 ЁШДАГИ 892 МИНГ НАФАР ХОТИН-ҚИЗ БИЛАН АНКЕТА-СЎРОВНОМАЛАР ТЎЛДИРИЛДИ. УЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНГАНДА, 18-55 ЁШДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАРДАН 812 МИНГ 311 НАФАРИ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНГАНИ, УЛАРНИНГ 308 МИНГ 973 НАФАРИ ДОИМИЙ, 289 МИНГ 878 НАФАРИ МАВСУМИЙ, 132 МИНГ 163 НАФАРИ ВАҚТИНЧАЛИК ИШ БИЛАН МАШҒУЛЛИГИ, 81 МИНГ 297 НАФАРИ ЭСА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАНИ МАЪЛУМ БЎЛДИ.

Овора бўлманг, эй, ҳассос шоирлар,
Аёл тасвирига ожиз эрур шеър.
Чунки ёр зулфининг бир толасига
Ташбех топа олмай ўтган Алишер.

Эркин ВОҲИДОВ

Хоразм
вилояти

Биз учун энг муҳими – аъзолар саломатлиги!

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг билдиришича, инсон саломатлиги 55 фоиз ҳолатда унинг турмуш тарзига, 20 фоиз ҳолатда яшаётган экологик муҳитига, 15 фоизи ирсий омилларга, 10 фоизи эса тиббиётга боғлиқ.

Бу маълумотларни таҳлил қилиш асноси одамлар соғлиғини муҳофазалашда касаба уюшмаларининг иштироки ниҳоятда катта бўлаётганини англаш мумкин. Боиси, ушбу ташкилотларнинг асосий мақсад ва вазифалари ходимлар манфаатлари йўлида хизмат қилишдан иборатдир. Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 73-моддасида таъкидланганидек, касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Ижтимоий ҳимоя чоралари, муносиб иш ва дам олиш шароитларини яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар бевосита аъзоларнинг ҳаёт сифати яхшиланишига олиб келади. Чунки касалликларнинг олдини олиш деганда, фақат тиббий кўриклар ёки тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик тушунилмайди. Бизнинг ҳар бир ҳаракатимиз ёки ҳаракатсизлигимиз саломатлигимизга бевосита таъсир кўрсатади.

Келинг, бу ҳақдаги фикримни янада содда-роқ баён этай.

Маълумки, меҳнат аҳлининг асосий вақти ишхонада ўтади. Ёруғ ва шинам хонада ёки зах ва нимқоронғи хонада ишлашнинг соғлиққа таъсири турлича. Шу боис жамоа келишувлари ва шартномаларига муносиб меҳнат шароитлари яратиш бўйича ходимлар манфаатларини кўзловчи қатор бандлар киритилган. Касаба уюшмалари уларнинг ижросини назорат қилиб бормоқда. Бундан ташқари, уюшма аъзолари жамоа шартномалари орқали маошларини ўз вақтида олишлари, иш ҳақининг қонунда белгиланган миқдордан кам бўлмалиги, тегишли тартибда устамалар ёки моддий кўмак берилиши ҳам ҳаёт сифатини яхшилашда асқатади. Ижтимоий ҳимояланган ходим ўз оиласи аъзоларининг сифатли овқатланишини, яхши кийиниши ва муносиб шароитда яшашини ҳам таъминлай олади.

Буларнинг барчаси саломатликка билвосита таъсир кўрсатади. Энди бевосита ходимларни соғломлаштириш борасида кўраётган чора-тадбирларимизни таҳлил қилсак, бу борада ҳам салмоқли ишлар амалга ошириладигани кўзга ташланади.

Биласиз, спорт саломатлиқнинг асосий гаровларидан бири ҳисобланади. Шу боис айни кезларда Хоразм вилояти касаба уюшмалари тизимидаги барча бошланғич ташкилотларда ходимлар гимнастикаси тизими йўлга қўйилган. Бундан ташқари, касаба уюшма аъзолари иштирокида тез-тез спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Қолаверса, бошланғич ташкилотлар, тармоқ касаба уюшмалари шаҳар-туман кенгашлари томонидан 30 мингдан зиёд спорт тадбирлари уюштирилгани ходимларнинг жисмоний фаоллигини оширишда жуда қўл келди.

Яна бир янгилик шундан иборатки, халқимизга узоқ йиллардан буён хизмат қилиб келадиган «Хонқа» санаторийси учун янги бино қурилмоқда. У фойдаланишга топширилгач, Оролбўйи аҳолисининг соғлиғини асраб,



Гулсара ҚУРБОНБОЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раиси

ёшига ёш қўшиш, турмуш тарзини яхшилаш имкониятлари янада кенгаяди.

Диёримизда янги санаторийлар кўпайгани шарофати билан ходимлар ҳар икки йилда бир марта имтиёзли йўлланма олиш имконига эга бўлишди. 2023 йилнинг тўққиз ойи давомида бу масканларда дам олишлари учун 909 нафар ходимга йўлланма ажратилди. Шундан 1 нафарига тўлиқ баҳосида, 787 нафарига имтиёзли нархларда, 121 нафарига бепул йўлланма берилди.

Байналмилал жангчи, ишлаётган кўп болали ва кам таъминланган оила аъзолари, меҳнат фахрийлари ва ногиронлиги бўлган 100 нафар ходим «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» давлат дастури доирасида касаба уюшмаларининг шаҳар, туман кенгашлари, бирлашган ва бошланғич касаба уюшма кўмиталари томонидан бепул йўлланма олишга муваффақ бўлди. Жумладан, кам таъминланган ва кўп болали ҳамда олис ва чекка туманларда, мураккаб иқлим шароитида яшовчи оилалар аёллари 7 та, тиббиёт ходимлари 5 та, фарзанд кўрмаган оилаларнинг ишлайдиган аъзолари «Умид гулшани» санаторийсига 8 та, ишлайдиган кексалар 10 та бепул йўлланма билан таъминланди. Бунинг учун 120 миллион 460 минг сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги 6108-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида таълим тизимида ишлаётган 70 нафар педагог ходимга бепул йўлланмалар тақдим этиш учун ижтимоий суғурта бюджет ҳисобидан 168 миллион 700 минг сўм маблағ сарфланди.

Хабарингиз бор, кейинги йилларда санаторийларга йўлланмалар нафақат ижтимоий суғурта маблағлари, балки касаба уюшма маблағлари ҳисобидан ҳам берилмоқда. Шунга кўра, ходимлар ўз ота-онаси ва турмуш ўртоғи учун ҳам йўлланма олиш имконига эга бўлишди. Мана, ушбу афзалликнинг натижаси: жорий йилнинг тўққиз ойида касаба уюшма маблағлари ҳисобидан ажратилган 1515 та йўлланманинг 456 тасидан аъзоларнинг яқинлари фойдаланишди.

Табиийки, аъзолар фарзандларининг соғлиғи ҳам касаба уюшмалари эътиборида. Бу йилги ёз мавсумида Хоразм вилоятидаги 31 та оромгоҳда 7-14 ёшдаги 11586 нафар бола соғломлаштирилди. Шунингдек, вилоятимиздаги оромгоҳларда Қорақалпоғистоннинг Шуманай туманида яшовчи 7-14 ёшдаги ўғил-қизларнинг 937 нафари ҳам ҳордиқ чиқарди. Оилавий болалар уйининг 55 нафар, «SOS-Ўзбекистон болалар маҳаллари»нинг 15 нафар тарбияланувчиси, «Маҳалла» ХЖФдан 37 нафар бола, маҳаллардаги кам таъминланган оилалар фарзандларидан 1500 нафари бюджет ҳисобидан дам олдирилди.

Биз ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш бўйича яна бир қанча режалар тузганмиз. Бу масала ҳар доим касаба уюшмалари зиммасидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолади.

ФИКР

Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсасур. Чунки ўқумоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдур.

Абдулла АВЛОНИЙ

МУДОМ ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

Қашқадарё
вилояти



Бахтиёр Жўраев,
Ўзбекистон касоба
уюшмалари Федерацияси
Қашқадарё вилояти
кенгаши раиси

Инсон қадр ва касоба уюшмалари... Бу икки калимани бир-биридан айро ҳолда тасаввур қилиш амримаҳол. Чунки касоба уюшмаларининг бош мақсад-вазифаси инсонни улуғлаш, ходимлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг жамиятдаги, корхона ва ташкилотдаги ижтимоий-иқтисодий манфаатларини тўла-тўқис ифодалашдан иборатдир.

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти Кенгашига 2023 йилнинг ортда қолган даврида 74 та ёзма, 35 та оғзаки, «Ишонч телефони» воситасида 31 та, электрон шаклда 48 та мурожаат келиб тушди. Шунингдек, халқ қабулхоналаридан 11 та, хотин-қизлар муаммолари бўйича «Call-center» орқали 7 та мурожаат қабул қилинди. Уларнинг мазмунига эътибор қаратсак, ишдан ноҳақ бўшатирилган ёки ойлик маошларини ололмай, овора-ю сарсон бўлган кишилар оз эмаслигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, «Epsilon Development Company» МЧЖда 2019 йил декабридан ҳозирга қадар салкам 373 миллиард сўм миқдорда иш ҳақи тўланмагани аниқланди. Киритилган кўрсатмага мувофиқ, ишчи-ҳодимларнинг 10,5 миллиард сўмга яқин иш ҳақлари ундириб берилди.

Бошланғич ташкилот – касоба уюшмаларининг асоси. Шунга кўра, биз ҳар бир бошланғич ташкилот етакчисидан холис ва адолатли бўлишини сўраймиз. Масалан, яқинда Таълим ва фан ходимлари касоба уюшмасининг Ғузур тумани кенгашига ҳудуддаги 21-умумий ўрта таълим мактаб кутубхоначиси Зуҳра Тўраевадан мурожаат тушди. Унда ёзилишича, ходима иш берувчи ташаббуси билан вазифасидан озод этилган. Аммо бу жараёнда Меҳнат кодексининг 111-, 158-, 164-моддалари талабларига риоя этилмаган. Қолаверса, Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, хотин-қизлар 60 ёшга тўлгунга қадар иш берувчи ташаббуси билан уларнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш тақиқланган.

Шу жиҳатларни инобатга олиб, туман кенгаши раиси томонидан мактаб маъмуриятига тақдимнома киритилди. Аммо иш берувчининг

лоқайдлиги туфайли можаро ижобий ҳал этилмади. Судга мурожаат қилинган, ходима ўз вазифасига тикланди ҳамда унга бекор юрган кунлари ва маънавий зарар учун 6,1 миллион сўм ундириб берилди.

Бизда отахону онахонларни эъзозлаш, фахрийларга эҳтиром кўрсатиш бўйича ҳам ибратли анъаналар кўп. Жумладан, йил давомида жамоа шартномалари ва келишувлар орқали кекса ёшлиларга пенсияга чиқишидан олдин бирйўла моддий ёрдам бериш ва уларни қимматбахо совғалар билан тақдирлаш мақсадида 383 та корхонада 608 нафар шахсга моддий ёрдам кўрсатилди. Юбилей саналари муносабати билан 598 нафар ходимга кўмак берилди. 915 та корхона томонидан 1846 нафар ишламайдиغان пенсионер моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Икки ёшдан уч ёшгача бўлган бола парвариши учун таътилга чиққан 376 нафар ёш она ҳам бундай ғамхўрликдан четда қолмади.

753 та корхона томонидан кам таъминланган оилаларнинг 1630 нафар фарзанди учун ўқув қуроллари ва дарсликлар харид қилинди. Байрамлар арафасида ногиронлиги бўлган шахслар ва ўзгалар парваришига муҳтож кишилар (корхоналарнинг собиқ ходимлари) ҳолидан хабар олинди. 47 та корхона 100 нафар кам таъминланган ва чин етим талабанинг ўқув шартнома пуллари қисман тўлаб берди.

Ёш оилаларга эътибор – келажакка эътибор демакдир! Шу боис 42 та корхона ҳисобидан 44 та ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш учун ссуда ажратилди. 35 та корхонада сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилган 36 нафар ходимга фоизсиз ссудалар берилди.

Сўнгги йилларда касоба уюшмалари томонидан ходимларнинг бўш вақтларини, чунончи, байрамлар муносабати билан белгиланган дам олиш кунларини мазмунли ўтказишга эътибор янада кучайтирилмоқда. Шунинг самараси ўларок, тўққиз ойда 17557 нафар ходим турли гушалар бўйлаб саёҳатга олиб чиқилди. 1057 нафар оилавий болалар уйлари тарбияланувчиси ҳамда эҳтиёжманд оилалар аъзоси музей, ҳайвонот боғи ва бошқа маданият-истироҳат масканларида бўлди. Қолаверса, 150 нафар ходим театрга, 5206 нафари концертга, 30 нафари эса музейга ташриф буюриб, мазмунли ҳордиқ чиқарди.

Қашқадарё ёзги соғломлаштириш мавсумини юқори савияда ўтказиш, ўғил-қизларни сифатли дам олдириш бўйича юртимиздаги энг барқарор

ва энг етакчи ҳудудлар сирасига киради. Бу йил 6 июндан 24 августгача давом этган ёзги соғломлаштириш мавсуми вилоятдаги 16 та стационар оромгоҳда амалга оширилди. Шу жараёнда 21536 нафар ўқувчи соғломлаштирилиб, режа 100,4 фоизга бажарилди.

Кам таъминланган оила аъзоларидан 16 нафари, тиббиёт ходимларидан 6 нафари, таълим фидойиларидан 94 нафари, бошқа соҳаларда ишлайдиган кексалардан 23 нафари касоба уюшмалари тасарруфидидаги санаторийларда бепул дам олдирилди. Турли корхона ва муассасаларнинг 14 нафар ходимига эса «Умид гулшани» санаторийсига бепул йўлланма тақдим этилди.

Нодавлат секторда ишлайдиган ишчи-хизматчиларни касоба уюшмасига жалб этиб, имтиёз ва қулайликлардан баҳраманд қилиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ҳар бир етакчи олдидидаги устувор вазифадир. Шунга кўра, тўққиз ой давомида вилоятдаги 220 та нодавлат секторга мансуб корхона касоба уюшмаси сафига кўшилди ва уларда меҳнат қилаётган 7490 нафар ходим ҳимояга олинди.

Спортни ҳар қачонгидан оммавийлаштириш, ходимлар машғулот ва мусобақаларда қатнашиши учун зарур шароитлар яратилапти. Корхона-ташкilotларда ўтказилаётган «Саломатлик» спартакиадасининг қуйи босқичларида минг-минглаб спорт ишқибозлари мусобақалашяптилар. Тармоқ спартакиадалари, маҳаллаларда бўлаётган «Беш ташаббус олимпиадаси» баҳслари, олий ўқув юртлари ходимлари ва талабалари ўртасидаги «Ректор кубоги учун» мусобақалари, жорий йилдан старт олган «Соғлиқни сақлаш вазири кубоги учун», нефть ва газ ходимлари жамоалари иштирокидаги анъанавий мини-футбол турнирлари спортни севган ҳар қандай киши учун омадини синаб кўриши ва касоба уюшмалари томонидан маҳоратига яраша рағбатлантирилиши учун ўзига хос имкониятдир.

Бу йил федерациянинг вилоят кенгаши ташаббуси билан барча тармоқ жамоалари иштирокида «Заковат» интеллектуал ўйини ташкил этилди. Яқинда эса таълим муассасаларида «Энг яхши ўзбек тили ўқитувчиси», «Энг яхши она тили ўқитувчиси» танловлари ўтказилди. Йил охирида энг яхши маҳалла раислари, хотин-қизлар фаоллари, ҳоким ёрдамчилари, профилактика инспекторлари, ёшлар етакчилари сараланади ва қимматбахо совғалар билан рағбатлантирилади.

Касоба уюшмаларимиз фаоллари мудом халқ билан ҳамкор-ҳамнафас. Улар туман ва шаҳарларни жинойятчиликдан холи ҳудудга айлантириш ва ишсизликка барҳам бериш бўйича ишчи гуруҳлар таркибида хонадонма-хонадон юриб, хотин-қизларнинг турмуш тарзини ўрганишмоқда. Инсонпарварлик ва кучли ижтимоий ҳимоя тамойилини ўзида мужассам этган «Аёллар дафтари»ни шакллантириш ва унда белгиланган чора-тадбирлар ижроси бўйича жамоатчилик назоратини ҳам олиб боришмоқда. Жорий йилда мазкур дафтарнинг тўртинчи босқичига вилоят бўйича 87857 нафар хотин-қиз киритилган ва уларга тоифаларига қараб, турли ёрдамлар кўрсатиш белгиланган.

Биз касоба уюшма фаолларидан янги-янги ташаббуслар кутиб қоламиз.



Аканинг сингилга ачинганидай
Инсон инсон учун тўқа олса ёш.
Она халқ бахти деб ҳар вақт, ҳар қачон,
Истайман, бир сафда турса одамлар.

Абдулла ОРИПОВ





Олмалиқ кон-металлургия комбинати:

ҲАР КУНИ БИР ЯНГИЛИК, ҲАР КУНИ БИР ЯХШИЛИК

Тошкент
вилояти

Юртимиз бўйлаб барча жабҳаларда беқиёс ўзгаришлар рўй бермоқда. Хусусан, Олмалиқ кон-металлургия комбинатидаги янгиланиш ва ўсишлар ҳам кўпчилик эътиборини ўзига жалб этмоқда. Унда ишлаётганларнинг эса кайфиятини кўтариб, янги марралар сари ундамоқда.



Комбинатимиз жамоаси Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида ўз олдига қўйган мақсад-вазифаларни муваффақиятли бажариб келмоқда. Унга қарашли корхоналарнинг модернизация ва реконструкция қилиниши, инвестицион лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ этилиши натижа-сида барча ишлаб чиқариш режалари ортиғи билан бажарилмоқда.

Эришилаётган ютуқларда эса касба уюшмамизнинг ҳам яхшигина ҳиссаси бор. Бугунги кунда «Олмалиқ КМК» акциядорлик жамияти ходимлари касба уюшмаси таркибига ўз сафларига 47101 нафар аъзони жам этган 41 та бошланғич ташкилот бор. Бу йил аъзолар сони 289 нафарга кўпайди. Уюшма ташкилий масалалар, меҳнатни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимоя, гендер таъминоти каби 8 та йўналиш бўйича фаолият юритади. Ҳисоботлар ҳар чорақда ва йил якуни бўйича ўтказиладиган йиғилишларда кўриб чиқилади.

Жойларда мавжуд бошланғич касба уюшма кўмиталарига иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича жами 134 та тақдимнома киритилди. Ўрганиш ва таҳлиллардан сўнг уларнинг 63 тасига розилик берган бўлсақ, 71 та ҳолатда ходимлар иш жойида қолишига эришдик. Бу борада келгусида янада одилона ва мохирона иш олиб боришни режалаштирганмиз.

Маълумки, одамларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошса, муаммолар камаяди. Шу боис ҳар бир ходим ва иш берувчи ўз вазифасини, бурчи ва масъулиятини теран англаши учун жойларда «Менинг ҳуқуқим – менинг қафолатим» шиори остида 600 дан зиёд тадбир ўтказдик. Меҳнат ҳуқуқи, ишга қабул қилишдаги дастлабки синов, жамоа шартномаси, корхонанинг ички меҳнат тартиб-қоидалари, меҳнат шартномасининг бекор бўлиши, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси ва ундаги жамоа шартномасига ҳаволалар, «Касаба уюшма-

лари тўғрисида»ги Қонун, Мажбурий меҳнатга қарши норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенциялари доирасидаги давра суҳбатлари шулар жумласидандир.

Биз учун меҳнат муҳофазаси, ходимлар хавфсизлиги ва уларнинг саломатлиги ҳамisha устувор масала бўлиб келган. Касаба уюшмаси кенгаши томонидан жойларда айни соҳадаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатишга ҳаракат қиляпмиз. Бундан ташқари, йил бошидан буён ходимларга иш жойларида меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мос шароитлар яратилганини, улар белгиланган тартибда махсус кийим-кечак, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганини назорат қилиб келяпмиз. Биринчи ёрдам кўрсатиш пайтида ишлатиладиган тиббий қути ва дори-дармонлар мавжудлигига қизиқяпмиз. Жорий талаблар бузилган ҳолатлар аниқланса, иш берувчиларга уларни тузатиш ҳақида тақдимномалар киритяпмиз. Чунончи, комбинатнинг барча асосий цех ва участкаларидаги 398 та иш тақсимлаш ва 187 та ювиниш хонасини тўлиқ текшириб, аниқланган камчиликлар бар-тараф этилишига эришдик.

Комбинатимиз корхона ва цехларида жами 54 та ишчилар ошонаси мавжуд. Меҳнат шароити ноқулай ишлар билан банд ходимлар рацион асосида овқатланишлари йўлга қўйилган. Касаба уюшмалари тузган ишчи гуруҳ аъзолари меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия ва тиббиёт-санитар бўлим ходимлари билан биргаликда тамадхоналарнинг санитар ҳолатини, овқатлар сифати ва белгиланган рационларга риоя қилинганини мунтазам назорат қилиб келишмоқда.

Бошқа илғор ташкилотлардаги каби бизнинг комбинатимизда ҳам жамоа шартномасида қайд этилган барча мажбуриятлар ижроси таъминланмоқда. Айтайлик, унда кўрсатилган тадбирларни бажариш учун комбинат бўйича бир ходимга сарфланган маблағ 2021 йилда ўртача 14,2 миллион сўмга тўғри келди, бу йил эса 15,2 миллион сўмни ташкил этиши ку-



**Абдурашид
ҲАЙДАРОВ,**
«Олмалиқ КМК»
АЖ ходимлари
касаба уюшмаси
кенгаши раиси

тилмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида юбилей саналари бўлаётган 381 нафар ходимга совға-саломлар тарқатилди, Наврўз, Хотира ва Қадрлаш куни, Кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни байрамларида 885 нафар меҳнат фахрийсига озиқ-овқат маҳсулотлари, икки ёшдан уч ёшгача бўлган фарзанди бор 111 нафар ходимга моддий ёрдам, 9000 га яқин ходимимизга эса моддий ёрдам кўрсатилди ёки моддий жиҳатдан рағбатлантирилди. 4538 нафар ходимимиз юртимиздаги ва хорихдаги санаторийларда, ишчи-ходимларнинг 4385 нафар фарзанди эса ёзги оромгоҳларда дам олишди.

Ёшларнинг ўз касбига қизиқишини янада кучайтириш, келажақда етук мутахассис бўлиб етишишига кўмаклашиш мақсадида касб маҳорати танловлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. «Энг яхши ёш механик – 2023», «Энг яхши ёш мис бойитувчи – 2023», «Энг яхши ёш кимёгар – 2023», «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича энг яхши ёш муҳандис», «Энг яхши геолог – 2023», «Энг яхши ёш металлург – 2023», «Энг яхши ёш кончи-муҳандис – 2023» ва «Энг яхши ёш муҳандис қурувчи – 2023» танловлари барча ишчи-ходимлар интиқиб кутадиган сеvimли тадбирлар саналади.

Касаба уюшмаларининг олий мақсади – юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ишларида фаол иштирок этиш. Шундай экан, тизимнинг бир бўлаги сифатида Янги Ўзбекистонни барпо этиш ҳамда юртимиз тараққиёти йўлида олиб борилаётган барча эзгу ишларга камарбаста ва елкадош бўлаётганимиздан мамнунмиз. Комбинатимиз янада гуллаб-яшнаши учун касба уюшма аъзоларига бундан кейин ҳам фидойилик билан хизмат қилишга тайёрмиз.



Кўхна ота юртим, қадим Туроним,
Ўз бешик, ўз тиллим, шавкатим, шоним.
Етти иқлим ичра тенги топилмас –
Тулроқ, тоши олтин Ўзбекистоним.

Тўра СУЛАЙМОН



Сирдарё
вилояти

ИЛҒОР ИННОВАЦИЯЛАР ХУДУДИДА

ИНСОН МАНФААТЛАРИ БОШ МАҚСАДГА АЙЛАНГАН



Рустамбек ТУРСУНМУРОДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Сирдарё вилояти
кенгаши раиси

Биргина меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат ҳуқуқи йўналишларини оладиган бўлсак, ходимлар ва иш берувчиларга маслаҳатлар, услубий ёрдамлар кўрсатиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга доир профилактика ишлари ўз самарасини бермоқда. Масалан, ишлаб чиқариш

билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалардан жабрланиш ҳолатлари ўтган йилга нисбатан 48 фоизга камайди. Сирдарё газ таъминоти филиали Мирзобод бўлими назоратчиси Ғайрат Шайзақов, Сайхунобод туманидаги 41-мактаб ўқитувчиси Лола Вегимова, шу тумандаги 3-мактаб ўқитувчиси Зиёда Жўраева, Республика шойлинич тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЭИМ) ҳамшираси Холида Икромова, Гулистон тумани ободонлаштириш бошқармаси ишчиси Икром Мама-разиқовларга иш пайтида шикастлангани учун 440 379 035 сўм суғурта компаниялари ва иш берувчилардан ундириб берилди. Сайхунобод туманидаги 27-мактаб ўқитувчиси Д.Низомовнинг ҳақ-ҳуқуқлари Олий судда кассация тартибида ҳимоя қилиниб, унинг фойдасига 25 миллион сўм миқдорда бирийўла нафақа ва ойма-ой тўланадиган зарар пуллари суғурта компаниясидан ундириб берилди.

Темирйўлчилар ва транспорт, қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмалари ташкилотларида ходимларга муносиб меҳнат ша-

роитлари яратиш ҳамда меҳнат муносабатларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш масалалари режа асосида вилоят кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Ш.Умаралиева ва меҳнат техник инспектори А.Ҳақимов томонидан ўрганилди. Натижада аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича корхона раҳбарлари номига 6 та ёзма кўрсатма йўлланди.

Мутахассисларимиз агро-ноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги Сирдарё насос станциялари ва энергетика бошқармаси, «Шўрў-зак-Сирдарё» ирригация тизими бошқармаси, Гулистон сув иншоотлари ва «Дўстлик» канали бошқармасида ходимларнинг ҳуқуқ тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши қай аҳволда экани билан ҳам қизиқишди. Ўрганилган корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муносабатларига доир қонун ва қонуности ҳужжатлари асосида ходимлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратилгани аниқланди.

Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ва ўқув хоналари ташкил этиш, уларни хавфсиз меҳнат усулларида ишлаш акс эттирилган плакат, стенд ва кўргазмалар қуроллар билан жиҳозлаш, соҳага оид қонун ва амалдаги бошқа норматив ҳужжатлар билан бойитиш бўйича ҳам амалий ишлар қилинмоқда. Меҳнат шароити ноқулай ва зарарли иш жойларида банд бўлган ходимларга имтиёз ва компенсациялар белгилангани, махсус кийим, пайабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлангани, ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки, иш давомида эса вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказилгани, корхоналарда дам олиш, ювиниш хоналари талабга мувофиқ равишда ташкиллаштирилгани, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарорига мувофиқ мажбурий суғурта ишлари амалга оширилиши мунтазам ўрганиб келинмоқда.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши мутахассислари тиббиёт муассасаларида мунтазам равишда жамоатчилик назоратларини ўтказиб келишмоқда. Меҳнат техник инспектори Аббор Ғаниев шу йилнинг 9 ойи давомида 11 та тиббиёт муассасасида ўтказган жамоатчилик назорати натижасида иш берувчиларга уларнинг 4201 нафар ходими манфаатлари кўзланган кўрсатма хатлар киритилди. Натижада барчаси ижобий ҳал этилди.

Фуқароларнинг Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Сирдарё вилояти кенгашига қилаётган мурожаатлари эътиборсиз қолдирилмаётди. Мана бир мисол: Вилоят кўптармоқли болалар шифохонасининг ҳўжалик ишлари ходими Қудрат Раҳматуллаев иш вақтида бахтсиз ҳодисага учраб, жароҳат олган. Унга берилиши лозим бўлган бирийўла тўланадиган тову пули ҳамда ойма-ой бериладиган зарар пуллари ололмаётгани юзасидан мурожаат қилган. Мутахассислар бу масалани ўрганиб, Гулистон туманлараро фуқаролик судига ходим манфаатини кўзловчи даъво аризасини киритди. Натижада мурожаатчи фойдасига 25 307 248 сўм ундириб берилди.

Хусусан, меҳнат ҳуқуқи инспектори Абдураҳим Алибеков 9 ой давомида 10 та тиббиёт муассасасида жамоатчилик назоратларини ўтказиб, 566 нафар ходимнинг манфаатларини ҳимоя қилди. Бундан ташқари, тармоқ ходимларидан бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан келиб тушган 54 та мурожаат юзасидан иш берувчиларга кўрсатма хатлар киритилган ва барчаси ижобий ечим топишига эришилган.

Саъй-ҳаракатларимиз инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ва бу йўлда барча билим ва тажрибаларимизни ишга солаверамиз.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ВА ТРАНСПОРТ, ҚУРИЛИШ, ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХОДИМЛАРГА МУНОСИБ МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИ ЯРАТИШ ҲАМДА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА РИОЯ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ РЕЖА АСОСИДА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ МЕХНАТ ҲУҚУҚ ИНСПЕКТОРИ Ш.УМАРАЛИЕВА ВА МЕХНАТ ТЕХНИК ИНСПЕКТОРИ А.ҲАКИМОВ ТОМОНИДАН ЎРГАНИЛДИ. НАТИЖАДА АНИҚЛАНГАН КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ НОМИГА 6 ТА ЁЗМА КЎРСАТМА ЙЎЛЛАНДИ.

*Сен – тохлари осмонларга
Тешиб турган чинорим,
Ота десам,
Ўзим деб,
Бош эишб турган чинорим,
Кўйинидаги ифтихорим,
Бўйинидаги тўморим,
Ўзини менинг улўлардан
Улўнимсан, Ватаним!*

**Муҳаммад
ЮСУФ**

Навоий
вилояти

Навоий кон-металлургия комбинати фаолияти ҳар доимгидек қизғин кетмоқда. Хусусан, бу йил охиригача 60 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни мақсад қилганмиз. Бундай улкан маррага эса қарийб 47 минг нафар меҳнаткашнинг доимий изланиши, матонатли меҳнати билан эришамиз.

ОЛТИНГА ТЕНГ ОДАМЛАР ВА ОДИМЛАР

ФАОЛЛИК



Айниқса, комбинатимизнинг 65 йиллик юбилейини нишонлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси фармойишининг қабул қилиниши жамоани янада руҳлантириб юборди. Санага бағишлаб алоҳида ҳужжатли фильм, комбинат тарихи ҳақида китоб, фотоальбом, «Кончилар ҳаёти» газетасининг махсус сони тайёрланмоқда. Байрам арафасида турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, спорт муСОБАқаларини ўтказиш, фахрийларнинг ҳолидан хабар олиш, фаол ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш, концерт ва бошқа кўнгилочар томошалар уюштириш борасидаги ташкилий ишлар аллақачон бошланиб кетган. Шу кунларда ушбу сана шукуҳи, бўлажак байрамларимиз шодликлари қалбимизни шодлантирмоқда.

Яширмайман, биз билан бир сафда ишлашни орзу қиладиганлар кўп. Шу боис юзга яқин касб эгалари, қирққа яқин миллат ва элат вакиллари, ўн уч минг нафар ёш, ўн минг нафарга яқин хотин-қиздан таркиб топган аҳил жамоада бир оиладек бўлиб ишлаш ҳар биримиз учун улкан шараф, шу билан бирга, катта масъулият ҳамдир.

Аъзоларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда қатор ишларни амалга оширяпмиз. Раҳбарият ташаббусидан келиб чиққан ҳолда касаба уюшма вакиллари билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш участкалари ва цехларда меҳнат шароитлари ҳамда муҳофазаси, унга риоя этиш ҳолатлари

юзасидан мақсадли ўрганишлар олиб борилмоқда. Муҳандис-техник ходимларнинг меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ билим ва тажрибасини ошириш мақсадида «Меҳнат муҳофазаси бўйича қонун ва қоидалар билимдони», «Иилнинг энг яхши меҳнат муҳофазаси вакили», «Иилнинг энг яхши ёш мутахассиси» каби танловлар ўтказиб келинаётир.

Меҳнаткашларни соғломлаштиришга мўлжалланган «НКМК» санаторийси, «Кончи» сихатгоҳи, «Тўдакўл» дам олиш мажмуаси, «Металлург» ва «Нуробод» санаторий-профилакторийлари, Ялта ва Кисловодск шаҳридаги «Ўзбекистон» санаторийлари, шунингдек, нуртимизнинг энг сўлим жойларида бунёд этилган «Турон», «Оқтош», «Чинобод», «Умид гулшани», «Бўстон», «Ситорай Моҳи Хоса», «Чортоқ», «Чимён» каби санаторийларга касаба уюшмаси томонидан ишчи-хизматчилар, фахрийлар ва фаолларимиз учун ҳар йили 15 мингта йўлланма ажратилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, 2019 йилда Жиззах вилоятининг Зомин туманида 150 ўринга мўлжалланган яна бир санаторий фойдаланишга топширилди. Чимён ҳудудида жойлашган «Горняк» пансионати жорий йилда капитал таъмирдан чиқарилиб, қайтадан иш бошлади. Айни паллада Навоий, Учқудуқ, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва Зафаробод аҳоли пунктида жойлашган тиббий-санитария бўлимлари 110 минг нафарга яқин кишига хизмат кўрсатмоқда. Бир сўз билан айт-

ганда, барча соғломлаштириш ва дам олиш муассасаларида замонавий тиббий ва диагностика жиҳозлари ўрнатилган.

Комбинатда меҳнаткашлар ва оила аъзоларининг маданий-маърифий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун етарлича шароит яратилган. Бунда Навоий шаҳридаги «Фарҳод», Учқудуқ шаҳридаги «Учқудуқ» маданият саройлари, Зарафшон шаҳридаги «Олтин водий», Нуробод шаҳридаги «Нуробод» маданият уйлари, Зафаробод қўрғонидаги «Ёшлик» маданият ва спорт маркази, Кармана туманидаги «Наврўз» клуби, Заркент қўрғонидаги «Кончи» маданият-спорт мажмуаси, Навоий шаҳридаги болалар ижодиёти маркази каби масканларда юзлаб истеъдодлар ўз иқтидорларини намоеён этиш йўлида маҳоратларини оширмоқда. Бу муассасаларда 170 дан ортиқ бадиий жамоа ва тўғрак ташкил этилган.

Жорий йилда касаба уюшма кенгаши тасарруфида ташкил этилган «Бирдамлик» фонди томонидан 500 нафардан зиёд кам таъминланган, ёлғиз пенсионер ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ишчи-ходимга жами бир миллиард сўмдан ортиқ миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Касаба уюшма кенгаши ташаббуси билан ҳар бир байрам арафасида муҳтож оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш аънамага айланган. Жумладан, касаба уюшмалари куни арафасида «НКМК» АЖ, «Навоий уран» давлат корхонаси, «НКМК жамғармаси» давлат муассасаси ва комбинат тизимидаги барча корхона ҳамда ташкилотларда ишлаётган эҳтиёжманд ишчи-ходимларга, меҳнат фахрийларига озиқ-овқат жамланмалари тарқатишни режалаштириб турибмиз.

Комбинат тизимида 13 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи фаолият кўрсатаяпти ва ҳар мавсумда 12 минг нафардан зиёд бола соғломлаштирилади. Шунингдек, Томди, Учқудуқ, Нурота туманларида яшаётган кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ҳар йили 1000 дона бепул



Исроил РАҲМАТОВ,
Навоий кон-металлургия комбинати касаба уюшмаси кенгаши раиси

йўлланма ажратилади. Навоий шаҳар кўзи ожизлар жамияти, Навоий вилояти қарлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар жамияти Навоий ҳудудий бўлимига ҳам бир неча йилдан буён имтиёзли йўлланмалар тақдим этияпмиз.

Олтин ва кумуш ҳар қандай дав-

*Ўзини танидим, кўжларда угдим,
Молиқ булутларини ҳавосин ичдим –
Кўжларини тўймади, кўжлардан кечдим.
Ватан! Ойи ичмайман, қасам ичмайман,
Лекин икки дунё сандан кечмайман!*

Азим СУЮН



лат иқтисодиётининг асоси, кучқудрати, улкан бойлиги ҳисобланади. Комбинатда ишлаб чиқарилаётган олтин ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар янги Ўзбекистонимиз хазинасини бойитяпти, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда. Бундай самарали меҳнат ва эзгу мақсадлар негизида касаба уюшмаларининг ҳам алоҳида ҳиссаси борлигидан бағоят мамнунмиз. Олдимизга қўйилган вазифаларни сидқидилдан бажариш баробарида халқимизни касаба уюшмалари тизими атрофида янада қаттиқроқ жипслашишга даъват қиламиз.

БАХТ, ЭНГ АВВАЛО, СОҒЛИҚ ДЕМАКДИР



Анвар АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Санатор-курортлар
бошқармаси бошлиғи



«Зомин», «Турон», «Оқтош», «Бўстон» ва «Абу Али ибн Сино» санаторийларида янги даволаш ва ётоқ бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўтган йили соғломлаштирилган фуқароларнинг ёши таҳлил қилинганда, 70 фоизи меҳнатга лаёқатли ишчи ва хизматчилар, 27 фоизи нафақа ёшидаги инсонлар ва 3 фоизи болаларни ташкил этганини қайд этиш лозим. Йилдан-йилга ўртача соғломлаштириш кунлари ҳам ошиб бормоқда. Илгари йўлланма билан келганлар ўртача 7,8 кун давомида саломатликларини тиклашган бўлса, ўтган йили ушбу кўрсаткич 11,6 кунни ташкил этди.

Бу, ўз навбатида, аҳоли орасида сурункали касалликлар фаоллашувининг олдини олиш, касалликларнинг турғун ремиссия даврини узайтириш, ишчи ва хизматчилар орасида вақтинчалик ва қатъий меҳнат қилиш лаёқатининг йўқотилиши кўрсаткичларини пасайтириш ҳамда корхона ва ташкилотларнинг меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини оширишга жиддий таъсир кўрсатади.

Айни пайтда сихатгоҳларда уч ярим минг нафардан ортиқ ходим хизмат қил-

ицида биринчи бўлиб Жаҳон сув ва иқлим билан даволаш Федерациясига (Италия) аъзо бўлди.

Шу ўринда яқинда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан қуриб фойдаланишга топширилган «Сангардак» санаторийи ҳақида икки оғиз сўз айтиш жоиз.

Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги арафасида бунёд этилган мазкур дам олиш маскани 200 ўринга эга бўлган 7 қаватли



ётоқ биноси, қабул ва даволаш бўлими, ошхона ҳамда конференц залдан иборат. Йилига бу масканда нафас олиш тизимида касалликлар мавжуд бўлган 6400 нафар фуқаро саломатликларини тиклаш имконига эга. Масканда тиббий соғломлаштириш ва хизмат кўрсатишни юқори даражада, сифатли ташкил қилиш учун барча қулайликлар таъминланган. Малакали тиббиёт ходимлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг етакчи санаторийларида амалиёт ўтаб, муҳим тажриба ва кўникмаларга эга бўлишди. Ётоқ ҳамда ошхона бинолари энг замонавий мебеллар ва анжомлар билан жиҳозланди. Шунингдек, дам олиш уйи ҳудудида кенг кўламдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, дам олувчилар учун кичик боғ барпо этилди. Маскан айни кунларда эл хизматида.

Умуман олганда, бугун тиббиёт, соғлиқни сақлаш, соғломлаштириш тизимида олиб борилган ислохотлар одамларни рози қилиш, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашдек эзгу мақсадга хизмат қилаётир. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Санатор-курортлар бошқармаси ҳам бу савобли ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.



Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлод тарбияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди ва бу борада талай ишлар амалга оширилмоқда.

Албатта, бугунги ва келажакдаги ишлар, режалар тиббиёт муассасалари қатори санатор-курортлар тизимига ҳам катта масъулият юклайди. Соҳада нуфузли ўринга эга бўлган санаторийлар нафақат дам олиш маскани, балки аҳоли саломатлигини тиклашда ҳам муҳим омил сифатида хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида 7000 дан ортиқ ўринга эга бўлган 31 та санаторий фаолият олиб бормоқда. 2017-2023 йилларда 9 та – «Термиз марвариди», «Сангардак», «Хўжаипок» (Сурхондарё вилояти), «Янгиер» (Сирдарё вилояти), «Чинобод плаза» (Тошкент шаҳри), «Оқтош-Шабада», «Севарсой», «Заркент», «Кўҳинур» (Тошкент вилояти) санаторийлари бунёд этилиб, ишга туширилди. Шу даврда

моқда. Улар бор куч ва тажрибаларига таянган ҳолда одамлар саломатлигини мустаҳкамлаш учун қайғуришади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида ходимларнинг малакасини оширишда қатор ижобий натижаларга эришилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, ишлаб чиқилган ўқув дастурлари асосида шифокорларнинг 150 нафари уй ва иш жойларидан ажралмаган ҳолда малака ошириб, сертификатларга эга бўлишди. Бундан ташқари, 37 нафар шифокор Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказига 1 ойлик ўқув курсига юборилди.

Ходимларнинг касбий тажрибаларини оширишда тизимда ташкил этилаётган халқаро анжуманлар ҳам муҳим ўрин тутди. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги санаторийлар фаолиятини тарғиб қилиш, соҳадаги янги даволаш ва бошқарув усуллари билан тажриба алмашиш мақсадида ўтказилган бир қатор халқаро илмий-амалий конференцияларда илгари сурилган ғоялар, фикр ва мулоҳазалар ходимларга яна бир қўлланма сифатида асқатиши аниқ.

Мисол учун, жорий йилнинг 25-26 май кунлари Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида янги бунёд этилган замонавий «Севарсой» санаторийсида мана шундай конференциялардан бири бўлиб ўтди. Унда Болгария, Беларусь, Греция, Италия, Исроил, Малайзия, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Чехия давлатларидан 30 дан ортиқ малакали мутахассислар ўз маърузалари билан иштирок этишди. Анжуман давомида кўплаб янги билимлар ўртага ташланди, бой тажрибалар билан ўртоқлашилди.

Бугунги кунда ходимлар Австрия, Германия, Грузия, Россия, Чехия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлардаги санаторийларга тажриба алмашиш учун юборилиб, соғломлаштиришнинг янги усуллари амалиётга жорий қилинмоқда. Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Марказий Осиё давлатлари

Ҳаётнинг қадрига етмаган одам ундан баҳраманд бўлишга ҳам лойиқ эмас.

Леонардо да ВИНЧИ



Хайдар ФОЗИЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Капитал қурилиш
бошқармаси бошлиғи

БУНЁДКОРЛИКЛАР БАРДАВОМ БЎЛАВЕРСИН!

Янги Ўзбекистондаги улкан бунёдкорликлар касаба уюшмалари фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Бу жараёнга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Капитал қурилиш бошқармаси муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Буни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мамлакатимизнинг гўзал ва сўлим, баҳаво масканларида бунёд этаётган санаторийлар қуриш аънанасида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида қад ростлаган «Севарсой» сихатгоҳи ўтган йилнинг сўнггида фойдаланишга топширилган эди. Сихатгоҳ денгиз сатҳидан 1600 метр баландликда (Ғарбий Тяньшань тоғи ва Қоржонтовнинг пастки қисмида) ҳам қишки, ҳам ёзги тоғ-иқлимий

Капитал қурилиш бошқармасининг фахр билан тилга оладиган яна бир муҳим объекти бу – «Сангардак» санаторийсидир.

Ушбу бинонинг бунёд этилишига икки йилдан ортиқ вақт кетди. Ҳозирча ушбу иншоот танланган жойи ва архитектураси, хизмат кўрсатиш соҳаси жиҳатидан энг мукамал санаторий бўлиб турибди. Зотан, олис тоғ қишлоғида, одам қадами етиши қийин бўлган қоялар ёнбағрида жаҳон андозаларига мос, замонавий санаторий қурилиши айтишгагина осон. Лекин биз бу ишни эгладик – ишонччи оқладик. Ҳисор тоғ тизмалари чўққисида мана шундай мўъжиза яратдик.

Муҳташам иншоот денгиз сатҳидан қарийб бир ярим минг метр тепаликда барпо этилди. Мазкур сихатгоҳ 3,2 гектар ҳудудни ўз ичига ол-

Айни пайтда Капитал қурилиш бошқармаси томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Яккасарой туманида жойлашган спорт комплекси ҳудудида ёпиқ турдаги сузиш мажмуаси, Қуйи Чирчиқ туманидаги «Кўҳинур» санаторийси ҳудудида анжуманлар зали, Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги «Янгиер» санаторийси ҳудудида ёпиқ сузиш ҳавзаси кабиларда қурилиш ишлари давом этмоқда.

Умуман, 2023 йилда ўз олдимизга қўйган мақсадларимизга етдик десак, муболаға бўлмаса керак. Олдинда қиладиган ишларимиз, амалга оширадиган режаларимиз кўп. Белимизда қувват, дилимизда хоҳиш-истак бўлса, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти бизга ишонч билдириб қўллаб-қувватласа, ҳали халқимизнинг, меҳнаткашларнинг қорига ярайдиган бино ва иншоотларни қуриб битказамиз.

Тинчлик ва осойишталик, хотиржамликда ўша кунларга етиш насиб этсин. Бунёдкорликлар бардавом бўлаверсин!



курорт сифатида барпо этилди. Умумий ҳудуди 6 гектар, 6 қаватли санаторийда барча қулайликларга эга 68 та стандарт, 2 та люкс ва 8 та яримлюкс, тузли ғор ҳамда массаж хоналари, замонавий бассейн ва СПА комплекси, шунингдек, маҳаллий ва хорижий меҳмонлар учун семинар ва тадбирлар ўтказиш учун замонавий конференц-зали ҳам мавжуд. Қурилиш жараёнига уч йилдан ортиқ вақт сарфланди.

Аслида ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида туризм энг истиқболли соҳалардан бири ҳисобланади. Шу вақтгача «Мерсиан», «Ботаника», «Турон», «Зомин» каби дам олиш ва соғломлаштириш марказларимиз хорижлик меҳмонларга муносиб хизмат қилаётган эди. Энди улар қаторига «Севарсой» ҳам қўшилди.

Сихатгоҳ нафақат нафас олиш тизими касалликлари, балки асаб, аллергия касалликлар ва юрак қон-томир ишемияси бўлган беморлар учун ҳам фойдали ҳисобланади.

Санаторий-курортда бир вақтнинг ўзида 200 нафар дам олувчи хизмат кўрсатилади. Бу ерда махсус тайёргарликдан ўтган юқори малакали мутахассислар фаолият юритмоқда. «Севарсой» ишга туширилиши билан юздан ортиқ янги иш ўрни яратилганини эса алоҳида таъкидлашни истардим.



ган бўлиб, 200 ўринга мўлжалланган. Дам олиш маскани ташхислаш ва даволаш, саломатликни тиклаш ва турли касалликларнинг олдини олишга хизмат қилувчи энг сўнгги русумдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар, юқори сифатли мебеллар билан жиҳозланган.

Мижозлар бу ерда физиотерапия ва сув билан даволаш бўлимлари, шифобахш туз ғори, лаборатория, жисмоний тарбия, балчиқ ва парафин билан даволаш, гидроаэроионизация хоналари, ёпиқ сузиш ҳавзаси, турк ҳаммоми хизматларидан фойдаланиши мумкин. Кутубхона, маданият саройи, теннис хоналари, мазали ва дармондориларга бой таомлар тайёрланадиган ошхона, болалар ўйингоҳи ҳам юртдошларимиз хизматиغا шай.

Бундан ташқари, Меҳнат ва ижтимоий таълим академиясининг ётоқхонаси қуриб битказилди. Шунингдек, бошқарма томонидан йил давомида тасарруфдаги оромгоҳ ва сихатгоҳларда қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди.



Очсанг давронларнинг китобларини,
Қанча қарвонларнинг эртаги бордир.
Тингла доноларнинг китобларини,
Эгаси бор юртнинг – эртаси бордир.

Сирожиқдин САЙИД

МУДОМ САЛОМАТ БЎЛИНГ!

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси қошидаги Даволаш-профилактика маркази саломатликни таъминлаш йўлида самарали фаолият юритиб келмоқда.

Масканда соғломлаштириш хизматларини кўрсатиш, эрта ташхис қўйиш, касалликларнинг олдини олиш ва тиббий даволаш хизматлари йўлга қўйилган. Яқин вақт ичида эса Федерация ташаббуси ва кўмаги билан 50 ўринли энг замонавий қулайликларга эга бўлган бино ва энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган физиотерапия бўлими, 200 ўринли замонавий ресторан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ошхонада сифатли парҳез таомлар тайёрланади, бу эса дам олувчиларнинг саломатликларини тиклашда муҳим аҳамиятга эга.

Марказ ётоқхоналари 120 кишига мўлжалланган бўлиб, қулай шарт-шароитга эга. Хоналар замонавий мебеллар ва жиҳозлар билан таъминланган ва китоб жавонларидан жаҳон классик адабиёти ва замонавий ўзбек адабиёти асарлари ҳам жой олган. Кейинги уч йил давомида Даволаш-профилактика маркази томонидан 25 000 нафардан ортиқ кишига амбулатор ва стационар тиббий хизмат кўрсатилди. Шу жумладан, касаб уюшмалари томонидан берилган йўлнамалар асосида ҳам имтиёзли тиббий хизматлардан фойдаланилди.

Айниқса, 2020 йилда – корона-вирус пандемияси айна авж олган даврда минг нафардан ортиқ аҳолига МСКТ, МРТ хизматлари кўрсатилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, уларнинг муайян қисми дам олиш профилактик текширув жараёнидан ўтди, бунда энди бошланаётган касалликлар аниқланиб, уларнинг даволаниш чоралари кўрилди. Бинобарин, улар ўз ҳаётларида келгусида вужудга келиши мумкин бўлган саломатлик билан боғлиқ муаммоларнинг олди олинди.

Марказда 26 нафар олий тоифали шифокор, 2 нафар тиббиёт фанлари номзоди, 36 нафар олий тоифа ўрта тиббиёт ходими аҳолига ҳамда касаб уюшмалари аъзо-ларига тиббий хизмат кўрсатишади.

Уларнинг касб маҳоратларини ошириш ва такомиллаштириб бориш – доимий эътиборимизда. Жумладан, шу вақтгача аксарият шифокор-мутахассислар МДХ давлатларининг етук тиббий муассала-

рида ўз малакаларини ошириб келишди.

Марказда лаборатория, кардиология, неврология, отоларингология, офтальмология, эндокринология, стоматология, гинекология, урология, алергология хизматлари йўлга қўйилган. 2020-2023 йиллар давомида замон талабларига жавоб берувчи (Америка Қўшма Штатларининг GM Hangwei

ФЕДЕРАЦИЯ ТАШАББУСИ ВА КЎМАГИ БИЛАН 50 ЎРИНЛИ ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА БЎЛГАН БИНО ВА ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН ФИЗИОТЕРАПИЯ БЎЛИМИ, 200 ЎРИНЛИ ЗАМОНАВИЙ РЕСТОРАН ҚУРИЛИБ, ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ. ОШХОНАДА СИФАТЛИ ПАРХЕЗ ТАОМЛАР ТАЙЁРЛанади, бу эса дам олувчиларнинг саломатликларини тиклашда муҳим аҳамиятга эга.

Medical Systems Co, Ltd компаниясида ишлаб чиқарилган) энг замонавий МСКТ, МРТ, УТД, рақамли рентген ускуналари олинди.

Аёлларда кўкрак беги саратони патологиясини дастлабки босқичларида аниқлаб берадиган замонавий рақамли маммография аппаратлари ҳам мавжуд бўлиб, касалликнинг олдини олиш бепул йўлга қўйилган. Оториноларинголог хонаси Германияда ишлаб чиқарилган



Ирода НАБИЕВА,
Даволаш-профилактика маркази бош шифокори

сўнги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган.

Физиотерапия бўлими Голландиянинг Enraf-Nonius компаниясида ишлаб чиқарилган бўлин ва умуртқа поғонасини компьютер ёрдамида даволаш аппарати, Германиянинг Herrmann Apparatebau GmbH компаниясида ишлаб чиқарилган ичкаларни даволаш, шакллардан тозалаш каби энг замонавий тиббий ускуналар билан таъминланди. Кардиология, неврология, офтальмология хонаси қайта таъмирланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Касаб уюшмалари тармоғидаги барча дам олиш масканларида бўлганидек, марказимизда ҳам бир вақтнинг ўзида дам олиш, соғлиқни тиклаш ҳамда даволаниш амалга оширилади. Бу фуқаролар учун катта қулайлик туғдиради, уларнинг вақтини тежайди, энг асосийси, кўп касалликларнинг олди олинади. Бунда саломатлик профилактикаси, даволаниш муолажалари ва кўнгилочар тадбирлар узвий боғлиқ равишда амалга оширилади. Бу эса марказ фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради.

Бугунги кунда тиббиёт муассасалари, шу жумладан, даволаш-профилактика тузилмалари ўз фаолиятини даволанувчилар манфаати устуворлигига мослаштирмоқдалар. Тиббий хизматлар тизимида ҳам замонавий ва рақобатбардошлик кўрсаткичлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқимизда «Тани соғлиқ – туман бойлик» деган нақл бор. Соғлом инсон хотиржамлик, шукроналикда умр кечиради. Ўз қобилияти, салоҳиятини жамият, давлат манфатлари йўлида тўлиқ намоён қилади. Марказ жамоаси халқ саломатлиги йўлида камарбаста бўлиб, сидқидилдан ўз бурчини адо этишга ҳаракат қилиб келмоқда. Зеро, бу мамлакатимиз равнақиға бизнинг камтарона қўшган улушимиздир.

Киши соғлом бўлсагина, илгор фикрлай олади, жамият ҳаётида фаол қатнашади. Саломатлик – энг катта бойлик. Ана шу азиз неъматни асраб-авайлаш, касаб уюшма ходимлари ва фаоллари саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида муассасамиз ходимлари бор имкониятларини ишга солиб меҳнат қилишмоқда.





МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ЮКСАК МАЛАКАЛИ КАДРЛАРГА БОҒЛИК



Бугун юксак салоҳиятли, чуқур билимли ва ўта масъулиятли кадрларни етиштириш – ҳар қачонгидан долзарб масала. Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланишида юксак малакали кадрлар муҳим ўрин тутати.



Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси замонавий инновацион ва илмий-педагогик технологиялар, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини қўллаган ҳолда, меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида талаб юқори бўлган касблар, йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича малакали кадрларни тайёрлашга ҳисса қўшиб келмоқда. Шу билан бирга, меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган янги таълим дастурлари ҳамда ўқитишнинг инновацион шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этишда ҳам фаоллик билан иш олиб бормоқда.

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган мазкур академияда бугунги кунда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, ижтимоий иш, инсон ресурсларини бошқариш, психология, менежмент йўналишларида 300 нафардан ортиқ талаба кундузги, 500 нафардан ортиқ талаба эса сиртки йўналишда таҳсил олмақда.

Ўқув жараёнларини ташкил этишга 46 нафар профессор-ўқитувчи, 3 нафар профессор, 10 нафар доцент, 2 нафар фалсафа доктори ва 13 нафар катта ўқитувчи жалб этилган. Профессор-ўқи-

тувчилар томонидан барча йўналишлар ва фанлар бўйича ўқув режалари, дастурлари ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди. Шунингдек, таълим жараёнининг автоматлаштирилган «Платформа» мажмуаси жорий этилди. Академияда таълим жараёни кредит-модуль тизими асосида йўлга қўйилган бўлиб, талабаларнинг ўзлаштиришини баҳолаш замонавий педагогик усул ва технологиялар асосида амалга ошириб келинмоқда.

Ўқув юртида талабаларнинг мукамал билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Таълим масканида 33 та ўқув аудиторияси, 3 та маърузалар зали мавжуд. Бундан ташқари, 15 ўринга мўлжалланган 6 та компьютер хонаси, 50 ўринга мўлжалланган электрон кутубхона, спорт зали, мажлислар зали ҳамда 200 ўринли ошхона ҳам талабаларга хизмат кўрсатяпти. Барча аудиториялар интеллектуал доскалар билан жиҳозланган ва интернет тармоғига уланган.

Яқинда муассасада 328 ўринли талабалар тураржойи қурилиб, фойдаланишга топширилди. У барча қулайликларга эга бўлиб, замонавий меҳмонхоналарга белгиланган талаблар асосида жиҳозланган. Бепул интернет алоқаси, талабалар учун махсус IT-парк фаолияти йўлга қўйилган. Бу шарт-шароитлар талабаларнинг замонавий ахборот технологияларини мукамал ўзлаштириши ва уларни келажакда ўз фаолиятларида қўллай олишига хизмат қилади.

Бу ерда талабаларнинг бўш вақт-

ларини мазмунли ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Махсус кутубхона, «Маънавият ва маърифат» хонаси уларнинг ўз устида мунтазам ишлаши, мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун мўлжалланган.

Талабалар ўқув юртида яратилган бу каби имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда кўплаб ютуқларга эришиб келмоқда. Мисол учун, юриспруденция йўналиши 2-босқич талабаси Озодахон Қодирова «Қалб гавҳари» номли республика ёшлар антологияси иштирокчиси бўлган.

103-гурӯх талабаси Барчиной Суюнова – «Келажак илми қизлар ҳамжамияти» таълим-алмашинув дастурининг муваффақиятли битирувчиси. Унинг «Қалб гавҳари» республика ёшлар тўпламида ижодий ишлари нашр этилган. У бир қанча миллий ва халқаро журналларда мақолалари билан иштирок этиб келмоқда.

Академия меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ малакали кадрлар тайёрлаш, иқтисодиёт тармоқларининг олий маълумотли мутахассисларга, шунингдек, илмий-амалий тадқиқотларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Россия, Озарбайжон, Монголия, Беларусь, Қирғизистон, Қозғистондаги институтлар, миллий ва халқаро тузилмалар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган.

Шуни айтиш лозимки, мазкур таълим муассасасининг ташкил этилиши жараёнида, аввало, меҳнат бозори пухта ўрганилиб, ижтимоий муносабатлар соҳаси учун қандай кадрларга эҳтиёж юқори экани таҳлил этилган. Бугун ана шу мақсадлар йўлида қадам ташлаб бормоқдамиз.

Ишонамизки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан очилган мазкур академия меҳнат ва ижтимоий муносабатлар, ҳамюртларимизнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича юқори салоҳиятли кадрлар тайёрлаш бўйича амалий ишларни янги босқичга олиб чиқади.

Навбахор ЭШПҲЛОВА,

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси
Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий бўлим услубчиси

*Жаҳон ободлиги устоз биландир,
Дилда қарор бўлмас, устоз бўлмаса.
Қамолот, қушфот устоз биландир,
Ишда барор бўлмас, устоз бўлмаса.*

Мирзо КЕНЖАБЕК



Юрган – дарё, деб бе-жиз ай-тилмаган, ҳар битта саёҳат одамга жуда кўп нарса беради.



«КАСАБА САЙР»

ҚУЛАЙ, МАРОҚЛИ ВА ҲАМЁНБОП

Мамлакатимизда туризм соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Ички ва ташқи туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар бугун ўз самарасини берапти. Яқиндагина 140 дан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этган Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-сессияси Самарқанд шаҳрида ўтказилгани ҳам бунга яққол мисолдир.



Тўлқин ХИДИРОВ,
«Касаба сайр» шўъба
корхонаси директори

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган шаҳарларимиз азалдан ўзининг шонли тарихи, бой маданияти билан сайёҳлар эътиборида. Самарқанд, Бухоро, Хоразм каби қатор вилоятларимиздаги тарихий обидалар, бўй чўзаётган замонавий иншоотлар таърифни эшитганларни бир келиб кўришга, бир келганни эса қайта-қайта келишга ундайверади.

Албатта, соҳани ривожлантириш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ҳамда миллий туризм брендини ривожлантириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам туризм соҳасига ўзининг бекиёс хизматини қўшиб келяпти. Унинг тасарруфидаги «Касаба сайр» шўъба корхонаси соҳадаги илоҳотлар ва яратилаётган шароитлардан фойдаланган ҳолда фаолият юртияпти. Туристик хизматларни яхшилаш ва сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида 50 ўринли «Ютонг» автобуси ва 16 ўринли микроавтобус билан таъминланган корхона ўз хизматларини давр билан ҳамоҳанг тарзда олиб борапти. Биргина сўнгги етти йилда 2007 дан ортиқ ташкилот (ўқитувчилар, тиббиёт, алоқа, банк, ишлаб чиқариш, транспорт, савдо, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳаси ходимлари ва бошқалар)дан 60 минг нафардан зиёд турист саёҳати (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз каби шаҳарларга) ташкил этилди.

Президентимизнинг 2017 йилдан буён расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш

ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисидаги фармонлари ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан қатор ишлар олиб бориляпти. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» дастури доирасида юртдошларимиз, айниқса, ишчи-ходимларнинг тарихий шаҳарларга саёҳатлари уюштирилаётгани қувонарли ҳол. Яхши дам, меҳнатга ҳамдам, деганларидек, мароқли ҳордиқ чиқариб келган ҳар қандай ходимнинг ишида унум бўлади, албатта.

Ўз навбатида, Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан «Республика корхона, ташкилот ва муассасаларида фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун ички туризм ва фаол дам олиш ишларини ташкил қилиш режаси» ишлаб чиқилиб, амалга ошириляпти. Натижада, жорий йил Янги йил, Наврўз, Рамазон ҳайити ва мустақиллик байрамларида 125000 нафардан зиёд ходимлар ва оила аъзоларининг ўз ҳудуди ва республикамиз ҳудудидаги диққатга сазовор жойлар (тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотлар)га саёҳатлари ташкил қилинди. Бу уларда катта таассурот қолдириб, байрам кунларида муносиб совға бўлди десак, ҳақ гапни айтган бўламиз.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан жорий йилнинг июнь ойида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятдан маҳаллалар хотин-қизлар фаолларининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига саёҳати уюштирилди. Барчаси пойтахтимиздаги мисли

кўрилмаган ўзгаришлардан ҳайратга тушишганини айтиб, саёҳат унутилмас лаҳзаларга бой бўлганини эътироф этишди.

Байрамлар муносабати билан меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларининг мароқли ҳордиқ чиқаришларини намунали ташкил этишни изчил давом эттиряпмиз. Термиз шаҳри ва Сангардакка янги йўналиш очганимиз ҳам аини муддао бўлди.

Халқаро алоқаларимиз доирасида Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистонга ишчи-ходимлар саёҳатини ташкиллаштиряпмиз.

Айтиш лозимки, «Касаба сайр» шўъба корхонаси орқали саёҳатга чиқиш ҳар жиҳатдан қулай, мароқли ва ҳамёнбоп. Туризм имкониятлари, амалдаги акциялари, саёҳат йўналишлари ва объектлари тўғрисида маълумотлар берувчи www.turizm.kasaba.uz расмий веб-сайтдан имкониятларимиз билан танишиб чиқсангиз, бунинг яққол тасдиғини кўрасиз. Саёҳатга борувчилар ўзлари саёҳат маршрутини тузиб чиқиб, корхонага бунортма бериш имконияти бор.

Бундан ташқари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг www.kasaba.uz расмий веб-сайтига тўғридан-тўғри мижоз хоҳиш-истаклари асосида саёҳат ташкил қилишга ёрдам берувчи «Kasaba sayr» шўъба корхонасига тегишли «Саёҳатлар ташкил этиш» интерактив хизмати жойлаштирилган. Ушбу йўналишдаги ишларимиз веб-сайтимиизга жойлаштирилган бўлиб, бу саёҳат ташкил қилиш истагини билдирган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари учун жуда қулайдир. Бу йилги мавсумда ушбу хизмат самараси ўлароқ, ўнга яқин саёҳатлар уюштирилди.

Тизимнинг оддийлиги ҳамда фойдаланувчининг мақсад ва йўналишни танлашига қараб, у танлаган ҳудуддаги музейлар, театрлар, хиёбонлар, қолаверса, транспорт хизматларини танлаш имконига эга бўладилар. Бундан ташқари, корхона томонидан ажратилаётган гид-экскурсовод хизмати қайси тилда бўлиши, гуруҳда саёҳатчилар сони неча нафар ва уларнинг ёш тоифалари қандай каби интерактив мулоқот сўрови давомида улар ўзлари хоҳлаган саёҳат андозани яратиб чиқишади. Қолаверса, саёҳатчилар саёҳат давомида нонушта, тушлик ва кечки овқат учун ўзлари меню тузиш имкониятига эга.

Спорт туризми, маданий туризм, экотуризм, зиёрат туризми, соғлиқни сақлаш туризми, гастрономия туризми каби қатор йўналишларда турлар ташкил этишда ҳам мавжуд имкониятларимизни ишга соляпмиз. Умуман олганда, соҳада янгидан-янги йўналишлар очиш, саёҳатчилар учун янада қулайликлар яратиш бош мақсадимиизга айланган.



Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида ажойиб бир меҳмонхона бор. У Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясига қарашли. Номи – «Саёҳат сари». Асосан уюшма ходимларига ва меҳмонларга хизмат кўрсатади. Ҳар йили 10 минг нафарга яқин мижозни қабул қилади. Шундан учдан икки қисмини маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар ташкил этади. Жорий йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич янада ортиб, 6362 нафарга етди.

Ҳадемай, меҳмонхона янги чиройга ва ўзгача кўринишга эга бўлади. Чунки айни кунларда унинг иккинчи қавати тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилмоқда. Чироқлари, эшик-ромлари, тош ойналардан иборат барча инвентарлари алмаштирилмоқда. Ювенил хоналари замонавий душ кабиналари ўрнатилган ҳолда, янги кафеллар билан жиҳозланмоқда.

«Саёҳат сари» жами 126 ўринли 70 та хонадан иборат. Уларнинг 52 таси стандарт, 14 таси ярим люкс, 4 таси люкс хоналардир. Барчаси замонавий дизайн асосида безатилган. Хоналарга энергияни тежайдиган чироқлар ўрнатилган. Шунингдек, зарур маиший техникалар мавжуд. Ҳар бир меҳмон тоза халатдан, уч хил сочиқдан ва ювенил воситаларидан фойдаланиши, тренажёр хонасига бориб, ҳар хил жисмоний машқларни бажариши мумкин.



«САЁХАТ САРИ» ҚАЙТА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА



50 ўринли шинам ресторанда нонуштага иссиқ бۇтқалар, турли парҳез таомлар тортилади. Мижозлар меҳмонхона ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва истаklarини алоҳида юритиладиган дафтарга ёзиб қолдиришади.

Маълумки, сўнгги йилларда кўплаб фуқароларимиз «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори остида ўлкамизнинг қадимий шаҳарлари ва диққатга сазовор жойларини зиёрат қилишмоқда. Натижада ички туризм ривожланмоқда. Бунда «Саёҳат сари»нинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Бултўр тобора чирой очаётган пойтахтимизни томоша қилгани келган сайёҳлардан 4500 нафари шу масканда меҳмон бўлди, бу йил уларнинг сони 5500 нафарга етиши кутилмоқда. Шунингдек, жорий йилнинг ўзида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Ўқув марказида малака-

си оширган ходимлардан 529 нафари маълум муддат ушбу меҳмонхонада истиқомат қилишди. Унинг мижозлари кўпайишига, биринчидан, нархи анча арзонлиги, иккинчидан, барча қулайликлар яратилгани сабаб

Келгусида меҳмонхона хизматларини янада тақомиллаштириш учун қатор режалар ишлаб чиқилмоқда.



Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

«ISHONCH»

МЕҲМОН

Меҳмон келган уйнинг чироғи равшан.

Ўзбек халқ мақоли

ИККИ ХАЛҚ ФАРЗАНДИМАН



Шу йил сентябрь ойида Озарбайжон касабаси уюшмалари делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Мен бундан жуда ажойиб тадбир деб баҳоладим ва кейинги жараёнларни диққат билан кузатдим. Икки мамлакат халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ришталари янада мустақамланаётганидан, касабаси уюшмаларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги кўламини кенгайтиришдан ниҳоятда қувондим. Чунки азалдан тили, удумлари ўхшаш, ҳар жиҳатдан ўзаро муштарак икки қардош халқ ҳамкорликда касабаси уюшмалари ҳа-

ракатини кўллаб-қувватлаши нур устига аъло нурдир.

Камина Қорабоғда туғилганман. Ўзбекистонга илк бор 1972 йили меҳмон бўлиб келдим. Чунки шу юртга келин бўлиб тушган опам Сирдарёда яшарди. Кейинчалик ҳар йили келадиган бўлдим. Бора-бора бу ерга боғланиб қолдим.

Аслида ўзбек билан озарбайжон бир-бирини таржимонсиз ҳам тушунади. Улар бир дарахтнинг икки шохига ўхшайди. Тарихи ҳам уйғун. Бир шеъримда ёзганимдек:

**Ҳали яралишдан томиримиз бир,
Қолипимиз бирдир, хамиримиз бир.**

Ўтган асрнинг етмишинчи-саксонинчи йилларида барча соҳаларда кадрлар танқис, айниқса, олий маълумотли ходимларга эҳтиёж катта эди. Мен 1979 йил Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармасига терговчи сифатида ишга кириб, турли бўлимларда ишладим. Кейинчалик адвокатлик қилдим. Жами 22 йиллик тажрибага эга бўлдим. Фидокорона хизматларим эвазига «Ўзбекистон ички ишлар вазирлиги фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирландим.

Бундан ташқари, мени ўзбекистонликлар ва озарбайжонликлар шоир сифатида ҳам яхши

танишади. Зеро, халқларимиз маданий алоқаларини ривожлантиришдаги хизматларим учун иккала давлатнинг ҳам «Дўстлик» орденига лойиқ кўрилганман. Ва яна, ҳар иккала тилда ижод қиламан. Ўзбек тилида «Кўҳна куй», «Яхши ният», «Умид чироғи» тўпламларим, озар тилида «Болалигим қолган заминда» номли шеърлий китобим чоп этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзосиман.

Ижод қилар эканман, ҳаммиша кўз ўнгимда беғубор болалигим ўтган Озарбайжон ва ҳаётимдан рози бўлиб яшаётган Ўзбекистон гавдаланади. Улар менга онамдек азиз. Ҳар бир сатрим шу икки юртга бағишланади. Ҳамиша дўстлигимиз ва қардошлигимиз абадий бўлиши йўлида хизмат қилишга айтойдил бел боғлаганман:

**Ҳақнинг, адолатнинг йўлидир йўлим,
Ўлсам ҳам бу йўлдан ортга дўнмасман.
Эй Ватан, эй Ватан, сенга жон фидо,
Ишқингда ёнаман, асло сўнмасман.**

Али НАСИРЛИ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Ўзбекистон ва Озарбайжон Республикалари
«Дўстлик» ордени лаврадориди

Дўст – дўстнинг ойнаси.

Ўзбек халқ мақоли

ТУРКИСТОНДА

Бугунги кунда мамлакатимизда эркин ва фаровон ҳаёт, демократик жамият қуриш йўлида олиб бораётган изчил ислохотларимиз ва уларнинг амалий натижаларини таъминлашда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини барчамиз эътироф этамиз.

Салкам 120 йиллик тарихга эга Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолияти давомида юксалиш ва пасайиш даврлари ҳам юз берган, лекин бу ташкилот ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаган. Айниқса, сўнгги йилларда касаба уюшмалари ҳаётида янги ривожланиш босқичи бошланди, десак, муболаға бўлмайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Жамият ҳаётида касаба уюшмаларининг роли ва таъсири ортиши билан уларнинг тарихини ўрганиш масаласини кўндаланг қўйиш вақти келди. Бу борадаги илк ҳаракатлар 2020 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейини ташкил этиш бўйича ташаббус билан чиққан пайтдан бошланди. Архив ҳужжатларини ўрганиш асносида «Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи» китобини ёзиш бўйича ишлар ҳам олиб борилди.

Тадқиқотларга кўра, Ўзбекистон касаба уюшмалари қарийб 120 йиллик тарихга эга бўлиб, Ўрта Осиёдаги илк касаба уюшмалари темир йўл ишчилари ва алоқа ходимлари томонидан ташкил этилган. Тарих фанлари доктори, профессор Л.В. Гентшкенинг таъкидлашича, 1905 йил кузида Бутунроссия темир йўл уюшмасининг Туркистон бўлими ташкил этилган. 1906 йилнинг бошида у Ўрта Осиё ва Оренбург – Тошкент темир йўлларининг 8 минг нафар ишчи-ходимини ўзида бирлаштирган. 1906 йилнинг 1 июлида Тошкентда Бутунроссия темир йўл уюшмаси Туркистон бўлимининг биринчи қурултойида Ўрта Осиё ва Оренбург – Тошкент темир йўллари ишчи-ходимларининг Устави қабул қилинган. Ҳозир бу ҳужжатнинг актуал нусхаси Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейида сақланмоқда.

1905 йил бошида Туркистон ўлкасининг Почта-телеграф хизматчилари ҳам ўзаро бирлашиш ҳамда ўзларининг оғир иқтисодий ва ҳуқуқий аҳволларини яхшилаш мақсадида дастлабки ҳаракатларни бошлашди. Архивдан топилган «Туркистон ўлкасида Почта-телеграф уюшмасини ташкил этиш тарихи ҳақидаги» телеграмма ва ҳуқуқатга юборилган илтимосноманинг хомаси лойиҳасида (уларнинг асл нусхалари топилмаган) қуйидаги жумлалар битилган:

«1905 йилнинг 23 октябрида туркистонликларга Бутунроссия Почта-телеграф уюшмасини ташкил этишда иштирок этиш таклифи юборилади. Мазкур таклифнома Тошкентдан бутун Туркистон муассасаларига юборилади.

24 октябрда Тошкентда 100 киши иштирокида Почта-телеграф ишчиларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтади. Йиғилишда Почта-телеграф ишчилари Тошкент идораси, темир йўл орқали почта ташини XII бўлими ва округ бошқармаси вакиллари иштирок этади. Мажлис бошланишига қадар округдаги аксарият муассасалар йиғилишларда сиёсий мавзуларда сўз юритилмаслиги шарти билан Почта-телеграф

уюшмаси билан бирлашишга розилик билдирадилар.

Умумий йиғилишда Почта-телеграф уюшмасининг Туркистон бўлимини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинади. Мазкур бўлим ишларини бошқариш учун қўмита сайланади.

Умумий йиғилиш ва мажлислар нафақат Тошкент идорасида, балки округнинг барча бошқа йирик муассасаларида ҳам ўтказилади. 23 октябрда Самарқанд Почта-телеграф идораси, шахар

ва вокзал бўлимлари мутасаддилари умумий йиғилиши бўлиб ўтади. 24 октябрда Марғилон эски ва янги идоралари мутасаддиларининг қўшма умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Умумий йиғилишларда почта-телеграф уюшмасига қўшилиш билан бир вақтда илтимоснома ва қарорлар қабул қилиниб, унда Тошкент делегатларига юқори



турувчи органларга умумий ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади. Ушбу мурожаатда Туркистон ўлкаси алоқачиларининг моддий аҳволи оғирлиги кўрсатилиб, меҳнат шартларини яхшилаш ва ойлик иш маошларини ошириш талаблари илгари сурилган эди.

Улар иш ҳақини 50 фоизга ошириш, қўшимча тўловларни (ошхона, уй-жой, командировка пули ва ҳ.к.) ошириш, ишчи-ходимлар сонини кўпайтириш ва иш вақтини қисқартириш, хизмат муддатини ва иш сменаларини қисқартириш, ҳар йили ойлик тўланадиган таътилларни жорий қилиш ва нафақаларни ошириш талаб қилинади.

Шу тариқа 1905 йил 24 октябрда Тошкентдаги алоқа ходимлари йиғили-

шида Туркистон Почта-телеграф уюшмаси ташкил этилади. Йиғилишда Бутунроссия Почта-телеграф уюшмасига «маънавий ва иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш асосида» қўшилиш ва «уюшма бўлими ишларини бошқариш учун қўмита» сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Бутунроссия Почта-телеграф уюшмасининг Туркистон бўлими 1905 йилда ташкил этилганини ва фаолият юритганини Туркистон Почта-телеграф округининг Почта-телеграф идораси раҳбари 1919 йил май ойида Скобелев шахри касаба ходимлари Кенгашига юборган телеграмма ҳам тасдиқлайди. Унда қайд этилишича, Бутунроссия Почта-телеграф уюшмаси 1905 йилдан буён мавжуд бўлиб, у аввалига махфий фаолият юритган. Уюшма таркибига миллати, жинси ва динидан қатъи назар, барча почта-телеграф, телефон ва радио-телеграф ишчилари кирган. Телеграммада, шунингдек, уюшма ишларини почта ва телеграф ходимлари қурултойида сайланадиган почта ва телеграф комиссари ва комиссарлик вакили бўлган Туркистон Республикаси Почта-телеграф ходимлари Кенгаши бошқариб келаётгани таъкидланган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи тўғрисидаги тарихий ҳужжатларни ўрганиш жараёнида 1907 йилга қадар бир қанча касаба уюшмалари мавжуд бўлганини тасдиқловчи қўлёзмалар ҳам топилган. Қуйида улардан кичик бир қисмини мисол сифатида келтираемиз:

«Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторининг 1907 йил 5 июнда Сирдарё вилояти бўйича Туркистон генерал-губернатори канцеляриясига берган маълумотида кўра, қуйидаги 6 та касаба уюшмаси мавжуд:

1. Сирдарё идора хизматчилари ва бухгалтерлар уюшмаси.
2. Туркистон фармацевтика жамияти.
3. Тошкент офицант, ошпаз ва уй хизматчилари уюшмаси.
4. Тикувчи, этикдўз, шапкадўз ва шляпадўзлар уюшмаси.
5. Матбаа ходимлари уюшмаси.
6. Механик ишлаб чиқариш ходимлари уюшмаси».

Шу йили курувчилар уюшмаси ва ўзаро меҳнат ёрдами жамиятлари тузилиши лозим.

Юқорида кўрсатилган уюшма ва жамиятларнинг 1906 йил 6 мартдаги Қонунга асосан ишлаб чиқилган уставлари ўлканинг бош раҳбарига тақдим этилган».

«Туркестан», «Туркестанские ведомости» ва «Русский Туркестан» газеталарининг 1905-1907 йиллардаги баъзи сонларида чоп этилган маълумотлар ҳам ўша кезлар юқорида тилга олинган касаба уюшмалари тузилганини тасдиқлайди.

«Русский Туркестан»нинг 1905 йил декабрида чиққан 264-сонидagi далилларга биноан, Тошкентдаги «Бр. Нобель» ширкатининг бош идораси хизматчилари шахарда Идора хизматчилари ва бухгалтерлар касаба уюшмаси бўлимини ташкил этишни режалаштиришган. Тузилманинг асосий мақсади ўз аъзолари ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг моддий ва маънавий ҳаётини яхшилашга ёрдамлашиш ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилишдан иборат бўлган. Уюшма уставиди қуйидагилар белгилаб қўйилган: ишсизликдан суғурталаш, соғлиқ ва ҳаётни суғурталаш, қайтарилмайдиган моддий ёрдам ёки фоизсиз ссуда бериш, иш билан таъминлаш, тиббий ва юридик ёрдам кўрсатиш, бошпана ва озиқ-овқат билан таъминлаш, дафн этиш учун моддий ёрдам кўрсатиш, уюшма аъзолари қарамоғида бўлган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, даволаш, маънавий муассасалар, ётоқ-

«Туркестан» газетасининг 1906 йил 29 августдаги сониди ўша куни соат 9 да Цинцадзе циркида Тикувчи ва этикдўзлар касаба уюшмасининг таъсис мажлиси бўлиши маълум қилинади. 31 август куни соат 4 да эса умумий мажлислар залининг қишки биносиди Офицант, ошпаз ва уй хизматкорлари касаба уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги эълон чоп этилади.

ИЛК КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

МОЗИЙГА НАЗАР



хоналар очиш, лекциялар ўқиш ва ҳоказолар.

«Туркестан» газетасининг 1906 йил 29 августдаги сониди ўша куни соат 9 да Цинцадзе циркида **Тикувчи ва этиқдўзлар касабаси** уюшмасининг таъсис мажлиси бўлиши маълум қилинади. 31 август куни соат 4 да эса умумий мажлислар залининг қишки биносида **Официант, ошпаз ва уй хизматкорлари касабаси** уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги эълон чоп этилади. Кун тартибига тасдиқланган устав ўқиши, бошқарув ва тафтиш комиссияси низомларини тасдиқлаш, бошқарув аъзоларини ва уларга номзодларни сайлаш, тафтиш комиссияси аъзоларини ва уларга номзодларни сайлаш, жорий йил сметасини тасдиқлаш ва амалдаги ишларга дахлдор масалалар киритилганди. 5 сентябрда официант, ошпаз ва уй хизматкорлари касабаси уюшмаси бошқаруви аъзоларининг биринчи мажлиси бўлиб ўтади. Бу уюшмага 1906 йил сентябрь ойи ўрталарида 70 киши аъзо бўлган ва тез орада уларнинг сони ортиши кутилган эди. Чунки бу таркибга нафақат уй хизматкорлари, балки меҳмонхоналар, турли ошхона устaxonалари ва бошқа жойларда ишлайдиган хизматкорлар ҳали киритилмаган эди.

«Туркестан»нинг 1906 йил 1 сентябрдаги сониди 3 сентябрь куни соат 9 да Цинцадзе циркида **Матбаа ишчилари уюшмасининг** таъсис мажлиси бўлиши тўғрисида эълон берилган бўлса, «Туркестанские ведомости»нинг 1906 йил 8 (21) октябрдаги сониди, «Туркестанский курьер» газетаси маълумотига таянилган ҳолда, Сирдарё ҳарбий губернатори **Матбаа ходимлари касабаси** уюшмаси уставини тасдиқлагани ҳақидаги хабар ёритилган. Мазкур уюшма маблағлари кириш (аъзоликка ўтиш) тўловлари, йиллик, ойлик ва бир марталик бадаллар, капитал фойзалари ҳамда хайриялар ҳисобидан шакллантирилган.

«Новый путь» газетасининг 1906 йил 8 июлдаги сониди **Механика ишлаб чиқариш ишчилари касабаси** уюшмасининг ушбу ташкилот тузилгани хусусидаги хабари босилади. «Туркестан» газетасининг 10 сентябрдаги сониди эса расмий рухсат этилган механика ишлаб чиқариш шаҳар ишчилари касабаси уюшмаси аъзоларининг биринчи умумий йиғилиши бўлиб ўтганига доир маълумот чоп этилади. Нашрнинг кейинги сонларида уюшма ташкил этилган илк кунларда унинг кассасига келиб тушган бадаллар ҳақида сўз юритилади.

«Туркестан» газетасида ёзилишича, 1906 йил 17 сентябрь куни эрталаб соат 9 да Цинцадзе циркида **Қурувчилар касабаси** уюшмасининг таъсис мажлиси ўтказилган. Унда бинокорлар сўнги пайтларда иш вақтидан ташқари қўшимча ишлашларига тўғри келгани, ammo шунга яраша ҳақ олишмагани таъкидланган. Бунга ўхшаш ҳолатлар зудлик билан қурувчилар касабаси уюшмасини тузиш зарурлигини исботлади. Сўнгра уюшма уставини модама-мода кўриб чиқилди ва ҳукуматга биржа ва уюшма ҳақида расмий илтимоснома билан чиқадиган комиссия аъзолари сайланди.

«Туркестанские ведомости»нинг 1907 йил 19 январь (1 февраль) сониди бир ҳафта бурун **Туркистон фармацевтика жамияти** аъзоларининг тантанали мажлиси бўлиб ўтгани ҳақида хабар чиққан.

Таҳлиллар 1905-1907 йилларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида, ҳақиқатан ҳам, касабаси уюшмалари пайдо бўлганидан далolat беради. Дастлабкилари номида «касаба» сўзи мавжуд бўлмаса-да, табиати ва хусусиятига кўра, ишчи-хизматчилар томонидан ўз иқтисодий ва касбий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилгани, иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш масалалари билан шуғуллангани сабабли бошқа мамлакатлардаги ҳозирги касабаси уюшмала-

рига тўла мос келади.

Эслатиш жоизки, Туркистон ўлкасидаги илк касабаси уюшмалари узок давом этган иш ташлашларга, ноқулай меҳнат шароитлари ҳамда ишчи-ходимларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари поймол этилиши билан боғлиқ норозиликлар оқибатида юзага келган. Бу меҳнаткашлар ўз ҳуқуқ ва манфаатлари учун курашганидан далolat беради. Хусусан, улар иш ҳақи вақтида тўланмаслигидан, ҳақ тўланмайдиган ва иш вақтидан ташқари қўшимча ишлардан ёки байрам кунларидаги ишлардан норози бўлишган. Буларнинг барчаси ишчиларнинг кенг доирадаги норозилигини келтириб чиқарган. Улар ўз шартлари бажарилиши талаб қилган ҳолда, вақти-вақти билан завод ва темир йўлларда ишни тўхтатиб қўйишган.

Бу сай-ҳаракатлар гоҳида ижобий ечим топган, иш берувчилар ходимларнинг баъзи шартларини қабул чоғда, ишчилар аввалги иш жойлари ва иш ҳақларини йўқотишлари билан боғлиқ ҳолатлар ҳам кузатилган.

Иш ташлашлар ва уларнинг оқибат-натижалари ҳафталик газеталарда ёритиб борилган. Масалан, «Туркестанские ведомости»да ёзилишича, 1905 йил февралда Оренбург – Тошкент темир йўли ишчилари (тахминан 400 киши) ва Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент бош устaxonалари ишчилари (тахминан 800 киши) ўз ишларини тўхтатдилар. Шунинг баробарида, раҳбарлардан саккиз соатлик иш кунини жорий этишни, байрамолди иш кунларини кундузи соат 12 да тугатишни, иш вақтидан ташқари қўшимча ишлаш миқдорини йилга 120 соат билан чеклашни, кунига икки рубль ва ундан кўп оладиганларнинг кунлик ва ойлик меҳнат ҳақини 10 фоизга, камроқ оладиганларникини эса 25 фоизга оширишни, энг кам кунлик иш ҳақини 1 рубль миқдорига белгилашни, маошн ойига камида икки марта иш вақтида тўлашни, жарималарни бекор қилишни, темир йўл маъмурияти усталарга нисбатан хушмуомалада бўлиши (сиз деб муносабат қилишни), улар билан ишчилар ўртасидаги барча тушунмовчиликлар махсус комиссия томонидан ҳал этилишини, тиббий бўлимни такомиллаштиришни, ҳаммомни тартибга келтиришни, устaxonаларни иситишни, йиғилишлар ўтказиш ва уюшмалар ташкил этиш эркинлиги ҳамда умумий цензура билан тақиқланмаган барча асарлардан фойдаланишга рухсат берган ҳолда, оммавий ўқишларни бепул йўлга қўйишни талаб қилишади. Бу талабларнинг баъзилари қаноатлантирилгани боис тез орада темирйўлчиларнинг забастовка-

лари тугатилади ва улар ишларини яна давом эттиришади.

Шу газетанинг 1905 йил 29 май (11 июн)даги сониди Тошкент савдо ва саноат корхоналаридаги приказчик ва ишчилар забастовкасига оид мақола босилади. Ўз меҳнат шароитларини яхшилаш ниятида 24 майда приказчикларнинг бир қисми ишга келмайди, бошқалари (баъзилари хўжайинлари таклифи билан) ишни тўхтатиб, раҳбарларга муҳим талаблар билан мурожаат қилишади. Томонлар ўзаро мурося йўлини танлаб, иш вақти ва дам олиш, байрамолди ва байрам кунларида ишлаш, таътил ва касаллик бўйича таътил олиш, шунингдек, ҳар бир ходим ушбу келишув ва умуман барча меҳнат шартлари акс эттирилган иш ҳақи дафтарчаси билан таъминлашни лозимлиги бўйича келишувга эришадилар. Сўнгра приказчиклар ва ходимлар ўзаро ёрдам кассаси ҳамда касабаси уюшмалари зарурлигини англаб етдилар ва ўзларининг шаҳар театрида бўлиб ўтган биринчи йиғилишида ўзаро ёрдам кассасини жорий этишга аҳд қилиб, 100 рублга яқин маблағ йиғадилар.

Бироқ бундай келишувлардан кейин хўжайинлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармаган ҳолатлар ҳам аниқланган. Жумладан, таътиллари масаласи ўзаро мурося йўли билан ҳал этилган. Приказчиклар ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар йили бир марта давомийлиги уч ҳафтадан кам бўлмаган ва асосан ёзда олинадиган меҳнат таътилин талаб қилишади. Хўжайинлар икки йилдан кам бўлмаган муддат давомидида ишлаётганлар учун меҳнат таътили берилиши шартлигини тан олишади. Бунда таътилнинг ойлик энг кам нормасини белгилаб қўйишади, лекин таътил бериш муддатини (навбатга қараб) ўз ихтиёрларида қолдиришади. Ана шу боис орадан бир йил ўтгач, «Туркестан» газетасида ҳанузга қадар меҳнат таътиллари деярли берилмаётгани, раҳбарлар турли баҳоналар билан уларни рад этишда давом этишаётгани танқид қилинади.

Яна бир гап. 1905-1907 йилларда тузилган касабаси уюшмаларининг аксарияти махфий равишда иш юритган. Шу боис улар ёпиб юборилган ёки фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган. 1917 йилга келганда ишини яна давом эттиришга киришган. Меҳнаткашлар эса янги касабаси уюшмаларини тузишни бошлаб юборишган.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудидаги касабаси уюшмалари тарихини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда ва уларнинг қарийб 120 йиллик тарихига бағишланган китоб тайёрланмоқда. Шубҳасиз, у ўзига хос аҳамиятга эга ноёб манбага айланади. Негаки, касабаси уюшмалари ташкил этилишидан тортиб, уларнинг то ҳозирги кунгача бўлган ривожланиш жараёнларини қамраб олади.

■ «Туркестан»нинг 1906 йил 1 сентябрдаги сониди 3 сентябрь куни соат 9 да Цинцадзе циркида **Матбаа ишчилари уюшмасининг** таъсис мажлиси бўлиши тўғрисида эълон берилган бўлса, «Туркестанские ведомости»нинг 1906 йил 8 (21) октябрдаги сониди, «Туркестанский курьер» газетаси маълумотига таянилган ҳолда, Сирдарё ҳарбий губернатори **Матбаа ходимлари касабаси** уюшмаси уставини тасдиқлагани ҳақидаги хабар ёритилган.

Мадинабону АБДУКАРИМОВА,
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси
Ахборот-таҳлил маркази етакчи мутахассиси



Зулхумор Қурбонова
2022 йил
ноябрда
Хоразм
вилоя-
ти кўп
тармоқли тиб-
биёт маркази қабул бўли-
мига УТТ шифокори (0,25
ставка) этиб ишга қабул қи-
линди. Аммо орадан беш ой
ўтиб, аниқроғи, 2023 йил 23
мартда марказ бош шифо-
корининг буйруғига кўра,
З.Қурбонова билан тузилган
меҳнат шартномаси бекор
қилинди.

ЗУЛХУМОР ИШГА ҚАЙТДИ

Бундан норози бўлган З.Қурбонова май ойида Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Хоразм вилояти кенгашига арз қилди.

Мазкур мурожаат ўрганилганда, бош шифокор буйруғи шу йил 30 апрелга қадар амалда бўлган Меҳнат кодекси талабларига зид равишда қабул қилинган аниқланди. 2023 йил 16 май куни иш берувчига ходимни ишга тиклаш ҳақида ёзма кўрсатма киритилди.

Бироқ иш берувчи уни бажармади. Шу сабабли фуқаро З.Қурбонованинг манфаатини кўзлаб вилоят кенгаши томонидан судга мурожаат қилинди.

Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди даъво ари-засини кўриб чиқиб, З.Қурбоновани Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига қара-рашли қабул бўлими УЗИ шифокори в а з и ф а с и г а ишга тиклаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Ҳозир Зулхумор ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Унга бекор қолган кунлари учун 11 309 084 сўм иш ҳақи ва 5 000 000 сўм маънавий зарар ҳам тўлиқ тўлаб берилди.

Расул АЛЛАБЕРГАНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касбага уюшмаси Республика кенгаши
Хоразм вилояти бўйича меҳнат-ҳуқуқ
инспектори

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» – аёллар мададкори

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини «Инсон қадрини учун» тамойили асосида янада ошириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида диққатга молик ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ҳамюртларимизнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш масалаларига давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қаралмоқда.



Шунга кўра, 2020 йил 7 мартда Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси қошида қуну тун ишлайдиган Хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center» жорий этилди. У орқали юртимизнинг барча ҳудудларида яшаётган аёлларнинг турли масалалар бўйича мурожаатлари қабул қилинади. Ҳар бири атрофлича таҳлил этилгач, кўриб чиқиш учун электрон (<http://ayollar1211.kasaba.uz/>) ахборот тизими орқали тегишли вазирликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига юборилади. Барчасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, ўз муддатида кўриб чиқилиши ва зарур чоралар кўрилиши бўлим ходимлари томонидан доимий назоратга олинади.

Бизга мурожаат қилувчилар орасида фарзандларини боғчага ёки мактабга жойлаштиришда қийналаётган, банкдан кредит ололмайд сарсон-саргардон бўлаётган ва бошқа фуқаролик ҳуқуқлари бузилаётган опа-сингилларимиз ҳам бор. Масалан, тошкентлик Зарина Нишанова 68-мактаб раҳбарларига ҳамда давлат хизматлари марказига қайта-қайта мурожаат қилса-да, жияни Умиджон Нишанов бошланғич синфда ўқишига эриша олмаётган экан. «Ишонч телефони» тизими аралашувидан кейин бу масала ҳал бўлди ва Умиджон ўша билим даргоҳининг 1-синф ўқувчилари сафига қўшилди.

«Ишонч телефони» тизими ходимлари аҳолидан тушаётган шикоятлар ва аризалар ижроси натижадорлигини таъминлаш ниятида турли вазирликлар ва республика миқёсидаги ташкилот-идоралар билан доимий ҳамкорлик ўрнатган. Ана шу боис Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига жўнатилган 10666 та мурожаатнинг деярли барчаси ижобий ечим топди. Марказий банкга юборилган 30 та шикоятнинг 23 таси, Соғлиқни сақлаш вазирлигига йўналтирилган 4481 та шикоятнинг 4390 тадан ортиғи қаноатлантирилди.

Мазмун-моҳиятига кўра, мурожаатларнинг аксарияти ижтимоий ва уй-жой муаммоларига, бандлик ва алимент ундириш масалаларига дахлдордир. Уларга ҳамда молиявий ва ҳуқуқий жиҳатдан мушкул аҳволда қолганларга қонун

доирасида амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, «Аёллар дафтари»га киритилган қибрайлик Мавлуда Худойберганаева жарроҳлик операциясига пул топишда қийналаётган экан. Унинг бизга бу ҳақдаги илтимоси алоҳида эътиборга олинди.

Пировардида, туман ҳокими фармойишига ҳамда «Аёллар дафтари» жамғармаси вазирлик кенгаши баёнига биноан, унга жами 20 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Табиийки, кундалик ҳаётда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилаётган ҳолатлар кўп кузатилади. Оқибатда, иложсиз қолган баъзи фуқаролар 1211 рақамли «Ишонч телефони»га сим қоқадилар. Масалан, шу йил ёзда Навоий вилоятида яшовчи Ольга Ковалевская «Media Park» тармоқ дўконларининг Навоий шаҳар филиалидан ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан музлаткич харид қилади. Аммо орадан ҳеч қанча ўтмай, бу маиший техника яхши ишламай қолади. Бундан ҳафсаласи пир бўлган мижоз дўконга бориб, нима гаплигини тушунтиради. Дўкон масъуллари унинг уйига уста боришини ва музлаткични тузатиб беришини айтишади. Бироқ сўзлари устидан чиқишмайди. «Ишонч телефони» аралашуви билан носоз музлаткич янгисига алмаштириб берилгач, ўзаро низо барҳам топди.

Тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилган жаззахлик М.Ҳасанова банкдан кредит ололмади, жиғибийрон бўлиб юрганди. 1211 рақамли «Ишонч телефони»га кўнғироқ қилгач, ишлари юришиб кетди. Унга «Агробанк» том маънода мададкор бўлди. М.Ҳасановага банкдан 5 миллион сўм кредит ажратилди.

Бунга ўхшаш мисолларни истаганча келтириш мумкин. Чунки «Call-center» шарофати билан мушқули осонлашган опа-сингилларимиз анчагина. Умумлаштириб айтадиган бўлсак, ўтган давр мобайнида республикамизнинг турли шаҳар-қишлоқларида истиқомат қилувчи хотин-қизлардан бўлимимизга жами 158243 та мурожаат келиб тушди. Улардан 99 фоизининг қонуний ижроси таъминланди. Бу тизим ходимлари ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ночор вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни ҳорга томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг қорига яраб, оғирини энгли қилиш билан боғлиқ вазифаларига масъулият билан ёндашаётганидан далолат беради.

Улуғбек ҲАМИДОВ,
1211 рақамли «Ишонч телефони»га
келган мурожаатлар билан ишлаш
бўлими бошлиғи



Ўзбекистон касаба уюшмалари саройи:

ХАЛҚИМИЗГА ҚАЙТГАН ТАРИХ

Ўтган йили

Президентимиз Шавкат

Мирзиёевнинг хайрли ташаббуси билан пой-

тахтимиз марказидаги тарихий бино Касаба уюшмалари саройи сифатида Ўзбекистон халқи, маданияти ва санъати учун қайта фойдаланишга топширилди.

Бинонинг қисқа фурсатда «қайта тирилиши»да албатта, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбари Қудратилла Рафиқовнинг хизмати катта. Сарой республикамиз маънавият марказига айланади, чунки бу масканда ҳеч бўлмаганда бир марта шу саҳнада чиқиш қилган, хотирамизда абадий қолганларнинг руҳи, истеъдоди сингдирилган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон касаба уюшмалари саройининг очилиши мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида, жумладан, маданият ва санъатда ҳам қудратли ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Халқимизга қайтарилган ушбу тарихий қошада бугун турли концертлар, кўргазмалар уюштирилиб, юртимиз аҳолиси ва хорижий меҳмонларни қабул қилмоқда. Саройда улкан бунёдкорлик ва пардозлаш ишлари нозик дид билан амалга оширилганини кўриш мумкин. Қолаверса, ушбу масканнинг яқин тарихда мамлакатимизнинг муҳим маданий маркази бўлган, ammo орадан вақт ўтиб узоқ йиллар эътибордан четда қолган, эндиликда эса давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфига ўтказилиб, янгидан ҳаёт бахш этилганини қайд этиш лозим.

Мазкур бино ўзбек санъати, жумладан, опера ва балет, академик ва эстрада санъатининг бешиги ҳисобланади. Бу саҳнада турли даврларда ижодий театр жамоалари, таниқли шахслар – шoirлар, актёрлар, хонандалар чиқиш қилган.

1900 йилда театр санъатининг ашаддий ишқибози, тошкентлик тадбиркор Г.Цинцадзе шаҳар думаси олдида театр биноси қуриш зарурлиги тўғрисида тақлиф киритди. У 1903 йилда меъмор Э.Гоффман лойиҳаси бўйича Тошкент марказида қурилиш ишларини бошлаб юборди. Дастлаб Туркистонда (Ўрта Осиё) «Шапитто»

типидаги биринчи ёғоч чодирли цирк қурилган. Бу ерда биринчи спектакль 1905 йилда намоиш этилган.

1910 йилдан бошлаб цирк киносенансларини ўтказди. 1912 йилда цирк учун янги лойиҳа ишлаб чиқилди.

1913 йилда тошкентлик муҳандис Г.К.Попов бошчилигида «Колизей» цирк-эстрада томошаси, деб номланган металл гумбазли гиштдан бино қурилди. 1100 нафарга яқин томошабинга мўлжалланган ушбу Колизей инқилобдан олдинги Тошкентдаги энг йирик жамоат биноси бўлиб, у доимий равишда оммавий тадбирлар, жумладан, давлат курултойлари ва йиғилишларини ўтказиш учун фойдаланилган. Мазкур концерт зали ўзининг ташқи кўриниши билан Туркистонда техник ва меъморий фикрнинг анча юқори ривожланганидан яққол далолат беради.

Бинода озарбайжонлик режиссёр А.Аскарлов 1914 йилнинг феврида биринчи ўзбек драматик спектакли – Беҳбудийнинг «Падаркуш» асарини саҳналаштирилган. Бу саҳнада рус актрисаси Вера Комиссаржевская, З.Малиновская драма труппаси, Сидги Рухулла озарбайжон труппалари томонидан намоиш этилган. Колизейнинг ана шу тарихий саҳнасида Абдулла Авлоний раҳбарлигида Туркистонда профессионал драма театри ташкил этилишидан тўрт йил аввал пайдо бўлган илк ҳаваскор драма труппаси ўз фаолиятини намоиш этди.

1925 йилда мазкур бинода Ўзбекистон касаба уюшмаларининг биринчи курултойи байрамони руҳда бўлиб ўтди. Кейинчалик колизей негизида Муҳитдин қори Ёқубов ва Тамарахоним давлат ўзбек этнографик ансамблига асос солдилар. 1929 йилда ансамбль Ўзбек давлат мусиқали театри деб ўзгартирилди. 1939 йилдан эса Миллий опера ва балет театрига айлантирилди.

Бу ерда ўша унутилмас йиллардаги миллий санъатимиз асосчилари бўлган мақомчилар, А.Козловский бошчилигидаги симфоник оркестр, сўнгра Зоҳид Ҳақназаров ва В. Неймернинг ажойиб концертлари намоиш этилди.

1958 йилда Ботир Зокиров бошчилигида ўзбек эстрада оркестри ҳам шу ерда ташкил этилган. 1970 йилларнинг бошида Ботир Зокиров билан Ўрта Осиёда биринчи «Toshkent music hall» жамоасига асос солинган.

Ушбу масканда ўзбек эстрада санъатининг энг кўзга кўринган вакиллари Ботир Зокиров, Луиза Зокирова, Фаррух Зокиров, Юнус Тўраев ва бошқалар ижод қилишган. Шунингдек, «Ялла», «Наво» ва «Садо» гуруҳлари ташкил этилган.

Шу ўринда тарихий бинони янгиланган шаклда қайта тикланиши ортида катта мақсадлар ётганини айтиш лозим. Унинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси саъй-ҳаракати билан янги мақомга эга бўлиши маданият занжири мустаҳкамланишига муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Масканда катта реконструкциядан кейин яна бир янги давр бошланди, дейишимиз мумкин. Сарой маъмуриятининг режалари ҳам талайгина. Келгусида бир гуруҳ санъат намояндalarининг концертлари ва юлдузлар хотира-сига бағишланган ижодий кечаларни тақдим этиш ҳаракатидамиз. Шунингдек, турли саналар муносабати билан бир қатор хайрия, тижорат-ҳамкорлик тадбирлари ҳам ўтказиб борилади.

Бугун сарой қошида ташкил этилган «Қалдирғоч» болалар ижодиёт студияси фаолият юритиб келмоқда. Бу ерда 4 ёшдан катта болалар учун рақс, тасвирий ва вокал санъати, либос дизайнерлиги, миллий чолғу асбоблари ижрочилиги, актёрлик маҳорати ва овоз режиссёрлиги йўналишларида тўғарақлар ташкил этилган. Ҳозирда турли байрамлар, тантаналар муносабати билан болалар иштирокида қувноқ дастурлар намоиш этиляпти.

Ишонамизки, сарой ҳали узоқ йиллар маданият, санъатимиз ривожига хизмат қилажак.



Маҳмуджон МУРАТОВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари саройи Бош директори, юридик фанлари доктори, профессор



1920 йил. Тошкент. Яков Свердлов номидаги концерт зали. Собiq колизей.



1997-1999 йиллар. Тошкент. Республика биржа маркази.



2022 йил. Тошкент. Ўзбекистон касаба уюшмалари саройи.

ТАШАББУСКОР, БИЛИМЛИ ВА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ЗАРУР

Ҳар бир соҳа ривожда етук, малакали кадрлар муҳим ўрин тутди. Билимли, ўз устида ишлайдиган, бой тажрибага эга ходимлар жамият тараққиётига хизмат қилувчи ислоҳотларга ҳисса қўшади, албатта.



Иркин УМАРАХУНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Малака ошириш
институтининг директори,
юридик фанлари доктори, профессор



ликлар, олий таълим муассасалари ва нуфузли ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик ишларини йўлга қўйган. Ўқув машғулоти электрон тест синовлари билан яқунланади ва сертификатлар топширилади.

Ҳар чоракда институтнинг масофавий таълим (www.edu.kasaba.uz) тизими орқали онлайн ўқувлар ташкил этилади. Шунга кўра, жорий йилнинг I-III чораги давомида 1010 нафар касаба уюшма фаоли асосий ишидан ажралмаган ҳолда мустақил малака оширди.

Бугунги кунда мазкур институт 4 та давлат касаба уюшмаларининг таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади. Хусусан, Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳридаги Гуманитар университети, Туркиянинг Анқара шаҳридаги Халқаро Евроосиё металлургия Федерацияси ҳамда Озарбайжон касаба уюшмаларининг Меҳнат ва Ижтимоий муносабатлар академияси билан икки томонлама халқаро шартномалар имзоланди.

Малака ошириш институтининг ходимлари 2022-2023 йилларда Анқара шаҳридаги Халқаро Евроосиё металлургия Федерацияси томонидан ташкил этилган ўқув-семинарларда иштирок этишди, ўқув жараёнлари билан яқиндан танишиб, тажриба орттиришди.

Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиш, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур.

Малака ошириш институтининг мана шу мақсадлар йўлида олға қадам ташлаб бораверади.

Бир неча йилдан буён ана шу мақсадлар йўлида фаолият юритиб келаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфдаги Малака ошириш институтининг турли соҳалардаги тармоқ касаба уюшмалари ходимлари ва фаоллари учун бир қатор ўқув курсларини ташкил этиб келяпти.

Қисқа муддатга мўлжалланган ҳафталик ўқув курсларининг асосий мақсади меҳнаткашларни меҳнат соҳасидаги қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бошланғич касаба уюшма раисларининг салоҳиятини оширишдан иборат. Шунингдек, бугунги кунда корхона ва ташкилотлар фаолиятида юз бераётган янгилик ва ўзгаришлар, ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда касаба уюшма кўмиталарининг иши билан яқинроқ танишиш, улар билан тажриба алмашиш учун амалий машғулотлар ҳам ўтказиб келинади.

Бу йил 45 та гуруҳда жами 1030 нафар ходим малака оширди. Уларнинг аксариятини касаба уюшмаларининг бошланғич ташкилотлари раислари, ҳисобчи ва ғазначилари ташкил этди. Хусусан, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ ходимлари касаба уюшмаси бошланғич ташкилот раҳбарлари ва раҳбар ўринбосарлари учун ташкил этилган ўқув курсида назарий ўқув машғулотларидан ташқари Тошкент трактор заводида касаба уюшмаси фаолияти билан таништириш мақсадида амалий машғулот ташкил этилди. Бундан ташқари, турли тармоқ, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, «Олмалиқ КМК» АЖ ҳамда Навоий КМК ходимлари касаба уюшмалари кенгашларининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўйича, мурожаатлар билан ишлаш ҳамда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мутахассисларига ҳам малака ошириш ўқув курслари ташкил қилинди.

Машғулотларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти, бўлим мудирлари ва мутахассислари, тармоқ касаба уюшмалари республика Кенгашларининг тажрибали мутахассислари ҳамда касаба уюшмалари ўқитувчи-тренерлари жалб қилинди. Улар тизимидаги янгиликлар, қонун ва қонуности ҳужжатларга киритилган ўзгаришлар тўғрисида ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Ўқув дастурларига янгиланган Конституция, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги ва меҳнат муҳофазасига оид қонунларнинг мазмун-



моҳияти, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини амалиётда қўллашда касаба уюшмаларининг роли ва вазифалари, Меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик асослари, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенциялари ва уларни касаба уюшмалари томонидан қўлланилиши, Касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятини Устав талаблари ва меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш тўғрисидаги қатор мавзулар доимий киритиб борилади. Дарс жараёнлари замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

Институт бугунги кунда Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиликлардан тингловчиларни бохабар этиш мақсадида вазир-



Дунёни билмакка идрокинг гаров,
Зеҳн кўймоққа дили покнинг гаров.
Яхши иш қилмоқ учун йўқса ўқув,
Санга лозимдур ўқув бирлан ўқув.

Анбар ОТИН



Бухоро
вилояти

КАСАБА УЮШМАСИ МЕНИНГ ҲАЁТИМДА

МЕҲНАТЛАРИМ МУКОФОТЛАНДИ

Миршод БОЗОРОВ,
Ромитан туманидаги
«Тарнаут» МФЙ ёшлар етакчиси:



– Маҳаллада ёшлар етакчиси сифатида фаолият бошлаганимга кўп бўлгани йўқ. Бу ерда 1221 нафар 14-30 ёшгача бўлганлар истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бирини шахсан танийман. Чунки муаммо ва истакларини мутасаддиларга етказиш, ҳал қилишга кўмаклашиш асосий вазифам саналади. 41 нафар банд бўлмаган ёшлар бор эди. Улар сонини кескин қисқартиришга эришдик. Масалан, 19 тасига аукцион орқали ижара асосида фойдаланиши учун ер ажратдик. 7 нафарига иссиқхона учун имтиёзли кредит ва 6 нафар аёл-қизларга тикув машинаси олиб бердик. Қолганларини мавсумий ишларга жалб қилиб турибмиз. Бу дегани, маҳалламизда ишсиз ёшлар сони қолмади ҳисоб.

Мазкур рақамлар фаолиятимдан бир мисол, холос. Бошқа йўналишларда ҳам вазифаларимиз талайгина. Айтмоқчи бўлганим, қисқа фурсатда амалга оширган ишларим каттагина эътирофга сазовор бўлди. Ўзбекистон ка-

саба уюшмалари Федерацияси томонидан эълон қилинган «Энг яхши ёшлар етакчиси» танловининг республика босқичи совриндори бўлиб, Президент совғаси – «Спарк» автомобилни қўлга киритдим. Ушбу мукофотга лойиқ кўрилганимдан ғурурланаман ва шу орқали келажакка ишонч билан янада дадил қадам ташлашга ўзимда куч топяпман.

Биласизми, ушбу мукофот олганимни кўриб-эшитгандан кейин ҳамкасбларим менга ҳавас билан қарай бошладилар. Уларда ҳам мазкур танловда ғолиб бўлиш истаги туғилди. Бу дегани – маҳалларда ёшлар билан ишлаш тизими янада қизғин тус олади. Ҳамкасбларим фаолиятидаги жонланишнинг озми-кўпми илҳом манбасига айланганимдан хурсандман.

ОҒИР ДАМЛАРИМДА ЕЛКАДОШ БҮЛДИ

Дилноза СУЮНОВА,

Когон тумани, Ўртакент қишлоғи:



– Ўтган йили, 13 июнь куни, тушдан кейин соат учлар атрофида эди. Турмуш ўртоғимнинг амакиси уйимизга шумхабар олиб

келди: У «Асрор ишхонада ток уриши натижасида омонатини топширибди, бардам бўлинг, келин... Буёғи бандалик» деганида хушим бошимдан учай деди.

Ҳали ўттизга ҳам тўлмаган навниҳол умр йўлдоши тўсатдан ўлим топиши ҳар қандай аёлни саросимага солади. Икки норасидам билан бўзлаб қолдик.

Турмуш ўртоғим Асрор Қутлиев «Когон кончи чағил» МЧЖнинг шағал корхонасида оддий ишчи бўлиб ишларди. Уша куни раҳбарининг кўрсатмаси билан темир элак ускунасини таъмирлашга жалб қилинган. Ускунани пайвандлаш вақтида электр токи уриши натижасида вафот этган.

Оилада ёлғиз боқувчимиз шу инсон эди. Эримнинг ўлимига бир куйсам, фарзандларим тақдири ва уларнинг келгусидаги таъминотини ўйлаб дардим ўн бўлаверди.

Товон пулини – гўдакларим насибасини ундириб беришларини сўраб масъул идораларга мурожаат қилдим. Шукрки, касабани уюшмалари аралашуви билан корхонадан 75 миллион сўм зарар пуллари ундириб берилди.

Бу маблағнинг керагини коримизга яратдик, мол-ҳол қилдик. Қолганини яхши ният билан банкка омонатга қўйдим. Оғир дамларимда елка тутган касабани уюшмалари масъулларидан бир умр миннатдорман.

ЯХШИЛАР КЎМАГИ ДОИМ БОР БЎЛСИН!

Нодир АБДУХОЛИҚОВ,

Бухоро давлат тиббиёт
институтини талабаси:

– Ота-онангизни тириклигида қадрланг, деб бежиз айтишмаган. Бу сўзларнинг маъзани икки йил аввал бахтсиз ҳодиса сабаб



уларни тупроққа топширганимиздан сўнг чуқур англаб етдим.

Ҳайҳотдек ҳовлимиз ҳувиллаб қолди. Бунинг устига, моддий таъминотимизда ҳам қийинчиликлар юзага кела бошлади. Олий таълим муассасаси контракт тўловини тўлашнинг ўзи бўлмайди. Бўш вақтимда ишладим. Аммо камимни тўлдиришга анча қийналдим.

Шундай чоғда ёрдам қўлини чўзганларни ҳеч вақт унутмас экансан киши. Касаба уюшмалари тавсияси билан ташкилот стипендианти бўлдим. Тантанали маросимга таклиф қилиб, стипендия сертификатини топширишди. Шу маблағ кам-кўстимга яраб турди.

Ҳозир қийинчиликлар анча ортда қолди, яхши маошли ишда ишляпман. Яқинда оила қуриш арафасидаман. Бунинг учун ҳаётимнинг энг оғир кунларида кўмаклашган ва ёрдамини аямаган касабани уюшмалари мутасаддиларидан бир умр миннатдорман.

Яхшилар кўмаги доим бор бўлсин.

«ISHONCH» муҳбири
Дилдора ИБРОҲИМОВА
ёзиб олди

МИННАТДОРЛИК

Бу каби дил сўзларни ўқир эканмиз, жонажон Ватанимизнинг турли ҳудудларида яшаётган, меҳнат қилаётган юрtdошларимиз қалбида Ўзбекистоннинг бугуни ва келажакка бўлган қатъий ишончнинг кўрамиз, ҳис қиламиз.



Жиззах
вилояти

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ КАФОЛАТЛАНСА...

АЙНИ ПАЙТДА ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ ВА ЖАМОАТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИГА ТИЗИМДАГИ 122 ТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ САФИДАГИ 14450 НАФАР ХОДИМ ҚАМРАБ ОЛИНГАН.

Бошланғич ташкилотларнинг ҳар бирида соғлом ва бехатар меҳнат шароитлари яратилиши биринчи навбатдаги вазифа сифатида йўлга қўйилган. Жумладан, 2023 йилнинг ўтган биринчи ярмида тизимдаги 117 нафар ходим ва уларнинг ота-оналари саломатликларини мустаҳкамлаш учун касабани уюшмаларига қарашли сиҳатгоҳларга 404390000 сўмлик йўлланмалар берилди. Шунингдек, 247 нафар ходимга 163 миллион 551 минг сўмлик моддий рағбатлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож, оилавий шароитида моддий етишмовчилик ва соғлиғида муаммолари бўлган 153 нафар ходимга 101 миллион 130 минг сўмлик моддий ёрдамлар ажратилди.

Аъзоларни соғломлаштириш, улар ўртасида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш ва мунтазам шуғулланишлари учун шароит яратиш ҳам диққат марказимизда. Хусусан, бошланғич касабани уюшма раислари иштирокида турли спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилиб, баҳсларда фаол қатнашаётган ходимлар ва ғолиб жамоалар эсдалик



совғалари билан тақдирланди. Барча бошланғич ташкилотларда маданий-маърифий тадбирлар мунтазам ташкил этилиб, фаол иштирокчилар муносиб рағбатлантирилди. Уюшма аъзолари учун Хива, Самарқанд, Тошкент шаҳарларига саёҳатлар уюштирилди.

Тармоқ тизимида ўтказилган республика кўрик-танловида ҳудуддаги

ташкилотлардан 25 таси фаол иштирок этди. Танловда вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси касабани уюшмаси «Энг яхши касабани уюшма кўмитаси» номинацияси бўйича учинчи ўринни қўлга киритди.

Тармоқ тизимидаги ташкилотларнинг раҳбар ходимлари иштирокида хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратиш, ёнғиннинг олдини олиш ва техника хавфсизлиги бўйича семинарлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб келмоқда.

Шу ўринда тизимда фуқаролардан келаётган мурожаатлар ижобий ҳал этилаётганини алоҳида таъкидлашни истардик. Жумладан, бугунгача келган 209 та оғзаки ва 52 та ёзма мурожаатга ижобий ечим топилди. Кенгаш томонидан тизим касабани уюшмаси аъзоларининг ҳаёти мазмунли ўтиши, иш шароитлари яхшиланиши учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Алишер КАРИМОВ,

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабани уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши раиси



Бухоро
вилояти

Пойдевор мустаҳкам бўлса...

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Бухоро шаҳар кенгаши фаолиятига доир мақола тайёрлаш учун борганимда бир неча мурожаатчи навбатда турганини кўрдим.

– Бухоро шаҳридаги 4-мактабгача таълим ташкоти тарбиячиси ман, – деди ўзини Дилноза Собирова деб таништирган аёл. – Муассасамиз фаолияти тугатилиши муносабати билан ишдан бўшатилганман. Маъмурият охириги тўловларни тўлади. Аммо ишдан бўшаш нафақаси берилмади.

Улардан яна бири ўзини Нигина Ражабова деб таништирди.

– Бухоро шаҳридаги 20-мактабда география фани ўқитувчиси бўлиб ишлайман, – деди у. – Мактабда 23,5 соат дарсим бор, 2 соат уйдаги таълим. Шу йил 56 кундан иборат таътил берилди. Аммо меҳнат таътили пули кам ҳисобланган экан. Қолган қисмини ундириб беришда амалий ёрдам сўраб келдим.

Раиснинг хонасидан кўтаринки кайфиятда чиққан яна бир аёлнинг юзидаги табассуми сабабини билишга қизиқдим.

– Орзугул Ражабоваман, – деди у. – Шаҳардаги 13-мактабгача таълим ташкотида тарбиячи ёрдамчиси бўлиб ишлайман. Қизим жуда

ўткир куйиш жароҳатини олгани сабабли бир неча бор мураккаб операцияларни бошидан кечирди. Бу ерга моддий ёрдам сўраб мурожаат қилиб келгандим. Улар ҳозирнинг ўзида телефон орқали масъуллар билан боғланиб, масалани ижобий ҳал қилишди...

– Кенгашга у ёки бу муаммо билан мурожаат қилиб келадиганларнинг ҳеч бири ортига қуруқ қўл билан қайтмайди. Имкон борича ҳар бир масалага ижобий ечим топамиз. 2022-2023 йиллар мобайнида шунга ўхшаш 485 нафар мурожаатчининг моддий кўмак кўрсатиш, сиҳатгоҳларга йўлланма ажратиш, бузилган

ҳуқуқларини тиклаш сингари турли масалаларда қилган мурожаатларини ҳал қилиб бердик, – дейди кенгаш раиси Дилафруз Аралова. – Шиоримиз оддий: «Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетмасин!».

Хўш, кенгаш иши фақат мурожаатларни кўриб чиқишдан иборатми?! Йўқ, албатта.

Бугунги кунда тармоқ тизимидаги ўн минг нафардан ортиқ ходимни ўз сафига бирлаштирган

Бугунги кунда тармоқ тизимидаги ўн минг нафардан ортиқ ходимни ўз сафига бирлаштирган Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши жамоа шартномаларини имзолаш ва аъзоликка олинган ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида кенг кўламли ишларни олиб бормоқда. Белгиланган меъёрлар, ходимлар учун кўзда тутилган имтиёз ва кафолатлар ижросини таъминлаш масаласи доимий диққат марказда.



Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши жамоа шартномаларини имзолаш ва аъзоликка олинган ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида кенг кўламли ишларни олиб бормоқда. Белгиланган меъёрлар, ходимлар учун кўзда тутилган имтиёз ва кафолатлар ижросини таъминлаш масаласи доимий диққат марказда.

Шу асосда 300 нафардан ортиқ ходимга ижтимоий кўмак берилди. «Ҳар бир инсонга меҳр-эътибор» мавзусидаги чора-тадбирлар доирасида 70 нафардан зиёд кексалар ҳолидан хабар олиниб, йил давомида уларга эсдалик совғалари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди. «Касаба уюшмалари – болаларга» акцияси доирасида тармоқ ташкилотларида фаолият кўрсатаётган 150 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари олиб берилди. Аъзоларнинг саломат-

лигини тиклаш борасида тизимда фаолият юритаётган 185 нафар ходимга сиҳатгоҳларга йўлланмалар ажратилди. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори остида 3000 нафардан ортиқ касаба уюшма аъзолари учун юртимизнинг турли сўлим гўшаларига саёҳатлар ташкил этилди. Ходимларни соғломлаштириш мақсадида «Спорт – соғлиқ гарови» шиори остида турли тадбирлар доимий равишда ўтказиб келинмоқда.

Касаба уюшмалари фаолиятининг асосини унинг куйи бўғинлари ташкил этади. Зотан, бино пойдевори қанча мустаҳкам бўлса, иморат шунча баланд ва бақувват бўлади. Айнан бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчиларининг талабчанлиги ва фидойилиги кенгаш ютуқларининг муҳим омили бўлмоқда.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»



Адолат даррахтни суғормоқ, зулм эса тиканга сув тўкмоқдир.

Жалолиддин
РУМИЙ



Самарқанд
вилояти

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши раҳбари Маъруф Бобоёров ҳамкорлигида туманларнинг бирига бордик. Тиббиёт бирлашмаси ҳовлисида йигирма нафарга яқин аризачи билан учрашдик. Улар маъмурият қароридан норози.

Бирлашма раҳбари бизни хушламайгина қаршилади. Муддаони ҳам бепарво эшитди. Эшик қўнғироғини чалиб, кимнидир ҳузурига чорлади. Қўлига бир даста қоғоз ушлаган катта ҳамшира пайдо бўлди ва уларни стол устига ёзиб, иш берувчини оқлашга ўтди. Муаммо тармоқдаги нуфузли идоранинг такомиллаштириш ташаббуси ортидан содир бўлаётганини қистириб ўтишни ҳам унутмади.

Аммо вазиятни ўрганган тармоқ меҳнат ҳуқуқ инспекцияси вакили ва кенгаш раҳбари штатлар қисқаришида маъмурият кўзда тутаетган қонуний асосларга зид ишларни бирма-бир санаб берди. Табиийки, буйруқлаштиришдаги қонун бузилиши одамларда норозилик уйғотган бўлиб, маъмурият ана шу чал-

Мураса йўли осон эмас

кашликни бартараф этиши учун ҳам бўшатилган барча ходимлар ўз ишларига тикланиши шарт.

Аваллига қонуний талабга «бош эгандек» ҳолат юзага келди. Ишларнинг барчаси силлиқ кетаётганди ҳам. Раҳбар ва аризачилар мураса-ю мадорага энди келтирилган чоғда хонага бир киши кириб келди. Соч- соқоли ўсиб кетган, оғзидан бадбўй ароқ хиди анқиб турган киши ҳе йўқ, бе йўқ шундоқ раҳбар ўриндиғи ёнига курси қўйиб ўтириб олди. Ҳамма ҳайрон. Орадаги сукунатни ҳам чақирилмаган меҳмон бузди. Мен фалончиман, дея ўзини таништирган ари-

раларга қарата қўлини бигиз қилиб, «Буларнинг ҳаммаси... (бу гапни ёзиб бўлмайди) деса бўладими!»

Қайси аёл ўз шаънига айтилган ҳақоратга чидаб ўтиради. Тинч музокара кетаётган хона бир зумда қий-чув, даҳанаки жанг майдонига айланди-қолди. Тармоқ касаба уюшма етакчиси вазиятни юмшатишга уриниб кўрди. Энди бояги нусха жамоатчи етакчига «пулемёт оғзи»ни қаратди. Нима эмиш, кенгаш раисини ағдариб, тўнтариб юборармиш. Энг катта идораларга ёзиб, уни учирайиб юборармиш...

– Бу биринчиси эмас. Баъзи бир раҳбарлар ўз хатоларини хаспўшлашнинг ана шунақанги усулларини ҳам ўйлаб топяпти, – дейди Маъруф Бобоёров. – Ана шу биргина шикоят тақдирини ҳал қилишга учинчи бор келишимиз.

Мутахассисларимиз ҳар сафар шунақанги «томоша»лар билан ҳайдаб чиқарилган.

Охири ўзим келишга мажбур бўлдим.

Хуллас, шу куни «спектакль» иш бермади. Тармоқ касаба уюшмасининг қатъияти туфайли раҳбарнинг ноқонуний буйруғи бекор қилинди. Ходимларга мажбуран бекор юрган кунлари учун иш ҳақлари ҳам ундириб берилди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»





Наманган вилояти

Фитрати ТОЗА ИНСОН

Мана йигирма йилдирки, Мирзамаҳмуд Тўхтабоев Таълим ва фан ходимлари касабаси Уйчи тумани кенгашида меҳнат қилиб келмоқда. Ўз соҳасига бўлган садоқати, очиқкўнгил ва самимийлиги билан барчанинг ҳурматини қозонган. Айниқса, тизимда кўпчиликка ёрдами тегиб келаётганини алоҳида эътироф этмасликнинг сира иложи йўқ.

– Касаба уюшмамиз аъзолари сонинг асосини ўқитувчилар ва мураббийлар, тарбиячилар ташкил этади, – дейди Мирзамаҳмуд Тўхтабоев. – Энг жонкуяр, фидойи инсонларнинг манфаатларини ҳимоя қилаётганимдан, умуман, уларга озми-кўпми нафим тегаётганидан хурсанд бўламан.

Дарҳақиқат, Мирзамаҳмуд ака ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида ноҳақ ишдан бўшатирилган кўплаб ходимларни ҳимоя


қилган. Уларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш йўлида иш берувчиларга қатъий талаблар қўйган, кўрсатмалар киритган.

– Ижтимоий тармоқларда касабаси уюшмалари тўғрисида нотўғри фикр-мулоҳазаларни ўқиб қолсам, ўтган машаққатли меҳнат фаолиятим бирма-бир кўз ўнгимда гавдаланади. Наҳотки, бир соҳанинг ичига кирмасдан туриб, у ҳақда бўлар-бўлмас, бўхтон ёғдирилса... Ахир касабаси уюшмалари меҳнат ҳуқуқи бузилган минглаб фуқароларга ёрдам бериб келмоқда. Аслида ундайларга тизимга тош отиш осон. Сабаби, улар касабаси уюшмасининг асл моҳиятини тўла англаб етмайди, – дея кўнади Мирзамаҳмуд Тўхтабоев. – Шундай кезларда ишга тикланган ходимларнинг миннатдор нигоҳларини, раҳматларини эслайману, бир онлик дилхиралигим булутдек тарқаб кетади.

Мирзамаҳмуд Тўхтабоев нафақат ишда обрў-эътибор топган. У меҳрибон умр йўлдош, суюкли ота, жондан азиз бобо ҳамдир. Беш нафар фарзанди, шогирдлари бугунги кунда мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Касаба уюшмаларида Мирзамаҳмуд ака каби ўзгалардан ёрдами аямайдиган, ҳар қандай вазиятда адолат тарафида турадиган кишилар бор экан, соҳанинг ўрни янада мустаҳкамланиб, мақоми тобора ортиб бораверади.

Орзуғул РУСТАМОВА
«ISHONCH»



Қашқадарё вилояти



ЭЗГУ ИШЛАРДАН ЧАРЧАМАНГ!

Қарши шаҳридаги 31-мактабда фаррошлик қиладиган Лобар Кенжаева турмуш ўртоғининг беморлигидан, рўзғордаги етишмовчиликлардан маҳзун тортиб қолди. Касабақўм етакчиси Феруза Эшонқулова синчков эмасми, ҳамкасбининг кўнглини кўтариб, ҳали ҳаммаси яхши бўлишини айтди, умидлангирди. Аёлга касабаси уюшмаси қўмитаси томонидан моддий ёрдам ажратилди.

Иссиқ жоннинг иситмаси бор. Педагоглар Роҳила Фақирова, Малоҳат Бекназарова, Гулбар Чоршанбиева соғлигини йўқотиб, жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказишди. Касаба уюшмаси уларга ҳам имкон даражасида қўмаклашди. Мактаб қоровули Бурҳон Назаровга озиқ-овқат жамланмаси, олти нафар фаррошга моддий ёрдам берилди.

Ҳуқуқини билган ҳар бир эшикка бош урмайди. Шу боис Феруза Эшонқулова таълим муассасасида тез-тез ҳуқуқшунослар, юқори бўғин касабаси уюшмаси ташкилотлари вакиллари иштирокида семинарлар ўтказиб туради.

Мактабда спорт ишлари ҳам намунали йўлга қўйилган. «Соғлом танда – сифатли таълим» шиори остида ўтган спартакиадада мактаб мини-футбол жамоаси Қарши шаҳар миқёсида биринчи, вилоятда эса иккинчи ўринни қўлга киритди. Гулчирай Нурматова стол теннисига совриндор бўлди.

Фидойи муаллима Феруза Эшонқулова янги-янги ташаббуслар қанотида яшайди. Мудом олдинга интилади. Инглиз тили бўйича сабоқ берадиган ўқитувчининг кўплаб ўқувчилари фан олимпиадаларида ғолиб бўлди. Шогирди Зария Қосимова Зулфия номидаги давлат мукофотига лойиқ қўрилди.

Не бахтки, касабаси раисининг ўзи ҳам эътирофдан четда қолмади. Жорий йилда у ишлайдиган таълим муассасаси «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг Қарши шаҳар босқичида ғолиб деб топилди.

– Онамнинг ўғитлари қулоқларим остида тез-тез янграйверади, – дейди раиса опа. – Волидамнинг «Илм ўрганишдан ҳеч қачон тўхтаманглар, ҳар доим инсонларга фойдаларинг тегсин. Фақат яхшилик қилиб яшашни ҳаёт тарзига айлантиринглар» деган гаплари мени эзгулик сари бошлайверади.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

ҚУРУВЧИЛИК – ЭНГ ҚАДИМИЙ ВА МУҲИМ КАСБАЛАРДАН БИРИ. БИР НЕЧА АСРЛАР ДАВОМИДА ЎЗИНИНГ АСЛ ҲОЛАТИНИ САҚЛАБ КЕЛАЁТГАН ИНШООТЛАРГА ҚАРАБ, АЖДОДЛАРИМИЗ МЕМОРЧИЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК СИР-АСРОРЛАРИНИ ПУХТА ЭГАЛЛАШГАНИГА АМИН БЎЛАМИЗ. ШУНИНГДЕК, СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР БОБОМИЗ «КИМЛИГИМИЗНИ БИЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, БИЗ ҚУРГАН ИМОРАТЛАРГА БОҚИНГ!» ДЕБ БЕЖИЗ АЙТМАГАНИГА ҚАТЪИЙ ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛАМИЗ.



Хоразм вилояти

ҚУРУВЧИЛАР МЕҲНАТИНИ ҚАДРЛАБ...

Корхонамизда 180 нафар қурувчи ва хизматчи фаолият кўрсатади. Биз уларнинг билим ва маҳоратларини мунтазам равишда ошириб борамиз. Қурилиш соҳасидаги дунё тажрибасини ўрганиб, ўз фаолиятимизга татбиқ этамиз. Шунинг баробарида, қурувчилар меҳнатини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб, турли-туман асбоб-ускуналар, дастгоҳ ва жиҳозлар билан ишлаш жараёнида хавфсизлик тартиб-қоидаларига риоя қилиш ҳақида тез-тез тушунтириш ишларини олиб борамиз, барча ходимларимизни мунтазам равишда махсус кийимлар ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаймиз.

Табиийки, иш берувчи томонидан жамоа аҳлига меҳнатига яраша ҳақ тўлаш чоралари ҳам кўриломоқда. Бугунги кунда ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 4,5-5 миллион сўмга тўғри келади. Улар тармоқ касабаси уюшмалари томонидан ташкил қилинаёт-

ган спорт мусобақаларига кенг жалб этилмоқда. Чунки қурувчи ҳар доим жисмонан соғлом-бақувват бўлиши керак. Буни аниқлаш ва бинокорлар саломатлигини мустаҳкамлаш учун улар вақти-вақти билан тиббий кўриклардан ўтказилмоқда. Шунингдек, бу йил ходимларимиздан 2 нафари санаторийларда соғломлаштирилди, бир қатор ишчиларимизнинг 20 нафардан зиёд фарзанди ёзги таътилни касабаси уюшмалари тизимидаги оромгоҳларда мароқли ўтказдилар.

Биз ўз меҳнатимиз билан юртимиз гўзаллигига гўзаллик қўшаётганимиздан, юртдошларимиз яшаш ва иш шароитларини яхшилашга ёрдами-миз тегаётганидан беҳад мамнунмиз.

Мансур МАШАРИПОВ,
Хоразм вилоятидаги «Чинобод қурилиш» хусусий корхонаси касабаси уюшмаси қўмитаси раиси

Бизнинг йигирма йиллик тажрибага эга «Чинобод қурилиш» хусусий корхонамиз ҳам самарали фаолият юритиб, Хоразм вилоятининг тобора чирой очишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда. Утган давр мобайнида юзга яқин иншоот ва иморатларни бунёд этиб, халқимизга арғумон қилдик. Жорий йилда эса республикамызда ягона саналган Жалолиддин Мангуберди номидаги ҳарбий академик лицей биносини тикладик. Шунингдек, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали учун янги бинолар қурдик, кўплаб иморатларни таъмирладик.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР



Самарқанд
вилояти



Ҳамжиҳатликда ҲИКМАТ КЎП!

Самарқанд шаҳридаги 80-умумий ўрта таълим мактабидаги муҳит муқаддам анча чатоқ эди. Муаллимлар бир-бирини тушунишни истамас, боз устига, лоқайдлик ва ўзбилармонлик авж олганди. Ана шундай бир вазиятда бу билим даргоҳига Муҳаммад Эгамқулов раҳбар этиб тайинланди. У анча ёш бўлгани боис «аравани» тортиб кетишига кўпчилик ишонмади.


Янги раҳбар эса ишни, аввало, жамоадаги маънавий-руҳий муҳитни соғломлаштиришдан бошлади. Бу борада мактаб касабаси уюшмаси ва хотин-қизлар кўмитаси масъуллари кўмагига таянди. Уларга эмин-эркин ишлашлари учун зарур шароитлар яратиб бериб, барча муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал этишга киришди. Қарабсизки, муаллимлар руҳиятида ҳам узгаришлар бўлди. Энди улар дуч келган масала юзасидан директор хузурига кирмайдиган, ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат ҳуқуқи масалаларида касабаси уюшмасига, ташкилий-тадбирчилик жараёнлари бўйича хотин-қизлар кўмитасига мурожаат қилишга одатланишди.

Кўмита етакчиси Аббос Ражабов мудом раҳбар ва ходимлар ўртасида посонги бўлишга интиломда ва буни бинойидек удаламоқда. Ходимларнинг дам олишини ташкиллаштириш, хавфсиз ва кафолатланган меҳнат

шароитини яратиш жамоат ташкилоти назоратида. Мактабда таълим олаётган 1350 нафар ўқувчининг жисмоний чиниқишлари, маданий-маърифий тадбирларда фаол қатнашишлари ҳам тўталик таъминланмоқда.

«Ҳаракат, ҳаракатда – баракат» деганларидек, иноқ жамоанинг ютуқлари борган сари кўпаймоқда. У республика ва вилоят миқёсидаги турли танловларда 5 марта ғолиблар сифидан жой олди. Мамлакатимизда илк бор ўтказилган «Энг аҳил педагогик жамоа» кўрик-танловида 12500 тадан ортиқ мактаблар орасида биринчиликни қўлга киритди. Бунда мактаб раҳбарларининг барча чора-тадбирларни касабаси уюшмаси, жамоатчилик кенгашлари ва ўқитувчилар билан ҳамкорликда амалга ошираётгани муҳим аҳамият касб этди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



Қашқадарё
вилояти

Касабанинг «ҚАЛДИРҒОЧ»и

Касаба уюшмаларининг савобли ишлари кўп. Ана шундай эзгу ташаббуслардан бири – санъатга қизиқадиган ишчи-ходимлар ўртасидаги танловлардир. Айнан ана шундай танловлар сабаб қанчадан-қанча ходимларнинг иқтидори кашф этилган, янги қирралари очилган.

Яккабоғ туманидаги «Қалдирғоч» оилавий санъаткорлар дастаси ташкил этилишига ҳам касабаси уюшмалари сабабчи ва кўмакчи. Қарийб қирқ йилдирки, ансамбль аъзолари томонидан тайёрланган мусикий дастурлар ишчи-ходимлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишда жуда асқатаяпти.

Ансамбль бадий раҳбари Абдураззоқ Исоқов – хушовоз хонанда. Шунингдек, у бир неча йилдан буён Яккабоғдаги «Темур авлодлари» (олдинги «Ниҳол») болалар оромгоҳи директори сифатида ҳам самарали фаолият юритиб келмоқда. Кейинги йилларда Абдураззоқ аканинг ташаббуси билан оромгоҳнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Бир навбатда 350 нафар ўғил-қизни дам олдириш имкони туғилди. Жорий йилда бу ерда 1400 нафарга яқин бола дам олдирилди.

Абдураззоқ Исоқов бизга «Қалдирғоч» оилавий ансамблининг кечаси, бугуни ва келгусидаги режалари ҳақида сўзлаб берди.

– Санъатга ошнолик қонимизда бор, – дея ҳикоясини бошлади у. – Бобом Исоқон бува мумтоз кўшиқларни хиргойи қилиб юрарди. Отам ва амакиларим турли соҳаларда ишлашса-да, санъатга меҳрлари бўлакча эди. Бу санъатсеварлик бизга ҳам юқди. Касаба уюшмалари кўмагида «Қалдирғоч» ансамблига асос солдик. Ансамблимиз кўплаб танловларда қатнашди. Вилоят, республика, кейин собиқ иттифоқ миқёсида ўтказилган оилавий дасталар кўригида ғолиб бўлди.

Бугунги кунга келиб, «Қалдирғоч» кашф этган хонандалар Алижон Исоқов, Воҳиджон Исоқов, Мақсудбек Жабборов профессионал санъатда ҳам самарали ижод қилишмоқда. Ансамблимиз турли касб эгаларидан ташкил топган. Биримиз



иригация ходими, биримиз ўқитувчи. Шунинг учун ҳам доимо ишчилар учун бўладиган тадбирларда хизматдамиз.

Жорий йилдан республикадаги барча оромгоҳлар ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти тасарруфига ўтди. Бу «Темур авлодлари» оромгоҳимизга ҳам тегишли. Шу тариқа касабаси уюшмаларига бегона бўлмаган «Қалдирғоч» ансамбли яна касабаси уюшмалари оиласига қайтди. Ёз бўйи болажонлар хизматида бўлди.

Ёзи мавсуми поёнига етгач, «Темур авлодлари» оромгоҳида Муборак газни қайта ишлаш заводи ишчи-ходимларини соғломлаштириш тадбирлари белгиланган. «Қалдирғоч» дастаси сўлим масканда энди ходимларга хизмат кўрсатаётир. Режаларимиз улкан. Чунки санъат – сеҳрли куч. У доимо инсонларни яхшиликка, эзгуликка бошлаган...

Абдураззоқ ака тўғри таъкидлади. Санъатни севган, уни қадрлаган киши бировга ёмонлик қилмайди. Биз «Қалдирғоч» дастасига ижодий зафарлар тилдик. Ишонамизки, касабаси уюшма ансамблининг санъат оламидаги ютуқлари кўп бўлади!

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»



Навоий
вилояти

Борингизга шукур, яхшилар!

Мен 1999 йил ёзида Конимех туманининг «Тўққизтепа» маҳалла фуқаролар йиғинида туғилганман. Ҳозир Навоий давлат педагогика институти табиий фанлар факультетининг 3-босқичида тўлов-контракт асосида ўқийман. Оилада тўрт кишимиз. Отам ногирон ва ишсиз, онам туман ободонлаштириш бўлимида жамоатчилик асосида ишлайди. Синглим эса мен сингари тўлов-контракт асосида таҳсил олади.

Биз ижтимоий ҳимояга муҳтож оила сифатида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестр папкаси»да рўйхатда турамыз. Бундан ташқари, мен «Ёшлар дафтари»га киритилганман.

Синглим иккимиз ота-онамизга ёрдам бериш мақсадида изланиш ва интилишдан тўхтамаймиз. Аслида мен ўқувчилик кезларимда ҳам ўқиб, ҳам ишлаганман ва яхши натижаларга эришганман. Бир неча бор вилоят ва республика, қолаверса, халқаро миқёсдаги кўрик-танловларда ғолиб чиққанман. Турли форум ва конференцияларда қатнашиб, сертификат ва тавсияномаларга эга бўлганман.

2019 йилдан эса туманимиздаги 26-умумий ўрта таълим мактабида ёшлар етакчиси сифатида ишлаш бошладим. Кўп ўтмай Навоий вилоятининг энг илғор ёшлар етакчилари сафидан ўрин олдим. Кейинчалик тумандаги «Камалак» болалар ташки-



лоти раиси этиб тайинландим. Бир муддат вилоят Ёшлар марказида сардорлар кенгаши масалалари бўйича раис маслаҳатчиси лавозимида ҳам ишладим.

2021 йили Навоий давлат педагогика институтига ўқишга кириш бахтига муяссар бўлдим. Институт маъмурияти бу йил менга табиий фанлар факультетининг ёшлар етакчиси вазифасини бажаришни ишониб топширди. Ҳозир талаба ва

ёшларга етакчи бўлиш билан бир қаторда, тумандаги «Қизлар овози» ва «Қизларжон» клубларининг жамоатчилик асосидаги координаториман.

Яқинда ҳаётимда яна иккита қувончли воқеа рўй берди. Биринчиси – «Келажак умиди» кўкрак-нишони соҳибасига айландим. Шундай бахтиёр ва сурурли кунларнинг бирида талабалар учун Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси стипендияси жорий қилинганини эшитиб қолиб, дарҳол даъвогар сифатида ҳужжат топширдим. Омадим чопиб, ушбу стипендияга лойиқ кўрилдим.

Ўйлайманки, бу ютуқларим ота-онамга катта далда бўлди. Биз ёшларга шунчалар имконият яратиб бергани, ғамхўрлик қилаётгани учун ўзим, оила аъзоларимиз ва тенгқурларим номидан Президентимизга раҳмат айтаман. Кам таъминланган, ишсиз ва ногирон, боқувчиси йўқ, уй-жойсиз оилаларга беминнат ёрдам кўрсатаётган Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовга, Навоий вилояти кенгаши раҳбари Назира Тоғаева ва барча яхши инсонларга чин дилдан миннатдорчилик билдираман.

Борингизга шукур, яхшилар!

Бекоийм МУСТАФОЕВА,
касаба уюшмаси стипендианти

Конимех тумани



Наманган вилояти

«Океан» – бўлажак чемпионлар трамплини

Наманганда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан юртимизда ягона санолаб «Океан» сув спорти саройи ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт муассасаси барпо этилган эди. Ўзига хос замонавий дизайнга эга, шаҳар кўркига кўрк бағишлаб турган ушбу мажмуа ходимлари сузишга қизиққан, шу асосда соғлиқларини тиклашга аҳд қилган мижозларга кўмаклашадилар. Мураббийлар машғулотларни белгиланган вақтларда ва гигиена талабларига риоя қилган ҳолда ўтказадилар.

Ҳавзадаги 2435 куб. метр сифимли бассейнда бир вақтнинг ўзида 100 киши сузиш билан шуғулланиши мумкин. Бассейн энг илғор хорижий техникалар воситасида санитария талаблари даражасидаги сув билан таъминланади ва у соатига 304 куб. метр сувни ҳайдаш қувватига эга насослар ёрдамида 8 соатда тўлиқ алмаштирилади. Шунингдек, бу ерда ҳар соатда 30 куб. метр сувни тозалайдиган ва ҳароратини 28-29 даражада сақлаб турадиган автоматик тизим ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунларда Федерациянинг Наманган вилояти кенгаши тизимидаги корхона, ташкилот, муассасаларда ишловчи ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига имтиёзли чипта-

лар берилган бўлиб, уларни соғломлаштириш қатъий жадвал асосида олиб борилмоқда. Мураббийлар ўқувчиларни машғулотларга кенг жалб этиш, маҳоратини ошириш, жисмонан бардам-бақувват бўлишлари ва соғлом турмуш тарзига амал қилишлари йўлида тинмай изланишмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида мажмуада вояга етмаган ёшлар ҳамда турли ташкилот-муассасалар ходимлари ўртасида байрам саналари муносабати билан 8 марта вилоят миқёсидаги оммавий спорт мусобақалари ўтказилди. Қувонарлиси, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги жорий йилнинг 22-27 июнь кунлари U-11, U-13 ва U-15 ёш тоифалари ўртасида сузиш спорти тури бўйича Ўзбекистон чемпионатини юқори савияда ташкил этиб, ўтказишни «Океан» жамоасига ишониб топширди. Бу мусобақада республикамизнинг барча вилоят терма жамоаларидан жами 456 нафар иштирокчи қатнашди. Уларга маҳоратларини намойиш этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Чемпионатда мактабимиз спортчилари 17 та олтин, 22 та кумуш ва 11 та бронза медалларига сазовор бўлишди. Ўтказилган барча спорт

мусобақалари ғолиблари ҳамда совриндорлар «Океан» сув спорти саройи, шунингдек, ҳомий ташкилотлар томонидан диплом, медаль ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сузиш ҳавзаси биносида Наманган вилояти Давлат солиқ инспекцияси, божхона, Миллий гвардия, Миллий хавфсизлик хизмати, вилоят экспертиза бошқармалари, «ЎзЧасис», «АРТсофт» МЧЖ, «Ифода» АЖ, «Динамо» ИЧБ ва Наманган аэропорти ходимлари учун пулли шартномалар асосида соғломлаштирувчи гуруҳлар, стол теннис заллари ташкил этилди. Бундан ташқари, имконияти чекланганлар, ўсмирлар ва қизлар учун ҳам пара-сузиш спорт тури бўйича тўғараклар очилди.

Бугун «Океан» сув спорти саройи нафақат наманганликларнинг, балки юртимиздаги сузишга ишқибозлар назарига ҳам тушган. Вилоятда сув полоти спортини ривожлантириш ҳамда аҳоли саломатлигини тиклаш мақсадида қурилган бу сув ҳавзаси ҳамиша хизматга шай.

Расул НИЗАМБАЕВ,

Наманган шаҳридаги «Океан» сув спорти саройи директори

САЛОМАТЛИК



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Кутлов

касба уюшмалари ходимлари ва фаолларини, уларнинг тимсолида халқчил ташкилотнинг миллионлаб аъзоларини

11 ноябрь – Ўзбекистон касабаси уюшмалари куни

билан самимий муборакбод этади!

«Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!»
деган олижаноб ғояни мамлакатимиздаги ҳар бир корхона ва ташкилотда қарор топтириш мақсадида фидокорона меҳнат қилаётган соҳа ходимлари ва вакилларининг ишларига муваффақиятлар тилаймиз!
Меҳнатни фаровонлик ва бахт манбаига айлантириш кўп жиҳатдан касабаси уюшмалари ва уларнинг самарали фаолиятига ҳам боғлиқдир.
Хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барақа, масъулиятли ва шарафли ишларингизда эса янги ютуқлар ёр бўлсин!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

ЎРГАНИШ

Биз жорий йилнинг ўтган ойларида ишчи-ходимлардан келиб тушаётган кўплаб мурожаатларни доимий равишда таҳлил қилиб бордик. Шу жараёнда уларнинг аксарияти ишга тиклаш ва иш ҳақларини ундириб бериш билан боғлиқ шикоятлар эканига гувоҳ бўлдик. Муҳими, ўрганишлар натижалари асосида иш берувчиларга киритган тақдимномаларимиз ва суд қарорларига асосан беш нафар ходим ўз лавозимига қайта тикланди, бир қанчасига томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ меҳнат ҳақлари ундириб берилди.

Масалан, Гулбаҳор Адашова Наманган шаҳридаги «Turan international» университетида ўқитувчи бўлиб ишлаб келган. Маълум муддатдан сўнг раҳбарият ташаббусига кўра, у билан тузилган меҳнат шартномаси эски таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан бекор қилинган. Ўрганишлар ниҳоясида университет масъуллари ушбу жараёнда қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйишгани юзага қалқиб чиқди. Бу ҳақда уларга маълум қилинган, томонлар ўзаро келишувга эришиб, расмийлаштирилган буйруқ бекор қилинди ва ходимга мажбурий ишсиз юрган кунлари учун 7 миллион сўм миқдорида иш ҳақлари тўлаб берилди.

Бундан ташқари, биз тўққиз ой давомида ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 23 та суд мажлисида қатнашдик. Шу жараёнларда кўрилган даъво-аризалардан 14 таси қаноатлантирилди. Натижада ишдан ноҳақ бўшатирилганларга бекор юрган кунлари учун жами 44 миллион сўм миқдорида иш ҳақлари ундириб берилди. Шунингдек, уларга иш берувчилар томонидан 746 миллион сўм миқдорида товон пуллари тўланди.

Бундай можаролар орасида бахтсиз ҳодисаларга боғлиқ бўлганлари ҳам бор. Мисол учун, Наманган вилояти прокуратураси ходими Илҳомжон Алиматов хизмат вазифасини бажариб бўлган, кечки пайт йўловчи ташувчи транспорт воситасида уйига қайтаётиб, автоҳалокатга учрайди. Оғир тан жароҳати олгани туфайли воқеа жойида вафот этади. Унинг оила аъзолари манфаатларини кўзлаб, ушбу мудҳиш ҳодисага оид иш судга оширилди. Суд

Фақат фойдаси тегадиган илмни олиш керак, фойдасиз фазилатдан қочмоқ ва фақат зарур нарсага қулоқ очмоқ лозим.

Абдурахмон жомий



Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат

ЭНДИ БУНДАЙ ҲОЛАТЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА АСЛО КУЗАТИЛМАЙДИ!

меъерий ҳужжатлар ҳамда асослардан келиб чиқиб, шунингдек, ҳуқуқ ва техник инспекторлар хулосасига таяниб, марҳумнинг турмуш ўртоғига 746 миллион 897 минг 391 сўм, боқувчисини йўқотгани учун фарзандлари ва ота-онасининг ҳар бирига ойига 1 миллион 728 минг 930 сўмдан зарар тўлови тўланиши лозим деган тўхтама келди.

Биз вилоят миқёсидаги жамоатчилик назорати чоғида шаҳар-туманлардаги ўрта таълим мактабларида ўқитувчилар учун яратилган шароитларни, синфхоналар қай даражада иситилаётганини ўргандик. Айниқса, муаллимлар мажбурий меҳнатга жалб қилинаётган-қилинмаётганига алоҳида эътибор қаратдик. Мазкур билим даргоҳларида ўтказилган мониторингда болалар меҳнатидан фойдаланилгани ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилгани аниқланмади.

«Наманган сув таъминоти» МЧЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖнинг Наманган ҳудудий филиали, Наманган шаҳридаги «Марказ», шунингдек, «Давлатобод» ва

«Истиқбол» электр таъминоти корхоналари, Наманган шаҳри, Янги Наманган, Давлатобод туманлари ободонлаштириш бошқармаларида ўтказилган жамоатчилик назоратларида ходимларга яратилаётган шароитлардан ташқари, улар махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганига ҳамда хавфсизлик техникаси меъёрларига қай даражада риоя қилинаётганига ҳам қизиқдик.

Бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатишга чиққанимизда, турли корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини тизимли ташкил этиш, ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш, ишлаб чиқариш жараёнида жароҳатланиш ва касб касалликлари олдини олиш бўйича тушунтиришлар бердик.

Баҳром РАҲИМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерациясининг Наманган вилояти
Кенгаши меҳнат-ҳуқуқ инспектори

Самарқанд
вилояти

«КАСАБА ЗИЁ»ДА КИМ ТАҲСИЛ ОЛАДИ?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши қошида ташкил этилган «Самарқанд касаба зиё» ўқув маркази фаолиятига салкам беш йил бўлди. Ўтган фурсатда мазкур масканда меҳнат қонунчилиги, муносиб меҳнат шароити яратиш, техника хавфсизлигига доир беш минг соатдан ортиқ машғулотлар ўтказилди. Қарийб бир ярим минг нафарга яқин бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари, техника хавфсизлиги мутахассислари ўқитилди.

Қонунларимизда ишловчилар сонининг белгиланган маълум миқдорига қараб, хавфсизлик техникаси штат бирликларини ташкил этиш белгилаб қўйилган. Аммо аксар корхоналарда бу вазифа жамоатчилик асосида уйдалаб келинмоқда. Айниқса, таълим муассасаларида бу юмушни дуч келган киши бажармоқда. Уларнинг хавфсизлик талаблари бўйича билим даражасини энди айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Соҳада оқсаш ноз бермаслиги

учун ушбу вазифага дохил бўлган, барча жамоатчилик асосида ишлаётган вакиллар ўқувини амалга оширяпмиз.

Дарс соатларини белгиланган режа, тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда ташкил этганмиз. Бир ҳафталик дастуримиздан ҳуқуқий мавзудаги суҳбатлар ҳам ўрин олган. Таҳсил сўнгида тажрибали мутахассислар томонидан синов ўтказилиб, тегишли сертификатлар топширилади. Тан олиш керак, ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилганидан буён ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсизликлар кескин камайди. Энг муҳими, ҳар бир ташкилотда хавфсизлик тартиблари бўйича кўникмага эга жамоатчи кузатувчига эга бўлди.

Мусулмон МАМАДИЁРОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши
қошидаги «Самарқанд касаба зиё» ўқув маркази раҳбари



Фарғона вилояти



Навоий вилояти

ҲАЁТБАХШ ТИЗИМ

Қарийб ўн йилдирки, мен «Худудгаз Навоий» газ таъминоти филиалининг бошланғич касаба уюшмасига раҳбарлик қилиб келаман. Ўтган вақт давомида ходимларимиз орасида ҳар хил одамлар борлигига гувоҳ бўлдим. Уларнинг қай бирлари менга раҳмат айтиб, хонамдан хурсанд ҳолда чиқиб кетган бўлса, баъзилари шаънимга таъна-маломат тошларини отдилар. Барчасига чидадим. Иш юзасидан яхшига яқинроқ ёндашдим, ёмонни инсофга чақирдим. Муҳими, тизимда бой тажриба орттирдим. Ён-атрофдагилар билан хушмуомалада бўлиш маданиятини пухта ўргандим.

Айрим кишилар касаба уюшмаларини ҳозиргача фақат санаторийларда дам олиш ёки даволаниш учун йўлланма берадиган ташкилот деб билишади. Илгари шундай бўлса, бўлгандир. Бироқ кейинги йилларда бу тизимнинг вазифалари, режа ва мақсадлари тубдан ўзгарди. Натижада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, унинг вилоят ва тармоқ кенгашлари, турли корхона ва ташкилотлардаги бошланғич бўғинлари росманасига ҳаётбахш тизимга айланди. Буни билиш учун соатлаб оммавий ахборот воситаларини, ижтимоий тармоқларни қузатиш шарт эмас, балки чор атрофга холис ният билан назар ташланса, бас, ҳаммаси ипга тизилгандек ойдинлашади.

Меҳнат муҳофазасини назорат қилиш, ишчи-ходимлар манфаатларини қонунларда белгиланганидек меъёрлаштиришга эришиш, инсон ҳуқуқларини, маънавияти ва маданиятини юқори даражага кўтариш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни чеклаш, хотин-қизлар муаммоларини бартараф этиш, ишсизликка барҳам бериш, ўқувчи-талабаларни қўллаб-қувватлаш, болажонларимизни ёзги оромгоҳларда дам олдириш, кексаларга ва ногиронларга амалий ёрдамлар кўрсатиш... Хуллас, бугун касаба уюшмалари кириб бормаган соҳа қолмаган. Шунинг учун ҳам унинг аъзолари тобора кўпаймоқда.

Барчамизга яхши аён: «Аёллар дафтари»нинг юритилиши авваллари эътибордан четда бўлган неча ўн минглаб опа-сингилларимизни, оналаримизни, қизларимизни, уйсиз-жойсиз, ишсиз, касалманд замондошларимизни жўшқин ҳаётга қайтарди. Бу жуда савобли иш бўлди. Халқимизда «Онангни елканда кўтариб, Маккага олиб борган тақдирингда ҳам унинг сенга кўрсатган бир кунлик меҳрини, хизматини оқлай олмайсан», деган гап бор. Эндиликда касаба уюшмалари тизими вакиллари қанчадан-қанча оналар дардига малҳам бўлаётганини, кўнгилларда умид чироғини ёқаётганини ҳисобга олсак, бу тизимнинг мавжудлиги ва фаолияти кони савоблиги ойдинлашади.

Яқиндан эътиборан хотин-қизлар ўртасида содир этилаётган жиноятчиликларнинг олдини олишга ҳам бевосита касаба уюшмалари йўналиши мутасаддилари, вакиллари масъул қилиб қўйилди. Ишсизликни тугатиш учун алоҳида ишчи гуруҳ тузилгани эса зиммамиздаги масъулият нақадар катталигини англатади.

Яна бир қувончли ҳолат. Хитойда бўлиб ўтган XIX Осие ўйинларида



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига қарашли Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг 25 нафар спортчиси мамлакатимиз терма жамоаси ҳисобини олтин, кумуш ва бронза медаллари билан бойитди. Ғолибларни тақдирлаш тадбирларига ҳам Федерация бевосита бош-қош бўлди. У томонидан амалга оширилаётган олижаноб ишларнинг самараси ўлароқ, яқинда кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро манфаатли муносабатларни кенгайтириш, соҳада яқинлик, дўстлик ришталарини боғлаш мақсадида юртимизга Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси раиси ва қатор масъуллари ташриф буюрдилар. Мен улар бизнинг тизим фаолиятдан кўп нарсаларни ўрганиб кетишганига заррача шубҳа қилмайман.

Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилотининг таъсис мажлиси Самарқанд шаҳрида ўтказилгани ҳам бежиз эмас. Унинг замирида Федерациямизга ва унинг қуйи бўғинларига катта ишонч мужассам. Бизнинг тажрибаларимиз бу ташкилот учун ҳам асқатишини, менимча, ҳеч ким рад қилмаса керак.

Гапнинг индаллосини айтсак, касаба уюшмалари тизими томонидан аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, одамларни ҳаётдан рози қилиш борасида амалга оширилаётган барча ишлар юқори даражада самара бераётганини бугун барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Бу ютуқларимиз қанча кўпайса, олдимизда турган улкан вазифалар залвори ҳам шунча ортиб бораверади.

Равшан ҚЎЗИЕВ,

«Худудгаз Навоий» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

СИЗ ДОИМ АРДОҚДАСИЗ, УСТОЗЛАР!

Тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир. Бу жараёнда эса ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни беқиёс.

Бугун Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Данғара тумани кенгаши тасарруфидаги 109 та бошланғич касаба уюшма ташкилотидан 6 минг 550 нафар аъзо бирлашган.

Тизимда меҳнат қилаётган педагоглар мавқеини ошириш, меҳнатларини рағбатлантириш, муаммоларини ижобий ҳал этиш, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб ишлаши, орзу ва интилишларини рўёбга чиқариш фаолиятимизнинг асосий мезонига айланган.

Агар ўтган даврга қарайдиган бўлсак, туман кенгашига соҳа ходимлари томонидан 396 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шулардан 112 таси моддий ёрдам, 272 таси сиҳатгоҳга йўлланма, қолган 12 таси оғзаки мурожаатлардан иборат. Моддий ёрдам сўраган 112 нафар ходимга 40 млн. 320 минг сўм маблағ йўналтирилди. Касаба уюшма аъзолик бадаллари ҳисобидан 115 нафар ходим ва уларнинг ота-оналари касаба уюшмалари тасарруфидаги сиҳатгоҳларда дам олиб қайтишди. Ижтимоий суғурта бадаллари ҳисобидан 30 нафар ходим санаторийларда саломатликларини мустаҳкамлашди. Тасарруфдаги муассасаларда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, шунингдек, ходимларга яратилган шарт-шароитлар ва тиббий кўрик масалалари юзасидан 8 та назорат-профилактика ишлари амалга оширилиб, аниқланган камчиликлар касаба уюшма аралашуви билан бартараф этилишига эришилди.

Фахрийларни эъзозлаш, уларнинг ҳолидан хабар олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизда нишонланадиган байрамлар арафасида нафақадаги фахрийларга иззат-икром кўрсатилмоқда.

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан уюштирилган байрамда 250 нафар ишчи-ходимга эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан 200 нафардан зиёд ўқитувчига совға-саломлар тақдим этилди.

Ходимлар ўртасида «Соғлом танда – сифатли таълим» шиори остида спорт мусобақалари ташкил этиб келинмоқда. Мазкур мусобақаларда мингга яқин спортсевар педагоглар қатнашиб, ўз иқтидорларини намойиш қилишяпти. Айниқса, волейбол, шахмат-шашка, мини-футбол мусобақалари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва уларни бой маданиятимиз ва тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида Хива, Самарқанд, Тошкент ва Наманган вилоятларига саёҳатлар уюштирилди. Мактабгача таълим ташкилотидан меҳнат қилиб келаётган 45 нафар жонкуяр ходим «Чимён» дам олиш масканида ҳордиқ чиқаришди.

Жорий йилда ҳам тизим ходимларининг ўз вақтида дам олишлари, таътидан тўлиқ фойдаланишлари ва Президентнинг ПФ-6108-сонли фармони асосан 15 нафар педагог ходим сўлим сиҳатгоҳларда бепул соғломлаштирилди. Туман кенгаши томонидан ёз мавсумида 125 нафар бола «Кўқон» ва «Роҳат» болалар оромгоҳида дам олдирилди.

Шарафли касб эгаларини қўллаб-қувватлаш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бундан буён ҳам асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.


Мирзажон ҚЎРБОНОВ,

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Данғара тумани кенгаши раиси

Қашқадарё
вилояти

Ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини мустақкамлашда меҳнат таътили даврида мириқиб ҳордиқ чиқариш алоҳида аҳамиятга эга. Сихатгоҳда тиббий кўрикдан ўтиб, зарур муолажаларни олиб, саломатлигини тиклаб, иш ўрнига қайтган кишиларнинг меҳнат унумдорлиги, ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги ошиши яхши маълум.

Шу боисдан меҳнат кишисини соғломлаштиришни корхона, ташкилот тараққиётига, иқтисодий ри-

Самарқанд
вилояти

«Авазали кўркам боғлари» фермер хўжалиги раҳбари Исрофил Мамарасулов ўзи фаолият юритаётган Окдарё туманидаги 421 нафар фермер иштирокида бўлган йиғилишлардан бирида гапнинг пўсткалланини айтди.



ТҲЙГА ШОШАЁТГАН РАИС

– Биз салкам саккиз минг кишининг меҳнатидан фойдаланяпмиз, – деди бошиқлик билан. – Уларнинг кўмагида хўжалигимиз оёққа туряпти, озми-кўпми, даромад оляпмиз. Тўғри, далада ишлаётганларга меҳнатига яраша ҳақ ҳам тўлаяпмиз. Аммо уларга шундан бошқа қандай ёрдам кўрсатдик? Бирортасини соғлигини тиклаш ва дам олиш учун сихатгоҳга жўнатдикми? Даладаги шароитни-ку, айтмай кўя қолай...

– Дўстимизнинг гапида жон бор, – деди фермерлардан бири Исрофилни қўллаб-қувватлаб. – Бу масалани жиддий ўйлаб кўриб, ижобий ечим топсак, фойдадан холи бўлмайди.

Хуллас, ўшанда кўпчиликнинг розилиги билан Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмалари таркибидан туман фермер хўжаликлари касабаси уюшмасига асос солинди. Ушбу жамоат ташкилоти раислиги Исрофил Мамарасулов номзоди маъқулланди. У тармоқни қарийб ўн йил бошқарди. Ўтган

давр мобайнида 500 дан ортиқ фермер хўжалиги аъзолари касабаси уюшмалари сихатгоҳларида имтиёзли равишда ҳордиқ чиқаришди. Мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратилди.

Авазали маҳалласида яшовчи Ширинбой Эсиргапов фарзанди оғир дардга чалингани туфайли тармоқ касабаси уюшмасидан ёрдам сўради. Албатта, бундай вазиятда «Йўқ!» дейиш инсофдан эмас. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам борлигини, яъни бадаллардан тушадиган маблағлар ҳисоб-китоби эканлигини ҳам унутмаслик лозим. Исрофил Мамарасулов шуларни назарда тутиб, мурожаатчининг илтимосини ҳал этишни ижтимоий шериклар эътиборига ҳавола қилди. Натижада оғир аҳволда қолган ишчига дилбандини даволатиши учун 50 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам ажратилди. Бундан ташқари, тумандаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 25 та оила фарзандларининг суннат ва никоҳ тўйларини ўтка-

зиб турган шабада кун қанча иссиқ бўлишига қарамасдан барча биноларга салқинлик бахш этиб туради.

«Бўстон» санаторийси асаб, юрак-қон томирлари, урологик, гинекологик касалликларни даволашга ихтисослашган. Дам олувчилар даволанишнинг 4-5 кунидеёқ муолажаларнинг ижобий самарасини яққол сезишади. Сихатгоҳ ошхонасида тайёрланадиган барча таомлар жуда мазали ва бир вақтнинг ўзида унча калорияли эмас. Бу ҳам соғлом овқатланиш талабларига, саломатлиқни тиклашга ниҳоятда мос келади.

Ҳафтасига бир-икки марта Чимён ва Билдирсойдаги арқон йўлига, Чорвоқ сув омбори ва Тошкентнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил қилинишини айтмайсизми?! Ҳар куни ўтказиладиган маданий-оқартув тадбирлари – ҳар хил мавзуларда суҳбатлар, ўйин-кулги кечалари, санъаткорларнинг чиқишлари туфайли дам олувчиларнинг ҳар бир куни мароқли, мазмунли ўтади.

Ўз касбининг фидойилари, дам олувчилар учун чин дилдан меҳнат қилишаётган сихатгоҳ жамоасига ҳар қанча таҳсин айтсак арзийди.

Шониёз ҚУРБОНОВ,
биология фанлари доктори,
профессор,
меҳнат фахрийси

зишга ҳам баҳоли қудрат кўмаклашилди.

Фермерлар ва дала меҳнаткашлари ишончини қозонган Исрофил Мамарасулов зиммасига кейинчалик янада масъулиятли вазифа юклатилди. Аниқроғи, унга Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмасининг туман кенгашини бошқариш ишончи топширилди. Мана, шунга ҳам уч йил бўлди.

Биз Исрофил Мамарасулов билан сўнгги пайтларда амалга оширган ишлари ҳақида бафуржа суҳбатлашмоқчи эдик. Бироқ ўзаро мулоқотимиз чоғи у нимадандир безовталанаётганини сездик. Охири бўлмади, ўзи ёрилди: далада 40 йилдан буён ишлаётган фермер хўжалиги ходими ўғлини уйлантираётганди. Раис бу тадбирга тармоқ кенгаши номидан қатнашиши ва тўйга муносиб тўёна сифатида тайёрлаб қўйилган совғани топшириши лозим экан.

Биз яхши-ёмон кунларида ҳам доимо касабаси уюшмалари ҳузурига ошиқадиган етакчининг раъйини қайтара олмадик...

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

«БЎСТОН»ДА барчаси ажойиб!



ХУЛЛАС, ЎШАНДА КЎПЧИЛИКНИНГ РОЗИЛИГИ БИЛАН АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАРКИБИДА ТУМАН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИГА АСОС СОЛИНДИ. УШБУ ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИ РАИСЛИГИГА ИСРОФИЛ МАМАРАСУЛОВ НОМЗОДИ МАЪҚУЛЛАНДИ. У ТАРМОҚНИ ҚАРИЙБ ЎН ЙИЛ БОШҚАРДИ. ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА 500 ДАН ОРТИҚ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ АЪЗОЛАРИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ СИХАТГОҲЛАРИДА ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШДИ. МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА, ХОДИМЛАРГА МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ ЯРАТИЛДИ.

Жиззах
вилояти

СИЗ АРЗИЙСИЗ ШУНДАЙ ЭЪЗОЗГА!

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Ғаллаорол тумани кенгаши давр талабларидан келиб чиқиб, фаолият юритишга ҳаракат қилиб келаётир. Шу эзгу мақсадда педагоглари, тумандаги мактабгача таълим муассасалари ходимларини ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Авалло, тумандаги барча таълим муассасаларида ижтимоий шериклик асосида жамоа шартномалари тузиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш изчил йўлга қўйилган. Хусусан, 2023-2025 йилларга мўлжаллаб 112 та ташкилотда жамоа шартномалари тузилди ва улар тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан экспертизадан ўтказиб берилди.

Туман халқ таълими бўлими билан ўтган йилги жамоа келишуви кўриб чиқилиб, янги 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа келишуви барча таълим муассасалари ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда 85 та бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари иштирокида муҳокама этилди.

Меҳнатни муҳофаза қилишда жамоатчилик назоратини кучайтиришга берилаётган эътибор туфайли бошланғич касаба ташкилотларининг фаоллиги ошаётир. «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан Республика кўрик-танлови»нинг вилоят босқичида 4-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси 3-ўринни эгаллаб, фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

Ходимлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимларнинг касб касалликларига чалинмаслиги учун эҳтиёт чораларини кўриш борасидаги ишлар кейинги йилларда сезиларли даражада кучайтирилди.

Ходимлар саломатлигини мустақамлаш мақсадида мунтазам мусобақалар ўтказилмоқда. Яқинда таълим муассасалари ва ташкилотлари бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари ўртасида волейбол, мини-футбол мусобақалари ўтказилди. Унда ҳудудлардан 18 та жамоа ва 108 нафар касаба уюшмалари раислари қатнашди.

Ходимларни ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун сўхатгоҳларга 150 дан ортиқ йўлланмалар берилди. Ички туризмни ривожлантириш мақсадида Хива, Тошкент, Бухоро, Қарши шаҳарларига саёхатлар ташкил этилди. Зомин, Бахмал, Ғаллаорол туманларида дам олиш мунтазам ташкил этиляпти.

Барча байрамларда халқ таълимига меҳнати сингган ва ҳозирги пайтда нафақада бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож касалманд ходимлар уйларига бориб, улардан хабар олинаётир. Мустақилликнинг 32 йиллиги ва янги ўқув йили муносабати билан 175 нафар яқка тартибда ўқийдиган ногирон ва чин етим болаларга 11 турдаги ўқув қуроллари олиб берилди. «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» муносабати билан 20 нафар педагог рағбатлантирилди.

Мақсадимиз – касаба уюшмаларига берилган ҳуқуқлар ва яратилган имкониятлардан фойдаланиб, тизимдаги ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада яхшилашдан иборат.

Абдулҳаким ШАКАРБОЕВ,

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси
Ғаллаорол тумани кенгаши раиси

Навоий
вилояти

Бизнинг туман Навоий вилоятининг чўл зонасида жойлашган. Халқимиз турли миллат вакиллари, асосан ўзбеклар, қozoқлар ва қорақалпоқлардан иборат. Улар жуда аҳил яшашади, меҳр-оқибатни жой-жойига қўйишади. Шу боис ўзаро дўст-биродар бўлиб кетишган. Бир-бирларининг урф-одатлари, удумлари ва қадриятларини яхши билишади. Таъбир жоиз бўлса, бир деган-да, бирлашадилар. Чунки зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажариш конимехликларга хос энг яхши фазилатлардан бири.

БИЗ КЎПМИЛЛАТЛИ БИРОДАРЛАРМИЗ

Ана шу сабаб мен учун касаба уюшмалари тизимининг кичик бир кенгашига раҳбарлик қилиш, унинг аъзолари сонини йил сайин кўпайтириб бориш масаласи унчалик катта муаммо эмас. Қолаверса, биз туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими мутасаддилари, умумтаълим мактабларининг барча директорлари билан келишиб олганмиз. Қайсики мактабга янги ўқитувчи ёки кичик ходим ишга келса, унга яратилган меҳнат шароитлари, имкониятлар ва бундан кўзланган мақсадлар, шунингдек, касаба уюшмалари бошланғич қўмитасининг фаолияти, унга аъзо бўлиш афзалликлари ҳақида кенг тушунча берилади.

Бошланғич қўмиталаримиз номигагина ёки хўжакўрсинга ташкил қилинмаган. Тизим йил бўйи тинимсиз иш олиб боради. Натижада Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Конимех тумани бўлими кенгаши ва унинг қуйи тармоқлардаги аъзолар сони ўтган йилнинг 11 ноябридан бугунга қадар 150 нафарга кўпайди.

Энг муҳими, мактаблар ўқитувчилари ва бошқа ишчи-хизматчилари эндиликда касаба уюшмаси имкониятларини дилдан ҳис этиб яша-

моқдалар. Бунга жуда катта меҳнатлар эвазига эришдик. Худудда мавжуд 36 та умумтаълим мактабининг бирорта раҳбари бизнинг фикр-мулоҳазаларимиз ва хулосамизни сўрамасдан ёки олмасдан ходимни ишдан бўшатмайди.

Туманимиз катта, мактабларимизнинг 30 таси чўл зоналарида жойлашган. Баъзиларига бориш учун 350 километрдан зиёд йўл босиб, анча вақт ва каттагина маблағ сарфлашга тўғри келади. Шунга қарамай, бошланғич касаба уюшмалари тизимининг ходимларга тааллуқли сўровномаси ва тақдимномаси ҳамisha мактабдан туманга, тумандан мактабга ўз муддатида етказилади. Юзага келган муаммо ёки бирор-бир ўқитувчининг ишга, жамоага, ўқувчиларнинг ота-оналарига муносабати ижтимоий адолат тамойилларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади.

Бундан ташқари, жорий йилда ҳам ишчи-ходимларимизни Тошкент, Самарқанд, Бухоро вилоятларига, Сурхондарё воҳасига, Фарғона водийсига саёхат ва зиёратларга олиб чиқдик. Ўқитувчиларимизнинг камида 40-50 нафари тўй қилган бўлса, ҳаммасига совға-са-



ломлар жўнатдик. 5 нафар ўқитувчимизни нафақага кузатдик. Янги йил, 8 март, Наврўз ва Мустақиллик байрамларида кўпчиликка дастурхон ёзиб ҳам савоб, ҳамда дуо олдик. Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан 200 нафардан ортиқ энг фаол муаллимларимизни меҳнатларига яраша тақдирладик.

Дарвоқе, касаба уюшмалари ўз ўрнига ва ўз кучига эга тизим. Шу боис бизнинг фаолиятимиздан барча ўқитувчилар, мактаб жамоалари мамнун бўлишмоқда. Ўз навбатида, ишимиз янада ривожланиб, олдимизда турган вазифалар кўлами ҳар қачонгидан кенгайиб бормоқда.

Қувонш КАРИМБОЕВ,

Таълим ва фан
ходимлари касаба
уюшмаси Конимех тумани
бўлими кенгаши раиси

ФАЗИЛАТ

Мақсадимиз – касаба уюшмаларига берилган ҳуқуқлар ва яратилган имкониятлардан фойдаланиб, тизимдаги ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада яхшилашдан иборат.

МАДАНИЯТ, СПОРТ ВА ТУРИЗМ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БИРЛАШГАН ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

барча қордошларимизни, шу жумладан, ҳудуддаги тармоқ касаба уюшмасининг қарийб ўн минг нафар аъзоларини, тизимда меҳнат қилаётган касаба уюшма фидойиларини касб байрами

11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан табриклайди!

Касаба уюшма аъзоларининг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, меҳнат жамоаларида ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган эзгу ишларига муваффақиятлар тилайди.

Кутлов

Жиззах
вилояти

Мавсум муваффақиятли ўтди

Президентимиз 2022 йил 18 ноябрда имзолаган «Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор юртимизда ўғил-қизларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Бу ҳужжатга асосан, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси тасарруфида Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти фаолияти йўлга қўйилди.

Шундан сўнг бошқа жойлардаги каби Жиззах вилоятидаги ушбу департаментга қарашли «Энержи», «Юлдузча» ва Шароф Рашидов номидаги болалар оромгоҳларида



ҳам таъмирлаш, қайта реконструкция қилиш ишлари олиб борилди. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун қарийб 1,3 миллиард сўм сарфланди. Дам олиш, овқатланиш, ювениш ва машғулотлар хоналари, спорт майдончаларининг барчаси зарур жиҳозлар билан таъминланди.

– Жорий йилги ёз мавсумида вилоятимиздаги шаҳарлар ташқарисида жойлашган 9 та стационар оромгоҳда 4125 нафар ўғил-қизни дам олдириш режалаштирилганди, – дейди департаментнинг вилоят бошқармаси бошлиғи Алишер Каримов. – Амалда бу кўрсат-

кич 4277 нафарга етди. Болаларни оромгоҳларга хавфсиз олиб бориш ва олиб келиш учун йўл-патруль ҳамда тез ёрдам машиналари кузатуви ташкил этилди. Шунингдек, мавсум давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Миллий гвардиянинг Жиззах вилояти бўйича бошқармаси қарамоғидаги оилавий меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан 25 нафари, кам таъминланган оилалар фарзандларидан 18 нафари сўлим гўшаларда бепул дам олишди.

Оромгоҳларда ишлаш учун мах-

сус сертификатга эга 200 дан ортиқ педагог, 50 нафардан зиёд тиббиёт ва санитария-эпидемиологик осойишталик маркази мутахассислари жалб этилди. 100 нафарга яқин ички ишлар, Миллий гвардия ва фавқулодда вазиятлар тизими ходимлари болалар хавфсизлигини таъминлашди. Дам олиш масканларида вилоят Маданият ва туризм бошқармаси, Ёшлар ишлари агентлиги бошқармаси, Ёшлар сиёсати ва спорт бошқармаси, Ёзувчилар уюшмаси бўлими, мусиқали драма ҳамда кўғирчоқ театрлари, Ўзбекистон давлат филармонияси ҳамда «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг вилоят бўлимлари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида олдиндан белгиланган режа асосида маданий-маърифий тадбирлар, мусобақалар, ижодкорлар билан учрашувлар ўтказилди. Оромгоҳлар фаолияти эса махсус тузилган республика ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб борилди.

Вилоятимизнинг соя-салқин ва гўзал табиат оғушида жойлашган масканларида мириқиб ҳордиқ чиқарган ёшларимиз бугунги кунда тетик ва бардам кайфиятда мактабларга қатнаб, ҳар томонлама пухта билим олишмоқда.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»

Сирдарё
вилояти

«КЕЛГУСИДА ҲАМ ШУ ЕРДА ДАМ ОЛАМАН»

Мижозлардан бундай гапларни эшитиш бизга кўтаринки руҳ бағишлайди

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қурилган Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги «Янгиер» санаторийси 2019 йили фойдаланишга топширилганди. Эндигина иш бошлаган кезларимиз Гулистон туманининг Сойибобод маҳалласида яшовчи миждимиз Нуринисо Ҳамиджонова «Жуда яхши дам олдим. Энди ҳар йили келаман», деганди.



Онахон амалда сўзида турди. Унга ўхшаб ботбот келаётган бошқа дам олувчилар ҳам жуда кўп. Негаки, салкам 34 гектар майдонни эгаллаган бу маскан баҳаволиги, орасталиги, хизмат кўрсатиш сифатининг юқорилиги бўйича тоғлар бағрида жойлашган сиҳатгоҳлар билан бемалол бўйлаша олади. Айниқса, серсоя баланд дарахтлар, турли-туман буталар ва гуллар кишининг кўзини қувватиб, руҳиятини кўтаради.

Албатта, одамлар фаолиятимиздан мамнунлигини кўрсаткичи эшитсак, кўнглимиз яйрайди. Ўз навбатида, бу зиммамизга янги-янги масъулият юклайди. Чунки шифо масканимиз 226 ўринли бўлиб, неврологик, кардиологик, гинекологик, урологик ва бошқа хасталиклари, ҳаракат-таянч аъзоларида муаммолари бор дам олувчиларни соғломлаштиришга мўлжалланган. Унда 85 нафар ишчи-ходим ва ўз касбига фидойи малакали мутахассислар хизмат қилишади. Дам олувчи лаборатория, УЗИ, ЭКГ ва бошқа текширувлардан ўтгач, керакли муолажалар белгиланади.

Санаторийимизда табиий шифобахш омиллар ҳам мавжуд. Юқори даражада тўйинтирилган йод-бромли ва бошқа кўплаб минералларга бой маъданли сув шифобахш ванналар воситасида қўлланилади. Гиёҳли ванналар, парафинли, балчиқли, игнали муолажалар, уқалаш, тузли ғор,

электр нур ванналари ёрдамида даволаш ишлари амалга оширилади.

Дам олувчилар кардиолог Отамурод Турдимуродов, невропатолог Улуғбек Набиев, физиотерапевт Санобар Қурбонова ва бошқа шифокорларимиз шаънига мақтов сўзлари айтишади. Ошхона хизматчилари ҳақида ҳам илиқ фикрлар билдиришади. Сабаби, Ойбек Норматов бошчилигидаги моҳир пазандаларимиз кўнгилли ҳордиқ чиқариш, аввало, одамнинг кайфиятига боғлиқлигини, юзида табассум бўлмаган, сўздан бол томиб турмаган киши жамоамизда узоқ ишлай олмаслигини яхши билишади. Шунинг учун ҳам парҳез таомларни тобига келтириб тайёрлашдан ташқари, саранжом-саришталикка, санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилишади, миждимиз билан ҳамшиша ширин муомалада бўлишади.

Санаторийда дам олувчиларнинг ҳар бири куни мароқли ва мазмунли ўтиши учун тез-тез турли маданий-маърифий тадбирлар ташкиллади. Ёзувчи ва шоирлар, таниқли инсонлар билан учрашувлар, эл севган санъаткорлар иштирокидаги концертлар барчага завқ бағишлайди. Кутубхонамиз эса сара асарларга бой. Мутолаа учун ҳамма шароитлар муҳайё. Тарихий ва маданий обидаларга, зи-

ёратгоҳларга уюштирилаётган саёхатлар ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда. Ховостепа ёдгорликлари, Зомин тоғлари, Зангиота зиёратгоҳида бўлганлар руҳиятлари анча энгил торгани тўғрисида сўзлаб берадилар.

Мен санаторий қурилгандан буён шу ерда ишлаяпман. Тиббий туризмни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли дам олувчилар сони Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа қўшни давлатлардан келаётганлар ҳисобига кўпайиб бормоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўзида МДХ мамлакатларидан ва бошқа давлатлардан 485 нафар киши ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлаб қайтишди. Уларга, айниқса, бу ернинг иқлими ва даволаш турлари кўпчилиги манзур бўлди.

Биз келгусида миждимизга янада кўпроқ қулайликлар яратиб, намунали хизмат кўрсатишга бел боғлаганмиз. Шу мақсадда санатор-курорт ва сервис хизматини яхшилашни, бассейн ва сауна қуришни, муассаса ҳудудида чойхона очишни мўлжаллаганмиз. Яхши ният ярим давлат деганларидек, бу режаларимиз ҳам тез орада рўёбга чиқади, деган умиддамиз.

Абдураҳим МУҲАММАДИЕВ,
«Янгиер санаторийси» МЧЖ директори

Дам олиш – худди нафас олиш ёки югуриш кабиدير. Буни қандай қилишни ҳамма билади, лекин ҳамма ҳам буни тўғри бажармайди. Агар сиз самаралироқ дам олишни ўргансангиз, бу ҳаётингизнинг барча жабҳаларига ижобий таъсир қилади.

БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ!



Айтишларича, инсон табиатига болаликда сингдирилган фазилатларгина мустақкам ва ишончли бўлар экан. Аслида ҳам шундай! Биз фарзандларимизнинг кунни қандай ва кимлар билан ўтказаяётганига қизиқишимиз, улар билан моҳир педагоглар ишлашига шароит яратиб беришимиз жоиз. Болалар оромгоҳлари ёзги мавсумда болажонларнинг вақтини мазмунли ўтказиш учун ташкиллаштирилган энг муҳим объектлардан бири. Бир пайтлар улар юртимиздаги болаларнинг 60-70 фоизини қамраб олганини ҳисобга олсак, бу масканларнинг ўғил-қизларимиз ҳаётида муҳим ўрни борлигини тушуниб етишимиз осонроқ кечади.

Йиллар давомида мамлакатимизда кечган бозор иқтисодиёти кўпгина соҳаларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Жумладан, болалар оромгоҳларига ҳам. 1998 йилда стационар турдаги оромгоҳлар сони 429 та бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони 204 тани ташкил этмоқда. Вазирлик, идора ва муассасалар томонидан турли сабабларга кўра, уларнинг балансида бўлган 200 тадан ортиқ оромгоҳ фаолияти тугатилган ёки сотиб юборилган.

Давлатимиз раҳбарига бу ҳолат тўғрисида ахборот берилгач, дарҳол вазиятни назоратга олдилар. Натижада 2022 йил 18 ноябрда «Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор эълон қилинди. Мазкур қарор билан Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти ташкил қилиниб, унинг зиммасига бу борадаги ишларни жонлантириш, яхшилаш вазифаси кўйилди.

Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар, жорий этилган ҳуқуқий асослар болалар оромгоҳлари



ҳаётида янги саҳифалар очилишига замин бўлмоқда. Бу борада 2023 йилнинг ўзидаёқ сезиларли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфига Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармаси ҳамда юқорида айтганимиздек, Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти ташкил этилди.

Ёзги соғломлаштириш мавсуми 1 июнь санасидан бошланиб, мавсум давомида 1 118 та оромгоҳ фаолият кўрсатди ва уларда 331711 нафар бола соғломлаштирилди. 7686 нафардан ортиқ меҳрибонлик уйлари ва оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган ва меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг фарзандлари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди,

касаба уюшмалари, иш берувчилар ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан оромгоҳларда бепул соғломлаштирилди.

Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларнинг 3000 нафар ҳамда Хоразм вилоятидаги оилаларнинг 1500 нафар фарзанди ўша ҳудуддаги энг сўлим ва намунали стационар оромгоҳларда бепул соғломлаштирилди.

Халқаро ҳамкорлик дастурлари доирасида тожикистонлик 50 нафар ўғил-қиз «Товул» оромгоҳида (Фарғона вилояти), қирғизистонлик 50 нафар бола «Тонг» оромгоҳида (Фарғона вилояти) ҳамда украиналик 45 нафар бола «Анор» оромгоҳида (Тошкент вилояти) соғломлаштирилди.

Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги оромгоҳларда биринчи мартаба аутсорсинг хизмати жорий этилиб, болаларнинг сифатли овқатланиши Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган таомнамо асосида ташкил этилди.

Илгари оромгоҳларда болаларнинг қорни тўймагани сабабли 3-4 кунда оромгоҳдан кетиш ҳолатлари кўп кутатилган. 2023 йилда эса аутсорсинг хизмати жорий этилганлиги боис бундай ҳолат бирор мартаба ҳам қайд этилмади. Ҳар бир оромгоҳда болалар учун қизиқарли бўлган маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, тўгараклар ташкил қилинди. Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда мутасадди ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида куну тун фаолият юритувчи «тезкор штаб»лар ташкил этилиб, кунлик мониторинг олиб борилди. Ота-оналар учун эса «ишонч телефони» хизмати йўлга қўйилди.

Яна шуни мамнуният билан қайд этиш мумкинки, стационар турдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш йўналишида ҳам қатор натижаларга эришилди. 80 та самарасиз фаолият олиб бораётган оромгоҳ Ўзбекистон касаба уюшма-

Халқаро ҳамкорлик дастурлари доирасида тожикистонлик 50 нафар ўғил-қиз «Товул» оромгоҳида (Фарғона вилояти), қирғизистонлик 50 нафар бола «Тонг» оромгоҳида (Фарғона вилояти) ҳамда украиналик 45 нафар бола «Анор» оромгоҳида (Тошкент вилояти) соғломлаштирилди.



Ёзги соғломлаштириш мавсуми 1 июнь санасидан бошланиб, мавсум давомида 1 118 та оромгоҳ фаолият кўрсатди ва уларда 331711 нафар бола соғломлаштирилди. 7686 нафардан ортиқ меҳрибонлик уйлари ва оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган ва меҳнат миграциясига чиқиб кетган фуқароларнинг фарзандлари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, касаба уюшмалари, иш берувчилар ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан оромгоҳларда бепул соғломлаштирилди.

лари Федерацияси тасарруфига ўтказилди ҳамда Федерация балансида олдиндан мавжуд бўлган 27 та оромгоҳни кўшиб ҳисоблаганда, тизимдаги оромгоҳлар сони 107 тага етди. Мазкур оромгоҳларнинг аксариятида бино-иншоотлар яроқсиз ҳолга келиб қолган, моддий-техника базаси эса мавжуд эмас эди. Эндиликда эса навбат билан уларда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Махсус дастурга асосан, 2023 йилда ҳар бир ҳудудда биттадан ва Наманган вилоятида 2 та (жами 15 та) оромгоҳ янгидан барпо этилмоқда.

Болалар – бизнинг келажагимиз! Уларнинг таълим-тарбияси каби ўта муҳим вазифа билан шуғулланиш ота-оналар, барча давлат органлари ва жамиятдан улкан масъулият ҳамда фидокорликни талаб этади. Ўсиб келаётган авлодни юртга, жамиятга, оилага содиқ фарзанд этиб тарбиялаш, мамлакат равнақи йўлида онгли қарор қабул қилишга қодирлик руҳида балоғатга етказиш бугуннинг энг долзарб талабидир.

Биз, ана шу талаб ва вазифалардан келиб чиқиб, фаолиятимизни мувофиқлаштиришга мис.

Хуршид УМАРОВ,

Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти директорининг биринчи ўринбосари

Тошкент
вилояти

«АНОР» НМНН НАМУНАЛИ ФАОЛИЯТИ

Бўстонлик туманидаги «Анор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ташкил топганига бу йил беш йил тўлди. Бу давр мобайнида ушбу гўзал гўшада 6 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз соғломлаштирилди.

Хусусан, оромгоҳ 2023 йил ёзги мавсумда 6 навбатда фаолият кўрсатиб, 1 минг 300 нафардан ортиқ ўғил-қизнинг мароқли ҳордиқ чиқаришига кўмак кўрсатди.

Оромгоҳ нафақат ёз мавсумида, балки кузги таътил чоғида ҳам болалар учун ўз бағрини очади. Бу гал оромгоҳда 800 нафарга яқин бола ўз саломатлигини тиклади.

Сўзимизни яна рақамларда ифода этсак, маскан 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, 10 гектардан зиёд майдонни эгаллаган. Амалга оширилган бунёдкорлик учун 25 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланганининг ўзиёқ ишлар нақадар кенг кўламли бўлганидан далолат беради.

Жаҳон андозалари талабларига мос равишда барпо этилган маскандаги барча хоналар алоҳида дид билан, энг замонавий мебель, маиший техника жиҳозлари, ошхона анжомлари билан таъминланган. Болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун кўرғазмали бурчаклар ташкил этилган.

Қолаверса, «Анор» ором-

гоҳи ўғил-қизларни нафақат мароқли дам олдириш ва жисмонан чиниқтириш, балки уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, ўзи қизиққан йўналишлар бўйича билим ва кўникмаларини янада мустақамлашга хизмат қилувчи марказ сифатида ҳам тилга олинаётир.

Мавсум давомида болаларни қизиқтириш мақсадида турли тўғарақлар йўлга қўйилган. Уларнинг жисмоний чиниқиши ҳисобга олинган ҳолда, сузиш, югуриш, волейбол, баскетбол, гимнастика бўйича танловлар, «Кувноқ стартлар» мусобақалари ўтказилади.

Шунингдек, уларни касбга йўналтириш мақсадида турли соҳа ва киллари оромгоҳга таклиф этилиб, маҳорат дарслари уюштирилади.

Қисқа муддат ичида оромгоҳ ёш авлодни маъна-

вий баркамол этиб тарбиялаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, санъат, ахборот технологиялари ҳамда китоб ўқишга қизиқишини оширишга қаратилган кўплаб ташаббуслари билан бошқа дам олиш масканларига намуна кўрсатди. Жажжи дам олувчиларнинг энг сеvimли масканига айланди.

Йилдан йилга бу гўшада дам олишни истовчилар сони кўпайиб, талаб ортиб бораётгани сўзимиз тасдиғидир.

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»



ОРОМГОҲ НАФАҚАТ ЁЗ МАВСУМИДА, БАЛКИ КУЗГИ ТАЪТИЛ ЧОҒИДА ҲАМ БОЛАЛАР УЧУН ЎЗ БАҒРИНИ ОЧАДИ. БУ ГАЛ ОРОМГОҲДА 800 НАФАРГА ЯҚИН БОЛА ЎЗ САЛОМАТЛИГИНИ ТИКЛАДИ.

СЎЗИМИЗНИ ЯНА РАҚАМЛАРДА ИФОДА ЭТСАК, МАСКАН 200 ЎРИНГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БЎЛИБ, 10 ГЕКТАРДАН ЗИЁД МАЙДОННИ ЭГАЛЛАГАН. АМАЛГА ОШИРИЛГАН БУНЁДКОРЛИК УЧУН 25 МИЛЛИАРД СЎМДАН ОРТИҚ МАБЛАҒ САРФЛАНГАНИНИНГ ЎЗИЁҚ ИШЛАР НАҚАДАР КЕНГ КЎЛАМЛИ БЎЛГАНДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.

Сурхондарё
вилояти

МЕҲР УНУТИЛМАЙДИ



Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмасининг Сурхондарё вилояти кенгаши томонидан жорий йилнинг ўтган даврида қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Аъзолик афзалликлари бўйича олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида 47 та нодавлат ташкилоти касабаси уюшмасига жалб этилиб, уларда меҳнат қилаётган 395 нафар ходим манфаатлари ҳимояга олинди.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» дастури доирасида 227 нафар пенсия ёшидаги ходимга пенсияга чиқишидан олдин, 205 нафар ходимга юбилей саналари муносабати билан

бирйўла моддий ёрдам кўрсатилиб, қимматбаҳо совғалар топширилди.

153 нафар ишламайдиган пенсионер, 94 нафар ногиронлиги бўлган шахс ва ўзгалар парваришига муҳтож кишилар байрамлар арафасида моддий қўллаб-қувватланди. Кам таъминланган оилаларнинг 2116 нафар вакили, икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 220 нафар ёш онага моддий кўмаклашилди.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан вилоят бўйича 46 нафар вафот этган ҳамкасбимиз оиласидан, 97 нафар кекса-фахрийларимиз ҳолидан манзилли хабар олинди. Бундан ташқари, 100 нафардан зиёд ишлаётган нафақадаги фахрийларимизнинг самарали меҳнатлари эъзозланди.

Кенгашимиз тасарруфидаги ташкилот ҳамда муассасаларда «Спорт – нафислик ва саломатлик манбаи» шиори остида 5000 қадам юриш, арқон тортиш, стол тенниси, волейбол, шахмат-шашка турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда ёш ходимларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар дастури доирасида соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнат қилаётган 14859 нафар ёшнинг манфаатлари ҳимоя қилиб келинмоқда.

Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалида ишлаётган ва таҳсил олаётган ёшлар учун турли тадбирлар ташкиллаштирилди. 294 нафар илк битирувчининг қасамёд тадбири, «Заковат» интел-

лектуал баҳслари, «Директор кубоги» спорт мусобақалари шулар жумласидандир. Ғолиб ва совриндор талаба-ёшлар касабаси уюшмаси ва раҳбарияти томонидан диплом, қимматбаҳо совға ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланди.

Соҳа ходимлари ўртасида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Ҳамшира – 2023», «Соғлиқни сақлаш вазири кубоги – 2023», «Йилнинг энг яхши ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходими» каби тадбирлар, мусобақалар ва кўрик-танловлари ўтказилди.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлардан 5217 нафарига, шундан 4692 нафарига ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор қадимжоларга, 525 нафарига эса Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразмга саёҳатлар уюштирилди.

Шунингдек, 9 ойлик ҳисобот даврида 14776 та жисмоний ва юридик шахсдан келган мурожаатлар ўрганиб чиқилди. Асосли деб топилган мурожаатларнинг барчаси ижобий ҳал этилди. Масалан, Қизириқ туманидаги «Такия» МФИда яшовчи Бобоёр Менглиев туман тиббиёт бирлашмасида врач вазифасида ишлаб, 1988 йилдан 2019 йилгача ишлаган даврида фақат икки марта меҳнат таътилига чиққанини билдирган. Шу боис фойдаланилмаган меҳнат таътили учун пуллик компенсация ундириб беришда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати кенгашимизнинг вилоят бўйича меҳнат

инспекторлари томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида, 1989-2019 йилларда (жами 28 йил) ишлаган даврларида меҳнат таътилига чиқмаганлиги учун пуллик компенсация тўлаб бериш ҳақида Қизириқ тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи номига кўрсатма берилди. Натижада Б.Менглиев фойдасига фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун қарийб 104 млн. сўм маблағ ундирилди.

Сурхондарё вилоят фтизиатрия ва пульмонология марказида жамоатчилик назорати олиб борилди. Ўрганиш даврида 2022-2023 йиллар ишчи-ходимларни меҳнат таътилига чиқаришда йўл қўйилган хато-камчиликлар аниқланди. Шу сабабли марказда зарарли шароитда ишловчи 341 нафар ходимга 286,3 млн. сўм қўшимча таътил пуллари тўланмасдан келингани аниқланди ва ушбу маблағ ҳам тўланди.

Тиббиёт ходимларининг 720 нафар фарзанди оромгоҳларда дам олдирилди. Тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган кам таъминланган, кўп болали, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларидан 292 нафарига ўқув қуроллари жамланмаси тақдим этилди.

Ғамхўрлик ва кўрсатилган эътибор ҳеч қачон хотирадан ўчмайди. Муҳими, янгидан-янги зафарларга чорлайди.

Мухассар ҚОДИРОВА,

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмасининг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси

Хоразм
вилояти

Раъно Аҳмедова меҳнат фаолиятини 35 йил муқаддам «Са-ноатқурилишбанк»нинг Хоразм вилояти филиали хўжалик бўлимида қотибалиқдан бошлагани. Тинимсиз изланишлари ва интилишлари туфайли қисқа фурсатда малакали мутахассис сифатида жамоада ўз ўрнини топди. 1996 йилда эса Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежининг сиртқи бўлимини битирди. Келаси йил юртимизда «Ўзуйжойқурилиш-банк» очилгач, фаолиятини шу муассасанинг Хоразм филиалида давом эттирди.

ҲАМКАСБЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАЁТГАН АЁЛ

2005 йилда «Ўзуйжойқурилиш-банк» ва «Замин» банки негизда «Ипотекабанк» ташкил қилинган, Раъно унинг Хоразм филиали ходимига айланди. Ишдан бўш вақтларида соҳага доир китоблар ва журналларни мутулаа қилиб, маҳоратини оширди. Табиийки, унинг ташкилотчилиги, ҳар бир ишни пухта бажариши ҳамкасблари диққатини тортди. Шу боис орадан икки йил ўтар-ўтмас, Раъно филиал бошланғич касабаси уюшма қўмитаси раиси этиб сайланди. Ваколатлари доирасида ҳамкасбларининг меҳнат шароитлари ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари муҳофазаси билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш чораларини кўрди. Жамоа аҳли унинг бу борадаги фаолиятини юқори баҳолаб, ҳар галги ҳисобот-сайлов йиғилишида унга ишонч билдирди.

Ҳозир Раъно Аҳмедова банк филиалининг Бек-офис қошидаги мониторинг бўлими 1-тоифали мутахассиси. У ўз вазифасини сидқидилдан адо этишдан ташқари, касабакўм раиси сифатида жамоат ишлари билан шуғулланишга ҳам вақт топади.

Ташкилотда 95 нафар ходим меҳнат қилади. Уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга, бўш вақтларини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айталик, бултур ва жорий йилнинг ўтган ойларида жами 13 нафар ишчи-хизматчи ва уларнинг яқин қариндошлари санаторийда дам олдирилди. Худди шу вақт оралиғида 11 нафар ходимнинг фарзандлари оромгоҳларда соғломлаштирилди. Шунингдек, ўтган йили 70 нафар ишчи-хизматчи республикамизнинг диққатга сазовор гўшаларига саёҳатга олиб борилди. Ҳар йили 1 июнда ходимларнинг фарзандлари учун тантанали тадбирлар ўтказиб бериш эса хайрли анъанага айланган.

Ўз-ўзидан аёнки, касабаси уюшмаси томонидан бошқа байрамларни ҳам яхши нишонлаш чоралари кўрилади. Қутлуғ саналар муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари уюштирилиб, фаол ходимлар рағбатлантирилади. Жамоада узоқ йиллар ишлаб, пенсияга чиққан фахрийлар ҳол-аҳволдан тез-тез хабар олинади. Айни чоғда, жамоа



ҲАМКАСБЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАЁТГАН АЁЛ

шартномаси асосида ходимлар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

– Зиммасидаги ҳар бир вази-фага алоҳида масъулият билан ёндашадиган Раъно опа тўғрисидаги ва меҳнатсеварлиги билан ҳам барчага намуна бўлиб келмоқда, – дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмасининг Хоразм вилояти кенгаши раиси Шокир Аллаберганов. – Шунга кўра, ўтган йили «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни қўлга киритди. Қувонарлиси, тизимимиздаги 216 та бошланғич ташкилотнинг барчасига Раъно опага ўхшаш фидойи инсонлар раҳбарлик қилишмоқда. Ўз навбатида, кенгашимиз ҳам бошланғич ташкилотларга мунтазам равишда амалий ёрдам кўрсатмоқда. Бундан кўзлаган асосий мақсадимиз уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, шу тариқа касабаси уюшма аъзолари манфаатдорлигини таъминлашдир.

Мухаббат ТЎРАБОЕВА

«ISHONCH»

Назм

КАМАРБАСТА
УЮШМА

Касаба уюшмаси – энг мўътабар ташкилот,
Ходимлар ғамини ўйлайдиган уюшма.
Ишда ҳам, турмушда ҳам, қўлайдиган,
Ноҳақлик қилинса гар, оқлайдиган уюшма.

Адолатни таъминлаб, ишонччи оқлаб,
Кўнгли бузуқ хотирин чоғлайдиган уюшма.
Соғлиқ йўқотилса, тиклайди у,
Ижтимоий аҳволни ўнглайдиган уюшма.

Ёш авлодни оромгоҳларга жойлар,
Нуронийлар ҳолини сўрайдиган уюшма.
Сихатгоҳга йўллар уларни,
Байрам тадбирларни безайдиган уюшма.

Элу юртининг кучига куч қўшувчи уюшма,
Она Ватан равнақиға камарбаста уюшма.

Абдуҳамид ҚУРБОНОВ

Самарқанд вилояти
Қўшрабат тумани

Тошкент давлат иқтисодиёт университети жамоаси

*Барча касаба уюшма
ходимлари ва аъзоларини*

**11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни
билан самимий муборакбод этади!**



**Ватанимиз тараққиёти,
ишчи-ходимлар манфаати йўлидаги
ишларингизда омад ёр бўлсин!**

Юртимиз мудом обод, элимиз фаровон бўлсин!



ҚАДРИНГИЗ БАЛАНДДИР, АЗИЗ КАСБДОШЛАР!

Меҳнат инсонни улуғловчи энг саодатли йўллардан бири. Жамият пайдо бўлибдики, меҳнат жамоаларида жамоатчилик фикри, ўзаро қўллаб-қувватлаш, меҳр-оқибат ва аҳиллик каби умумбашарий тамойиллар муҳим аҳамият касб этиб келган. Чунки жамоаларнинг асосини инсон омили ташкил этади. Инсонга эса эътибор, эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатмасдан туриб, унинг ички салоҳиятини ва иқтидорини юзага чиқариш мушкул.

Бугунги кунда ушбу меҳнат жамоалари бирлашуви «касаба уюшмаси» дея номланиб, у ишчи-ходимлар фаолияти, малака ошириши, умумий касбий манфаатлари билан боғлиқ бўлган, уларнинг меҳнат муносабатларига оид ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ўзида мужассам этади. Бу фаолият Қонун билан ҳимоя қилинган бўлиб, зарур меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади.

Хусусан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳам касаба уюшма қўмитаси Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши устави асосида фаолият юритади. Қўмита университет билан биргаликда жамоа шартномаси ишлаб чиқади ва бу орқали ишчи-ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, меҳнат муҳофазаси, меҳнатга ҳақ тўлаш, бандликни таъминлаш, соғломлаштириш чора-тадбирларини кўриш каби қатор йўналишларда иш олиб боради.

Бизнинг асосий мақсадимиз касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнати, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий, интеллектуал ҳуқуқ ва ман-

фаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Шу мақсадда Қўмитамиз иш берувчи билан ўз фаолиятини ижтимоий шерикчилик (ҳамкорлик) асосида олиб бормоқда. Шунингдек, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши, Федерациянинг Тошкент шаҳар кенгаши, олий ўқув юртлари касаба уюшма ташкилотлари, театрлар, республикамизда жойлашган санаторий, дам олиш масканлари ҳамда болалар соғломлаштириш оромгоҳлари билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Қўмита томонидан «Инсон қадрини учун» тамойили асосида меҳнат таътили даврида профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг соғлигини тиклаш ва дам олишларини ташкил этиш ишларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

2022-2023 ўқув йили давомида университетимизнинг 63 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи ва ходимларига санаторийларга имтиёзли йўлланмалар берилди. Уларнинг яқин қариндошларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 40 нафари санаторий ва дам олиш масканларига имтиёзли йўлланмалар асосида юборилди. Чунинчи, профессор-ўқитувчи ва ходимлар ҳамда уларнинг яқин қариндошлари республикамиздаги «Зомин», «Оқтош», «Турон», «Хумсон», «Ботаника», «Чинобод», «Умид гулшани», «Бўстон», «Заркент», «Наврўз», «Шафран», «Косонсой», «Чимён», «Омонхона», «Угам» ва «Чорвоқ» каби дам олиш масканлари ва санаторийларда ҳордиқ чиқаришди.

Фарзанд ҳар бир инсон учун азиздир! Уларнинг хурсандчилиги оиланинг қувончи. Шу боис жамоамизда 1 июнь – «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни» ва ёзги таътилда уларнинг

вақтини мазмунли ўтказишга алоҳида аҳамият берамиз. Жумладан, жорий йилнинг июнь-август ойларида «Угам», «Асака», «West camp», «Сокол» болалар соғломлаштириш оромгоҳларига профессор-ўқитувчиларнинг 70 нафар фарзанди учун имтиёзли йўлланмалар берилди.

Албатта, ходимлар учун кўрсатилаётган эътибор бесамар бўлмайди. Университет жамоасининг эришаётган юқори натижалари барчамизни мамнун этмоқда. 20 минг нафар талаба, 900 нафар профессор-ўқитувчи, 70 нафар хорижлик ўқитувчи меҳнат қилаётган таълим даргоҳимиз 2023 йилда QS star халқаро рейтингда фахрли 5 юлдузни қўлга киритди. Бу эса Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ўзбекистондаги 5 юлдузли 3 та олий таълим муассасаларидан бирига айланганди.

Университетимизда 6 та факультет, 33 та кафедра мавжуд бўлиб, жорий йилда уларда 100 дан ошдиқ илмий-тадқиқот ишлари ҳимоя қилинди. Буюк Британия, Австрия, Индонезия ва Россия университетлари билан халқаро қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилган. Профессор-ўқитувчиларимиз навбат билан ҳар ойда Малайзия, Сингапур, Буюк Британия, Россия каби давлатларнинг олий таълим даргоҳлари ва ташкилотларида малака ошириб келишмоқда.

Талабаларимиз учун ҳам барча шароитларни аъло даражада ташкил этишга интиламиз. 2000 ўринга эга талабалар тураржойи мавжуд. Қолаверса, ёшларимиз бўш вақтларида университет қошидаги спорт тўғрақларига, хитой, рус, инглиз, немис, француз тилларини ўқитиш марказларига қатнашади. У ерда тил ўрганиш учун керакли шароитлар яратилган.

Бир сўз билан айтганда, жамоамизнинг ютуқлари жуда кўп. Биз бундан илҳомланиб, келгусида янада фойдали ва керакли лойиҳаларни йўлга қўйишга, ходимларимизнинг шу даргоҳдан миннатдор бўлиб ишлашлари учун янада яхши шароитларни яратишга ҳаракат қиламиз.

Таълим давлатнинг даражасини ўзгартиришга қодир экан, демак, унинг иштирокчилари саломатлиги, меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимояси ҳам аъло даражада бўлиши лозим.

Акбарали АҲМЕДОВ,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Касаба уюшма қўмитаси раиси
иқтисодиёт фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Университетимизда 6 та факультет, 33 та кафедра мавжуд бўлиб, жорий йилда уларда 100 дан ошдиқ илмий-тадқиқот ишлари ҳимоя қилинди. Буюк Британия, Австрия, Индонезия ва Россия университетлари билан халқаро қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилган. Профессор-ўқитувчиларимиз навбат билан ҳар ойда Малайзия, Сингапур, Буюк Британия, Россия каби давлатларнинг олий таълим даргоҳлари ва ташкилотларида малака ошириб келишмоқда.

ЯХШИ ДАМ – МЕХНАТГА ХАМДАМ

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» акциядорлик компанияси жамоаси

*касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларини
ҳамда ушбу халқчил ташкилотнинг миллионлаб
аъзоларини мамлакатимизда кенг нишонланаётган*

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ

билан самимий муборакбод этади!

*Касаба уюшмаларининг
юртимиз равнақи, халқимиз
фаровонлигини оширишдаги
ўрни ва таъсири тобора
юксалиб бормоқда.
Маъкур ташкилот халқ
ичига чуқур кириб боришни,
ишчи-ходимларнинг
ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни,
Ватан тараққиётига
камарбаста бўлишни ўзининг
устувор вазифаси этиб
белгилаб олган.
Халқчил ҳаракат ҳар доим
эътироф этилгусидир.
Қутлуғ айём билан яна бир
бор табриклар эканмиз,
эзгуликка йўнрилган
фаолиятингизда
мудом муваффақиятлар
ёр бўлишини
тилаймиз.*

Байрамингиз муборак бўлсин!

Касаба уюшмалари тарихи музейи икки ёшда

Маданият ва қадриятларни ўзида жам этган маскан

ХОТИРА



Ҳар бир жамият аҳли тараққиёт сари интилар экан, аввало, тарихга назар ташлаши, боқий урф-одатларни, азалий анъаналарни ва қадимий осори-атиқаларни ўрганиши ва сақлаши табиий. Бу борада музейлар жуда муҳим ўрин тутди. Чунки уларда тарихий ва маданий-маърифий ёдгорликлар жамланиб, кўз қорачиғидек асраб-авайланади ва намойиш этилади. Ана шу боис юртимизда миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, бой меросимизни чуқур ўрганиш, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб этишни тўғри йўлга қўйиш чораларини кўриш билан бир қаторда, музейлар фаолиятини ривожлантиришга ва кенгайтиришга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Дарвоқе, «Музейлар тўғрисида»ги қонунга кўра, давлат музейларидан ташқари, нодавлат музейлари ташкил этилиши ҳам ташкилотнинг узоқ тарихи ва пойдевори борлигига асос бўлади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ташаббуси билан «Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейи»нинг ташкил этилиши фикримизнинг яққол далилидир.

Ушбу музей жуда қисқа муддат ичида фаолият бошлади. Шунга қарамай, касаба уюшмаларининг бой тарихини ва ҳозир амалга оши-

рилатган ишлар натижаларини ёритиб бера олади. Музей тўрт бўлимдан иборат. Уларнинг ҳар бирига касаба уюшмалари ҳаётига доир муҳим воқеалар тўғрисидаги маълумотлар, фотосуратлар, видеолавҳалар ва бошқа ашёлар жойлаштирилган.

Музейнинг дастлабки раҳбари – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Эҳтиром нишони» соҳиби Ирисмуҳаммад Абдукаримов нафақат унинг ташкил этилишига, балки фондининг электрон базаси шаклланиши, барча экспонатлар тўпламларга ажратилиши ва инвентарь рақамланишига катта эътибор қаратганди. Шунингдек, хорижлик меҳмонлар ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг малака ошириш институти тингловчиларига музейдаги касаба уюшмалари фаолиятига тааллуқли тарихий маълумотлар, кейинги йилларда ба- жарилган ишлар тўғрисида батафсил сўзлаб беради.



Айни кезларда бу ерда 1880 та экспонат бўлиб, барча буюмлар электрон шаклда рўйхатга олинган, инвентарь рақамланган. Шундан 422 таси музей бўлимларига намойишга қўйилган. 1458 таси захираҳонада сақланмоқда. Улар коллекцияларга ажратилган. Хат-ҳужжат буюмлари 238 тани, кинофотофоно буюмлари 769 тани, этнографик буюмлар 338 тани ташкил қилади. Рўйхатга



олиш жарёнида экспонатлар номи, қисқача тавсифи, сони ва ишланган материали, ўлчами ва ҳолати қайд этилган.

Музейга олдинги йилларда салкам 2000 нафар киши ташриф буюрган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 2598 нафарни ташкил этди. Чунки кейинги вақтларда мазкур масканда юридик фанлар доктори Иркин Умарахунов бошчилигида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, экспозицияларни янгилаб бориш, янги экспонатлар билан бойитиш ва касаба уюшмалари тизимида узоқ йил фаолият юритган фахрийлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Фидойилар меҳнати мангу яшайди» деб аталган экспозиция яратилди. Унда И.Абдукаримовнинг «Мен генерал бўламан» номли китоби, меҳнат фаолиятига доир гувоҳномалар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Эҳтиром нишони», Мудофаа вазирлигининг «Намунали хизмати учун» III даражали медали гувоҳномалари, «Ишонч», «Ватанпарвар» газеталарида чоп этилган мақолалари намойишга қўйилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг июль-сентябрь ойларида музейда хорижлик меҳмонлар, Беларусь Республикасининг Минск шаҳар касаба уюшмалари раиси, Эрон касаба уюшмалари раиси, Халқаро таълим касаба уюш-



малари Европа қўмитаси директори ва бошқа бир қатор фаоллар кутиб олинди. Уларнинг музей фаолияти тўғрисидаги фикрлари фахрий меҳмонлар китобидан ўрин олди.

Сирасини айтганда, музейлар халқлар тарихи, маданияти ва қадриятларини тараннум этувчи маскан ҳисобланади. Ўз навбатида, одамларнинг маънавий дунёсини бойитиш, айниқса, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ҳам музейларнинг ўрни беқиёсдир. Ишончимиз комилки, Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейи ҳам ана шундай эзгу мақсадларда узоқ йиллар юртдошларимизга хизмат қилади.

Муҳайё АҲМЕДОВА,

Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейи жамғармалар сақловчиси

Музейлар – ўтмиш ва келажак орасидаги кўприк.



ҲАМИША ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!

Мутахассисларнинг таъкидлашича, спорт билан дўстлашган ходимларда меҳнат унумдорлиги анча юқори бўлади. Қолаверса, жисмоний тарбия саломатлик учун ниҳоятда муҳим.

Шу боис, бошланғич касаба уюшмаси раислари ўз ташкилотларида тез-тез спорт мусобақаларини ташкиллаштиришга ҳара-

кат қилишади ва бунга ходимлар ҳам хайрихоҳлик билдиришади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишларда айни шу жараёнга кўмаклашишдек эзгу мақсад муҳассам.

Хусусан, Маданият, туризм ва спорт ходимлари касаба уюшмаси кенгаши билан ҳамкорликда спортнинг 3 босқичли волейбол, гандбол ва мини-футбол мусобақалари ташкил этилди. Бунда тармоқ ходимларининг 7800 нафардан ортиғи қатнашди. Шундай спорт тадбирлари Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши, Энергетика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ходимлари билан ҳам ўтказилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси талабалари ўртасида волейбол, стол тенниси ва шахмат-шашка спорт турлари бўйича спартакиада ўтказилди. Ҳамкорликда ташкиллаштирилган оилавий югуриш тадбирларида эса 450 нафар киши қатнашди.

– Кейинги пайтда бошқармаимиз Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгашига қарашли «Локомотив» спорт клуби билан ҳамкорликни тобора мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда, – дейди Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари бошқармаси раҳбари Баҳодир Тожиев. – Жорий йилнинг март ойида Тошкент шаҳрида темирйўл ходимлари ўртасида 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка ва югуриш бўйича спартакиада ташкил этилиб, унда 300 нафардан ортиқ хотин-қиз иштирок этди.

Федерация тасарруфидаги ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмир-

лар спорт мактабини тизимнинг қайноқ юраги десак асло хато қилмаймиз. Бу масканда оғир ва енгил атлетика, юнорум кураши, қиличбозлик, бокс, параканоз ва академик эшиш, байдарка ва каноэда, слоламда эшак эшиш бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. 24 нафар малакали ва тажрибали устоз 435 нафар ёш спортчини тарбиялаб, уларнинг юксак марраларни забт этишига эришиб келмоқда.

Кейинги йилларда Акбар Жўраев, Турсуной Жабборова, Рустам Жангабаев, Ригина Адашбаева, Анвар Клевлеев, Жамила Памфилова, Муҳаммадқодир Тоштемиров, Суҳроб Хўжаев, Шехроз Ҳақимов, Давронжон Давронов, Дилжон Худойбердиев, Алишер Турдиев, Шаҳризода Мавлонова, Нурилом Тўхташнинг ўғли, Луиза Исломова каби кўпгина иқтидорли ёшлар тарбияланмоқдаки, улар нафақат юртимиз, балки халқаро майдонларда ҳам муносиб ўринларни эгаллашмоқда.

– Хитойнинг Ханжоу шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида эшак эшиш йўналишида жами 14 та медаль қўлга киритилган бўлса, уларнинг учдан бир қисми бизнинг шогирдларимиз, яъни касаба уюшмалари спортчилари ҳиссасига тўғри келди. IV парасиё ўйинларида параканоз бўйича мусобақаларда иштирок этган 6 нафар спортчимизнинг барчаси – Азизбек Абдулҳабибов, Ирода Рустамова, Шаҳзода Мамадалиева, Ҳайитмурот Шерқўзиев, Шаҳноза Мирзаева ва Ҳасан Қўлдошевлар ўз йўналишларида рақиблари устидан ғолиб келиб, олтин медаллар шодасини қўлга киритди, – дейди слоламда эшак эшиш йўналиши бўйича тажрибали мураббий Иззатилла Раҳматуллаев. – Умуман олганда, кейинги йилларда спортчиларимизнинг маҳорати анча тоблангани, аҳоли орасида ҳам шуғулланишга қизиқувчилар ошгани сезилмоқда.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, навбатдаги мусобақаларда ҳам ёшларимиз халқимизга янги медалларни тақдим этишга ҳар томонлама қодир.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон
Мабуот ва ахборот
агентлигида
116-рақам билан
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва
«Ishonch-Доверие»
газеталари тахрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(тахрир ҳайъати раиси),

Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари),

Меҳриддин ШУКУРОВ
(Масул котиб – «Ishonch»),

Валентина МАРЦЕНЯК

Бош муҳаррир

Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти –
(71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт –
(71) 256-52-89
Миллий-маънавий
қадриятлар ва спорт –
(71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар
билан ишлаш –
(71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна –
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
фармон ва қарорлари, энг сўнгги
янгиликлар, тақлилий,
танқидий мақолалар,
хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги
муҳбирлар:

Qoraqalpog'iston Respublikasi –
(+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samargand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган
маълумотларда манба сифатида
газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахрирнинг нуқтаси
назаридан фарқланши мумкин.

Навбатчи муҳаррирлар:

Ж.Наҳанов,
А.Ҳайдаров,
З.Рихсиев,
А.Абдурахмонов,
С.Абдурахмонов,
Ф.Мираҳмедов

Мусахҳиллар:

Д.Худойберганаева,
Д.Равшанова

Саҳифаловчи:

Х.Абдуҷалилов

Газета офсет усулида,
А-3 форматда босилди.
Ҳајми 16 босма табоқ.
Бујортма Г-606
16331 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133
1 2 3 4 5 6

Босишга топширилди
2023 йил 8 ноябрь
Баҳриси келишилган нарҳда
Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба
ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Эрудит» МЧЖ босмаюнасида
чоп этилди.
Корхона манзили:
Самарқанд шаҳри,
Спитамен кўчаси, 270-уй.

Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130